

Р.Р. Қайирбекова,
С.В. Тимченко, З.А. Джандосова

ЖАҒОН ТАРИХИ 10

2-қисм

Умумтаълим мактабларининг ижтимоий-гуманитар
йўналишидаги 10-синфи учун дарслик

*Қозоғистон Республикаси Таълим ва фан
министрлиги тасдиқлаган*



Алматы «Мектеп» 2019

УДК 373.167.1
ББК 63.3я72
Қ23

Қайирбекова Р.Р. ва б.

Қ23 **Жаҳон тарихи. Умумтаълим мактабларининг ижтимоий-гуманитар йўналишидаги 10-синфи учун дарслик. 2-қисм / Р.Р. Қайирбекова, С.В. Тимченко, З.А. Джандосова. — Алмати: Мектеп, 2019. — 192 б.**

ISBN 978—601—07—1350—5


Қ $\frac{4306020600-145}{404(05)-19}$ 107(1)–19

УДК 373.167.1
ББК 63.3я72

ISBN 978—601—07—1350—5

- © Қайирбекова Р.Р., Тимченко С.В., Джандосова З.А., 2019
- © Таржимон Азимий Р.А., 2019
- © “Мектеп” нашриёти, бадий безак берган, 2019
Барча ҳуқуқлар ҳимояланган
Нашрнинг мулкӣ ҳуқуқлари
“Мектеп” нашриётига тегишли

III бўлим
Давлат, уруш ва инқилоблар
тарихидан



IV бўлим
Маданий тараққиёт

МУНДАРИЖА



Кириш 6


7-бўлим. ДАВЛАТ, УРУШ ВА ИНҚИЛОБЛАР ТАРИХИДАН

7-боб. Давлатнинг тарихий турлари, шакллари ва сиёсий тартиблар

38—39-§. Давлат тушунчаси. Давлат пайдо бўлишига оид назариялар.....	8
40-§. Давлат шаклларининг эволюцияси: қадимги замондан бугунги кунгача.....	16
41-§. Сиёсий тартиб турлари.....	23

8-боб. Жаҳон тарихининг жараёнига таъсир қилган ҳарбий-сиёсий воқеалар

42—43-§. Антик даврларда ташкил топган дунёдаги империялар.....	30
44-§. Хунларнинг босқинчилик юришлари Ғарбий Рим империяси инқирозининг омили сифатида.....	42
45-§. Араб босқинчилари. Араб халифалигининг ташкил топиши ва парчаланиши.....	47
46—48-§. Евросиё харитасининг ўзгаришига Чингизхон юришларининг таъсири.....	53
49-§. Европанинг ўзгаришига Наполеон юришларининг таъсири.....	76
50—51-§. Жаҳон урушлари ва халқаро муносабатлар тизими.....	82



9-боб. Инқилоблар жамиятда ўзгариш омилларидан бири сифатида

52—53-§. Буржуазия инқилоби — саноатлашган жамият шаклланишининг асосий сабабидир.....	104
54—56-§. Социалистик инқилоблар ижтимоий тенглик ғояларини амалга оширишнинг радикал усули сифатида.....	115
57—58-§. Ҳозирги замон инқилоблари.....	124



10-бўлим. МАДАНИЙ ТАРАҚИЁТ


10-боб. Инсониятнинг маданий меросларини асраш йўллари

- 59-§. Юнесконинг инсониятнинг тарихий-маданий меросларини асраш борасидаги фаолияти138
- 60-§. Музей иши. Музейларнинг дунё аҳлининг тарихий-маданий меросларини ўрганиш ва асрашда тутган ўрни143
- 61-§. Дунёдаги энг катта музейлар148



11-боб. Санъат— жамиятнинг тараққиёт тимсоли

- 62-§. Тарихий жараёнлар контекстида санъатнинг йўналиши ва услуги158
- 63-§. Оммавий маданият ва унинг замонавий жамиятга таъсири166



12-боб. Замонавий жамиятнинг маънавий ва ахлоқий қадриятлари

- 64-§. Умуминсоний маънавий-ахлоқий қадриятларнинг шаклланиши172
- 65-§. Глобаллашув шароитида маънавий-ахлоқий қадриятларни ўзгартириш муаммолари179
- Атамаларлуғати188








БҰЛИМ

**ДАВЛАТ, УРУШ
ВА ИНҚИЛОБЛАР
ТАРИХИДАН**





Н. Макиавелли
(1469—1527)

Давлат ўз тараққиёт даражасига етгандан кейин, тескари йўналиш — регрессияга учрайди. Шу сабабли, тарихда давлатларнинг тараққий топиши ва парчаланиши тез-тез такрорланади. Макиавелли бошқарувнинг 3 та яхши шаклини (монархия, аристократия, демократия — халқ ҳокимияти) ва 3 та суст шаклини (тирания, олигархия ва анархия) алоҳида таъкидлаган. Шунингдек, у иккита замонавий давлат бошқарувининг турларини ажратиб кўрсатган: монархия ва республика. Булар олий ҳукумат институтларини ташкил қилиш йўлларига боғлиқ ҳолда ўзаро фарқ қилади. Ушбу бошқарув шаклларида ташқари яна теократик бошқарув шакли ҳам мавжуд.

Ўддатутинг

Монархия (юнон. Monarchia — ягона ҳукумат) — мамлакатдабарча олий ҳокимият шартли равишда ва амалда бир киши — монарх кўлида тўпланади, ҳукумат ўзгармайди ва меросхўрлик йўли билан авлоддан-авлодгаўтказиладиган давлатшакли.

Республика (лотин. respublica — халқ мулки, ижтимоий мулк) — давлатҳукумат органлари сайлов ва ўзгаришлар асосида шаклланган давлатшакли.

Теократия (юнон. Theos — Худо + kratos — ҳукумат) — давлатраҳбари бир вақтнинг ўзида руҳоний раҳбар ҳисобланадиган давлатбошқаруви шакли. Олий давлатбошқаруви диний институтлар ва диндорлар кўлида бўлади. Бошқарув тизими, муҳим жамоат ишлари, диний қарорлар, қонунлар (диний маълумот) орқали ҳал қилинади.

Давлат пайдо бўлишига оид назариялар. Давлат ҳар бир халқда турли вақтларда турли йўллар орқали шаклланган. Бу эса ҳар хил муаммо ва назарияларнинг пайдо бўлишига таъсир кўрсатган. Давлат пайдо бўлишига оид дастлабки назариялардан бири диний назария ҳисобланади.

Ўддатутинг

Ушбу назарияга кўра давлатнинг пайдо бўлиши фақат Худонинг иродаси билан амалга ошади.

Диншуносларнинг фикрича, давлат Худо амрини амалга оширади, шунинг учун ҳам давлат ҳукумати абадий, барқарор ва унга бўйсуниб табиийдир. Ҳукмдорлар давлатни Худо номидан бошқаради. Шунинг учун уларнинг ҳукмронлиги кучга эга, уларнинг фармон ва қонунлари адолатли. Давлатнинг пайдо бўлиши ҳақидаги назарияни биз қадимги Миср, Бобил, Ҳиндистон ва Хитойнинг адабий ва тарихий-ҳуқуқий ёдгорликларида учратамиз.

Диний назария ўрта асрларда кенг тарқалган, бу даврда черков ҳокимияти дунёвий жамиятдан юқори бўлган. IX-X асрлардан бошлаб жуфт қилич назарияси кенг тарқала бошлайди, бу назария асосида Худо христианликни сақлаш учун черков ва дунёвий жуфт қиличини самодан туширган. Бу иккала қилич ҳам черковга берилган. Черков битта қилични олиб, иккинчисини монархга берган. Шунинг учун у черковга итоат қилиши керак. Бироқ, дунёвий ҳокимият тарафдорлари монарх ўзининг қиличини Худодан олган дея даъво қилишади. Италиялик Ф. Аквинский Ўрта асрлардаги диний назариянинг таниқли файласуфи ҳисобланди.

Фома Аквинский — католик черковининг файласуфи бўлган. Ф. Аквинский Худо оламни яратган, шунинг учун ҳам давлат қудратли куч деган фикрни илгари сурган. Диний файласуф Юнонистонда пайдо бўлган патриархал бошқарув унсурларини теологик назарияга киритган. Инсонлар ўзларининг эҳтиёжларини таъминлай олмайдилар, чунки одамлар бирлашиб, давлатга қўшилиш учун яратилган деган Ф. Аквинский давлат Худо томонидан яратилган деб ҳисоблайди. Мана шу табиий сабабдан сиёсий тузилма — давлат пайдо бўлган. Давлат шаклланиши худонинг оламни яратгани каби, монархнинг қудрати худонинг иш-ҳаракати кабидир.



Фома Аквинский
(1225—1274)

Дунёни бошқаришни амалга оширишдан олдин, Худо унга уюшқоқлик ва бирдамлик тизимини ато қилган. Шунинг учун монарх биринчи навбатда давлат ташкил этган, шакллантирган, кейин эса уни бошқарган. Мана шу сабабли давлат Худо иштирокида, инсоннинг иродасига ва ижодига боғлиқ ҳолда пайдо бўлган. Теологик назарияда давлат шаклланишида Худонинг қудрати ва одамларнинг бирлашган ҳаракати мужассам, деган фикр илгари сурилган. Давлат шаклланишига оид яна бир тамойил — патриархал назария.

Давлат пайдо бўлишида илоҳий назариядан патриархал ҳаракатга ўтиш назариясини қадимги юнон файласуфи Платон тадбиқ этган. Платоннинг фикрига кўра, давлат Олимпиа илоҳиёти даврида пайдо бўлган ва дунёдаги барча давлатларни ажратган. Атика (қадимий Афина ҳудуди) Афина ва Гефестга тегишли бўлса, Атлантика ороли Посейдонга берилган. Афина ва Гефест Атикага ақлли фуқароларни кўчириб, уларга давлатни демократик йўсинда бошқарув ҳақида тушунча берган. Посейдон томонидан ташкил этилган Атлантидадаги давлат меросхўрлик билан бошқариладиган ва қонун билан ўрнатилган подшоҳлик бўлиб ҳисобланди.

Платон «давлат одамларнинг ўз турмуш тарзларини осонлаштириш учун бирлашган табиий заруриятларидан келиб чиққан» деган тамойилда бўлган. У ҳар бир одам ўз заруратини таъминлай олмаганда, ҳар хил талаблар асосида давлат пайдо бўлади деб таъкидлаган. Шу сабабдан, ҳар бир инсон ўз эҳтиёжлари учун бошқа кишиларни ҳам атрофига йиға бошлайди. Муҳтожлик кўрган одамлар бир-бирларига ёрдам бериш учун йиғилиб, бир жойга тўплана бошлайди, мана шундай бирлашишлар натижасида давлат пайдо бўлади. Бу назариянинг кейинги издоши, қадимги юнон файласуфи **Аристотель**: “Барча одамлар табиатан бирлашишга, биргаликда яшашга интилади, улар бирлашиш учун яратилганлиги учун ўзаро алоқалар ўрнатиш ва оила қуришга талпинади. Бир неча оилалар бирлашиб яшаш жойини ташкил қилади. Яшаш жойининг пайдо бўлиши давлат пайдо бўлишига таъсир қилади. Яъни, давлат инсоннинг ижтимоий табиатидан ҳосил бўлади” деган тамойилни илгари сурган.

Эътиборберинг!

Патриархалдық теория бойынша мемлекеттің пайда болуы патриархалдық отбасының тарихи даму нәтижесінде пайда болған. Мемлекеттік билік әке билігінің жалғасы болып саналады деп анықтама береді.

Аристотель инсоннинг табиий ақл-онгини ҳам давлат асоси сифатида алоҳида таъкидлайди. Адолат ва адолатсизлик, яхшилик ва ёмонлик, ҳақиқат ва ёлғон каби, тушунчаларга эга одамлар давлат уюшмасида бирга яшай олади.

Ёддатутинг

Аристотелнинг фикрича, давлат Худонинг амри билан эмас, инсоният жамиятининг тараққиёти натижасида пайдо бўлган.

Қадимги хитой файласуфи Конфуций давлатнинг шаклланишига оид патриархал назария асосчиларидан биридир. У император бошқарувини оила бошлиғи бошқарувига, давлатни эса катта оилага ўхшатади. Унинг фикрига кўра, давлатни бошқариш ишлари оилани бошқариш ишлари каби раҳм-шафқат қоидаларига, каттага ҳурмат кичикка иззат асосида ташкил этилиши керак.

Давлат пайдо бўлишидаги ижтимоий келишув назарияси. Эра-миздан аввалги V—IV асрларда Қадимги Юнонистонда пайдо бўлиб, XVII—XVIII асрларда феодализм инқирози даврида буржуа синфининг манфаати учун қайта янгиланиб, маъноси қайта кўриб чиқилган назария. Унга Т. Гоббс ва Ж. Локклар асос солган.

Томас Гоббс — англиз файласуфи. Давлатгача (табийй) ҳолатни Гоббс «урушдаги каби барчаси бир-бирига қарши» деб тасвирлайди. Умумий ҳукумат ва қонун бўлмаган табийй ҳолатда, ҳар бир киши ҳамма нарсага ҳақли. Табийй ҳуқуқ ва эркинлик мана шундан бошланади. Бундай вазиятларда инсон ақли унга бошқа оламни излаш сари йўл очади. Гоббс тамойилига кўра, бу дастлабки табийй қонун моҳияти. Бинобарин, тинчлик ва хавфсизлик учун ҳар бир инсоннинг табийй ҳуқуқларини чеклайдиган бошқа табийй қонунлар мавжуд. Ушбу табийй қонунлар натижасида одамлар ўзларининг умумманфаатларига қаратилган умумий ҳукмронликдан мустақил давлат бунёд этишга интилади.



Томас Гоббс
(1588—1679)

Жон Локк — англиз файласуфи. У ҳам Гоббс каби одамларни дастлабки табийй ҳолатда қабул қилган. Бироқ, унинг Гоббсдан фарқи шундаки, у вазиятни онгли инсонлар сифатида тақдим этади. Табийй шароитда одамлар табийй эркинлик (ҳаёт, эркинлик, шахсий мулк) билан ажралиб туради. Одамларга таалуқли асосий муаммолар уларнинг ҳаёти, эркинлиги ва мулкини биргаликда ҳимоя қилишдир. Оддий одамлар иродаси билан яратилган давлат фақат табийй муҳитда яшашга имкон беради.



Джон Локк
(1632—1704)

Ёдда тутинг

Жамоат келишув назарияси асосида одамлар ўз ҳуқуқларининг маълум қисмини давлатга топширади, давлатуларнинг хавфсизлиги ва шахсий мулкларини ҳимоя қилиши шарт. Шу боисдан давлат пайдо бўлишига одамларнинг онгли ҳатти-ҳаракатлари сабаб бўлади.

XIX асрда давлат пайдо бўлиши мажбурлаш назариясидан бошланади деган тахминлар тарқала бошлади. Бу Е. Дюринг, Л. Гумплович, К. Каутский асарларида акс эттирилган. Бу назария асосида давлат пайдо бўлишига зўравонлик таъсир кўрсатди деган тамойиллар мужассам топган. Масалан, заиф, ҳимоясиз қабилаларни кучли жамоалашган қабилалар босиб олади. Босиб олинган халқлар ва



К.Е.Дюринг
(1833—1921)

худудларни бошқариш учун мажбурий бошқарув бўлинмалари вужудга келади ва давлат пайдо бўлади.

Эътиборберинг!

Мажбурлаш назариясига кўра, давлатжамиятнинг ички тараққиёти натижасида эмас, унга ташқаридан таъсир кўрсатадиган кучлар натижасида пайдо бўлади.

Давлат пайдо бўлиши ҳақида органик назария XIX асрнинг иккинчи ярмида Г. Спенсер, Р. Ворм асарлари орқали кенг тарқалган. Бу вақтда илм-фан оламига Ч. Дарвиннинг органик назариятда кашф этган эволюцион назарияси кучли таъсир кўрсатган. Органик назария асосида «давлат — тирик организм, ижтимоий эволюция натижаси (эволюцион биологиянинг ўхшашлиги каби)» деган фикр шаклланган. Табиий ҳолатда биологик организмда қобилиятлилар яшайди, шу каби ижтимоий организмдаги кураш ва урушлар жараёнида давлат пайдо бўлади.

Эътиборберинг!

Органик назария асосида давлат ҳар хил биологик эволюциялар билан муносабат қилган ижтимоий эволюция натижаси ҳисобланади.

XIX аср ўрталарида давлат пайдо бўлишига боғлиқ марксистик назария пайдо бўлган. У немис файласуфи Ф. Энгельс асарларида тартибга келтирилган. Ф. Энгельс «Оила пайдо бўлиши ҳамда мулк ва давлат» номли асарида давлат пайдо бўлишига сабаб бўлган эҳтиёжлар ҳақида ёзади. У давлат ҳар доим бўлмаганини, иқтисодий кучлар таъсиридан; меҳнат жамиятининг бўлиниши, шахсий мулкнинг пайдо бўлиши, иқтисодий манфаатларга боғлиқ жамиятнинг турли синфларга бўлинишига қараб, инсоният жамиятининг маълум даврида пайдо бўлганини алоҳида таъкидлайди. Махсус куч кўрсатиш қуроллари ва маҳаллий бошқарув билан шуғулланадиган органлар, ҳукмрон гуруҳнинг манфаатларини таъминлаш, синфлар курашига йўл қўймаслик орқали давлат пайдо бўлади.

Ёддатутинг

Синфлар курашининг пайдо бўлиши давлат ҳаётида устувор кучга эга синф манфаатини ҳимоя қилишга олиб келади.

Давлат пайдо бўлиши ҳақида психологик назария вакиллари Л.И. Петражицкий ва Г. Тард давлат тузилишини инсон психикасининг тузилиши билан боғлайди. Бир томондан, бу бошқа одамларга

хукмдорлик юритиш эҳтиёжи, иккинчи томондан, бўйсунишга тақлид қилишдир. Ҳокимиятга норози, тажовузкор одамлар ҳар доим учрайди. Бу назария вакилларининг фикрига кўра, давлат психологик зиддиятли шахсларнинг ўртоқ бир фикрга келишиши учун умумий асос яратиш керак. Маъсулиятли қарорлар қабул қила оладиган шахслар қуйи табақа фуқароларининг муаммоларини ҳал этишга ёрдам беришлари лозим. Давлат баъзи тажовузкор шахсларни назорат қилиши шарт.



Л.И. Петражицкий
(1867—1931)

Эътиборберинг!

Давлат табиатан психологик бўлиб ҳисобланади, чунки у инсон онгида шаклланган қонуниятларга асосланади.

Билмингизнитекширинг

1. Ҳуқуқий ва ижтимоий давлатга таъриф беринг.
2. Замонавий жамиятдаги мавжуд сиёсий институтлар номларини атаинг ва мазмунини гапириб беринг.
3. Давлат шакли қандай ҳолатларга боғлиқ?
4. Давлат бошқарув шакллари ва уларнинг мазмунини аниқланг.
5. Давлат шаклланишининг асосий назариялари қандай?

Топшириқ

1. Қуйидаги матн билан танишиб чиқинг.

Гоббс Т. Фалсафа асослари. Фуқаролар ҳақида (парча)

V бўлим, 12-§. Кўп табиий шахслар ўзларини ҳимоя қилиш, умумий қўрқувларини енгиш учун ягона шахс таъсир кучи атрофида тўпланади, бу давлат деб аталади.

VI бўлим, 14-§. Давлат фуқаролик қонунчилиқка боғлиқ эмас, чунки фуқаролик қонунчиликлари давлат қонунларидан келиб чиқади. Давлат хоҳиш-иродаси олий ҳокимият томонидан руҳсат берилган ана шу жамият ёки шахснинг хоҳиш-иродасидир.

2. Тушунтиринг. “Давлат келишуви ва жамоат келишувига мос келмайдиган синфлар ўртасидаги келишмовчиликларнинг тасвири ва натижаси” (Ф. Энгельс).

3. Жадвални дафтарга чизиб, уни тўлдиринг.

Назария номи	Муаллифлар	Асосий мазмуни

40-§. ДАВЛАТ ШАКЛЛАРИНИНГ ЭВОЛЮЦИЯСИ: ҚАДИМГИ ЗАМОНДАН БУГУНГИ КУНГАЧА

Ушбу дарсда:

- Давлатнинг асосий шакли: монархия, республика, теократия ва ҳудудий-сиёсий тузилмалар билан танишамиз.

Калит сўзлар:

монархия, республика, президент, импичмент, теократия, унитар давлат, федерация, конфедерация.

Тарихий тараққиёт давомида давлатнинг монархия, республика ва теократия каби шакллари қарор топган.

Монархияда ҳокимият мерос сифатида берилади, монарх жамоат лавозимларини тайинлайди. Монархия қулдорлик тузуми даврида шаклланган ва феодализм даврида ҳукуматнинг асосий тузумига айланган. Буржуазия жамиятида эса монархия урф-одат, анъанага ҳурмат сифатида сақланган. Тарихий тараққиётлар босқичида бошқарувнинг бундай кўриниши сезиларли даражада ўзгаришларга юз тутган.

Ёддатутинг

Монарх қўлидаги бошқарув хусусиятларга кўра монархия уч турга бўлинади: табақалашган — ваколатли, мутлоқ монархия ва конституциявий ёки чекланган монархия.

Табақалашган — ваколатли монархия — монарх бошқаруви ваколатли органлар (аслзода, диний ҳокимият органлари, шаҳар аҳолиси) орқали бошқариладиган, қонуний фаолият таснифларга эга давлат шакли. Табақалашган — ваколатли монархия Ғарбий Европадаги кўп давлатларда табақалар ва табақалашган органлар шаклланиши жараёнларида XIII-XIV асрларда (Англия парламенти, Франция Бош штаби, Испания кортеси, Россия собори) шаклланган.

Мутлоқ монархия — мустақил раҳбар (қирол, подшоҳ, император) ҳеч қандай чекловларсиз, чекланмаган давлат шакли. Монархга барча олий қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тегишли. Чекланмаган ҳокимият даврида марказий ва маҳаллий ҳукумат йирик феодалларга эмас, монарх томонидан тайинлаган ва лавозимидан олувчи мансабдор шахсларга тегишли.

Мутлоқ ҳокимият марказий ҳокимият шакллана бошлаган давлатларда папа тахтининг маънавий нуфузи — Муқаддас Рим империясидан ажралиб чиқиб, мустақилликка эришганда, ўрта асрлар охирида пайдо бўлган. Ушбу давлатларда подшоҳ аста-секин шаҳар ичида, ташкилот ичида, аристократия ва сеньорлар орасида ўз ҳокимиятини шакллантирган. Монарх улардан бирининг табақа имтиёзларини сақлаб, бошқа бирларининг фаолиятларига рухсат бериб, мулк тўплаш имконини яратиб, ўртадаги мувозанатни сақлаган. Шунингдек, кўп ташкилот-

ларнинг мавжуд ҳуқуқлари ва имтиёзлари олиниб, улар ҳукуматга тобе бўла бошлади. Мутлоқ ҳокимият даврида феодал давлатларни марказлаштириш юқори даражага етди, турли соҳаларда бюрократик аппарат шаклланди, маҳаллий армия ва полиция ташкил этилди, табақа органларининг фаолияти қисқартирилди.

Эътиборберинг!

Мутлоқ монархия сиёсатининг энг асосий мақсади — табақа оқсуякларининг имтиёзлари ва ҳукмронликларини сақлаб қолиш ва уни қўллаб-қувватлашдан иборат бўлган. Бунинг учун улар армиядан фойдаланган, уларга офицер лавозими ва юқори ойлик маош тайинлаш орқали ўз мақсадларини амалга оширган.

Ёдда тутинг

Абсолютизм XVI-XVIII асрлар охирида равнақ топган.

Классик абсолютизмнинг маркази Франция ҳисобланади. Ҳозирги кунда классик мутлоқ монархия йўқ. Кўп давлатларда абсолютизмга биржуазия инқилоби натижалари туфайли барҳам берилган. Мутлоқ монархиянинг айрим кўринишлари ҳозирги кунда Саудия Арабистони ва Қатарда, шунингдек, Уммонда сақланган. Европада мутлоқ теократик монархия Ватиканда сақланган.

Конституциявий ёки чекланган монархия — монарх ҳукуматининг конституция ёрдамида чекланганлигини англатувчи бошқарув шакли. Монарх шартли равишда олий ҳукумат эгаси ва суд тизимининг раҳбари ҳисобланади.



Россиядаги Земск собори



А.Тестлен. Кольбер XIV Людовикга илм ва фан академиясининг олимларини таништирмоқда. 1667 й.

У расмий равишда ҳукумат ташкил этади, вазирларни ўзгартиради, ҳарбий ва полиция қўшинларига буйруқ беради, парламент қабул қилган қонунларни бекор қилади ёки кучга киришини тартибга солади; қонунларни ҳимоя қилиш ва парламентни тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга. Амалда бу ваколатлар ҳукумат ихтиёрида бўлади, монарх эса, “подшоҳлик қилади, лекин ҳукмронлик қилмайди”. Ҳукумат парламент таклифига кўра парламент сайловида кўп депутат мандатига эга бўлган сиёсий партияларнинг вакиллари монарх тайинлайди. Ҳукумат раҳбари сифатида парламентда кўп овозга эга бўлган партия раҳбари тайинланади. Ҳукумат ўз фаолияти учун монархнинг олдида эмас, парламент олдида ҳисобот беради.

Монарх давлат раҳбари сифатида фақат миллат рамзи ҳисобланади ва ваколатига кирадиган хизматларни бажаради. У давлат ичида (ўз халқнинг олдида) ва халқаро тадбирларда давлат рамзи сифатида иш юритади.

Дунёда дастлаб конституцион монархия Англияда 1688 йилда Буюк Инқилоб ғалабасидан кейин пайдо бўлган. Ҳозирги замонда конституциявий монархия Буюк Британия, Швеция, Японияда сақланган. Ҳозирги кунда давлатнинг республика шакли кенг тарқалган.

Ёддатутинг

Республика шаклида ижро этувчи органлар президент, парламент ва ярим президент ёки президент-парламент шаклларига бўлинади.

Президент бошқарувидаги республикаларда президент бир вақтнинг ўзида давлат раҳбари ва ижро этувчи ҳокимият раҳбари ҳисобланади. Бу ерда АҚШ классик президент республикасидаги ҳукумат каби давлат ҳокимиятлари бўлмайди, ҳукумат хизмати президент маъмурияти



Қозоғистон Республикасининг Парламент мажлиси

бажаради. Ҳукумат фаолият юритаётган президент бошқарувидаги республикаларда эса, ҳукумат фаолияти президент назорати остида бўлади. Президент ҳукуматнинг сиёсий фаолиятини назорат қилса, бош вазир (премьер-министр) ҳукумат ишини ташкил этиш ишлари билан шуғулланади.

Эътиборберинг!

Президент бошқарувидаги республикаларнинг ўзига хос хусусиятишундаки, президент ва парламент халқ томонидан сайланади.

Парламентдаги партия таркибига қарамасдан, президент ҳукуматни ташкил қилади. Бундай бошқарув шаклидаги бошқарув тақсимотининг ўртасида кучли тизим қарор топади. Президент парламент томонидан қабул қилинган қонунларга вето қўйиш ҳуқуқига эга. У бош қўмондон, ҳарбий ва фавқулодда вазиятларни эълон қилиш ҳуқуқига эга. Президент парламентни тарқата олмайди. Президент конституциявий тузумга қарши ҳаракатлар ёки жиноят содир этганда, унга импичмент эълон қилинади. Ҳозирги кунда АҚШ, Қозоғистон Республикаси, Россия Федерацияси ва ҳ.к. давлатлар президент бошқарувидаги республика ҳисобланади.

Парламент бошқарувидаги республикаларда ҳукумат парламент асосида ташкил топади ва ҳукумат фаолияти давомида парламент назоратида бўлади.

Эътиборберинг!

Парламент бошқарувидаги республикада халқ фақат парламентни сайлайди, президентни эса парламент ёки парламентдагимувақат органлар сайлашади.

Президент давлат раҳбари сифатида фақат ваколатли хизматларни бажаради. У давлатнинг ички ва ташқи сиёсатидаги асосий йўналишларни аниқловчи, халқаро муносабатларда Қозоғистон номидан вакиллик қилувчи мансабдор шахс. Президент шартли равишда кўп ваколатларга эга бўлиши мумкин, фақат бу борада ҳукумат розилиги талаб қилинади. Президент томонидан ишлаб чиқарилган норматив ҳужжатлар фақат ҳукумат розилиги ва тасдиғи орқали юридик кучга эга бўлади. Парламент бошқарувидаги республикада ҳукумат таркибига парламент топшириғи асосида президент парламентда кўп овозга эга партия аъзоларини киритади. Парламент сайловида кўп мандатга эга бўлган сиёсий партия раҳбари ҳукумат раҳбари бўлади. Агар ҳеч бир сиёсий партия парламентда мутлоқ устунликка эга бўла олмаса, унда коалицион ҳукумат ташкил этилади.

Ҳукумат фаолияти қачонки парламентда кўпчилик ишончига сазовор бўлса ҳамда қўллаб-қувватланса самарали бўлиши мумкин. Агар ҳукумат парламент ишончини оқламаса, ҳукумат инқирози бошланади (парламент ҳукуматнинг қонун чиқариш ташаббусини тўхтатади). Бундай инқирозлардан чиқиш учун президент парламентни (агар парламент бир палатали бўлса) ва қўйи палатани (агар икки палатали бўлса) тарқата олади. Президент парламентни тарқатиш билан бирга, янги парламент сайловини тайинлаб, натижада янги сайланган парламент ишончли ҳукуматни ташкил қилади. Ҳозирги кунда парламент бошқарувидаги республикалар қаторига ГФРни киритиш мумкин.

Ярим президент ёки президент-парламент бошқарувидаги республика — бу ҳукуматни ташкил этиш ва унинг фаолиятини назорат қилиш ваколатлари президент ва парламент ўртасида бўлинадиган ҳукумат шаклидир. Президент ҳам, парламент ҳам ҳукуматни ташкил этиш ва унинг фаолият юритишида иштирок этади. Парламентда кўп овозга эга бўлган партия лидери ҳукуматни ташкил қилади, президент уни бош вазир (премьер-министр) лавозимига тайинлаши керак бўлади. Бош вазир таклифи билан президент бошқа вазирларни ҳам тайинлайди. Парламент ҳукуматга ишончсизлик билдириши мумкин, бундай ҳолатларда у истеъфога чиқади. Франция ярим президент бошқарувидаги республика ҳисобланади.

Теократик бошқарув шакли диний иерархияга хос. Тарихда теократик давлатлар ҳақида мисоллар кам эмас: қадим замонларда — Иудея, ўрта асрларда — Омейя ва Аббосийлар халифалиги, янги даврда — Парагвайдаги иезуитлар, Кавказдаги имом Шамиль, шунингдек, 1870 йилда Италия бирлашганга қадар Папа вилояти теократик давлат бўлган. 1951 йилда Тибет ХХР бирлашганга қадар Тибетдаги Далай-лама (ламай диний жамоаси раҳбари) Тибетдаги дунёвий ҳокимиятни ҳам бошқарган. Ватикан айни пайтда диний давлат намунаси сақланган давлат ҳисобланади.

1979 йилда Ислом инқилоби натижасида Эронда диний республика ташкил топган. Шу йили мамлакатда Конституция қабул қи-

линиб, шу даврдан бугунги кунгача диний бошқарув шакли амалга оширилмоқда. Давлат сиёсий ва маънавий раҳбар томонидан бошқарилади, у Оллоҳнинг иродасини ифодалайди деб ҳисобланади. У давлат бошқарувининг учта тармоғига эга бўлганлиги учун, президент кучини чеклаш, Назорат кенгаши билан бирга исломга қарши парламентнинг ҳар қандай қонунини тақиқлаш ҳуқуқига эга. Эроннинг биринчи руҳоний раҳбари оятулла Р. Хоменей бўлган. Парламент Назорат кенгаши томонидан назорат қилинади, кенгашда оятулла лавозимини эгаллаган 12 юқори даражали дин вакили бор. Кенгашни раҳбар бошқаради. Теократик оқим жамият ва фуқароларнинг шахсий ҳаётида диний регламентлар кучайишига хизмат қилади, муҳолиф жамоат ташкилотларининг фаолияти тақиқланади.

Давлат *сиёсий-ҳудудий тузилиш шаклини* ҳам ташкил этади, натижада ҳукумат давлат ҳудудига жойлашиб, давлат ҳокимиятининг марказий ва маҳаллий органлари ўртасида ўзаро муносабатларга таъсир қилади. Давлат ҳар хил дин, ҳар хил тил, ҳар хил маданиятларни ижтимоий ташкилотларининг ва ҳар хил миллатларни бирлаштирганлиги учун, мана шу жамоат ташкилотларининг бирлашиши ва давлат яхлитлиги учун тамойиллар ва иншоатлар талабини аниқлаш эҳтиёжи келиб чиқади.

Унитар тамойилига кўра, давлат ўз мустақиллиги бўлмаган, маъмурий-ҳудудий қисмларга бўлинади. Бундай давлатлар ҳудудида давлатнинг марказий ҳокимият органларига қарам давлат органлари фаолият юритади. Унитар давлатда конституция ва фуқаролик умумий, яъни бошқарув органлари, ҳуқуқ ва суд бир тизимга бўйсунди. Бундай мамлакатлар қаторига Қозоғистон Республикаси, Франция Республикасини киритиш мумкин.

Федерализм тамойили — аввал мустақил бўлган бир неча тузилмаларни (мамлакатлар) бирлаштириб, давлат-федерация иттифоқига бирлашишни хоҳлаган сиёсий шаклни тақдим этади. Федерация таркибига қўшилган тенг ҳуқуқли аъзолар ўз конституцияси, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органларига эга бўлади. Шунингдек, умумий федерал-давлат ҳукумат органлари шаклланиб, ягона фуқаролик ва пул бирлиги бўлади. Олий ҳукумат органлари ўртасидаги ваколат ва хизматлар алоқаси ҳамда федерация ва ҳукуматнинг олий органларини, шунингдек, федерациянинг ҳар бир аъзосини бошқарув шартнома асосида амалга оширилади. Германия, Ҳиндистон, Россия, АҚШ ва ҳ.к. федератив давлатлар ҳисобланади.

Конфедерация тамойиллари — ўрин эгаллаган муаммоларни ҳал қилиш учун мустақил давлатларнинг иттифоқларга бирлашиши. Конфедерация иштирокчилари бўлган давлат уюшмалари ўз мустақиллигини сақлаб қолади, ўз давлат ҳокимияти ва бошқарувига эга бўлади; муайян мақсадларни (ҳарбий, ташқи сиёсат ва бошқалар) мувофиқлатириш учун махсус органлар тузадилар. Марказий ҳукумат

давлат бошқарувига боғлиқ, чунки у мустақил давлатлар томонидан молиялаштирилади. Бундай уюшмалар ҳаётга татбиқ этилади ёки тарқатилади ёхуд федерал бўлади. Масалан, дастлаб конфедерация сифатида ташкил топган АҚШ бора-бора федерацияга айланган.

Билмингизнитекширинг

1. Монархиянинг турларини атаг ва таърифланг.
2. Президент, парламент ва ярим президент бошқарувидаги республикалар ўртасидаги фарқлар нимада?
3. Президент, парламент ва ярим президент бошқарувидаги республикаларда ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ўзаро муносабатлари қандай?
4. Теократик бошқарув шакли нима? Тушунтиринг.
5. Унитар, федератив ва конфедератив давлатлар хусусиятларини атаг.

Топшириқ

1. 1787 йилда қабул қилинган АҚШ Конституциясининг бир қисми билан танишиб чиқинг ва давлат шаклини атаг. Жавобингизни тушунтиринг.

VI модда. Қўшма Штатлар конгрессига йиғилганлар розилигисиз ҳеч бир Штат қандайдир қиролга, шоҳзодага ёки давлатга ҳеч қандай элчи юбормаслиги керак, улардан ҳеч бир элчини қабул қилмаслиги ва улар билан маслаҳатлашиш, битимлар тузиш, иттифоқ ташкил этиш ёки шартлашиш шарт эмас.

Қўшма Штатлар конгрессига йиғилганлар розилигисиз икки ёки ундан кўп Штатлар ўзаро трактатлар ёки иттифоқ туза олмайдилар...

Ҳар бир Штат тинчлик вақтида ҳимояланиши ва манфаати учун ҳарбий кема сақлашга конгресс зарур деб топган вақтдагина ҳақли; Ҳар бир Штат тинчлик даврида конгресс фикрича Штатлар ташқи хавфсизлигини таъминлаган қўрғонлардаги гарнизонларни таъминлаш учун қўшин тўплаш ҳуқуқига эга.

Ҳеч қандай Штат Қўшма Штатлар конгрессига йиғилганлар розилигисиз уруш очиш ҳуқуқига эга эмас.

IX модда. Қўшма Штатлар конгрессига йиғилганлар тўққизта Штат розилигисиз уруш эълон қила олмайди,... трактатлар ва иттифоқлар туза олмайдилар, пул йиғиб уларнинг қийматини белгилай олмайди, Қўшма Штатларни ҳимоя қилиш ва уларнинг умумий манфаатлари учун зарар миқдорини аниқлаш, фойдаланиш учун зарур пул миқдорини белгилаш, ҳарбий кемалар яратиш, ёки сотиб олиш, ёки қуруқликдаги қўшинлар, ёхуд флот учун жангчилар сонини белгилаш ҳамда армия ва флотнинг бош қўмондонини тайинлаш ҳуқуқларига эга эмас...

2. Қуйида келтирилган давлатлардан фойдаланиб, жадвални тўлдиринг: Австрия, Австралия, Аргентина, Арманистон, АҚШ, Белоруссия, Бельгия, Бразилия, Буюк Британия, Ватикан, Вьетнам, Германия, Испания, Италия, Канада, Малазия, Мексика, Нидерландия, Россия, Хитой, Швеция, Эрон, Япония, Қозоғистон, Ҳиндистон.

Давлат бошқарув шакли

Монархия	Республика	Теократия
----------	------------	-----------

Давлат тузилиш шакли

Унитар давлат	Федерация	Конфедерация
---------------	-----------	--------------

41-§. СИЁСИЙ ТАРТИБ ТУРЛАРИ

Ёддатутинг

Сиёсий тартиб — бу сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш усуллари ва услубларини таъминлайдиган услубий тизим. Сиёсий тизим давлат ҳокимияти ва шахс ўртасидаги муносабатларни англатади.

Сиёсий тизим белгилари:

- аҳолининг сиёсий ҳокимиятни шакллантиришдаги иштирокининг даражаси ва бундай тузилманинг ўзига хос ёндашуви;
- инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, фуқароларнинг давлат қонунлари билан ўзаро муносабати;
- инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолати;
- аҳолининг бевосита иштирокида сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш даражаси;
- оммавий ахборот воситаларининг ҳолати, давлат аппарати даражасида аҳолининг хабардорлиги ва ошқоралиги даражаси;
- жамиятнинг сиёсий тузумида нодавлат тузилмаларнинг роли ва ўрни;
- қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқлар ўртасидаги муносабатлар;
- сиёсий ҳокимиятни амалга оширишда устуворликни (ишончли, мажбурий) аниқлаш усуллари;
- жамиятнинг барча соҳаларида қонун устуворлиги;
- жамиятда давлат тузилмаларининг (армия, полиция, давлат хавфсизлиги), сиёсий ва ҳуқуқий мақоми;
- кўп партиялилик, сиёсий плюрализм даражаси;
- мансабдор шахсларни, шу жумладан, энг юқори шахсларни сиёсий ва ҳуқуқий таъқиб қилишнинг муайян механизмларини амалга ошириш.

Сиёсий тузум хусусиятига аҳолининг тарихий анъаналари ва жамиятнинг сиёсий маданияти даражаси муҳим таъсир кўрсатади. Сиёсий диктатор ва ҳукмдор сиёсий элитага халқ ва фуқаролик жамияти институтлари қанча кўп имкон берилса, улар ҳукмронликни шунча кўп эгаллайдилар.

Ушбу дарсда:

- Сиёсий тузум турлари (тоталитар, авторитар, демократик) билан танишамиз.

Калит сўзлар:

сиёсий тартиб, фуқаролик жамияти, шахс, тоталитаризм, авторитаризм, демократия, бошқарувчи элита, сиёсий террор, ваколатли демократия, ғоявий плюрализм.

Ёддатутинг

Сиёсий тузум инсониятнинг эркинлигига, давлатнинг ўзига хослигига ва фуқаролик жамиятига қараб уч турга бўлинади: тоталитар, авторитар ва демократик тузум.

Тоталитар тузум. Тоталитаризм (лотин. *Totalis* — тўлиқ, жами, тўла) — бу сиёсий тартиб, давлатнинг бутун жамиятни ва ҳар бир кишини тўла назорат қилиши ва қатъий тартибга солишидир.

Тоталитаризм бошқарув шакллари тўла қамраб ўз назорати остига олиш шакллари орқали мустабидлик, зулм, ҳарбий диктатура каби бошқа давлат зўравонликларидан фарқ қилади. Давлат бутун жамият ва шахсларни қатъий назорати остига олади.

Барча даражадаги ҳокимият органлари ёпиқ, ягона шахс ёки кичик бошқарувчи элита гуруҳларини ташкил қилади. Ҳукумат томонидан жамоатчилик фикрига тўла мафкуравий назоратлар ўрнатилганда, сиёсий террор ва жазо чоралари такомиллаштирилганда, жамиятдаги барча соҳалар устидан сиёсий ҳукмрон бўла олади.

Тоталитаризм белгилари:

— марказлаштирилган ҳукумат тизими пирамида шакли каби, унга лидер (раҳбар) ёки гуруҳлар ҳукмронлик қилади. Ваколатли гуруҳлар сайловчиларга ҳисобот бермайдиган ўзларининг қонуний, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига эга;

— ҳокимият иерархиясида фақат биргина халқ партияси раҳбарликка эга. Партия сиёсий мақсадларни аниқлайди, муваффақиятга эришиш учун маблағ ажратади, давлат аппарати билан ҳамкорлик қилади ва ишлайди, ходимларни танлайди ва ишга қабул қилади;

— умуммажбурий мафкура, назоратсиз ҳукмдорлик қилиш қонунига асосланган тизим. Тоталитар тузум мафкурасининг қадр-қиммати бутун аҳолини бир мақсад йўлида сафарбар этишни ўз ичига олади;

— оммавий ахборот воситалари ҳукумат назорати остида ва тарғибот воситаси сифатида хизмат қилади;

— шахс эркинлиги ва фуқаролик жамияти бўлмайд;

— иқтисодиёт давлат назоратида бўлади;

— ҳарбий куч ҳукмрон партия ва ҳукумат назорати остида;

— жазо тизими такомиллаштирилган. Тоталитаризмни ташкил этиш билан биргаликда “бошқача ўйлаш” деб номланган оммавий репрессиялар, қувғин-сурғунлар ва жазо билан шуғулланувчи давлатнинг мажбурий машинаси жалб қилинди. Тоталитар тузум асосан фавқулодда вазиятларда шаклланади. Жамиятда чуқур иқтисодий ва сиёсий инқироз, беқарорликни ошириш, дастурли вазифаларни тезкор ҳал этиш зарурати туғилади. Уни амалга ошириш бу муаммоларни ҳал этиш ва аниқ мақсадларга эришиш йўли сифатида кўрилади. Тоталитаризм ривожланиш жараёнида юзага келиши, жуда оғир муаммоларга

дуч келиши, уларни ҳал этишда барча одамлар кучларининг фавқулодда сафарбарлиги пайдо бўлганда юзага келиши мумкин.

Бундай мураккаб ҳолатда фуқаролар миллатни “қутқарувчи” раҳбарларга эргашадилар.

Тоталитаризм XX асрнинг биринчи ярмида бир қатор давлатларда ўрнатилди. Тоталитаризм ҳақидаги дастлабки маълумотлар италиялик фашистларининг раҳбари, биринчи тоталитар тузум яратувчиси Б. Муссолини: “ҳамма нарса давлат учун бўлиши керак, давлатдан ташқари ва унга қарши ҳеч нарса бўлмаслиги керак”, — деди. Замонавий сиёсий тадқиқотларда тоталитар давлатларга фашистлар Италияси, фашистлар Германияси, СССР ва Кенгаш тузumi асосида яратилган Шарқий Европа ва Осиё давлатлари ва Куба киради. Тоталитар тузум икки турга бўлинади: фашистик ва тоталитар социализм.

Авторитар тизим. Авторитар (лотин. *Auctoritas* — ҳокимият, таъсир; *auctor* — асосчи, муаллиф) тизим тоталитар жамиятдан демократик жамиятга ўтиш даврини ўз ичига олади.

Ўддатутинг

Авторитар тизимда жамиятдаги давлат — сиёсий тузулмадаги сиёсий ҳокимият халқнинг озроқ таъсири, маълум шахс (гуруҳ, партия, элита гуруҳ) орқали амалга оширилади. Давлат ва фуқаролар жамияти ўртасидаги муносабатлар, асосан, ишонтириш орқали эмас, мажбурлаш орқали амалга оширилади.

Авторитаризм белгилари:

— марказлаштирилган ҳокимият тузилмаси: бир вақтнинг ўзида давлат ҳокимиятидан ажралиб чиқиб, шу ерда ҳокимиятнинг марказдаги бир гуруҳга ёки ўзаро бирлашган органларга жамланиши;

— раҳбарнинг роли юқори, бироқ тоталитар тузумдаги етакчининг ролдан паст;

— ҳокимиятни бўлиш тамойили ҳисобга олинмайди: ижро этувчи ҳокимият органлари қонун чиқарувчи ва судни ўзига бўйсундириб, уларнинг ваколатларини бирга амалга оширади;

— давлат органлари ва мансабдор шахсларни сайлаш тамойиллари ўзгариб, уларнинг ҳисобдорлиги ва аҳолига давлат томонидан бўйсунуши камаюди ёки умуман бўлмайди. Сайлов тизими шартли кўрсаткич сифатида амалга оширилади. Сайлов натижалари олдиндан аниқланганлиги учун, сиёсий тизим таснифига ҳеч таъсир кўрсатмайди;

— давлатни бошқарувда буйруқбозлик, маъмурий бошқарув усули ҳукмронликга эга, аммо оммавий таъқибларга учрамайди, террор қўлланилмайди;

— Куч тузулмаларини жамият амалда назорат қила олмайди ва сиёсий мақсадлар учун ишлатилиши мумкин;

- мафкуравий ягона бошқарув йўқ;
- сиёсий ҳаракатлар ва ёндошувлар, фикрлар плюрализмида чеклов ва назорат мавжуд;

- алоҳида цензура сақланади;

- жамият ҳаётининг барча соҳалари устидан умумий назорат ўрнатилмайди. Бироқ тизим аниқ сиёсий муҳолифатга, жамият ҳаётидаги муҳим воқеаларга халқнинг амалда иштирок этишига йўл қўймайди. Ҳокимият учун бўлган ҳақиқий сиёсий курашда ҳеч қачон шафқат кўрсатилмайди. Тизимнинг фаол муҳолифлари қотоғонликларга дучор бўлади.

- фуқароларнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликлари билан боғлиқ бир қатор қонунлар амалга оширилади, лекин улар (сиёсий жиҳатдан) чекланган бўлади. Шахс ва ҳокимият ўртасидаги ҳар қандай муносабатларга нисбатан хавфсизликка кафолат йўқ.

Авторитар тизим турларига қуйидагилар киради:

- Ҳарбий тизим (XX асрнинг иккинчи ярмида Лотин Америкаси тизими, XX асрнинг 60-80 йилларида Корея Республикаси тизими);

- фуқаролик диктатураси — бир томонда жамланган ҳокимиятнинг фуқаролик шакли (Шарқий Араб давлатларидаги тизим);

- Теократик тизим (Эронда оятуллоҳ Хомей тизими).

Авторитаризм турли даврда турли мамлакатларда (Форс, Спарта, Хитой, Испания, Чили ва бошқалар) ҳар хил шаклларда бўлган.

Демократия. Аввало, демократия фуқароларнинг бевосита назорати сифатида кўрилиб, монархия ва аристократик бошқарувга нисбатан муҳим аҳамитга эга. Бироқ, қадимги даврда демократия “бошқарувнинг ёмон шакли” ҳисобланган. Бу вақтда ҳукмдорлар (шаҳар-давлатдаги) юнон фуқароларининг паст маданиятини кўриб, “халқ ҳокимияти”ни қўллаб-қувватламай, мамлакатни бошқарадилар. Шу муносабат билан демократия тизими узоқ вақт давомида ўрнатилмаган, кейинчалик унинг ўрнини охлоқратия (вакиллар гуруҳлари) эгаллайди, натижада зўравонликлар авж олади. Бу борада Аристотель демократияни сиёсий тизим сифатида қўллаб-қувватламаган.

Ёддатутинг

Демократия (юнон. demos — халқ + kratos — ҳокимият) — оммавий ташкилотлардаги турли даражадаги халқ ҳукмронлиги, жамиятдаги либерал ҳуқуқ ва шахс эркинлигининг ўзгармас қадриятлари халқнинг сиёсий жараёнларга иштирокини қўллаб-қувватловчи сиёсий тизим.

Демократик тушунчанинг шаклланишидаги янги босқич Буюк француз инқилобидан бошланади. Бу давлат институтларининг пайдо бўлиши, мустақиллик талаблари ва шахсларнинг ижтимоий тенгли-



Афинадаги Халқ йиғилиши

ги, бошқарувчи ва бўйсинувчилар ўртасидаги муносабатларни янги кўринишга мос равишда шакллантириш заруриятидан келиб чиққан. Бироқ, XVIII асрда демократияга салбий муносабатлар ҳали ҳам давом этди. Бу барча фуқароларни миллий давлатлар каби йирик сиёсий тузилмаларни бошқаришда кундалик ва бевосита иштирок этишга чақириладиган идеал демократик моделни амалга оширишнинг мумкин эмаслиги билан боғлиқ. Жамиятнинг динамик ривожланиши туфайли ўсиб бораётган кўпгина ижтимоий манфаатлар бошқарув функцияларини мураккаблаштирди. Натижада демократиянинг халқ ҳокимияти сифатида ўзига хос аҳамияти ҳокимиятни амалга оширишнинг ўзига хос механизмларидан фарқ қилади.

Замонавий демократик жамият тажрибаси демократия пойдеворини қуришга имкон беради:

- Инсоннинг ижтимоий ва сиёсий ҳуқуқларига фуқаролик гарови.
- барча фуқароларнинг давлат ишларида ва давлат бошқарувида иштирок этишига доир тенг ҳуқуқлари. Бу ерда халқ-ҳокимият манбаи ва ўзларининг сайланган вакиллари томонидан бошқарилади, бюрократия, оммавий ахборот воситалари, сиёсий партиялар ва бошқалар орқали ҳокимиятни назорат қилади;
- мунтазам сайлов — ҳокимият органларининг асоси;

- устунлик билан таъминланган аниқ чора-тадбирлардан фойдаланиб, камчилик ҳуқуқини ҳурмат қилиш;
- куч ва бошқарув тизимини ўзгаришининг мутлақ устуворлиги;
- рақобатдош партия тизими, халқ иродасини ифодаловчи ва ҳукуматга таъсирни шакллантирадиган асосий механизм;
- муҳим сиёсий қарорлар устидан жамоатчилик назорати;
- мафкуравий плюрализм ва рақобат фикри. Бугунги кунда, дунёда демократик сиёсий тизим ваколатли демократия (қонун чиқарувчи ёки ҳукуматнинг ижро этувчи органларига сайланган ўз вакилларининг қабул қиладиган қарорига фуқароларни билвосита иштирок эттириш учун даъват этади) имкониятларидан фойдаланиб қурилади ёки оралик тузилмалар (партиялар, ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар) орқали қурилади. Ушбу механизмлар демократик бошқарув тузилмасини шакллантиради. Демократия қуйидаги ҳолларда қулай бўлади:
 - жамият иқтисодий ривожланишининг юқори даражасига етганида;
 - фуқаролик жамиятнинг асосий шартлари шаклланишида;
 - жамият бошқа фикрлар ва нуқтаи назарларга нисбатан кўпроқ толерант муносабат шакллантириб, сиёсий маданиятнинг муайян даражасини ўрганганда.

Эътиборберинг!

Аҳолининг ҳокимиятга ўз ҳуқуқларини қандай амалга оширганлигига боғлиқ, демократиянинг учта асосий пойдевори яратилади.

Тўғридан-тўғри демократия — халқ Кенгаши орқали бевосита қарор қабул қилади ва уни амалга оширишни назорат қилади. Ушбу демократия шакли биринчи шаклга хосдир. Қадимги Юнонистонда, Қадимги Римда, Ўрта асрларда Новгородда ва Флоренцияда ишлатилган.

Қиёсий демократия — халқ маълум вазиятлардагина қарор қабул қилади, масалан, референдум ўтказиш давомида муайян масалалар бўйича.

Ваколатли демократия — Одамлар ўз вакилларини сайлайди ва улар миллат ёки бошқа ҳокимиятни бошқаради. Бугунги кунда бу каби демократия халқ орасида кенг тарқалган.

Билмингизнитекширинг

1. Сиёсий тизим нима?
2. Сиёсий тизим белгиларини атанг.
3. Тоталитаризм аломатларини тушунтиринг.
4. Сиёсий авторитар тизим деганимиз нима?
5. Бошқарувнинг демократик шакли ҳақида гапиринг.

Топшириқ

Сиёсий тизимни қуйидаги белгилар асосида таққослаб, жадвални тўлдиринг

Белгилар	Тоталитаризм	Авторитаризм	Демократия
Инсоннинг эркинликлар ва ҳуқуқларга эга бўлиши ва унга доир кафолатлар			
Бошқарув ва давлат ҳокимиятини ташкил этиш тамойиллари			
Мафкура			
Партия тизими			
Мухолифатнинг мавжудлиги			
Сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш усуллари			



ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ЖАРАЁНИГА ТАЪСИР ҚИЛГАН ҲАРБИЙ-СИЁСИЙ ВОҚЕАЛАР

42—43-§. АНТИК ДАВРЛАРДА ТАШКИЛ ТОПГАН ДУНЁДАГИ ИМПЕРИЯЛАР

Ушбу дарсда:

- Форс империяси;
- Александр Македонский империяси;
- Рим империяси ҳақида ўқиб ўрганамиз.

Калит сўзлар:


Босиб олиш юришлари, урушлар, империя, ислохотлар, сатрапилар, дарик, шарқий деспотизм, Эллиниттифоқи, экспанция, дунё салтанати, провинция

Империя император ҳукмдорлигидаги кучли ва йирик мамлакатдир. Империя ижтимоий давлат тизимининг шакли сифатида ўз ҳудуди, иқтисодиёти ва географик шартлари, этник таркиби ва маданий анъаналари ҳар хил бўлган халқларни бирлаштиради. Ўз таркибига иқтисодий ҳар хил ва хилма-хил маданиятларга эга халқларни бирлаштирган империялар мустақкам тузилма ҳисобланмайди. Империя таркибидаги халқларнинг турли хил фарқларга эга бўлиши улар ўртасида ўзаро мунозаралар пайдо бўлишига олиб келади, ички низолар ва урушлар рўй беришига сабаб бўлади. Империя катта бўлгани учун у беқарор бўлиб қолади ва уни парчалаб, ағдарувчи кучлар ҳам кўпаяди. Империяларни шакллантирувчи куч заифлашган пайтда, у ҳам яшашдан тўхтаб, парчаланиб кетади. Империя кучли бўлиши учун императорлар аҳолининг урф-одатлари ва қонунларини ҳурмат қилмоғи лозим бўлади, уларга ўзларини-ўзлари бошқариш ҳуқуқлари

берилиб, фақат солиқлар йиғиш йўлга қўйилса, савдо алоқаларини юритиб, тинчликни қўллаб-қувватлаши лозим. Одатда парчаланган империя ўрнига иккинчиси пайдо бўлади. Империя тарихи кўрсатгандай, уларнинг пайдо бўлишига бир халқ сабаб бўлади, улар ўзларининг манфаатлари учун бошқа халқларни босиб олади ва уларнинг розилиги муҳим эмас. Қадимги антик даврда — Форс империяси, Александр Македонский ва Рим империяси каби кучли державалар бўлган. Бу бир ҳукмдорнинг чекланмаган ҳукмдорлигидаги империялар бўлган. Бундай империяларнинг барчаси ҳарбий экспансия ва ҳудудларни босиб олиш натижасида вужудга келган.

А. Форс империяси

Эрамиздан аввалги II-I мингйилликлар даврида Эроннинг шимолида мидян қабилалари, жанубида эса форслар жойлашади. Эрамиздан аввалги VI асргача форслар Ассирия ва Мидияга қарам бўлган. Эрамиздан аввалги 558 йилларда Кир II форслар подшоҳи бўлиб сайланади, у Ахамонийлар сулоласининг асосчидир. Форслар мидияликларнинг ҳукуматига қарши чиқиб, мидия подшоҳи Астиагга қарши уруш эълон қилади, бундай тўқнашувлар натижасида Мидия парчаланadi ва форслар тўлиқ ғалаба қозонади. Кир Мидия давлатини Форсларга қўшиб олади.



II Кир

Мидияни босиб олган Кир бу иши билан тамоман тўхтаб қолмайди, эрамиздан аввалги 547-546 йиллар оралиғида Арманистон ва Каппадокияни, Лидияни босиб олади. Эрамиздан аввалги 538 йилларда эса Кир Бобил давлатини босиб олиб, уни Форслар таркибига қўшиб олади.

Бобилни қўлга киритган Кир ғарбга чуқур кириб боради ва сафарини давом эттиради. Форс подшоҳи бу каби юришларни тинч усулда олиб боради. Кир Қуддус (Иеруссалим)ни қайта тиклайди, ҳибсдаги бобиллик иудейларга ватанига қайтиш учун имкон беради ва Финикиядаги шаҳарларни қайта тиклашга ёрдам беради. Кир ўз олдида Фаластин ва Финикиядаги кичик давлатлар билан дўстона муносабатлар ўрнатган ҳолда Форс подшоҳлигини босиб олишни мақсад қилиб қўяди.

Ёддатутинг

Босқинчилик натижасида эрамиздан аввалги VI аср охирларида жуда йирик форс империяси пайдо бўлади, у Ҳинд дарёсидан бошланиб, шарқда Миср, ғарбда Эгей денгизигача чўзилади.

Эрамиздан аввалги 529 йилда Каспий даштларида массагетлар билан жангда Кир вафот этади. Кирнинг сиёсатини унинг ўғли Камбиз давом эттиради. Кир босиб олган, бироқ форслар билан муносабатлари йўқ баъзи давлатлар, ҳукмдорнинг вафот этганидан фойдаланиб, ажралиб чиқади. Уларни қайта босиб олиш учун Камбиз ҳар хил ҳаракатлардан фойдаланиб, кўп куч сарфлайди.

Камбиз ҳокимиятни кучайтиргандан сўнг, босқинчилик сиёсатини давом эттириб, эрамиздан аввалги 526 йилда Мисрга қарши юришга отланади, эрамиздан аввалги 525 йилда ушбу мамлакатни босиб олади. Камбиз Карфаген, Эфиопия каби Африкадаги бир неча давлатларни эгаллашга ҳаракат қилади. Бироқ, унинг бу режалари амалга ошмайди. Камбиз ҳукмронлик қилган сўнгги йилларда мамлакатда йирик намойишлар ва низолар авж олади, у бутун Форс подшоҳлигига салбий

таъсир кўрсатади. Эрамиздан аввалги 523 йилда Камбиз вафот этгандан кейин, империя таркибидаги кўп ҳудудларда форсларга қарши инқилоблар бўлди.

Форс подшоҳлигининг Доро I (эрамиздан аввалги 521—486 йилларда) подшоҳ бўлган даврда юксак чўққига эришади.

Эътиборберинг!

Доро Форс давлатини ҳар хил ҳудудлар — сатрапиларга бўлади, уларга ҳукмдор сатрап (форсча “хшатрапаван— давлатнисақловчи”) ҳукмронлик қилади, ҳар бир ҳудудларга подшоҳ хазинасини тўлдириш мақсадида маълум миқдорда солиқлар солинади ва давлатучун бутун олтин тангалардариқ-8,4 грамм олтин жорий этилиб, пул ислохотларини олиб боради.

Доро давлатнинг асосий марказларини йўллар билан, мукаммал алоқа тизимлари билан таъминлади, армия ва ҳарбий ишни қайта тиклади. Доро I ислохоти ва кейинги ҳукмдорлар ҳаракати натижасида Форс подшоҳлиги империя таркибига кирувчи халқлар ютуқларидан ташкил топган янги имкониятларга эга бўлди.

Ислохотлар натижасида мураккаб бюрократик бошқарув тизимга эга давлат маркази шаклланса ҳам, Форс давлатида ҳали ҳам қабила иттифоқларининг айрим хусусиятлари сақланган эди. Подшоҳ ягона етакчи давлатни бошқарса ҳам, қабилалардаги нуфузли оқсуяклар таъсирида бўлди.

Вақт ўтиб, қабилалар иттифоқи классик қадимги шарқий деспотизм намунасини қабул қилди, унинг баъзи унсурлари мисрликлар ва бобилликлардан ўтди. Бошқарувнинг деярли барча тизими очиқ бюрократик сифатга эга бўлди, мансабдор шахслар сони ошди. Саройлар ва барча идораларда бюрократия қарор топди. Барча фармонлар махсус протокол ва кундаликларга ёзилган бўлиб, ёзувлар оромий тилида юритилди, кейинчалик бу тил умумдават тилига айланди. Марказлаштирилган ҳокимият кучининг ошиши юқори давлат назорати (“подшоҳ манбаи”) фаолиятини жорий этиш заруриятини вужудга келтирди. У подшоҳ фармони бўйича алоҳида ҳудудларда жавобгар назорат хизматини бажарди.

Марказ ҳокимиятининг мустақамланиши суд ҳокимиятининг подшоҳ ва ўзига хос мавқеага эга “шоҳ судлари” қўл остида бўлишига таъсир кўрсатди. Уларни бу лавозимга подшоҳ умрбодликка тайинлади, улар фақат жинойт содир қилса ёки пора олса лавозимидан олинди. “Подшоҳ суди” лавозими баъзан мерос сифатида авлоддан авлодга ўтди.

Давлатнинг бирдамлигини сақлаш, чегараларни қўриқлаш ва империя ичида рўй берадиган намоёнларни бостириш учун ташкил этилган армия ва ҳарбий ҳаракатларга эҳтиёж бор эди. Тинчлик даврда доимий армия сафини форслар ва мидияликлар ташкил этган, улар армиянинг асоси бўлган. Бу доимий армиянинг энг олдинги қаторларини подшоҳ қўшинлари эгаллаган, улар яйдоқ отли оқсуяклардан ва ўн

минг “ажалсиз” пиёда қўшинлардан ташкил топган. Подшоҳ саройи минглаб шахсий қўриқчилар томонидан ҳимоя қилинган. Уруш пайтида мамлакатнинг турли бурчакларидан катта қўшинлар армияга сафарбар қилинган, баъзи ҳудудлар ҳақиқий аскарларни етиштиришга мажбур бўлдилар.

Ёддатутинг

Доро подшоҳнинг аскарларни қайта йиғиш ва ҳарбий реконструкция қилиш ишлари Форс империясининг кучли империяга айланишига таъсир кўрсатди.

Ушбу ўзгаришлардан кейин Форс подшоҳлиги босқинчилик урушларини қайта давом эттирди. Улар Эроннинг шимолий-ғарбинини, Эгей денгизига қарашли ҳудудлар ва ороллари босиб олади-да, Шимолий Қора денгиз атрофида яшовчи скифларга қарши босқинчилик юришларини давом эттиради, лекин мағлубиятга учрайди. Эрамиздан аввалги VI аср охирида форс салтанати чегара ҳудудлари қадимги юнон даврида эгалланган ҳудуднинг ҳажми билан тенглашади. Ушбу ҳудудлардан кўпчилигини Доро босиб олган, баъзиларини эса аҳолининг ихтиёрига кўра қўшиб олган эди. Бироқ, дунё ҳокимияти учун бўлган бу курашлар Форсларга кучли таҳдид солди. Юнонлар бирлашиб, форс босқинчиларига қарши курашга ўтди. Қадимги шарқий деспотизм, антик жамият билан юнонлар давлати олдида заифлашди.

Билмингизнитекширинг

1. Империя тушунчасини таърифлаб беринг.
2. Форс давлати ташкил топган даврга оид тушунча беринг.
3. Кир II ва Камбизнинг ташқи сиёсати ҳақида гапириб беринг.
4. Доро I нинг ислохотларини тавсифланг ва унинг мазмуни ҳақида гапиринг.

Топшириқ

Қуйидаги матн билан танишиб чиқинг ва Доро I нинг молияга доир сиёсати ҳақида қандай қарорга келиш мумкин:

Геродот. Тарих

... Доро пул қуйиш учун тоза олтинни кўпроқ эритишга буйруқ берди. Миср сатрапи Ариад ҳам худди шундай кумуш пул ишлаб чиқара бошлади... Доро буни билиб сатрапни ўлдиришга буйруқ берди. Унга қўзғолон уюштирмақчи деган айб қўйиб, фикрини амалга оширди.

Б. Александр Македонский империяси

Эрамиздан аввалги 359 йилда Филипп II Македониянинг олий ҳуқумдори бўлиб тайинланди. Оқсуякларнинг сиёсий таъсирни камайтириб, македон армиясини қайта йиғди, ўзлигидан ҳаракат қилувчи

қуролли куч турлари — пиёда ва отли армияни, турли тузилмаларни бирлаштирди.

Филипп ўз бошқарувини қурол кучи ҳамда сотиб олиш орқали ва дипломатик йўллар билан кенгайтира бошлади, Македония аста-секин Болқон ярим оролидаги қудратли давлатга айланди. Филипп юнон мамлакатларини ўзига бўйсундира бошлади. Эрамиздан аввалги 338 йилда Херонея шаҳар атрофида бўлган македон ва юнонлар ўртасидаги жангда юнонлар мағлубиятга учради. Эрамиздан аввалги 337 йилда юнон шаҳарлари вакилларини йиғиб Коринф конгрессида Филипп II етакчилигида Эллин иттифоқи ташкил топади, улар Форс подшоҳлигини босиб олишни ўз олдиларига асосий мақсад қилиб қўядилар.

Коринфдан Македонияга қайтган Филипп Форсларга қарши босқинчилик юришларига тайёргарлик кўра бошлайди. Бироқ, эрамиздан аввалги 336 йилда у тасодифан вафот этади. Тахтни унинг ўғли Александр эгаллайди, у Македонияга ҳукмронлик қилиб, бутун Юнонистонда Македония назоратини ўрнатди, Эллин иттифоқининг раҳбари ва Форсларга қарши босқинчилик курашларининг қўлбошчисига айланди.

Эрамиздан аввалги 334 йилнинг баҳорида Александр Шарққа қараб юришни бошлайди. У 20 кунда Геллеспонтга етиб бориб, уни 160 та кема билан кесиб ўтади. Форсларнинг қўшинлари Александр лашкарларидан ҳам кўп бўлади. Форс подшоҳи хизматида фақат юнонлардан ташкил топган ёлланма 40 мингта аскар бор эди, Форс подшоҳлиги таркибидаги ўз аскарларининг сони эса чексиз кўп эди.

Эрамиздан аввалги 334 йилнинг май-июнь ойларида юнон ёлланма аскарлари ва 20 минг отлик аскардан иборат форс қўшинлари Граник дарёсидаги тўғри қирғоққа жойлашади. Кун ботганда юнон-македон қўшинлари дарёнинг шимолидаги қирғоққа етиб боради. Форс отлик аскарлари дарё қирғоқларида ҳужумга қулай масофада, бир қатор бўлиб жойлашади. Македония пиёда аскарларнинг олдинги сафи дарёни кесиб ўтганда, форсларнинг отлик аскарлари уларга қарши жиддий ҳужум уюштиради. Македония отлик аскарлари дарёдан кечиб ўтиб, форсларга чекка қанотдан ҳужум қилгунича бу ҳаракат бир неча марта такрорланади. Узоқ вақтга чўзилган қонли жанг бошланади. Форс отлик қўшинлари учун қўшимча ёрдам йўқ эди, уларнинг армияси таркибида юнонларга қарши бирга курашаётган юнонлар жанг пайтида форсларни ташлаб қарама-қарши томонга ўтиб кетади, шундай қилиб, бу курашда Александр ғалаба қозонади. Ушбу ғалабадан кейин Кичик Осиё ҳудудлари осонгина қўлга киритилади, кўп ҳудудлар юнонлар раҳнамосини ўзларининг халоскори сифатида кутиб олади.

Эрамиздан аввалги 333 йилда Александр Сурияни босиб олишга отланади. Ғарбий Осиёнинг тақдири шу ойнинг ноябрь ойида Иссе атрофида ўтган урушда ҳал бўлади. Жанг қизгин тус олган бир пайтда Александр озина отлик аскарлари билан майдон марказидаги форс шоҳига қарши йўл олади. Доро III орқага қочади. Унинг орқасидан форс оқсуяклари ҳам қочади. Раҳбарлар қочиб кетаётганини кўрган

лашкарлар орасида ваҳима бошланади. Александр ғалаба қозонади. 332 йилнинг август ойида Тир парчаланеди. Қолган Финикия шаҳарлари Александр ҳокимиятини тан олади ва унга бўйсунеди.

Доро Александрга тинчлик шартномасини тузиш учун элчилар юборади, унга Ефрат чегарасигача бўлган бутун Осиё бошқарувини таклиф қилади. Ҳарбий кенгашда Александрнинг кўп аскарлари Доронинг таклифини қабул қилиш кераклигини билдиради. Улар Македон подшоҳлиги бошқарувида бўлган ҳудулар орқали кенгайишни ўзлари учун хавfli деб ҳисоблайди. Бироқ подшоҳ бу таклифни қабул қилмайди. У Мисрни ҳеч қандай жангларсиз босиб олади. Мисрдан кейин Александр армияси билан Месопотамияга томон йўл олади.

Доро III ўз аҳолисидан кўп жангчи йиғади. Александр аскарларининг Мисрдан чиққанини эшитгач, ўзининг отлиқ аскари ва уруш арваларини қулай ерларга жойлаштириб, душманларини кутади. Бу Тигр дарёси бўйидаги Гавгамелга яқин ердаги кенг ҳудуд эди. Эрамиздан аввалги 331 йилнинг 1 октябрида Гавгамель атрофида уруш бошланади.

Форс аскарларининг сони юнон-македон аскарларидан икки ҳисса кўп бўлса ҳам, уларнинг сифати ва тартиби Александр аскарларидан паст эди. Доронинг умиди оқланмайди. Македон камончилари арава ҳайдовчиларни узок масофадан отиб, сафдан чиқиб, баъзан ҳимояланиб, уларни аравадан ағдариб ташлайди. Фақат баъзи арваларгина рақиб аскарларга ета олади, бироқ, аскарлар улар яқинлашганда йўлларни кенг очиб, ўтказиб юборишади, арвалар аскарларга тегмаганлиги сабабли, катта зарар кўрмайди. Юнон-македон аскарлари жанг марказига қўйилади; ўнг қанотга Александрнинг ўзи бошқарадиган отлиқ аскар жойлашади, чап қанотни эса Парменион бошчилигидаги фесаллин жангчилари эгаллайди. Александр, шунингдек, керак бўлганда фойдаланиш учун қўшимча жангчилар кучини ҳам олиб юради. Македонликларнинг асосий ҳимоясини парчалаш учун юнон ёлланма аскарлари билан озгина форс пиёда аскарлари, ҳамда отлиқ аскар гуруҳи қарши қўйилди. Ҳимоя ташқарисида отлиқ аскарлар жойлашади.

Форсларнинг отлиқ қўшинлари асосий қанотни айланиб ўтиб, македон отлиқ аскарларининг орқасидан ҳужум қилмоқчи бўлганда, бу ерга Александр аскарларининг қўшимча кучлари етиб келади. Уруш вақтида форсларнинг отлиқ аскарлари жойлашган марказий ва чап қанот ўртасидаги мудофаа линиялари очиқ қолади. Шу пайтда Александр ўзининг отлиқ аскарлари билан бирга форсларнинг чап қанотини иккига бўлиб, уларга кучли зарба беради. Парменион раҳбарлигидаги чап қанотнинг қамал ичида қолиш ҳавфи туғилганда, Александр душман томоннинг сиртидан ўнг қанотига зарба беради. Форслар қоча бошлайди, уларнинг орқасидан македонликлар қувиб боради. Яна бир марта мағлубиятга учраган Доро Мидияга қочади.

Гавгамелдаги ғалаба бутун Форс подшоҳлиги мағлубиятга учраганлигини англатади. Форслар аскари бутунлай парчаланиб, тиз чўкади. Ҳокимиятидан айрилган Дорони қўл остидаги оқсуяклар ўлдиради.



Гавгамелдаги жанг

Гавгамелдаги жанг ва Доронинг вафоти Александрга қаттиқ таъсир кўрсатиб, унинг ҳаракатларини ўзгартиради. Энди у ўзини Дороти сифатида эълон қилади. Александр бошига подшоҳ тожини кияди ва фармонларида Форс Аҳамонийлар сулоласига хос белгилардан фойдалана бошлайди. Шарқ ҳаётига кўниккан Александр атрофига шарқ оқсуякларни йиғиб, уларга совғалар тақдим этади, алоҳида ҳурмат кўрсатади. Кейинчалик у саройда шарқона урф-одатларни жорий этиб, ўзининг етакчиларидан уни бажаришни талаб қилади. Подшоҳ олдида ерга ётган ҳолда таъзим кўрсатиш, унинг ерга судралган кийимини ўпиб, ҳурмат кўрсатиш, уни ердаги Худо каби кўриш — бу каби одатларнинг барчаси олдиндан сафарларда бирга келаётган шерикларига ёқмаганлиги туфайли норозиликлар бошланади.

Эътиборберинг!

Дастлаб босқинчилик бошланганда Александрнинг қўмондонлари босқинчиликнинг асосий мақсади “варварларни илотларга айлантириш” эканлигини билдирди, энди Александр устози Аристотель айтган “туғилганидан қул” мана шу варварлар ғолибнинг саройида муҳим аҳамиятга эга бўла бошлайди, македонияликларнинг эса ёш подшоҳга таъсири борган сари камайди.

Юнон-македон аскарлари босқинчилик ишларини давом эттиради. Александр ўз қўшинлари билан бирга Сирдарё атрофига келади. Ҳозирги Хўжанд ҳудудида Александр буйруғи билан 22 минг тоғли аҳоли ўлим жазосига маҳкум этилади, улар провиант йиғишга чиққан бир неча македонларни тоғ йўлида ушлаб олгани учун айбдорга айланади. Александрнинг маҳаллий аҳолига нисбатан қаттиққўл сиёсати халқ ўртасида норозиликларни вужудга келтириб, сўғд қабиласига

мансуб оқсуяк Спитамен унга қарши қўзғолон бошлайди. Шу тариқа Александр Марказий Осиёда жуда қаттиқ қаршиликка дуч келади. Эрамиздан аввалги 328 йилда Спитамен вафот этгандан кейин, Александр ўз сиёсатини ўзгартиради. Энди у Мисрда қўлланган усулидан фойдаланиб, маҳаллий халқнинг урф-одати ва анъаналарини ҳурмат қилган ҳолда оқсуякларга хушомад кўрсата бошлайди. Шунингдек, Александрнинг атрофидаги македонияликлар ўртасида унга қаршилар сафи кўпая бошлайди.

327 йилда Марказий Осиёни бўйсундиргандан кейин, юнон-македон аскарлари Ҳиндиқуш ороли орқали шимолий Ҳиндистонга (Ҳинд дарёси соҳилига) қараб йўл олади. Александрнинг аскарлари худди олдингидек куч кўрсата олмайди, ҳиндлар эса ўз ерлари учун фидо-корона курашади. Шунингдек, Александр аскарлари Ҳиндистонда тропик ёмғирга дуч келади ва безгак касалига чалинади. Бунгача фақат қўмондонлар ўртасида бўлган норозиликлар аста-секин аскарлар ўртасига ҳам тарқала бошлайди. Ҳинд дарёси соҳилларини эгаллаган Александр Ганга дарёси соҳили орқали Форс салтанати чегараларидан ташқари ерлар орқали олдинга томон юришга қарор қилади, бироқ қўшинлар унинг буйруғини бажаришдан бош тортади. Эрамиздан аввалги 324 йилда Александр чўл орқали катта қийинчиликлар билан Бобилга етиб боради.

Юнон-македон босқинчилик юришлари натижасида Болқон ярим оролидан Ҳинд дарёсигача бўлган ерларни қамраб олган йирик салтанат қарор топади. Империя пойтахти дея эълон қилинган Бобилда Александр янги юришга тайёргарлик бошлайди, мана шу мақсадда Тигрда катта флот йиғади. Бироқ, қизгин тайёргарлик пайтида у безгак касаллигининг оғир тури билан хасталаниб, эрамиздан аввалги 323 йилда оламдан ўтади.

Билмингизнитекширинг

1. Коринф конгрессининг қарори қандай аҳамиятга эга?
2. Граник ва Иссе атрофида бўлган жанглар ҳақида гапиринг ва уларнинг аҳамиятини кўрсатинг.
3. Гавгамела атрофида бўлган жанг натижалари қандай?
4. Форс салтанати босиб олингандан кейин Александрнинг ҳаракатлари қандай ўзгаради?

Топшириқ

Матн билан танишиб чиқинг ва Александр Македонский шахсига тавсиф беринг.

Плутарх. Александр

...Александр болалик давридаёқ, унинг донишмандлик хусусиятлари намоён бўлган: бу унинг келгусидаги довжурак ва жозибали хусусиятларидан далолат эди. У жисмоний кучни ривожлантиришга эътибор беради; ҳақиқатни севиши орқали у эрта улғаяди, ёшлигидан босиқ ва мулоҳазали бўлди. У куч сарф қилинадиган

барча ҳаракатларни яхши кўрмайди ва уларни ҳар қандай ерлардан изламайди; шу жиҳатлари орқали у Филиппдан фарқ қилади, сўфиларнинг айтишича, у ўзининг моҳирлиги билан фахрланади ва Олимпиадада голиблик ато қилган ўзининг ҳарбий аравалари мавқеини ошириш учун уларни тангаларда тасвирлайди. Александр тез юрганлиги учун ундан атрофидагилар: Олимпиадада иштирок этишни сўрайди, у: “ҳа, иштирок этаман, агар менинг рақибларим шоҳлар бўлса” деб жавоб беради.

... Филипп ўғлининг табиатан ўжарлигини, агар у мусобақада иштирок этса, уни мажбурий бўйсундириш мумкин эмаслигини билади. Александрни ақлли сўзлар билан тўхтатиш мумкин эди. Шунинг учун у буйруқ беришга эмас, амин бўлишга ҳаракат қилади.

...Александр Аристотелдан нафақат ахлоқий ва сиёсий сабоқ олган, балки акроматик ва эзотерик деб номланувчи сир таълимотларини ҳам чуқур ўзлаштирган, у халқ ичида тарқалмаган. ...Александр бу таълимотларнинг бир нечаси Аристотелнинг китобида чоп этилиб, унга жавоблар берилганлигини билган. Аристотелга ёзган хатида подшоҳ фалсафа ҳақида ўз фикрини очиқ билдиради: “Александр Аристотелга омонлик тилайди! Сиз фақат оғзаки берилиши керак бўлган илмларни чоп этиб, тўғри қилмадингиз! Агар биз тарбия топиб, ўқиган билимларимиз барча учун умумий бўлса, унда бизнинг бошқа одамлардан фарқимиз нимада? Мен ўзимнинг шон-шарафим билан эмас, балки олий маълумотим билан бошқалардан устун бўлишни хоҳлайман. Соғ бўлинг”.

В. Рим империяси

Қадимги Рим ўзининг тарихий ривожланиш давомида фаол босқинчилик сиёсатини юргизди, натижада кучли империя шаклланди.

Ёддатутинг

Рим империяси ҳарбий экспанция ва ҳудудларни босиб олиш натижасида пайдо бўлган.

Италияни босиб олиш. Подшоҳлик даврда (эрамиздан аввалги 753—509 й.) Рим Аппенин ярим оролидаги кичик давлат бўлган, у Лакция ҳудудининг бир қисмини эгаллаган, бу ҳудудларда дастлаб лотин қабилалари яшаган. Рим республикага айлангандан кейин Италияни босиб олишга киришади. Дастлаб уларнинг асосий рақиблари шимолда — этрускилар, шимолий-шарқда — сабинлар, шарқда — эквлар, жанубий-шарқда — вольсклар бўлган. Рим ўзлари тахтдан ағдарган подшоҳ Тарквиний Горднинг мададларига суянган этрускиларга кучли зарба беради, эрамиздан аввалги 499—493 йилларда лотинлар шаҳридаги Ариций федерацияси (Биринчи Лотин уруши) устидан ғалаба қозониб, улар билан бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик, ўзаро ҳарбий ёрдам ва тенг тақсимланиш ҳақида иттифоқ тузади. Бу эса римликларга сабинлар, вольсклар, эквлар ва жанубий этруски манзилгоҳларига қарши урушлар очиш имконини яратиб берди.

Римликларнинг ушбу босқинчилик урушлари уларга галлар ҳужум қилгандан сўнг тўхтади, галлар Аллия дарёси атрофида рим қўшинларини тор-мор қилиб, Римни босиб олади ва унга ўт қўйиб юборади. Галлар шаҳарни хонавайронга айлантириб ташлаб кетгандан сўнг, римликларнинг Лацияда таъсир доиралари камаяди; лотинлар билан тузган иттифоқ парчаланаяди.

Айнан шу даврда Римга қарши вольсклар, этрускилар ва эквлар қайта бош кўтаради. Бироқ, римликлар уларнинг қаршиликларини бостиради. Галлар Лацияга яна ҳужум қилган вақтда, рим-лотин иттифоқи қайта тикланади, IV аср ўрталарида Рим Лация ва Жанубий Этрурия устидан назорат ўрнатиб, Италияга қарши босқинчилик урушларини давом эттиради.

Кампанлик Капуя шаҳрининг аҳолиси самнитлардан мағлуб бўлиб, Рим таркибига қўшилади, бу Биринчи Самнит уруши (эрамиздан аввалги 343—341)нинг бошланишига сабаб бўлади, урушда римликлар галаба қозонади ва Ғарбий Кампания улар ихтиёрига ўтади.

Рим давлатининг куч-қудратга тўлиши лотинлар билан алоқалар ёмонлашишига олиб келади. Бу Иккинчи Лотин Урушининг келиб чиқишига сабаб бўлади (эрамиздан аввалги 340—338й). Уруш натижасида Лотин иттифоқи парчаланиб, лотинларнинг бироз ерлари тортиб олинади ва ҳар бир жамоа билан алоҳида шартномалар тузилади.

Бир қатор лотин шаҳарларининг аҳолиси Рим фуқаролигини қабул қилади. Қолганлари римликлар билан сиёсий томондан эмас, мулкый жиҳатдан тенглашади. Иккинчи (эрамиздан аввалги 327—304 й.) ва Учинчи (эрамиздан аввалги 298—290 й.) Самнит урушларида римликлар томонидан Самнитлар федерацияси тор-мор қилинади, уларнинг иттифоқдошлари бўлмиш этрускилар ва галларга ҳам кучли зарба берилади. Улар Рим билан тенг даражада эмас иттифоқ тузишга мажбур бўлади ва ўз ҳудудларидан бир қисмини Римга беради. Рим Лукания ва Этрурияда таъсир доирасини янада кучайтиради. Пицен ва Умбрия устидан назорат ўрнатади, Сенондаги Галлини эгаллайди. Шундай қилиб, Шимолий Италия ҳукмдорига айланади.

Жанубий Италияга бостириб кирган римликлар, Аппениндаги юнон мустамлакалари билан тўқнашади. Юнонларнинг Италиядаги энг қудратли шаҳри Тарентда, уларнинг иттифоқдоши эфир подшоҳи Пирр иштирокида қонли уруш бўлиб ўтади. Эрамиздан аввалги 276—275 йилларда римликлар Пиррни мағлубиятга учратади, шу орқали улар Лукания, Бруттий ва Италиянинг жанубидаги юнон шаҳарларини қўлга киритади.

Римнинг Италияни Галлия чегарасигача босиб олиши эрамиздан аввалги 265 йилда Жанубий Этруриядаги Вольсинини босиб олиши билан ниҳоясига етади.

Римнинг қудратли давлатга айланиши. Эрамиздан аввалги III асрда Италияни тўлиқ эгаллаган римликлар эндиликда Римдан ташқари ерларга қарши босқинчилик ҳаракатларини олиб боришга интилади. Римликларнинг Сицилия оролларида уюштирган босқинчилик ҳаракатларига Карфаген давлати қаршилик кўрсатади, у Шимолий Африкадаги Ўрта Ер денгизининг жанубий қирғоқларида финникияликлар асос солган йирик давлат. Римликлар Карфаген ва Африканинг шимолий қирғоқларидаги халқларни пунийлар ёки пунлар деб аташади. Шундан келиб чиққан ҳолда римликларнинг карфагенликлар

билан уруши — пуни уруши деган номга эга бўлади. Биринчи Пуни урушида (эрамиздан аввалги 264—241 йй.) ғалаба қозонган римликлар Сицилияни босиб олади. Бироқ, ана шундай вазиятларга қарамасдан, Карфаген давлати ҳали ҳам ўз кучини йўқотмайди. Римликлар Иккинчи Пуни урушида (эрамиздан аввалги 218—201 йй.) душманларини мағлуб қилиб, Ғарбий Ўрта Ер денгизини тўлиқ назорат остига олади.

Карфаген шу пайтларда ҳали бой шаҳар бўлиб, у ерда савдо-сотиқ муносабатлари авж олган эди. Бу Рим савдогарларининг норозиликларини келтириб чиқаради, шу тариқа улар карфагенликларни ўзларининг рақиблари деб ҳисоблай бошлайдилар. Рим савдогарлари Римнинг қайта уруш бошлашига сабаб бўлади. Учинчи Пуни урушида (эрамиздан аввалги 149—146 йй.) Карфагенни ҳимоя қилувчилар мардларча курашган бўлишига қарамасдан римликлар ғалабага эришади, шаҳар талон-тарож қилинади ва хонавайронга айланади.

Ғарбий Ўрта Ер денгизига тўлиқ ҳукмронлик ўрнатган Рим эндиликда Шарққа эътибор қаратади. Бу ҳудудлардаги йирик давлатлар Македония, Сурия ва Миср давлатлари эди. Римликлар “Бўлиб ол, ҳукмронлик қил” шиоридан унумли фойдаланиб: уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиб, бирма-бир босиб олади.

Эрамиздан аввалги 2000 йилда Македонияга қарши уруш бошлаган римликлар ўзларининг сафларига юнонларни ҳам қўшиб олади, уларга македон бошқарувидан қутилишга ваъда беради, Сурия шоҳини эса, ёрдам беришга кўндиради. Натижада македон подшоҳи Филипп V мағлубиятга учраб, Юнонистондан аскарларини олиб чиқиб кетади. Римликлар юнон шаҳарларининг мустақилликларини қайтаришга ваъда беради. Эрамиздан аввалги 189 йилда римликлар Сурия подшоҳи Антиох III ни бўйсундиради. Сурия подшоҳлиги гарчи ўз мутақиллигини сақлаб қолса-да, шон-шухрати ва мулкый ҳуқуқларини йўқотади. Эрамиздан аввалги 168 йилда римликлар македон подшоҳи қўшинларини Пидне атрофида тўла-тўқис парчалайди. Натижада Македония подшоҳлиги барҳам топади.

Босқинчиликлар натижасида Рим бутун Ўрта Ер денгизига тўла ҳукмронлик ўрнатади. У Иллирия, Юнонистон, Кичик Осиё, Сурия ва Иудеяни босиб олади. Қора денгиз атрофидаги бир қатор давлатлар Рим ҳокимиятини тан олади ёки уларга қарам бўлади. Галл юришлари пайтида Рим Бельгиядан Аквитаниягача бўлган ҳудудлардаги бутун Альп Галлиясини босиб олади.

Ёддатутинг

Эрамиздан аввалги III-I асрлардаги босқинчилик урушларидан кейин Рим қудратли давлатга, Ўрта Ер денгизи эса Рим ичидаги денгизга айланади.

Италиядан ташқаридаги босиб олинган ҳудудларни римликлар провинция (лотин. мағлуб бўлган давлатлар) деб эълон қилади. Сицилия биринчи провинцияга айланади. Рим Сенати провинцияларни

бошқариш учун ҳукмдорлар тайинлайди, улар маҳаллий ҳудудларни аёвсиз талон-тарож қилади.

Эрамиздан аввалги I аср ўрталарида Рим йирик мустамлакачи давлат эди. Рим — Ўрта Ер денгизи қирғоқларида тўла назорат ўрнатган тарихдаги ягона давлат. Римнинг ташқаридаги бошқарув ҳудудлари Италия ҳудудидан олти ҳисса катта бўлган. Рим империяси ҳукмронлик қилган даврда ташқи ҳарбий экспанция заифлашади, у даврда провинцияларни бошқариш уюшган ва босқинчилик хусусиятларига эга бўлган.

Билмингизнитекширинг

1. Қадимги Римнинг босқинчилик ҳаракатларини нечта даврга ва аҳамиятига қараб қандай бўлиш мумкин?
2. Ушбу даврларнинг оқибатларини тушунтиринг.
3. Босқинчиликлар пайтида римликлар қандай усуллардан фойдаланди?


Топшириқ

Харитадан Қадимги Римнинг босқинчилик ҳаракатларини олиб борган йўллارни кўрсатинг.



1. Италия ҳудудида йирик қабилалар.
2. Юнон мустамлакалари.
3. Эрамиздан аввалги VI аср охиридаги Рим империяси чегаралари.
4. Муҳим йўллар.
5. Римга қарши галликларнинг босқинчилик ҳаракатлари.
6. Эрамиздан аввалги 264 йилда Рим томондан босиб олинган ҳудудлар.
7. Римликлар жойлашган вилоятлар.
8. Эрамиздан аввалги 264 йилда Карфаген салтанатининг ҳудуди.

РИМ ИМПЕРИЯСИНING БОСҚИНЧИЛИК ЮРИШЛАРИ



44-§. ҲУНЛАРНИНГ БОСҚИНЧИЛИК ЮРИШЛАРИ ҒАРБИЙ РИМ ИМПЕРИЯСИ ИНҚИРОЗИНИНГ ОМИЛИ СИФАТИДА

Ушбу дарсда:

- Ҳунларнинг босқинчилик юришларининг сабаблари;
- Ҳунларнинг ғарбга томон босқинчилик юришлари;
- “Аҳолининг Буюк кўчиши” натижалари ҳақида ўрганамиз.

Ҳунларнинг босқинчилик юришлари сабаблари. 375 йилда кўчманчи ҳун қабилалари Европа ҳудудларига бостириб кириши натижасида қонли уруш бошланди. Шу тариқа “Аҳолининг Буюк кўчиши” бошланди.

Ёдда тутинг

“Аҳолининг Буюк кўчиши” — варвар (юнонлар юнон тилида гаплашмайдиган бегона халқларни варварлар деб атаганлар) қабилаларнинг IV-VI асрларда Рим империяси ҳудудига оммавий равишда бостириб киришининг номланиши, бунинг натижаси Ғарбий Рим империясининг инқирозга юз тутишига ва Европа этносиёсий харитасининг тубдан ўзгаришига олиб келди.

Варвар қабилаларнинг ғарбга жуда кўп кўчишига бирқатор турли омиллар сабаб бўлди. Бунга жаҳон табиий-иқлим шароитларининг

ўзгариши ва ижтимоий-иқтисодий жараёнлар асосий сабаб бўлди. Бундай ўзгаришлар варвар қабилаларда ҳам, Рим империясида ҳам рўй берди:

1. II асрдан бошлаб глобал совуш бошланди, бу IV—V асрларда сув тизимларига, тупроқ ва ўсимлик таркибининг ўзгаришига таъсир қилди. Натижада кўчманчи халқлар чорва моллари учун янги яйловлар излашга мажбур бўлди.

2. Қисман ривожланган варвар қабилаларнинг ерлардан экстенсив равишда фойдаланиши уларнинг жанубдаги ўрмонли ва ўрмонли дашт ҳудудларига кўчиб кетишга сабаб бўлди. Хўжаликларнинг тараққий топиши бегона ўлкалардан кўчиб келган қабилалар сони кўпайишига туртки берди. Табиатни ўзлаштиришга уларнинг техник ютуқлари, билим ва имкониятлари етмади. Асрлар мобайнида ўрмонзорлар ўсиб, ерларни бутунлай дарахтлар қоплаган, Европада фойдаланиладиган бўш ерлар ва чорва моллари учун яйловлар кам бўлган. Аҳоли яшаш учун жой излаб, уларни топиш йўлларини қидирдилар. Бундай жойлар Европанинг жанубий-шарқидаги даштларда ва Рим империяси ҳудудларида бўлди.

3. Кундалик заруратдан ортиқ даромадларнинг кўпайиши уларда хусусий мулк тўплаш, жамғариш ва обрў-эътибор қозониш, ижтимоий синфларга бўлиниш ва қабилалар ўртасида рақобат ошишига олиб келди. Уруш бу қабилаларнинг шахсий афзалликларини намойиш этиш ва алоҳида ижтимоий мақомга эга бўлиш воситасига айланди. Мардона ҳаракатлар ва қўлга киритилган ўлжалар, босиб олинган янги ерлар, қўшнилари босиб олиш — буларнинг барчаси нафақат раҳбарларнинг, балки қабилаларнинг манфаатларига ҳам мос эди.

4. Қулдорлик тизимдаги инқирозлар Рим империясининг ҳарбий куч-қудратини заифлаштирди. Шимолий Хитой ва Монголия ҳудудларида яшовчи кўчманчиларнинг бирлашган қудратли қабилалари хунну деб аталди, улар эрамиздан аввалги IX асрдан бошлаб Хитой империяси тинчлигига жиддий равишда раҳна солди. Хуннулар (хунлар) кўчманчи чорвачи фермерлар эди.

Эрамиздан аввалги III асрда хунларнинг раҳбари Мўде 24 хун қабилаларини бирлаштириб, ягона давлат ташкил этди. У қўшни халқларни бўйсундирди, мана шундай ғалабалардан сўнг Хитой императорини «тинчлик ва биродарлик шартномаси»ни тузишга мажбур қилди. Ушбу шартномага кўра, Хитой империяси хунларга солиқ тўлашга мажбур бўлди.

Эрамиздан аввалги I аср ўрталарида хунлар мамлакати парчаланиб, шимолий ва жанубий хун қабилаларига бўлиниб кетди. Жанубий Хунлар ўз давлатларида қолиб, шимолий хунлар аста-секин ғарбга,

Калит сўзлар:

босқинчилик юришлари, “Аҳолининг Буюк кўчиши”, варварлар, хунлар, Атилла, Ғарбий Рим империяси, Шарқий Рим империяси

Еттисувга кўча бошлади. Уларнинг бир қисми шу ерга жойлашиб, кичик бир давлат ташкил этган бўлса, қолганлари Урал томон йўл олди.

Хунларнинг ғарбга қарши босқинчилик юришлари. Эрамиздан аввалги IV асрнинг иккинчи ярмида хунлар яна ғарбга томон кўчди. Азов денгизи атрофида Итил даштларини босиб олган хун қабилалари 370 йилда Босфор подшоҳлигини тор-мор қилиб, Қрим ярим оролига кириб борди. 375 йилда улар Итилдан ўтиб, остготлар билан курашиб, уларни ўзларига бўйсундирди. Вестготлар ғарбга қочиб кетди. 380 йилдан кейин хунлар Рим провинцияси Паннонияга жойлашиб, қабила иттифоқини барпо этдилар. Мазкур иттифоққа мажбурий равишда ант, бургунд, гепид, герул, остгот, руги, скир, тюринг каби қабилалар бирлаштирилди.

IV аср охирларида хунлар аланлар, готлар ва қарам бўлган бошқа қабилалар билан бирлашиб, Шарқий ва Ғарбий Рим империясига таҳдид сола бошлади. Хунлар раҳбари Улдин вестгот Аларихнинг иттифоқдоши бўлди, Мундзук ва Ругила раҳбарлари хунларни бошлаб, римликларга бир неча марта ҳужум қилди.

Хун салтанатининг ривожланиши хунлар раҳбари Ругила номи билан боғлиқ. У римликлар билан тинч алоқада бўлишни хоҳлайди. Бироқ уларнинг ўртасида тўлиқ тинчлик сулҳи йўқ эди. Ругила бошлаган ишларни кейинчалик унинг жияни Атилла давом эттирди. Гот тарихчиси Иордан: “Бу одам халқлар ва мамлакатларга қўрқув солиш учун дунёга келган”, деб ёзди. Француз тарихчиси Амедей Тьери Атиллага «замонининг энг буюк маърифатпарвари» деб таъриф берган. У: “Атилла номи инсоният тарихида Александр ва Цезарь каби буюк шахслар номи билан бир ўринга қўйилади” деб ёзган.

Атиллани замондошлари уни “Худонинг қамчиси” деб аташади, у тахминан 400 йилда дунёга келган. У хунларнинг раҳбари Мундзукнинг ўғли ва Ругиланинг жияни бўлган. 434 йилда меросхўрлик йўли



П. Гайгер. Хунларнинг аланлар билан кураши

билан ҳокимиятга келди. Подшоҳ тахтини эгаллаган Атилла 60 минг қўшин билан Италияга бостириб бориб, По дарёси қирғоғига етади, император Плацидини тиз чўктириб, Шарқий Альп ва Дунай, Савой дарёлари оралиғида жойлашган Паннонияни тортиб олади. Атилла бошқарган ҳокимиятдан кетган бир неча хун қабилаларини қўл остига олган Византия императори Феодосий II Атилла билан тинчлик сулҳини тузишга мажбур бўлади ва уларга солиқ тўлаб туришни зиммасига олади.

Юз минглаб хунларга етакчилик қилган Атилла африкалик вандаллар қироли Гейзерих билан иттифоқ тузиб, Шарқий империяга қарши яна босқинчилик юришларига отланади. У урушда ғолиб бўлиб, Фракия, Македония ва Юнонистонни босиб олиб, Константинополгача етиб боради. Феодосий иккинчи марта сулҳ тузишни илтимос қилади. Тинчлик сулҳини тузгани билан унинг шарти 443 йилги шартномадан ҳам оғир бўлди. Атилла хунларга Дунай ўрта оқимининг жанубидан катта ҳудудни беришини талаб қилиб, яна солиқ тўлашга мажбур қилади.

Византияни босиб олиб, довурак Маркианнинг тахтини эгаллаган Атилла, ғарбга томон йўл олади. Рейн ва Дунай қирғоқларидан Итилгача бўлган ўлкаларда яшовчи барча варварлар қабиласи уни ўзларининг раҳбари сифатида тан олади. Атилла Гейзерих билан сулҳ тузиб, 451 йилда Испания ва жанубий Галлига ҳукмронлик қилган вестгогларга ва шарқий Галлияни бошқарган рим ҳукмдори Аэцийга қарши курашга отланади. Атилла хунлар, остготлар, гепидлар ва аланлардан ташкил топган қўшинларни бошлаб, жанубий Германияга бостириб киради. Лех дарёсида ҳам шимолий герман халқлари билан бирлашиб, Неккарда шарқий франклар билан бирлашиб, Бургунд қиролини енгиб, Рейндан ўтади.

Ушбу хабарни эшитгач Аэций, тез орада Луара қирғоғига отланиб, у ерда ғарбий франк ва бургун, сарматлардан иборат ёлланма асркалар билан бирлашади. Римликларнинг иттифоқдоши бўлмиш вестгот қироли Теодорих Аврелиан шахрида армия ташкил этади.

Атилла 700 минг жангчиси билан бирга вестготларга қарши отланиб, қолган қўшинларини эса Аврелианни қўлга олиш учун юборади

Кескинлашган қонли уруш бошланади, ғалабани Теодорихнинг вафоти аниқлайди. Унинг 100 минг жангчиси жанг майдонида вафот этади. Теодорихнинг катта ўғли Торисмунд раҳбарлигидаги вестгот армиясининг қолган қисми Толозга (Тулуза) чекинади. Атилла Орлеанга тантанали равишда ғолиб сифатида кириб боради. Хунлар қаҳридан кўрққан Испания ва Жанубий Франция



Атилла

ахолиси Торисмунд байроғи атрофида тўпланеди, уларга Аэций ҳам қўшилади. 451 йилда Галлиядаги Каталаун текислигида иттифоқдошлар босимиға учраган Атилла мағлубиятга учраб, охири ортга чекинади. Атилланинг орқасидан франк аскарлари тушиб, Тюрингия орқали Паннонияга йўл олади, у Италияни босиб олишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Хунларнинг бир қисми Ардарих раҳбарлигида Норик (Австрия ва Тироль) орқали олдинга томон интилади, қолган армияни Атилла Иллирия орқали олиб ўтади. Арций дарёсида мағлубиятга учраган римликлар Аквилга чекинади, уни хунлар 452 йилда босиб олиб, тор-мор қилади.

Хунлар Шимолий-Шарқий Италия ва Равеннагача бўлган масофаларни тўла-тўқис босиб олади. Ҳеч қаршилик кўрсатмаган Милан ва Кремон шаҳарларига раҳмдиллик кўрсатади. Верон, Мантуя ва Бергамо шаҳарлари қаттиқ қаршилик кўрсатиб, ўз юртларини узоқ вақт ҳимоя қилади. Бундан ғазабланган хунлар уларни шафқатсизларча талон-тарож қилиб, алал-оқибат тиз чўктиради. Атрофдаги давлат ахолиси оролга яшириниб, шу ерда Венецияга асос солади. Атилла Мантуига яқин ерларга қўшинларини жойлаштириб, баҳорда Римга қарши босқинчилик ҳаракатларига тайёргарлик кўради. Бироқ унинг олдига Лев I папа элчилари келиб, юришга чиқишдан қайтаради. Бу вақтда Маркиан ва Фарбий Европа халқи хунларга қарши бош кўтариб, қуролланишга киришади. Атилла катта хавф остида қолади. Шунинг учун у Римга ҳар йили солиқ тўлашга мажбур бўлиб, Паннонияга қайтади, Шарқий Рим империясига қарши босқинчилик юришларига тайёргарлик кўради. 453 йилда босқинчилик юриши олдидан Атилла бургун королининг қизи Ильдикога уйланиб, шу куннинг ўзида вафот этади. Айрим манбаларда Атиллани уйқуда Аэцийнинг маслаҳати билан, Ильдико ўлдиради дейилса, бошқа манбаларда уни ўзининг қурол ташувчилари ўлдирганлиги тилга олинади.

Ўддатутинг

Атилла вафотидан сўнг хунлар салтанати парчаланиб, бир неча қабилаларга бўлинади. Хунларнинг ўзлари эса маҳаллий халқ таркибига сингишиб кетади.

Фарбий Рим империясининг ўрнига пайдо бўлган варвар давлат тузилмалари ўзларининг ташқи сиёсатини юрита бошлайди. Улардан бир нечтаси империяга қарашли ерларни ўзларига қўшиб олади. Фарбий Рим империяси ҳукмдорлари фақат Италия ва Испаниянинг кичик қисмига ҳукмронлик қилади. Бироз вақтдан сўнг, бу ерлар ҳам герман қабилалари қўл остига ўтади.

476 йилда римлик ҳарбий қўмондон германлик скир қабиласи раҳбари Одоакр Римнинг сўнгги императори ўн беш ёшли Ромул Августулга бўйсунушдан бош тортиб, императорнинг муқаддас белгисини Константинополга, шарқий императорга юборади. Одоакр Рим импера-

тори мақомини қабул қилмайди ва варвар давлатлардаги каби ўзини конунг-қирол деб эълон қилади. Шу тариқа Ғарбий Рим империяси барҳам топади. Жаҳон тарихида янги ривожланиш даври — ўрта асрлар даври бошланади.

Аҳолининг Буюк кўчишининг натижалари. Хунлар томонидан уюштирилган босқинчилик ҳаракатлар туфайли этник варвар қабилалари жуда катта қўзғолон бошлайдилар, эрамизий V—VI асрларда Ғарбий Европа харитасида катта ўзгариш рўй беради. Ғарбий Рим империяси парчаланаяди. Шарқий Рим империяси Византияга айланиб, бошқа йўналишда, янги муносабатлар билан бошқача ривожланиб, славянлар ва Шарқий осиеликларни бирлаштиради. Европада ўнлаб кичик варвар қиролликлар пайдо бўлади. Бундай ўзгаришлар фақат сиёсий томондан ўрин эгаллаб қолмасдан, балки барча соҳаларни қамраб олади.

Хунларнинг босқинчилик ҳаракатлари сабабли Аҳолининг Буюк кўчиши рўй беради. Бундай кўчишларнинг тарихий аҳамияти ижтимоий натижаларда акс этган. Варварлар Ғарбий Рим империясини босиб олиш жараёнида катта фермер хўжаликларини хонавайрон қиладилар: қадимги қулдорларга тегишли ерлар янги пайдо бўлган ер эгаларининг қўл остига ўтади. Шундай қилиб, ўрта асрлар феодализм асосини ташкил қилувчи — янги варвар оқсуяклар гуруҳи устувор кучга эга бўлади. Ерлар аста-секин ҳали эркинликлари сақланган варвар-чорвадорлар ихтиёрига берилади, улар янги ерларда ўзларининг жамоат тартибини ўрнатадилар. Варвар оқсуяклари ўртасидан чиққан ер эгалари ер билан бирга қулларга ҳам эгалик қилиб, шу пайтда уларни ер эгалловчи — теримчиларга айлантиради. Қуллар эса алоҳида хўжаликларга айланиб, қулдорлик тузумига барҳам берилади.

Билмингизнитекширинг

1. Хунларнинг ғарбга қарши босқинчилик юришларининг сабаблари ҳақида гапириб беринг.
2. Хунларнинг ғарбга қарши босқинчилик ҳаракатларининг жараёнини тасвирланг.
3. “Аҳолининг Буюк кўчиши” натижалари ҳақида гапириб беринг.

Топшириқ

Қўшимча адабиётлардан фойдаланиб, хунларнинг турмуш тарзи ҳақида эссе ёзинг.

45-§. АРАБ БОСҚИНЧИЛАРИ. АРАБ ХАЛИФАЛИГИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ВА ПАРЧАЛАНИШИ

Араб давлатининг шаклланиши. Араблар узоқ вақтдан бери Жанубий-Ғарбий Осиёдаги Араб ярим оролига жойлашган. Улар ерларга ишлов бериш ва кўчманчи чорвачилик билан шуғулланишган. Қабилаларни сайловда сайланган шайхлар бошқарган. Шайхнинг бошқарув ҳуқуқи уруғ оқсуякларининг олдида чекланган эди.

Ушбу дарсда:

- Араб давлатларининг шаклланиши. Арабларнинг босқинчилик ҳаракатлари ва Араб халифалигининг ташкил этилиши.

Калит сўзлар:

пайғамбар, ислом, монотеизм, мусулмонлар, теократик давлат, халифалик, суннийлар, шоҳидлар, амир, турк-салжуқийлар.

VI аср охирларида дастлаб Эрон Арабистоннинг жанубий қисмини босиб олади, кейинчалик Византия Арабистоннинг шимолини босиб олади. Арабларнинг савдо-сотиқ тизими бузилиб, ярим орол аҳолиси қатор талофат кўради.

Эътиборберинг!

Барча араб халқларини бирлаштирадиган умумий фикрга эҳтиёж вужудга келди. Бундай эҳтиёжлар ислом динида муҳасам эди. Ислом динига Маккада яшаган Муҳаммад асос солди. *Бирлашишга интилишнинг мафкуравий табиати яқка худодликда акс этади. Бу ягона Худого бўлган ибодатида акс этади.*

Ибтидоий жамоа тузумлари муносабатларининг парчаланиши билан кўчманчи араб қабилалари ўртасида синфий тортишувлар пайдо бўлади ҳамда ташқи ҳужумларга қарши курашиш зарурияти ягона араб давлатининг шаклланишига замин яратади. Арабларнинг

бошқарувчи оқсуяклари — узоқдаги Сурия, Миср ва Эрон каби давлатларга сафар қилиш орқали оролдаги аҳолини жалб қилишга ҳаракат қилади. Бироқ, бу ташаббуслар кўпчилик томондан қўллаб-қувватланмайди

Ислом динининг қатъий монотеизми ва қабилаларнинг таснифига қарамасдан, барча мусулмонларнинг қариндош бўлиб ҳисобланиши Араб давлатларининг бирлашишига ижобий таъсир кўрсатган мафку-



Қадимги Миср билан Каъба

равий куч бўлди. Араб қабилалари янги динни қабул қила бошлади. Мусулмонлик тезда асосий сиёсий кучга айланди: мусулмонлар жамоаси Арабистоннинг сиёсий бирлашиши учун асос бўлиб хизмат қилди.

Ёдда тутинг

“Аллоҳнинг элчиси” — Муҳаммад фақат мусулмон жамоалари раҳбари эмас, балки араб давлатининг асосчиси ҳам эди.

Муҳаммад барча муҳим масалаларни ҳал қилди. Ўша пайтда унинг яқин шерикларидан ташкил топган кенгаш бўлди, улар овоз бериш орқали масалаларни ҳал қилди. Давлат раҳбари ихтиёрида ҳарбийлар мавжуд эди. Унинг асосини Муҳаммаднинг тарафдорлари ҳамда унинг биринчи издошлари ташкил қилди.

Армия қабилалардан ташкил топди ва қабилавий тизим асосида тузилди.

Ёдда тутинг

Ягона Араб давлатираҳбари номини Муҳаммад пайғамбар эгалладива дунёвий ва маънавий ҳокимиятга эга бўлди. Арабистонда *теократик давлат* пайдо бўлди.

Янги ижтимоий муносабатлар диний тамойиллар асосида шаклланди, Муҳаммад буни Худонинг иродаси дея эътироф этди. Хусусий мулк муқаддас ҳисобланди, давлат ва дин хусусий мулкларни талон-тарож қилинишидан асради.

Эътибор беринг!

Давлат барча жойда ҳукмронлик қилди ва шахсларгаер эгалликларини бериш ҳуқуқига эга бўлди.

Қурилиш ишлари олиб борилмаган, унумсиз ерлар ва яйловлар, яйлов сифатида фойдаланилмаган ерлар ер хазина жамғармаси ихтиёрига ўтказилди. Давлат рухсатсиз ҳеч ким у ерлардан фойдалана олмади. Муҳаммад атрофидагилар билан ерга муҳтожларга ер тарқатиб берди. Берилган ерлар мерос сифатида келгуси авлодларга қолдирилди. Жамоа ва қабила оқсуякларининг ерида бой ер эгалланувчиларга қарам бўлган, қашшоқ ер эгалари ва мол-дунёга эга бўлмаган ва эрксиз қуллар ишлади. Ер эгалари оғир ишлар билан шуғулланмади.

Муҳаммад даврида ислом динини кенг кўламда тарқатиш учун араб босқинчиликлари бошланди.

Арабларнинг истилоси ва Араб халифалигининг пайдо бўлиши. 632 йилда Муҳаммад пайғамбар оламдан ўтади. Пайғамбар вафотидан сўнг, мусулмонлар унинг “ворис” — яъни дунёвий ва маънавий ҳокимиятга

эга бұлган Халифа (арабча) тайинлайди. Ислом дини Мухаммаднинг издошлари томонидан кенг тарқатилади ва араблар тўлалигача мусулмон динини қабул қилади.

Араб қабилаларини тўплаб, ягона дин остига бирлаштирган Мухаммад пайғамбар, Сурияга юриш уюштиришни ният қилади. Пайғамбарнинг бу ниятини биринчи халифа Абу Бакр бажаришга киришади. Бу режага шу даврдаги воқеалар ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Сабаби Византия ва Форслар ўртасидаги қадимдан давом этиб келаётган урушлар бу давлатларни заифлаштирган эди ва арабларнинг тезда ғалаба қозинишига таъсир қилди. Араблар биринчи иккита халифа раҳбарлигида (иккинчи халифа Умар) форслар ва юнонлар ҳукмронлик қилган Сурия, Месопотамия, Форс ва Мисрни қўлга киритади. Араблар учун ислом динини тарқатиш мақсадида олиб борилган юришлар муқаддас кураш дея эътироф этилади.

Бу урушларда араблар кўплаб афзалликларга эга эдилар. Умуман олганда, улар муайян даражада қариндошлик алоқаларига эга одамлардан иборат эди, шунингдек, улар бутунараб сиёсий тузумига бирлаштирилди. Кўчманчи араб қабилалари наслдор отларни кўпайтирдилар. Араб отлари душманларини қўрқитиб, уларнинг секин ҳаракатланган отли аскарларига кучли зарба берди. Бетиним ғалабалар арабларга илҳом бағишлаб, уларнинг ғалабага интилишини уйғотди. Сурия ва Миср ҳамда бошқа давлатлар халқлари арабларни қутқарувчилар сифатида кўрдилар. Босиб олинган ерларда улар аҳолини хонавайрон қилмади, ислом динини ҳам куч ишлатиш йўли орқали тарқатмади, уларга танлов ҳуқуқини берди. Араблар ўзлари босиб олган ерлар аҳолисига диний эркинликлар берди ва ҳудудларда сиёсий эркинликларни таъминлади, бошқарув ишлари маҳаллий диний бирлашмалар томонидан олиб борилди. Мусулмонликни ўз хоҳишига кўра қабул қилган инсонларга қатор имкониятлар ва совға-саломлар берилди. Ислом динини қабул қилганлар солиқлардан озод этилди. Араблар ўзлари босиб олган ерларда фақат маҳаллий бойларнинг мулкларини эгаллади. Улар ҳукмронлик қилган дастлабки даврда барча аҳолига бир хил даражада солиқ бўйича имтиёзлар яратиб берди.

Ёддатутинг

Абу Бакр ва Умарнинг босқинчиликлари натижасида бўйсунган давлатларнинг барчаси кучли теократик давлатга айланди, у *Араб халифалиги* деб аталди.

Учинчи халифа Усмон вафот этгандан кейин араб давлати ичида навбатдаги халифа ким бўлишига доир ҳар хил исёнлар ва келишмовчиликлар ўрин эгаллади. Мусулмонлар икки гуруҳга бўлиниб, ўз номзодларини тақдим қилди. Бир гуруҳ пайғамбарнинг қариндоши Алини танласа, иккинчи гуруҳ Суриядаги армия қўмондони Муавияни

танлашди. Икки гурух ўртасидаги қонли кураш 660 йилда Муавиянинг ғалабаси билан якунланди. 661 йилда Али вафот этди.

Эътиборберинг!

Ушбу тўқнашувлардан кейин мусулмонлар дунёси суннийлар ва шиалар деб иккига бўлинди.

Суннийлар (Муавия тарафдорлари) — муқаддас китоб Қуръон ва уни изоҳловчи суннатни тан олади. Шиалар (Али тарафдорлари) — суннатни тан олмайди.

Муавия Омейялар сулоласи (661-750) уруғбошиси бўлган, у халифалик пойтахтини Маккадан Суриядаги Дамашқ шаҳрига кўчирган.

Эътиборберинг!

Бу ерда халифалик қадимги маданиятдан таъсирланиб, ўз тузилиши ва хусусиятига эга бўлган шарқий империяга айланди.

Омейяликлар халифалик чегараларини доимий равишда кенгайтириб борди. Улар орасида Осиёда Арманистон ва Туркистонни, Африкада — Вандал қироллигига қарашли Бизанец провинцияси ва Мавританияни ўз таркибларига қўшиб олди. 711 йилда араблар Испаниядан Африкага қайтиб кетишди. Бу бўғоз уларнинг раҳбари Тарика шарафига Гибралтар деб номланди (Тарика). Улар вестгот қироллигини ишғол қилди. Бундан бир неча йил ўтгандан сўнг, араблар Галлияга ҳужум уюштириб, арабларнинг босқинчилик ҳаракатларини фақат 732 йилда франк-сакслар қироли Карл Мартелл тўхтатди.

Араблар Кичик Осиёдаги бир қатор шаҳарлар ва Архипелаг ороллари босиб олди, ҳатто Константинополга яқин келади. VIII аср бошларида араблар Византия империясининг пойтахтини қуруқликдан ҳам, денгиздан ҳам қамалга олиб, шаҳарга хавф туғдирди. Бу вақтда империяни Лев III Исавр бошқараётган эди, у араблар ҳужумига қарши курашиб, уларнинг қамалини бузиб чиқади. Бироқ VIII аср бўйи Византия ва Халифалик ўртасида Кичик Осиё ва Архипелаг учун кураш олиб борилди, охирида юнонлар ғалабага эришиб, ушбу ҳудудларни ўз назоратига олди.

Араблар ўзлари босиб олган ерларда, манзилгоҳларда ёки ҳарбий истехкомларда яшади. Уларнинг ҳаётида анча вақтгача ҳарбий-патриархал аҳвол сақланди. Дастлабки халифалар мусулмонлар орасида мувозанатни сақлаб, босиб олинган ерлардан қўлга тушган ўлжаларни тенг бўлди. Араблар эрон подшоҳи хазинасини қўлга киритганда, улар олтин ип билан тўқилиб, қимматбаҳо тошлар билан безатилган гиламни қўлга киритади. Қиммат ўлжа барча жангчиларга етиш учун Умар халифа фармони билан тенг бўлиниб, тарқатилади. Бироқ, босқинчилик

курашлар арабларнинг турмуши ва ҳаётига ўзгаришлар киритди. Босқинчилик урушларида иштирок этган кўчманчи қабилалар олдинги турмушидан воз кечиб, босиб олган шаҳарлар ва унумдор ерларга жойлаша бошлайди. Оқсуяк араблар қўмондонларга ва ҳудудлардаги босиб олинган давлатлар раҳбарларига қараб, чиройли яшай бошлади. Улар ўзларига салтанатли саройлар қуриб, катта бойлик йиғди, унумдор ерларни эгаллашди. Халифалар Шарқдаги бошқа ҳукмдорлар каби бойлик ва салтанат ўртасида яшашни ҳоҳлади. VIII аср ўрталарида халифалар Тигр дарёсининг қирғоғида Қадимги Бобилнинг атрофида янги пойтахт — Бағдод шаҳрини бунёд этади, бу шаҳар кейинчалик Шарқ марваридига айланди.

VIII асрда халифалик тараққиётнинг энг юксак чўққисига етди. Халифалик таркибига Яқин ва Ўрта Шарқ давлатлари ва Шимолий Африка ва Жануби-Ғарбий Европа давлатлари кирди. Халифаликда аҳоли сони 80 миллион кишига етди.

Халифаликнинг парчаланиши. 750 йилда омейяликларга қарши Форс провинцияларидан бирининг ҳукмдори Абул Аббос қарши чиқади. У Макка ва Мадинани қўлга киритиб, янги Аббосийлар сулоласига асос солади. Пойтахтни Бағдод шаҳрига кўчиради. Аббоснинг фармонига кўра, омейяликларнинг барча шаҳзодалари жазога тортилади. Улар ичида фақат Абдурахмон Испанияга қочиб қутулади, 756 йилда у ўзини мустақил амир сифатида эълон қилади.

Араб халифалигида кучли давлат тузуми бўлмади. Унда араблар кам эди. Босиб олинган давлатлар учун бўлган курашлар уларнинг кучини заифлаштириб, қудратини камайтирди. Бу катта давлат бирлигини фақат қурол кучи билан сақлаб турди.

Ўзига қарам ҳудудларни бошқаришни осонлаштириш учун халифалар у ерларга ўз вакиллари — амирларни тайинлади, уларга ҳукмронликлар меросхўрлик йўли билан берилди. Чекланмаган ҳукмронлик ва бойликка ружу қўйган амирларнинг аста-секин кучайиши натижасида аксинча халифалик жиддий заифлашди. Маҳаллий бошқарувчилар халифаликка тегишли армияни асраш ва саройларга солиқ тўлашдан, бўйсунушдан бош торта бошлади. Халифаларга катта давлатнинг ҳар ерида бош кўтара бошлаган мана шундай исёнчиларни жазолаш қатор қийинчиликлар келтириб чиқарди.

Халифанинг асосий ҳимоячилари саройда тарбияланди, уларга ҳарбий ҳунарлар ўргатилди. Улар қўлга тушган турклар ва ёш қуллар орасидан танланди. Бундай армия араб халқи учун бегона бўлди ва аҳоли уларни душман каби қабул қилди.

IX асрда Араб халифалигининг Миср, шунингдек, Шимолий Африка, Марказий Осиё, Эрон, Афғонистондаги баъзи ҳудудлари бўлиниб кетди.

X аср бошларида Араб халифалиги бир неча майда мусулмон давлатларига бўлинди. XI аср ўрталарида Яқин Шарқдаги араблар их-

тиёридаги кўп ерларни Марказий Осиёдан келган турк салжуқийлар босиб олади. 1055 йилларда улар Бағдодни босиб олади. Халифалар турк-салжуқийлар ҳукмдорини тахтга ўтқазиб, уларга султон мартаунвонини берди.

Билмингизнитекширинг

1. Араб қабилалари шаклланишидаги дастлабки шартлар ҳақида гапириб беринг.
2. Халифалар қандай ҳукмронликка эга бўлган?
3. Арабларнинг бошқа давлатларни тез босиб олишлари сабаблари ҳақида гапириб беринг.
4. Босқинчилик ҳаракатларидан кейин арабларнинг ҳаёти ва жамоа тузилмалари қандай ўзгаришларга учраган?
5. Араблар босиб олган ҳудудлардаги маҳаллий аҳолининг аҳволи қандай бўлган?
6. Араб халифлигининг инқирозга юз тутиши сабаблари нимада?

Топшириқ. Қуйидаги берилган матнлар билан танишиб, саволларга жавоб беринг.

1. Ҳужжатда баён қилинган кўринишлар қайси асрларга мансуб?
2. Араблар босиб олган ерлардаги аҳоли шароитининг мусулмонлар шароитидан фарқи қандай бўлди?
3. Мусулмонлар босиб олган ерларда яшовчи аҳолининг диний эътиқодларига тинч ёндашувларни қандай омиллардан билиш мумкин?

Мусулмонларнинг Дамашқни босиб олиши ҳақида араб тарихчиси баён қилади

“Дамашқ шаҳрини босиб олганда Араблар бош сардори у ерда яшовчи аҳолига қуйидагидек имкониятлар берди. У аҳолининг ҳаётини сақлаб қолишга, мол-мулкларига тегмасликка, уларнинг черковлари ва шаҳар деворларини парчаламасликка буйруқ берди. У биронта уйнинг бузилмаслигига ва тартиб олинмаслигига ваъда берди. Дамашқнинг барча аҳолиси солиқ тўлаши кераклиги огоҳлантирилди.

Бундан кейин Дамашқ аҳолиси ва барча давлат халифага бугдой, арпа ёки хурмонинг, донли экинларнинг учдан бир қисмини бера бошлади.

Савдогарлардан — ҳар бир 200 дирҳамдан 20 дирҳам (дирҳам — арабларнинг олтин пули) солиқ ола бошлади. Ўз динида қолган бойлардан, қашшоқларга қараганда икки ҳисса кўп солиқ олинди”

46—48-§. ЕВРОСИЁ ХАРИТАСИНING ЎЗГАРИШИГА ЧИНГИЗХОН ЮРИШЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

А.Мўғул империяси. Олтин ўрда

Мўғул давлатининг ташкил топиши. XII аср охири ва XIII аср бошларида мўғуллар Байкал ва Амурдан бошлаб, шарқда — Иртиш боши ва ғарбда — Енисейгача, жанубда — Буюк Хитой деворидан, шимолда — Жанубий Сибир чегараларигача чўзилиб ётган ҳудудларни эгаллади. Иттифоқдош йирик қабилалар сирасида татарлар, тойжутлар, керейитлар, найманлар ва меркитлар бор эди.

Ушбу дарсда:

- Чингизхон бошчилигида Мўғул давлатининг ташкил топиши;
- Чингизхоннинг босқинчилик ҳаракатларининг бошланиши;
- Олтин Ўрда;
- Мўғул империясининг тарихий мероси ҳақида биламиз.

Калит сўзлар:

Мўғуллар, ўнлик тизим, улус, империя, босқоқ, ясоқ, қурултой, туманлар, Буюк Ясоқ, ваҳима.

Эътиборберинг!

XIII аср бошларида Марказий Осиёда кучли Мўғул давлати пайдо бўлади. Шунингдек, мўғулларнинг босқинчилик ҳаракатлари бошланади. Ушбу ўзгаришлар жаҳон миқёсида муҳим аҳамиятга эга. Осиёдаги барча давлатлар ва Европадаги кўп давлатларни қўлга киритган мўғул босқинчилари улардан кейинги тарихга катта ўзгаришлар олиб келади ва мўғул халқи тарихини тубдан ўзгартиради.

XIII аср бошларида мўғуллар фаол юришлар қилиб, қўшни кўчманчи қабилаларни бирлаштириб, уларни ўзларига бўйсундирди. 1206 йилда ўтказилган қурултойда мўғуллар истеъдодли саркарда Темучинни буюк хон сайлаб, унга Чингизхон (Кўк тангри) деган унвон берди. Бу бутун Мўғул империясининг дастлабки пойдевори яратилганидан далолат берди. “Мўғул” атамаси билан аста-секин Мўғуллар салтанатини ташкил қилган барча қабилалар атала бошланди.

Бошқарув ишлари, асосан, ўнлик тизими орқали олиб борилди. Аҳолиси ўн минг туманга

бўлинди, уларнинг ҳар бири мингликлар, юзликлар, ўнликлардан ташкил топиб, ҳар бирини ўзларига тайинланган раҳбарлар бошқарди. Ўз тизимидан бош тортиб, бошқа тизимга, минглик, юзлик ёки ўнликка кўчиш қатъий таъқиқланди, тартиб бузганлар ўлим жазосига маҳкум этилди. Армияда ҳам шундай интизом ўрнатилди. Бепоен дашт ҳудудлар қабилалар орасидан махсус тайинланган вакилларга эга раҳбарлар томонидан бошқарилди, фақат Буюк хон чекланмаган ҳокимиятга эга бўлди.

Чингизхон Мўғуллар ҳаёти ва урф-одатларини ўз ичига олган “Буюк Ясоқ” махсус қонунлар тўпламини чиқарди. 1220 йилда Ўрхон дарёсининг юқори оқимида янги давлат пойтахти — Қарақўримга асос солинди.

Мўғуллар давлати ташкил этилгандан бошлаб ҳарбий хусусиятга эга бўлди. Хонлар мўғул жангчиларининг жанговар тайёргарликларини ошириб, уларнинг от устида узоқ муддатли юришларга чидамлилик даражаларини қатъий назорат қилди.

Чингизхоннинг босқинчилик ҳаракатларининг бошланиши. Чингизхон бутун дунёни забт этишга интилди. У дунёни бир ўзи бошқариш ва янги яйловлар, бойликларни қўлга киритиш мақсадида босқинчилик ҳаракатларини олиб борди. Дастлабки пайтларда Чингизхон қўшинларининг сони 95 минг кишидан иборат бўлган. Шахсий қўриқчилар сони ўн минг кишидан ташкил топган. Аста-секин ўзлари ғалаба қозонган қабилалар ҳисобига жангчилар сони доимий равишда ошиб борган.

1211 йилда Чингизхон қўшинлари Хитойнинг шимолидаги Цзин империясига бостириб киради. От устида уруш усулларини мукаммал ўзлаштирган мўғуллар хитойларни ағдариб ташлайди. Уларнинг асосий қуроллари тажрибадан ўтган — камон эди. Болалигидан овга чиқиб, урушга қатнашган мўғуллар камон отишда моҳир бўлган. От устида камон жуда фойдали қурол бўлган. Отлиқ аскарлар уруш усулларини раҳбар қўлидаги байроққа боғлиқ ҳолда олиб борган. Етакчи байроқ орқали жангчиларга белгилар берган.



Чингиз хон

Кунлар ўтиб қўшинларининг сафлари кўпайгач, катта кучга эга бўлган мўғул жангчиларига ҳеч ким тенг кела олмай қолди. 1215 йилда Цзин империяси тўлиқ тиз чўкди, бироқ қаршиликлар бир неча йилларга чўзилди. Мўғуллар хитойларнинг янги ҳарбий қуроллари — тош отгич ва олов отгич қуролларидан, ҳаракатчан миноралар ва ҳаракатлантирувчи араваларидан фойдаланишни тез орада ўрганиб олди. Қўмондон ўзининг жангчилари сафига хитой ҳарбий мутахасисларини ҳам жалб қилди.

Ҳарбий жиҳатдан куч-қуввати ошган Чингизхон ғарбда яшовчи кўчманчи халқларни ҳам босиб олди. Бундан кейин Хоразмшоҳни истило қилиб, қудратли бошқарув тизимини Марказий Осиё ва Форс подшоҳлигигача тарқатди. Босқинчилар қароқчилик ишларини кучайтириб, омон қолган халқларни солиқ тўлашга мажбур қилди. Шунингдек, мағлуб бўлган халқлар орасидан мўғуллар янги босқинчилик урушлари учун кўп жангчилар тайёрлашди.



А. Дузелханов. Мўғуллар

Мўғуллар (1219—1221) уч йил ичида Марказий Осиёни қўлга киритди. 1221—1222 йилларда мўғуллар Шимолий Эрон орқали Озарбайжонни, Шимолий Кавказни босиб олди. Уларга дашт кўчманчилари ва Жанубий Русь даштларида яшовчи аҳоли тўла бўйсунди.

1223 йилда мўғул жангчиларининг катта қисми Кавказ орқали ўтиб, қипчоқлар даштига етиб борди. Қипчоқ хони рус княздан ёрдам сўрайди. Князлар Киевда кенгашга йиғилади. Кенгашга йиғилган рус князлари ва бирқатор ҳукмдорлар Қипчоқ хонига ёрдам беришга тайёр эканликларини билдиради.

1223 йилнинг май ойи охирида Ёйиқ соҳили, Азов денгизига қуювчи кичик Қалқа дарёси қирғоғида қонли уруш бошланиб, мўғуллар рақибларини мағлубиятга учратади.

Қалқада голиб бўлган мўғуллар бундан кейин Қримга йўл олади, Чернигов князлигини босиб олиб, бир неча шаҳар ва аҳоли пунктларини яқсон қилади. Бироқ улар руслар ўлкасига чуқур кириб бормасдан, Мўғулистонга қайтади.

Мўғуллар империяси. Мўғуллар империяси йирик, кенг ҳудудга эга улкан давлат эди. Кучли империя даврида аҳоли сони юз миллионгача етди.

Империя тўртта қисм (улус)дан ташкил топди. 1227 йилда Чингизхон вафотидан олдин мол-мулкни тўртта ўғлига бўлиб беради. Мўғул ва Хитойни бошқарувчи Буюк хон мартабаси (Мўғул империясининг олий ҳукмдори) Угадайга берилди. Чигатой бошқарувига Амударё шарқидаги Марказий Осиё ўлкалари топширилди. Марказий Осиёнинг ғарбий қисми, Форс ва Шимолий Ҳиндистон Тўле ҳукмронлигига ўтди. Мана шундай тақсимланишгача катта ўғли вафот этганлиги учун, унинг ўғли Ботуга (Ботий) Иртишдан Урал тоғларигача бўлган масофаларни ўз ичига олган Ғарбий Сибир, шимолдан Каспий ва Орол денгизигача, жанубда Урал тоғли ҳудудлар берилди.

Мўғуллар хитой ва форсларнинг тажрибаларидан унумли фойдаландилар. Буюкхон Мўнкенинг фармонига кўра, босиб олинган барча давлатларда халқ ҳисоботи олиб борилди. Махсус офицер лавозими жорий этилди. Улар солиқлар йиғиш, суд ишларини олиб бориш, ўзларига тегишли ҳудудлардаги тартиб-интизомларга жавоб берди. Русияда уларни босқоқлар деб аташди.

Мўғул империясининг аҳолиси турли динларга эътиқод қилиб, ўнлаб тилларда гаплашишди ва улар ҳар хил маданиятларга мансуб бўлди. Мана шундай ҳар хил халқларни бирлаштириб, уларни битта давлатда асраш ниҳоятда қийин эди. Бу ривожланган бошқарув тизимини жорий этишни тақозо қилди. Кўп миллатли империяда турли тилларни ўрганиш, таржимонлар тайёрлаш, луғатлар ва маълумотномалар чоп этишга эҳтиёж туғилди. Мунтазам почта хизматларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада отлардан фойдаланилди. Почта

шаҳобчалари хизматларидан раҳбарларнинг хат ташувчилари билан бирга савдогарлар ҳам фойдаландилар.

Мўғуллар империяси даврида мана шундай йўллар билан ҳар хил халқлар ўртасида алоқалар равнақ топди. Европаликларнинг кундалик ҳаётига мўғул давлати ва уларнинг халқлари кучли таъсир кўрсатди. Шу билан бирга, европаликлар турмуш тарзига хос баъзи одатлар мўғул оқсуяклари ҳаётига кириб борди. Мўғуллар туфайли Европа халқлари Хитой янгиликлари ва ютуқларини билиб олди. Ипак толаларининг олиб келиниши уларга Италияда ишлов берилишига ёрдам берди. Хитой томонидан ихтиро қилинган компас ва ўқ-дорилар муҳим аҳамиятга эга бўлди. Китобларни саҳифалаш ғояларини эса, кейинчалик европаликлар ўзлаштириб олдилар.

Мўғуллар ҳар хил динларга эътиқод қилувчиларга тоқат билан қарадилар. Улар империянинг ҳар бир бурчагида яшовчи аҳолига ўз

ЧИНГИЗХОН БОСИБ ОЛГАН ДАВЛАТЛАРНИНГ ХУДУДЛАРИ



худоларига ишониш ва ўз динларига эътиқод қилиш учун изн берди, диний масканларни солиқлардан озод қилди. Мўғул ҳукмдорлари аста-секин ислом динини қабул қила бошлади, бу мусулмончиликнинг кенг империяга тарқалишига таъсир кўрсатди.

Мўғуллар ҳукмронлиги даврида мана шундай ижобий ютуқлар билан бирга, оғир оқибатлар ҳам вужудга келди. Босқинчилик жуда катта талофатлар келтириб чиқарди. Одамлар ўлдирилди, фермалар йўқ қилинди. Минглаб одамлар қулга айланди. Кўплаб ҳудудлар эгасиз қолди, шаҳарлар хонавайрон бўлди. Россиядаги баъзи ҳудудлар аҳолиси сони фақат XVIII асрда мўғул босқинчилигидан олдинги даражасига етди.

Одамларга оғир солиқлар солиш, айниқса, мутахассисларни доимий равишда қулга айлантириш, қўлга киритилган ҳудудлар иқтисодиётини заифлаштириб, халқнинг ривожланишига тўғаноқ бўлди. Мўғуллар империяси жаҳон тарихида турли сиёсий ва иқтисодий тизим, турли маданиятларга мансуб давлатлар ва халқларни бирлаштирган энг йирик салтанатга айланди.

Олтин Ўрда. 1227 йилда Чингизхон вафот этгандан кейин унинг ўғиллари ва неваралари босқинчилик ҳаракатларини давом эттирди. Жўчи улусининг ҳукмдори, Чингизхоннинг невараси Боту раҳбарлигида мўғуллар 1236—1240 йилларда Итил булғорлари ва рус еларининг катта қисмини қўлга киритади. Бундан кейин улар Марказий Европа давлатларига қарши босқинчилик ҳаракатларини олиб бориб, 1241 йилда Адриатика денгизи қирғоғига етиб бориб, 1242 йилда орқага қайтади. Итил соҳиллари бўйлаб орқага қайтган Боту, мўғул давлати ҳудудини кенгайтиради, кейинчалик у Олтин Ўрда деб номланади. Унинг қўл остига Дунай ва Иртишгача бўлган ҳудудлар



С. Иванов. Бошқоқлар

кирди. Олтин Ўрдага рус князлари ҳам қарам бўлди. Рус князлари Олтин Ўрдага қарамликларини тан олиб, унинг хонлари қўлларидан “князь фармонлари”ни олди, солиқлар тўлади, шунингдек, улар ўз мустақилликларини сақлаб қолди.

Ўзбекхон (1312—1342) ва унинг ўғли Жонибек (1342—1357) ҳукмронлик қилган даврда Олтин Ўрда гуллаб-яшнаб, энг юқори ривожланиш чўққисига етди. 1320 йилнинг бошларида Ўзбекхон ислом динини давлат дини деб эълон қилди.

Ўзбекхон ва Жонибек ҳукмронлиги даврида Фарбий Европа, Кичик Осиё, Миср, Ҳиндистон, Хитой давлатлари билан карвонли савдо алоқалари ўрнатилди. Карвон йўллари хавфсиз бўлиш билан бирга яхши жиҳозланди.

1359—1379 йиллар оралиғида Олтин Ўрдада ўзаро тахт талашишлар натижасида 25 хон ўзгарди, кўп улуслар мустақилликка интилди. Бу даврлар рус манбаларида “Буюк инқироз” даври деб аталди. Олтин Ўрдадаги ушбу инқирозлар Моварауннахр амири Амир Темур мададида ҳокимиятга келган Тўхтамишхон (1380 йилда) даврида якун топди, марказий ҳокимият бутун Олтин Ўрдада қайтадан ўз ҳукмронлигини олиб бора бошлайди. 1380 йилда Мамай Куликово жангида рус аскарларидан мағлубиятга учрайди, 1382 йилда Тўхтамишхон Москвага қарши ҳужум уюштириб, рус князларини қайта солиқ тўлашга мажбурлайди. Ҳокимиятни мустаҳкамлаган Тўхтамишхон бунгача ўзлари иттифоқдош бўлган Марказий Осиёлик Амир Темурга қарши чиқади. 1391 ва 1396 йиллар оралиғида бўлиб ўтган қонли курашлар натижасида Амир Темур Тўхтамишнинг қўшинларини тор-мор қилиб, Итил бўйидаги шаҳарларни, Сарой-Беркени қўлга киритади. Олтин Ўрда бу кучли зарбадан сўнг олдинги ҳолатини қайта тиклай олмайди. Шундай қилиб, бутун Олтин Ўрда давлати барҳам топади. Олтин Ўрда парчалангандан кейин 1420 йилда Сибир хонлиги, 1428 йилда Ўзбек хонлиги ва 1438 йилда Қозон хонлиги, 1441 йилда Қрим хонлиги, 1440 йилда Нўғой Ўрдаси ва 1465 йилда Қозоқ хонлиги ажралиб чиқади.

Билмингизнитекширинг

1. Мўғуллар қандай ҳудудларда яшаганлар?
2. Мўғул қабилаларининг ҳаёт тарзини тасвирланг.
3. Мўғуллар давлати қандай ҳарбий тамойиллар асосида ташкил топган?
4. Мўғулларнинг ғалабага эришиш сабаблари ҳақида гапириб беринг.
5. Мўғул истилоларининг натижалари ҳақида гапириб беринг.

Топшириқ

1. Харитадан мўғул қабилаларининг дастлабки манзилгоҳларини топинг.
2. Чингизхон ва унинг ҳарбий қўмондонларининг босқинчилик йўналишларини кўрсатинг.
3. Чингизхон давридаги Мўғул империясининг ҳудудларини кўрсатинг.
4. Харитадан Қалқадаги жанг ўрнини топинг.

Б. Амир Темур империяси

Ушбу дарсда:

- Амир Темурнинг давлатташкил қилиши;
- Амир Темурнинг ҳарбий юришлари ва маданий сиёсати ҳақида ўрганамиз.

Калит сўзлар:

қурултой, амир, туман, девон, вазир, босқинчиликлар, юришлар, империя.

Амир Темурнинг давлат ташкил этиши. Амир Темур 1336 йилда 8 (9) апрелда Марказий Осиёдаги Кеш шаҳри атрофида (ҳозирги Шаҳрисабз, Ўзбекистон) Хўжаилғор қишлоғида туғилган. Унинг отаси Чигатой улусига кирувчи Тарағай Барлос Кеш ҳудудининг ҳукмдори эди. Темур ҳақидаги дастлабки манбалар сиёсий фаолиятини бошлаган 1361 йилдан бошлаб учрайди. Ўз уруғи ва бошқа уруғлардан чиққан жасур йигитларни атрофига йиғиб, катта ҳарбий қўшин ташкил қилган Амир Темур шу йилнинг ўзида Самарқандни босиб олган Мўғулистон хони Туғлуққа хизмат қилади. Туғлуқнинг ёрдамида Темур Кеш ҳукмдори бўлади. Туғлуқ Темурнинг ёш бўлса-да ақллигини инобатга олиб, уни ўзининг ўғли Илёс Хўжанинг маслаҳатчиси этиб тайинлайди. Бироқ Темур хўжайинидан бош

тортиб, Туғлуқнинг душмани Балх амири Хусайннинг қарамоғига ўтади. Бундан кейинги сиёсий йўлида Темур кўп жангларда иштирок этиб, кўп амирлар ва хонлар хизматида бўлади. Бир уруш давомида Темур ўнг оёғидан қаттиқ ярадор бўлиб, оқсоқ бўлиб қолади. Шу сабабли у “Тимурланг” янги “оқсоқ Темур” деган номга эга бўлади. Европаликлар уни “Тамерлан” деб аташади. Темур феодал ўзаро тўқнашувдан голиб бўлиб, 1370 йилда Чигатой улусининг ғарбий қисмидаги Моварауннаҳрга (Амударё ва Сирдарё дарёлари оралиғида) ҳукмронлик ўрнатади.

1370 йил 10 апрелда Чигатой беклари ва амирлари, вилоятлар ва туманлардан юқори мартабали тўралар иштирок этган қурултой ўтказди.

Қурултойда Темурга Моварауннаҳрдаги барча лашкарбошилар қасамёд қилади. У хон-унвонига эмас, балки “Буюк амир” деган унвонга эга бўлади. Темур барча ҳукмронлиги бир марказга тўпланган давлат тузиш йўлида кураш олиб борди ва ўз давлатининг пойтахти сифатида Самарқандни танлади. Темур давлат тузумини Чингизхон давридагидек ташкил этди. Яъни, қўшинларни туманларга бўлди, сабаби бу бошқарувнинг ривожланган ва қаттиққўл тизими деб ҳисоблади.

Давлат 7 вазирдан ташкил топган марказдаги девон (кенгаш ёки идора) орқали бошқарилди, ҳудудлар эса маҳаллий девонлар орқали бошқарилди. Уларга солиқ йиғиш, тартиб сақлаш, лозим бўлганда

аҳолини йиғиш, йўл қурилишлари, карвонсаройлар қуриш, ҳаммомлар ва бошқа жамоа қурилишларини юритиш вазифалари юклатилди. Улар ушбу кирим ва чиқимларни ҳисоблаб, махсус ҳисоботлар олиб бордилар. Бундай ҳисоботлар ўзбек-турк ёки форс-тожик тилларида ёзилди. Марказдаги ҳукмрон синф вакиллари ҳудудларни текшириб, назорат қилди.



Амир Темур

Жамият ўн иккита синфга бўлинди. Бўлиниш пайтида аҳолининг ижтимоий, иқтисодий ва диний мартабалари инобатга олинди. Темур, асосан, жиний ва фуқаролик суд ишлари тўпланган, жиноятларнинг таснифи ва уларга белгиланган жазоларни ташкил қилган қонунлар тўпламини жорий этди.

Амир Темур ўз империясини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш учун қудратли ва кучли армия ташкил этди. Армиянинг асосий таркибини Марказий Осиёдаги энг кучли жангчи ҳисобланган барлос қабилаларининг йигитлари ташкил қилди. Темурнинг ўзи истеъдодли, довюрак қўмондон бўлди.

Амир Темурнинг босқинчилик ҳаракатлари. Амир Темур умрининг катта қисмини ҳарбий юришларда ўтказди. 1372 йилда Амир Хоразмга юриш уюштиради, бу пайтда Хоразм алоҳида мустақил давлат бўлган. У 1359 йилда Олтин Ўрдадан бўлиниб чиққан эди. Хоразмликлар Темур аскарларидан мағлуб бўлмасдан, уларга қарши қаттиқ қаршилик кўрсатади. Ўн беш йил ичида Амир Темур ўзига бўйсунмаган хоразмликларга беш марта юриш қилади. У фақат 1388 йилда Хоразмни тўлиқ эгаллайди. 1388, 1391, 1394—1395 йиллар оралиғида Амир Темур Олтин Ўрда хони Тўхтамишга қарши юришга отланади. Мана шундай юришлар давомида Темур Тўхтамиш қўшинларини тор-мор қилиб, Олтин Ўрданинг ҳарбий ва иқтисодий қудратини заифлаштиради. У 1392 йилда Кавказга ҳужум қилиб, Арманистон ва Грузияни бўйсундиради, 1397 йилда Озарбайжонни босиб олади. Амир Темур 1398—1399 йилларда Ҳиндистонга катта юриш қилади. Деҳли шаҳрини қўлга киритган қўмондон беҳисоб ўлжаларга эга бўлади.

XV аср бошларида Эрон ва Ироқни тамоман тиз чўктирган Буюк қўмондон Миср мамлуклари ва Усманийлар Туркияси билан тўқнашади. Уларга қарши юришга чиққан Амир дастлаб Миср султони Фаражани бўйсундиради. Бундан сўнг, 1402 йилда Анқара остонасида буюк турк қўмондони Боязид армиясини яқсон қилиб, ғалабага эришади. Шу тариқа ўзининг империясига бутун Кичик Осиёни қўшиб олади.

1404 йилнинг охирларида Хитойга босқинчилик юришларини уюштиришга тайёргарлик кўради. Ушбу босқинчиликдан кўзда тутилган

мақсад Ипак йўлининг шу ердаги қисмини бутунлай ўз назорати остига олиб, фойда кўришдан иборат бўлган. Хитойга қарши режалаштирилган юришлар қишнинг совуқлигига боғлиқ ҳолда тўхтатилади. 1405 йилнинг февраль ойида Амир Темур шамоллаб, ўпка касаллигидан Ўтрор шаҳрида оламдан ўтади. Самарқандда (Гўри Амир мақбарасида) дафн қилинган. У Сирдарё ва Зарафшондан, Ҳиндистон ва Гангагача чўзилган, Тянь-Шандан Босфоргача давом этган йирик империя қурди.

Темурнинг маданий сиёсати. Темур ўзи босиб олган ерлардан нафақат моддий ўлжалар, балки шу ерда яшовчи олимлар, ҳунармандлар, рассомлар ва меъморларни ўз давлатига тўплади. Ўзидан ёгорлик қолдириш мақсадида шаҳарларда гўзал иморатлар ва саройлар қурдирди. Масалан, Бағдод, Дарбанд, Байлакан шаҳарларини қайта тиклаб, қулаб қолган қўрғонлар ва саройларни, кўприклар ва канал тизимларини қайта тиклади.

Амир Темур ўзининг туғилган ўлкаси Моварауннахрнинг ривожланиши ва давлат пойтахти — Самарқанднинг гуллаб-яшнашига алоҳида эътибор қаратди. Буюк саркарда босиб олган ҳудудлардаги усталар ва меъморларни, заргарларни, қурувчиларни, шаҳар қурилишига зарур мутахассисларни империянинг шаҳарлари: Самарқандга, ота ватани Кеш шаҳрига (Шахрисабз), Бухорага, чегарадаги шаҳар Яссига (Туркистон) тўплади. Амир Темур, айниқса, Самарқанднинг гуллаб-яшнаши учун кенг имкониятлар яратди, у бу ҳақида: “Самарқанд устида ҳар доим кўк осмон ва олтин юлдузлар бўлади” деб, ўз орзусини ифодалаган. 1398 йилларда Афғонистонда, 1401 йилларда Кавказ ҳудудида янги суғориш тизими каналларини яратди.

Амир Темур ислом маданияти ва мусулмонлар учун муқаддас жойларни ривожлантириб, масжид, мадрасалар қуришга алоҳида эътибор берди. Шоҳи Зинда манзилгоҳида дафн этилган ўзининг қариндошлари қабри устига мақбара қурдирди.

1378—1404 йиллар оралиғида Самарқанд ва унга яқин ерларда ўн тўрт боғ қад ростлайди. Темур қурдирган боғлар оддий аҳоли учун доим очиқ бўлди, улар унда эркин дам олишди.

1398 йилда Олтин Ўрда хони Тўхтамишни мағлуб қилган Темур Туркистонда дафн этилган дин маърифатпарвари — Хожа Аҳмад Ясавий қабри устига мақбара қурдиришга буйруқ беради, уни эронлик ва хоразмлик усталар қуради. Шу ерда табризлик усталар икки тонналик мис қозон ясайди, у муҳтожларга таом тайёрлаш учун ясалди. Моварауннахрда ҳунармандчилик кенг тарқалиб, Моварауннахрдан чиққан шоир ва ёзувчиларнинг қўлёзмаларини бадиийлаштиришда фойдаланилди. Улар қаторига Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» ва «Эрон шоирлари антологияси» каби жавоҳир асарлари бўлди. Шу даврда рассомлик санъати соҳасида Абдулхай Бағдодий, Пир Аҳмад

Боғишамолий ва Хўжа Бангир Табризий каби рассомлар буюк усталик чўққисига эришиб, доврўф қозонди.

Амир ҳукмдорлиги даврида илм ва фан соҳаларида қонун, тиббиёт, коинот, тарих, фалсафа, мусиқа, адабиёт ва шоирлик кенг қулоч ёзиб, юксалди. Шу даврнинг йирик дин вакили ва файласуфи Жалолоддин Аҳмад ал Хоразмий ҳисобланди. Ҳуқуқ соҳасида Абдумалик ва Исо-миддинлар шуҳрат қозонди. Фалсафа соҳасида Садиддин Тафтазаний ва Али ал-Журжонийлар, тарих соҳасида эса Низомиддин Шомий ва Ҳофиз Обрўлар алоҳида ҳурматга сазовар бўлди.

Амир Темур вафотидан сўнг, тахт талашган саркарда авлодлари ўртасида қонли жанглар беш йилга чўзилди. Бундай тож-тахт талашларда Амир Темурнинг ўғли Тимур Шохруҳ ғолиб бўлди. У Ҳирот шаҳрини пойтахт сифатида танлайди. Гарчи Шохруҳ Амир Темур тузган империянинг ягона ҳукмрони ҳисобланса ҳам, амалда давлат иккига бўлиниб кетди: ундан бирининг маркази Хуросондаги Ҳирот бўлса, иккинчисининг пойтахти Моварауннаҳрдаги Самарқанд ҳисобланди.

Билмингизнитекширинг

1. Темурнинг Туроннинг юқори амири бўлиб тайинланган даври ҳақида гапириб беринг.
2. Амир Темур давлатининг тузуми ҳақида гапиринг.
3. Темур ривожлантирган маданий чора-тадбирларни таърифланг.

Топшириқ. «Темурнинг босқинчилик юришлари» номли жадвални дафтарга тўлдиринг.

Йиллар	Асосий босқинчилик юришлари

В. Москва давлати

Рус ерларининг тараққиёти. Мўғул босқинчилигининг зарарлари ва ҳукмдорлар ўрдаларининг жанубда жойлашиши Итил-Ока дарёлари оралиғи ва Новгород ерини хавфсиз ўлкага айлантирди. Бу ерга ҳам ўрдадан солиқ йиғувчилар келди, дашт қўшинлари келиб, намоёишга иштирок этганларни жазолаб, князларни қўллаб-қувватлаб кетди. Шунингдек, жанубдаги ерлар учун Польша, Венгрия ва Литва каби кучли қўшнилари билан тез-тез тўқнашувлар бўлиб турди.

Ушбу дарсда:

- Рус ерларининг тараққиёти;
- Москва тараққиётининг бошланиши;
- Москва давлатининг ташкил топиши ҳақида биламиз.

Калит сўзлар:

мўғул (ўрда) босқинчилиги, ер эгалари (вотчинниклар), буюк князь, буюк князликка фармон, князлик, митрополит, туманбоши, марказлаштирилган давлат

Эътиборберинг!

Шимолий-шарқий Русь давлати ушбу тўқнашувлардан олисда жойлашган эди. Бу ҳудуд қалин ўрмон ичида, дарё ва кўл, ботқоқликлар ўртасида жойлашган ва энг муҳими, ўрда хавф-хатарларидан ҳам узоқда эди.

Ўрда ҳокимиятини тан олиш орқали Шимолий-Шарқий Русь, Литва ҳужумидан ҳимоя топди. Шунингдек, ўрдаликлар русларни салбчилардан ҳам ҳимоя қилди. Рус ерлари кучли ўрданинг қўл остида бўлганлиги учун у ерда доим тинчлик ҳукмронлик қилди, шунга

кўра князлар ўрда билан яхши муносабатда бўлиб, ўзларининг давлатлари келажагини ўйлади. Бу борада Александр Невский фаолиятини алоҳида таъкидлаш мақсадга мувофиқ.

Русь давлатининг шаклланишида черков муҳим аҳамият касб этди. Ибодатхоналар барпо этилди, черков ихтиёридаги ер майдонларининг ҳажми ўсди, у ерларда ишлаш учун деҳқонлар ва ҳунармандлар жалб қилинди, уларга солиқдан имтиёзлар берилди. Черков ҳолати яшиланган сари, умумий Русь давлатининг иқтисодий қудрати ҳам ортиб борди.

Шаҳарларда тошдан бинолар қуриш ишлари олиб борилди, қадимги ҳунармандчилик турлари — устачилик, тери ошлаш, сопол қуйиш, этик тикиш, тош кесиш ўзлаштирилди. Қурол-яроғлар ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш кенг тарқалди. Аста-секин руслар хўжалиги ривожлана бошлади, улар мамлакатда асосий ишлаб чиқарувчи кучларга айланди. Боярларнинг эгаликлари ва монастырь хўжаликларининг шаклланиши, маҳаллий бозорларнинг маҳсулотларга тўлиши, узоқ ўлкалардан савдогарлар ва маҳсулотлар ортилган кемаларнинг кўплаб олиб келиниши бевосита деҳқонлар меҳнати билан боғлиқ бўлди. Русь давлати ҳаётида савдо-сотик муҳим ўрин эгаллади.

Йирик шаҳарлар савдо марказларига айланди, у ерларга бир неча ўлкалардан маҳсулотлар етказилиб турилди.

Савдогарлар ва ҳунармандларнинг катта қисми ўз меҳнати ва маҳсулотларига эҳтиёж мавжуд бўлган ерларга жойлашди.

Савдо-сотик ишларининг ривожланишига пул тизими жорий этилиши катта таъсир кўрсатди. Ҳукумат ўзининг ташқи сиёсати орқали савдонинг ривожланишига таъсир қилди.

Бу даврда феодал ер эгалиги кенг тарқала бошлади. Ер эгалари ва монастырлар деҳқонларни ўзларига жалб қилиб, уларнинг янги ерларга жойлашишига ёрдам берди, имтиёзлар яратди. Шундай қилиб, деҳқонлар аста-секин уларга қарам бўла бошлади. Улар иш берувчиларга қарам бўлиб, ўзлари жойлашган ерларнинг эгаларига



В. Васнецов. Қадимги Москва

солиқ тўлашга, йўллар ва кўприклар, қўрғонлар ва ибодатхоналарни таъмирлаш ишларида ишлашга мажбур бўлди.

Москва тараққиётининг бошланиши. 1260-1270 йилларда Москва князлиги Шимолий-шарқий Русь давлатидаги Владимирнинг буюк князлигидан ажралиб чиқди. Бу вақтда Литва — Русь давлати ва Тверь князлиги кучайиб, Москва князлиги заифлашиб турган давр эди. Шунинг учун у ўзидан кучлироқ князликларга қарам бўлди. Александр Невский ўз васиятида Москвани кенжа ўғли икки ёшдаги Даниилга тайинлайди. 1263 йилда Александр Невский вафот этгандан сўнг, Москванинг биринчи князи тарбиячиси ва ҳомийи унинг акаси — тверлик буюк князь Ярослав Ярославич Тверской бўлди. 1273 йилда акаси вафот этгандан сўнг, у ўзича ҳукмронлик қила бошлади. Бу вақтда князь атиги ўн бир ёшда бўлади.

Даниил олдиндан кўра оладиган, кучли сиёсатчи сифатида танилди. 1300 йилдан у тўсатдан Рязань князлигига хужум қилиб, музокара пайтида Рязань князини ҳибсга олади. Натижада Москва Рязанга қарашли Коломнани ўз ихтиёрига қаратиб олади. Шунингдек, Даниил яқин атрофдаги Переяславлни босиб олади. Даниил ўз ҳудудининг ғарбида жойлашган Смоленск князлигига қарашли Можайск шаҳрини ҳам босиб олади. Москва дарёси бўйидаги муҳим савдо ерларининг барчаси Даниилга тегишли бўлди. Буларнинг барчаси ушбу князликнинг иқтисодий ва ҳарбий қудратини янада оширди. 1303 йилда Даниил вафот этади.

Даниил Александрович вафот этгандан кейин унинг ўғли Юрий Данилович Москва князи бўлиб тайинланди. 1319 йилда Юрий Олтин

Ўрдадан буюк князлик ҳақида фармон олиб, Русь давлатининг биринчи (буюк) князи бўлди. Русь давлатининг ҳокимияти учун Тверь ва Москва ўртасида кураш давом этди.

1324 йилда Юрий Тверь князи томонидан ўлдирилади. Буюк князлик ҳақида фармон яна Тверга ўтади.

Москва давлатининг кучайиши. 1325 йилда Юрий Даниилович вафот этгандан кейин, Москва князлиги унинг укаси Иван Данииловичга берилди. Русь давлатида муваффақиятга фақат Ўрданинг қўллаб-қувватлаши орқалигина етиш мумкинлигини тушунган у раҳбарликка интилмади ва ўз кучини Михаил Ярославич ва Юрий Данииловичга очиқ кўрсатишдан бош тортади. Иван Даниилович қандай йўл билан бўлса-да Тверь ва Ўрда ўртасида келишмовчиликлар яратиш ҳаракатида бўлди. У бу мақсадини узок куттирмай амалга оширди. Узок йиллардан бери ўрдаликлар босими остида яшаган Тверь халқи 1327 йилда бош кўтариб чиқди, намоёниш бутун Тверь ҳудудини қамраб олди.

Иван Даниилович мана шу вазиятни қўлдан бой бермасликка ҳаракат қилди. У Ўрдага бориб намоёнишни бостириш учун ёрдам беришини маълум қилди. У Ўрдадан кўп қўшинлар келтириб, қўзғолончиларни шафқатсизларча жазолади, уларни бостирди. Тверь князи Литва — Русь давлатига қочиб кетади. Қўзғолончиларни бостириб ёрдам қилгани учун Ўрда Москва князига Кострома ва Новгородни берди, бу ерлар олдинлари Тверь князининг ҳукмдорларига қарашли эди. Тверь бутунлай заифлашди. Бироқ Ўрда буюк князь унвонини Москва ҳукмдорига бермасдан, Суздаль князига берди. Фақат 1332 йилда Суздаль князи вафот этгандан кейин Иван Даниилович Владимир буюк князи номига эга бўлди.

Эътиборберинг!

УШимолий-Шарқий Русьдавлатидагиюлий ҳокимиятини Москва князлигини мустақамлаш учун сарфлайди.

Иван Даниилович Олтин Ўрда билан яхши муносабатда бўлди. У солиқларни ўз вақтида, ортиғи билан йиғиб турди, шунинг учун Ўрда номидан бутун рус еридаги солиқни йиғувчи бўлиб тайинланди. Иван бу вазифани бор кучи билан бажаришга ҳаракат қилди, солиқ тўламаганларни аёвсиз жазолади. Мана шу сабабли, Москва князи ўзининг аҳволини ҳам яхшилади, ихтиёридаги ерларни кенгайтди. У бутун муаммоларни пул ва куч ёрдамида ҳал қилди. Иван Даниилович Москва ерига Ростов, Галиц, Белозерск ва Углич князликларини қўшиб олди. У ўзининг ихтиёрида бўлган ҳудудларга диққат билан қаради. Ҳар доим унинг белида пулга тўла халта юрди. Шунинг учун халқ орасида у халтали Иван (Калита) деган номга эга бўлди.

Иван Данилович Москвани рус еридаги черков марказига айлантирди. У қароргоҳи Владимир шахрида бўлган митрополит Петрни Москвага тез-тез чақириб турди. Бу вақтда Петр руҳоний қариган эди. Петр Москвада узоқ яшаб, вафот этди. У Москва Кремлидаги Успенск соборига дафн этилди. Бироз вақтдан сўнг у авлиёлар қаторига киритилди ва Москва ҳимоячиси сифатида танилди. Унинг ётган ерига одамлар тўхтовсиз келиб, дуо қила бошлайдилар. Бундан кейинги митрополитларнинг барчаси Москвада яшади, шаҳар рус черковининг марказига айланди. Бу ҳолат Москва князлигининг аҳамияти ва обрўсини оширди.

Иван Калита даврида князлар ўртасида низоларга барҳам берилди, ўрдалиқлар рус ерларига ҳужум қилишни тўхтатдилар.

Ёдда тутинг

Владимирнинг буюк князи деган мартабали унвон фақат Москва князларига берилган.

1359 йилда Москва тахтини тўққиз яшар Дмитрий Иванович эгаллади. Мана шу йилда Олтин Ўрда иккига бўлиниб кетди. Итил дарёси уларнинг чегаралари бўлди. Олтин Ўрданинг ғарбий қисмини қўмондон Мамай эгаллаб, у Чингизхоннинг авлоди бўлмаганлиги учун хон тахтига талаша олмади. Итилнинг шарқий томони Сарой ихтиёрида қолди. Олтин Ўрданинг икки қисми ўртасида узлуксиз урушлар давом этди. Мана шундай вазиятда кимга қараш керак, фармонни кимдан олиш керак, кимга бўйсунуш керак деган саволлар Москва князлигининг асосий муаммосига айланди. Шу пайтда Дмитрий Иванович боярлари билан бирга Саройга боради. Москванинг кучайиб кетишидан қўрқиб, хон “буюк княз” унвонини қўйи шаҳар — Суздаль князлигига беради. Бироқ, мақсадга эришиш учун Дмитрий бош эгиб, Ўрдага уч марта бориб, хоннинг қўлидан буюк князь фармонини олиб кетади.

Бу пайтда Москва ўз атрофига рус ерларини тўплаб, ҳукмронликни қўлга олиб, катта муваффақиятларга эришган эди. Москвага Владимир ва Дмитров ҳам бўйсунди. Энди Москва князлигига Шимолий-Шарқий Русь давлати ерларининг ярми қаради. Кўп князликлар Москва билан иттифоқдош муносабатда бўлди. Фақат Тверь князлиги Москванинг рақиби айланди.

Шу вақтда Дмитрий Иванович Ўрдага анъанавий ёндашувларини ўзгартириб, унга очиқ қаршилик кўрсатди. 1361 йилдан бошлаб у Ўрдага солиқ тўлашни тўхтатди. Москвани ҳимоя қилган рус князлари князь фармони учун Ўрдага боришни тўхтатди. Уларнинг бу ҳаракатидан норози бўлган Мамай рус князларини, хусусан, Дмитрий Ивановичга ўз ҳукмронлигини тан олишни талаб қилиб, Русга қарши жазолаш ишларини юритди. Москва князлиги Ўрдага қаршилик кўрсата бошлайди, бу Куликово даштида бўладиган жангга бошловчи қадамлар эди.

Ёддатутинг

1380 йилда Куликово жангида Мамайнинг мағлубиятга учраши Москванинг Олтин Ўрда қарамогидан озод бўлиб, мустақиллик олишидаги муҳим воқеа бўлди.

Москва атрофига Иван III (1462—1505 йй.) ва Василий III (1505—1533 йй.) ҳукмронлик қилган даврда рус халқи бирлашди. XV асрда Москвага Стародуб, Ярослав князликлари, Новгород, Тверь, XVI аср бошларида — Псков ва Рязань ерлари ҳам қўшилади. Ўз таркибига Шимолий-Шарқий ва Шимолий Русь давлатининг асосий ерларини қўшиб олган Москва князлиги ягона Русь давлатини шакллантиришни яқунлайди.

Билмингизнитекширинг

1. Шимолий-шарқий рус ерларининг ривожланишига қандай омиллар таъсир қилган?
2. Шу вақтдаги феодал қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилик ҳамда савдо-сотиқнинг ривожланишидаги янги ҳодисалар ҳақида гапириб беринг.
3. Ривожлана бошлаган рус ерларида ерга ишлов беришнинг қандай феодал турлари шаклланган?
4. Ер эгаллиги ҳуқуқига асосланган тизим қандай номланади?
5. XIV аср бошларида рус ерининг сиёсий харитаси қандай ўзгарган?
6. Владимир тахти учун бўлган курашлар ҳақида гапириб беринг?
7. Рус ерининг аста-секин Москва атрофига тўплана бошлашининг сабаби ва Москва князларининг кучайиши сабабларини аниқланг.
8. Иван Калитанинг сиёсати ҳақида гапириб беринг.
9. Куликово даштида бўлган ғалабанинг рус халқи тарихидаги аҳамияти қандай??

Топшириқ

II. “Ёйиқдаги қирғин ҳақида йилнома маълумоти” ҳужжати парчаси билан танишинг. Муаллиф Дмитрий Донскийнинг қандай хусусиятларини таъкидлайди?

...Буюк князнинг қаддидан барчасини кўриш мумкин эди: унинг барча жиҳозлари жанг давомида бўлиниб, майишиб қолган эди, танасида эса урушда олган биргина ҳам яраси йўқ эди. У илк урушдан бошлаб, курашда қатнашиб, татарлар билан бирма-бир курашади. Бу ҳақида “Жаноб князь, олд қаторда ҳам, орқа қаторда ҳам курашманг, четки ёки хавфсиз ўринда туринг” — деб, унга кўп князлар ва лашкарбошилар айтган эди: У эса: “Мен ўз бошимни ҳимоя қилиб, орқага яширинсам, бошқаларга барчамиз бирга олға интилайлик деб қандай айтаман? Мен бундай қила олмайман, барча қариндошларим, христианларнинг олдида намуна кўрсатгим келади. Уларнинг жасурликларини уйғотгим келади” — деб жавоб берди. У айтганини бажарди: ҳамманинг олдида юриб, татарлар билан курашди.

Г. Ҳубилай давлати, Илъханат

XIII—XVI асрларда Хитой Мўғул сулоласининг ҳукмронлигида. 1211 йилдан бошланган Хитойдаги мўғул босқинчиликлари 1279 йилда Чингизхоннинг набираси Ҳубилайхон ҳукмронлиги даврида яқунланди. 1280 йилда у Хитойда 1368 йилгача яшаган император Юань сулоласини ташкил қилди.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт. Мўғуллар Хитой шаҳарлари ва манзилгоҳларини шафқатсизларча талон-тарож қилди. Хитой аҳолисига оғир солиқлар солди. Хубилай (1260—1294 йй.) ҳукмронлик қилган даврда қишлоқ хўжалиги соҳасида бирқатор ўзгаришлар амалга оширилди. Бу ерларнинг бир қисмидан яйлов сифатида фойдаланилса, қолган қисмларига махсус бирлашган Хитой деҳқонлари қараб, экин экди. Хубилай оқсуяклари яхши ерларни ўз қарамоқларига олишда давом этди. Мўғуллар деҳқонларнинг ерларини тортиб олиб, уларни ўз қўрғонларига айлантirdи.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириб, унинг раванқ топишига шароит яратмади. Хитой деҳқонлари ер учун ва ҳар бир эркак киши учун кўп миқдорда солиқ тўлашга мажбур бўлди, бу уларга жуда оғир ботди. Хубилай ҳукмронлиги даврида “Қишлоқ хўжалиги бош қўмитаси” тuzилди, ҳудудларда унинг идоралари иш юритди. 1271 йилда “Қишлоқ хўжалиги жамоаси ҳақида” Қонун эълон қилинди. Ушбу Қонунга кўра, ҳар бир эллик сарой битта жамоа ҳисобланди, унга қишлоқ хўжалигида тажрибали оқсоқол сайлов йўли орқали раҳбар қилиб тайинланди. Ушбу раҳбар вазифалари сирасига қишлоқ хўжалиги ишларига етакчилик ва жамоадаги тартибни назорат қилиш киритилди. Бу чора-тадбирлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг афзаллигини ошириб, солиқнинг кўп миқдорда йиғилишини таъминлаш мақсадида амалга оширилди. Бироқ, бундай усулнинг фойдаси юқори даражада бўлмади.

Будда ибодатхоналари ва монастирларининг ерлари олдингидай солиқ тўламади. Шунга кўра, деҳқонлар ўзлари ва ерларини диний ибодатхона феодалларининг ғамхўрлигига ўтказиб, босимдан қутулишнинг осон йўллари топиб, айёрлик қила бошлади. Мана шундай йўллар орқали ибодатхоналар ихтиёридаги ерлар ҳажми кенгайиб кетгани учун мўғул ҳукмдорлари 1327 йилда ибодатхоналарга халқдан ер сотиб олишни тақиқлади.

Мўғул босқинчилигининг зарарини қишлоқлардаги Хитой деҳқонлари билан бирга шаҳар аҳолиси ҳам кўрди. Кўп шаҳарлик усталар

Ушбу дарсда:

- Мўғул сулолалари ҳукмронлигидаги Хитой;
- Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт;
- Ички сиёсий тараққиёт;
- Ильханат;
- Хулагийлар давлатининг инқироzi;
- Газанхон ислоҳотлари;
- Хулагийлар давлатидаги феодал муносабатлар ва унинг парчаланиши ҳақида биламиз.

Калит сўзлар:

Мўғул босқинчиликлари, хунармандчилик-савдо бирлашмалари, қоғоз пул, «Қизил рў-моллилар» кўзғолони, ильхан, ислоҳот, тамға, иқта, феодалпарчаланиш



Хубилай хон

мўғулларнинг қулларига айланди, Хитойдан бошқа ерларга мажбурий олиб кетилди. Улардан мўғул босқинчиликларида фойдаланилди ва аскарларига хизмат қилди. Айниқса, деворларни йиқитиш ва тошотар қуроллар ишлаб чиқарувчи Хитой усталарига талаб юқори бўлди. Улар ишлаб чиқарган қуроллардан мўғул босқинчилари шаҳарлар ва қўрғонларни бузишда фойдаланишди. Марказий давлат маъмуриятида обрўга эга “Усталар ва расомлар бошқармаси” тузилди, бундай бошқармалар барча ҳудудларда мавжуд эди. Ушбу бошқармаларга тегишли устахоналарда қуллар ишлади, улар мўғул

оқсуяклари ва уларнинг саройлари учун зарур бўлган ашёларни тайёрлашди. Жанубий Сун империясининг пойтахти Ханчжоу шаҳрининг ўзида бир неча минг усталар ишлаган.

Венециялик сайёҳ Марко Полонинг ёзмаларида XIII асрда Ханчжоу шаҳрида ўн бешта савдо бирлашмалари бўлганлиги айтилади. Савдо бирлашмалари у ерларда яратилган имкониятлар туфайли ривожланган. Мўғул ҳукмдорлари даврида олдингидек чек қўйиш қоидаларига барҳам берилиб, олдиндан шаклланган бирлашмалар кучайиб, ўзаро шартномалар туздилар. Ишлаб чиқариш ва маҳсулот сотиш ҳудудлари бўйича ўз устунликларини сақлаб қолдилар.

Савдо бирлашмалари босқинчиларга маҳсулотларни жуда паст нархларда етказишга мажбур бўлди. Кейинчалик табиий маҳсулот сифатида етказилган солиқлар пулли кўринишга ўзгартирилди. Тадбиркорлар ва савдогарлардан йиғилган солиқлар уларнинг мулклари ҳажмига боғлиқ аниқланди. Солиқларни мўғулларга тўлиқ равишда бир марказга етказди, уларни ўзаро бўлиб олиш эса мўғуллар вазифаси ҳисобланди. Босқинчилар қулга айланган ҳунармандлар билан бирга, озодликдаги ҳунармандларнинг меҳнатларидан ҳам унумли фойдаландилар.

Мўғуллар фойдаланиш учун йирик қоғоз пулларни киритиб, дастлаб уларнинг қадриятини сақлаш учун кўп миқдорда босиб чиқаришни тақиқлади. Кейинчалик бу тақиқлар олиб ташланиб, давлатнинг ўзи пулларни чексиз кўп миқдорда чиқара бошлади. Бу қоғоз пулларнинг тўлиқ хунсизланишига, савдо жамоаларининг инқирозга учрашига ва маҳсулотларнинг қимматлашишига, аҳолининг қашшоқланишига олиб келди.

Мўғул ҳукмдорлари Хитойда халқаро савдонинг ривожланишига йўл очди, бундай кенглик хатто олдинлари бўлмаган эди. Хубилай хон будда динини қўлаб-қувватлади, будда динини тарқатувчилар ва олимларга ҳурмат кўрсатиб, имтиёзлар яратди. Шунингдек, бошқа динларга ҳам эркинлик бериб, қўлаб-қувватлади.

Хитойга ўз ҳукмдорлигини ўрнатган мўғул босқинчилари шу даврдаги Сун имериясининг бошқарув маъмуриятини ўзгаришсиз қолдирди.

Эътиборберинг!

Хитойга ҳукмронлик ўрнатиб, мўғуллар Хитой тилини ва ёзувини ўрганди. Шунингдек шу ернинг бошқарув шаклини қолдирди.

Ички сиёсатнинг ривожланиши. Давлатни ўнта ҳудудга бўлиб, бирқатор ўлка бўлинишларгина амалга оширилди. Бошқарув маъмурияти ўзгармасдан қолгани билан, мўғуллар ҳукмдорлигида бўлди, маъмурий бошқарув асосан Марказий ва Олдинги Осиё халқларидан чиққан вакиллардан тайинланди. Уларга йирик давлат ишлари билан бирга, ҳатто юқори лавозимлар ҳам ишониб топширилди. Марказий ва Олдинги Осиёдан чиққан одамларнинг юқори лавозимларни эгаллаши Хитойга бошқа ҳудудлардан кўплаб халқларнинг келишига йўл очди.

Юань сулоласининг асосий ҳарбий кучи мўғулларнинг ўзи эди, бироқ армияга маҳаллий Хитой аҳолиси кўплаб тортилди. Улар ер қазиш, ташиш каби қора ишларга тортилди. Давлат ҳудуди туманларга бўлиниб, мўғул сардорларига бошқарувга берилди. Маҳаллий ҳукмдорлар ҳеч ким билан кенгашмади — улар қонунни кўзга илмасдан, ҳатто буюк хонга ҳам ҳисоб бермади. Хитойдаги мўғул оқсуяклари орасидаги талаш мўғул ҳукуматини янада заифлаштирди. XIV аср бошида ҳукумат учун кураш давом этди. Ҳокимиятни бир император қўлга киритса, уни бошқа гуруҳ тахтдан тойдириб, ўз одамини қўйди, ундан ҳокимият кейингисига алмашиб, қўлдан-қўлга кўчди. Айниқса, моддий инқироз сезилди. Қоғоз пуллари хунсизланиб, Хитой чорвачилигига салбий таъсир кўрсатди.

Мўғул босимига қарши Хитой халқининг кураши. Аҳолининг ҳукмдорларга норозиликлари кучайди. Айниқса, мўғул ҳукмдорларидан чорвалар ва шаҳарлик ҳунармандлар кўп азият чекди, барча оғирлик ва олим-солиқ шулар зиммасида бўлди. Шунингдек, ўз хизматлари ва лавозимларидан айрилиш ҳавфи сезилган, ҳаёти ҳам мўғул хонларига қарам бўлган Хитой феодаллари норозилик кўрсатди. Хитой халқининг мўғул хонларига қарши кураши XIV асрнинг ўрталарида ниҳоясига етди. Бу даврда Тоғон-Темур (Шуньди) ҳукмронлик қилиб турган эди. У Хитойдаги мўғуллар сулоласининг сўнгги императори бўлди. Аҳолининг норозилик намоёишларига 1350-1351 йилларда Хуанхэ дарёсидаги тошқин таъсир қилди.

Сув тошқини кенг тарқалиб, ҳозирги Хэнань, Хэбэй ва Шаньдун провинцияларининг ҳудудларини қамраб олди. Бу воқеа халқнинг бунгача чидаб келган сабрини тугатди. 1351 йилда Тоғон-Темур халққа

қимоя тўсиқлар қуришни буюрди. Шу йилда Сюйчжоуда (Цзянсу провинциясида) Жаньянеда (Хубэй провинциясида) халқ норозиликлари бошланди. Ушбу қўзғолонлардан сўнг, давлатнинг барча ҳудудларида норозиликлар бошланди.

Мўғул феодалларига қарши курашда «қизил рўмоллилар» деб номланган қўзғолончилар муҳим роль ўйнади. Уларнинг номлари Хитой тарихида қолди. Норозиликка иштирок этган чорвалар махсус қўшин қуриб, қўзғолончи қизил армияни (хун цзюнь) қўллаб— қувватлаш учун бошларига қизил рўмолчалар тақди, шунинг учун улар қизил белгилилар деб аталди. Кўтарилишчиларнинг асосий бошловчилари “Оқ лотос” жамиятининг аъзолари бўлди. Уларга қўзғолонни бошлаган Хань Шаньтуннинг ўзи қўшилди, кейинчалик у вафот этгандан сўнг, отасининг ўрнига ўғли Хань Линь-эр ҳам ушбу жамоа аъзоси бўлди.

1356 йилда қизил армия Мўғуллар сулоласининг пойтахти — Даду (Пекин) шаҳрига ҳавф солди. XIV асрнинг 60— йилларида мўғулларга қарши инқилоб Хитойнинг кўплаб провинцияларида давом этди. Миллий инқилоб раҳбарлари асосан чорвалар бўлди. Мана шундай чорвалардан тўпланган армия қўмондони Чжу Юань-чжан 1368 йилда император бўлиб эълон қилинди. Мўғулларнинг Юань сулоласи парчalandи. Чжу Юань-чжан янги сулола асосини ташкил этиб, у «Мин» деб номланди.

Ильханат. Хулагу давлатининг ташкил топиши. Чингиз хон армиясининг ҳужумлари натижасида Эроннинг кўплаб ҳудудлари далага айланиб, оазислар яйловларга айланди, сув канал тизимлари эса вайрон қилинди. Нишопур, Рай, Қазвин, Ҳамадон ва бошқа шаҳарлар ер билан яксон бўлиб, бўшаб қолди. Эроннинг кўплаб ҳудудларида молларни босқинчилар ҳайдаб кетди ёки қириб ташлади.

Эронни Чингиз жангчилари XIII асрнинг 50- йилларида тўлиқ босиб олди. Шунинг учун Буюк хон Мўнке махсус сафар уюштириб, уни хоннинг укаси Хулагу бошқарди. Улар (1256 й.) Албурс тоғидаги кучли қўрғонларини бирин-кетин босиб олди. Бундан кейин 1258 йилда Хулагу Бағдодни бошқариб турган Аббосийлар халифалигини тиз чўктирди, халифалик XII асрнинг охиригача Қуйи Ироқни ҳам бошқариб келган эди. Чингиз хон қолдирган васият хусусида Эрон ва Кавказ ҳудудининг аҳолиси унинг тўнғич ўғли Жўчининг эгалиги ҳисобланди, амалда эса бу елларни буюк хон томонидан тайинланган раҳбарлар бошқарди. Хулагу бу ҳудудда 1261 йилда Буюк хон Қубилай тан олган бешинчи мўғул улуси — Хулагий (1256—1353 йй.) давлатини қурди. Жўчи авлодлари бу қарорга қарши бўлди, Кавказ ҳудудининг елларини босиб олишга ҳаракат қилди; шундай қилиб, Жўчи ва Хулагу авлодлари ўртасида тугамас уруш бошланди.

Ёддатутинг

Хулагидлар ильхан лавозимини эгаллади бу “қабила хони”, яъни улус хони бўлиб ҳисобаланди.

Уларнинг мулкчилигига Эрон, Афғонистон, Кавказ ҳудудининг маконлари ва Араб халифалигига қараган Ироқ ва Кичик Осиёнинг шарқий ҳудуди киради. Ильханнинг Ўрдаси Жанубий Озарбайжонда жойлашди. Ильханлар кўчманчи ҳаёт тарзини кечирди. Сирия ва Мисрда ҳукмронлик қилган мамлукларга қарши курашиш учун ильханлар крест жангчилари билан битим тузди, бу вақтда крестчилар Сириянинг шимоли билан Кипр ороларини бошқариб турган эди. Бироқ ильханларнинг Миср султонлари билан кураши муваффақиятсиз бўлди.

Эътиборберинг!

Хулагу давлатида феодаллар бир неча гуруҳдан ташкил топди: ҳарбий кўчманчилар, (мўғул, турк ва курд) оқсуяқлар, маҳаллий ҳукмдорлар, дин вакиллари ва маҳаллий ўтроқ ер эгалари бўлди.

Форс тарихчиси Рашид-ад-дин “(XIV асрнинг бошида) бир солиқнинг тури бир йилда бир неча мартаба йиғилди, қайта тўлашга чамаси келмаган чорвалар қишлоғи ва уйини ташлаб қочиб кетишди” деб ёзган. Қишлоқда қолганлар эса, уйларини атайин ярми қулаган ҳолда ушлади, улар мана шундай мушкул ҳолатни кўрсатиш орқали солиқ йиғувчилар, ҳарбий лавозимлилар ва ясоқлар қаҳридан қутилишни ўйлади. Бироқ, баъзан бу ҳолат уларга ёрдам бермасди.

Эрондаги қишлоқ хўжалигининг парчаланиши ва шаҳар ҳаётининг қийинчиликларга дучор бўлишини кўплаб манбалардан учратиш мумкин. Географ Хамдаллах Казвин “олдинги гуллаб турган кўплаб шаҳарлар кичик қишлоқларга айланди” деб айтди. XIII асрда Эрон ва қўшни мамлакатларда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайишига боғлиқ озиқ-овқат рентасининг аҳамияти ошди. Деҳқонлар феодал рентанинг ўсишига, крепостной сиёсатга, босқинчиларнинг зўравонлиги ва тўновчиликларга қарши намоёнларга чиқа бошлади. Буларнинг барчаси мамлакатдаги сиёсий ҳолатнинг мураккаблашувига олиб келиб, ҳокимиятни тезкор қарор қабул қилишга мажбурлади. Дастлабки олти ильхан даврида сиёсий бошқарувчи куч кўчманчи мўғул ва туркий қабилаларидан ташкил топган ҳарбий-феодал оқсуяқлари бўлди. Улар ўтроқ чорваларни талон-торож қилди. Кўплаб ҳудудларда чорвалар давлат ва ер эгаларига маҳсулотнинг 80% гача бериб турди.

Газанхон ислоҳотлари. Эрон ва Озарбайжондаги чорвачиликларнинг оғир аҳволи Газанхоннинг (1295—1304 йй.) бошқача йўл тутишга

мажбурлади, ички сиёсатни ўзгартириб, мусулмон дин бошчилари ва маҳаллий ҳукмдорлар билан (форс, тожик, Озарбайжоннинг), ўтроқ оқсуяклар билан яқин муносабат ўрнатиб, уларнинг қўллаб-қувватлашига суяниш керак бўлди. Бир қатор муҳим ислоҳотлар қўлга олинди. Натижада вақтинчалик ҳукуматдаги сиёсий хизмат мўғул — турк ҳарбий-кўчманчи оқсуякларидан маҳаллий оқсуякларга алмашди. Ердан ундирилган олим-солиқнинг аниқ ҳажми ва уни тўлаш муддати бекитилди. Олдингидай сабабсиз солиқ йиғиш тўхтатилди. Ҳарбийлар ва ҳукмрон синф вакилларига райятларнинг (чорвалар ва шаҳар аҳолисининг) уйида яшаш тақиқланди. Кўплаб шаҳарларда тамға яъни, касб эгалари ва савдогарларга солинган оғир солиқ олиниб ташланди, уни мўғул хонлари киритган эди. Баъзи шаҳарларда ушбу солиқ ярмигача қисқартирилди. Кумуш пуллар қайта фойдаланишга киритилди. Бўш ётган ва эгасиз ерлар енгиллаштирилган шартлар билан ер эгалланувчиларга берилди, улар бу ерларда экин экиш вазифасини олди. Ҳазинанинг устахоналарида (карханэ) ишловчи ҳунарманд — қуллар маош оладиган бўлди, улар олдинлари фақат озгина озиқ-овқат учун ишлар эди. Ислоҳот ҳукмрон синф вакиллари-нинг зўравонлиги ва кўчманчи ҳукмдорларга ҳам чек қўйди. Суғориш тизимларини тиклашда катта ишлар юритилди. Газанхоннинг қонун тизими деҳқонларнинг крепостной ҳуқуқларини қўллади ва уларнинг алмашишини таъқиқлади. Бу Чингиз хон давридан қолган қоида эди. Қочиб кетган чорваларни излаш муддати ўттиз йилгача давом этадиган бўлди. Олим-солиқлар бир тизимга тушгани билан, юқори даражада қолди. Масалан Хузистанда давлат (девон) еридаги чорвадан умумий фойдасининг 60% хазинага олинди. Газан хон чорваларнинг феодалларга қарши кўтарилган намоёишларини қатъий босиб ташлади.

XIV асрдаги Хулагийлар давлатидаги феодал муносабатлар ва унинг қулаши. Мўғулларнинг кўчманчи оқсуякларининг талаби билан 1303 йилда иқтани (ҳарбий хизмати учун ҳудуддаги аҳолидан ёки шаҳардаги солиқдан ер улушини эгаллаш) улушларга бўлиш фармони тасдиқланди. Унга кўра, феодал армияда ҳарбий хизмат қилган барча мўғуллар улуш олиши керак бўлди. Иқта учун бутун ҳудудлар олиниб, минглик амирларга — лашкарларни тақдим қилувчи мўғул қабилалари бўлимларининг бошчиларига берилди. Улар қўшин сонини ортиғи билан минглаб одам деб кўрсатди (ҳақиқатда эса жудаям оз эди).

Минглик амирлар ўзларига тегишли ҳудудларни бўлиб олиб, юзбошиларга тарқатди, улар — ўнлик амирларга, улар-жангчиларга тарқатди. Уларнинг ҳар бири кичик ер улушини (бир қишлоқ ёки унинг бир қисмини) бирлаштирган чорвалар билан бирга олди.

Ёддатутинг

Иқта меросхўрликка қонуний равишда берилди. Мана шундай ер улушининг эгаларисолиқ енгилликларига ҳам эга бўлдилар.

Солиқ енгилликлари баъзи шахсий мулк ерларига ва мусулмон диний идораларининг барча ер эгаларига берилди (кейинчалик меросхўрликка айланди).

Газан хон юритган ислохотлар Хулагидлар давлатини биров вақт ушлаб тургани билан, уни сиёсий парчаланишдан асраб қола олмади. Ушбу ислохотлардан кейин давлат иқтисоди XIII асрнинг бошида бўлган даражага ета олмади. Шаҳарлар парчаланиши ва маҳсулот ишлаб чиқаришнинг пасайиши, ҳудудлар ўртасидаги чорвачилик муносабатларнинг заифлашуви, иқтанинг тарқалиши феодаллик парчаланишни янада тезлаштирди.

Абу Сайд ильханнинг вафотидан сўнг (1335 й.) Хулагидлар давлати феодалларнинг ўзаро тўқнашув майдонига айланди. Унинг бутунлай сиёсий қулаши 1353 йилда содир бўлди. Эронда бир неча мустақил феодал давлатлар пайдо бўлди.

Билмингизнитекширинг

1. Мўғул хонларининг ҳукмронлигидаги Хитойнинг аҳволи қандай бўлди?
2. Хубилай давлатидаги феодал ер эгалланиш ва чорвалар аҳволи ҳақида гапиринг.
3. Мўғул ҳукмронлиги даврида Хитойда касб ва савдо қандай ривожланди?
4. Юань мўғул сулоласининг маъмурий идорасига хос хусусиятларни атаңг.
5. Хитой аҳолисининг мўғул хонларига қарши кураши ҳақида гапиринг.
6. Хулагийлар давлатининг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий аҳволини тушунтиринг.
7. Газанхон ислохотининг аҳамиятини аниқланг.
8. Хулагийлар давлатида ер муносабатлари қандай тасвирга эга бўлди ва уларнинг хусусиятларини атаңг.
9. Хулагидтер мемлекетиниң ыдырау себебін атаңдар.

Топшириқ

1. Мўғулларнинг Хитойдаги солиқ сиёсати ҳақида XIV асрдаги форс тарихчиси Рашид-ад-Диннинг маълумоти билан танишиб, саволларга жавоб беринг.

Мўғул лавозимлилари ўзларига бўйсунган халқдан солиқни қандай усуллар билан йиеди?

“Солиқ йиғишга чиққан олимчилар ҳудудларга отланганда маҳаллий одамларнинг уйини яхши билган қандайдир бир шахсларни топишга интилди. Шунинг ёрдами билан улар одамларни бурчаклардан, омборлардан, боғлардан ва уюндилар орасидан тезда топиб олди. Агар эркакларни ушлай олмаса, уларнинг аёлларини қўлга киритди, уларни мол каби қувиб солиқ йиғувчининг олдига олиб борди. Шундай қилиб, уларни оёқларидан осиб урди. Аёлларнинг йиғлаган ва ёлворган овозлари эшитиларди”.

49-§. ЕВРОПАНИНГ ҰЗГАРИШИГА НАПОЛЕОН ЮРИШЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

Ушбу дарсда:

- Наполеон босқинчилигининг Европадаги индустриал жамиятининг шаклланишидаги муҳим аҳамияти;
- Европада либерал жамоат ғоясининг тарқалиши ҳақида биламиз.

Калит сўзлар:

босқинчилик юришлари, кодекс, буржуазия ислохотлар, либерализм, инсоннинг табиий ҳуқуқи, иқтисодий муносабатлар, фуқаролик ҳуқуқлари, парламентаризм, давлат.

Наполеоннинг босқинчилик юришларининг Европадаги индустриал жамият шаклланишига таъсири. 1799 йилда 18 брюмердаги (9-10 ноябрь) давлат қўзғолони Буюк француз инқилобига нуқта қўйди. Давлат бошида Наполеон Бонапарт турган Консул режими киритилди. 1804 йилда Консул ўрнига Биринчи Империя келди, Наполеон император бўлиб эълон қилинди.

Ёдда тутиш

Наполеон Францияни дунёдаги етакчи давлатга айлантириш мақсадида, айниқса, биринчи навбатда Европада давлатлари юрасида устунлигини орттириш учун, ташқи сиёсатда босқинчилик уруш юритди. Бу Европалик державалар ва халқлар томонидан қаршиликларни келтириб чиқарди. Шунинг учун, Европа сиёсати Наполеоннинг 1799-1815 йиллар оралиғида қилган босқинчиликларини Франциянинг Европада устунлик қилиш мақсадида бўлган деб фармон қабул қилди.

Эътибор беринг!

Наполеоннинг босқинчилик ҳаракатлари Франциядаги капиталистик ривожланишни тезлаштирди.

Наполеоннинг босқинчилик ҳаракатлари иқтисодий жамғармани керак қилди. Ҳукумат давлатдаги касбчиликнинг ривожланиши учун имконият яратди. Йирик буржуазияга фойдали давлат топшириқлари берилди бошлади. Наполеон давлатнинг моддий тизимида ислохотлар юритди. 1800 йилда француз банки ташкил қилиниб, янги пул бирлиги — франк жорий қилинди.



Наполеон Бонапарт
(1769—1821)

1804 йилда Фуқаролар кодекси (қонунлар тўплами) ёки Наполеоннинг Кодекси чоп этилди. Унда классик буржуазия намунасидаги мулк муносабатлари, меросхўрлик ҳуқуқ, аёлларнинг эркаларга, ёлланмалли ишчиларнинг хўжайинга муносабатлари тасдиқланган. Кодексда фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, шахслар эркинлигига, мулкига, ор-номус эркинликларига қўл узатмаслик кўрсатилган.

1804 йилда Фуқаролар кодекси (қонунлар тўплами) ёки Наполеоннинг Кодекси чоп этилди. Унда классик буржуазия намунасидаги мулк муносабатлари, меросхўрлик ҳуқуқ, аёлларнинг эркаларга, ёлланмалли ишчиларнинг хўжайинга муносабатлари тасдиқланган. Кодексда фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, шахслар эркинлигига, мулкига, ор-номус эркинликларига қўл узатмаслик кўрсатилган.

XIX асрнинг дастлабки ўн йилида француз иқтисодиётининг барча соҳаси ривожланди. Айниқса, ишлаб чиқариш кескин тус олди, мануфактура билан бирга, ишлаб чиқариш машиналари ҳам фойдаланишга киритилди. 1812 йилда фақат тўқима саноати бўйича 200-дан ортиқ фабрикалар иш юритди. 1800-1811 йиллар оралиғида Лионда мато ишлаб чиқариш уч мартага ортиди. Бу машиналарни фойдаланиш орқали эришилган муваффақиятлар эди. Тезда ривожланиш нафақат энгил, балки оғир саноатда ҳам ўз аксини топди.


Кескин ривожланиш Франциянинг қишлоқ хўжалигида ҳам ўрин олди. Наполеон чорваларнинг инқилоб йилларида қўлга киритган ерларидан тўсиқсиз фойдаланишига имконият берувчи шартларни тасдиқлаб, тартибга солди. Бу эса ерни фойдаланишни қулай қилди; мол сонининг ўсиб, қишлоқ хўжалагидаги маҳсулот сонининг ортиши Франциянинг ички нархининг ривожланишига таъсир қилди. Европа давлатларини бўйсундириб, янги ерларни босиб олган Наполеон у ҳудудларни Франция маҳсулотини ўтказувчи ҳудудларга айлантирди. Бунга 1806 йилда Наполеоннинг Англияга киритган ҳудудий блокада сиёсати таъсир қилди. Натижада инглиз ишлаб чиқариш маҳсулотларига Европа бозори ёпиқ бўлди. Кучли рақибининг йўлини топган француз иқтисодининг ривожланиш йўли тезлашди.

Босқинчилик ҳаракатлари Франция ресурслари ва қудратини орттирди. Франция босиб олган ерлар ва давлатларни тўнаб, контрибуция олиб, қарам давлатларга, ҳарбий континетларга ўзига самарали нархлар тайинлаб, ўз фойдасини орттириб, хазинасини тўлдирди.

Эътиборберинг!

Буржуазиялик Франциянинг босқинчилик ҳаракатлари феодаал Европага сезиларли даражада таъсир кўрсатди. Тўқнашувлар феодаал муносабатларни парчалаб, капитализм ривожланишини тезлаштирди.

1811 йилда Француз империяси йирик ҳудудни эгаллаган кучли мамлакатга айланди. Қарам давлатлар ва иттифоқдош республикаларни ҳисобга олганда, унинг таъсири бутун Ғарб ва Марказий Европагача етди. Франция рақиблари денгиз атрофидан Англия, қуруқликда Россиягина бўлди. Буржуазиялик Франциянинг босқинчилик ҳаракатларининг натижалари бўлишининг сабаблари



Наполеон кодекси

қуруқликдаги Европа унга қарши чиққан давлатлар, асосан, ночор қуролланган, сони оз аскари бор феодал монархия ва чорвадорлар билан ер эгалар эди. Франциянинг қарбий ғалабаларига Германия ва Италиянинг сиёсий бўлиниши ҳам таъсир этди. Унинг чегарасида мустақкам бирлашган давлат бўлмади.

Наполеон босқинчилик қаракатлари пайтида Франция чегарасини айланиб, қўғирчоқ давлатлар қуриб, уларнинг рақбарлигига ўз қариндошларини қўйди. Француз ҳукумати қўлга киритган давлатларда буржуазия ислохотларини юритди. Француз аскарлари босиб олган ҳудудларда Наполеон Кодекси киритилиб, феодал тартиб йўқ қилинди. Ишлаб чиқаришда капитализм ривожланиши цехларнинг йўқ қилинишига олиб келди. Черков ва йирик ер эгаларининг ерларининг қуйи нархда сотилиши маҳаллий буржуазиянинг молиясини орттирди. Шу сабабли капиталистик ишлаб чиқаришнинг ривожланишига имкониятлар яратилди. Наполеоннинг Рейн иттифоқи ва Вестфаль қироллигини қуриши, жамиятдаги дин таъсирини камайтириши, Фуқаролик кодекснинг киритилиши Германияда сиёсий ўзгариш ўрнатди. Натижада 200-дан ортиқ кичик давлатларга бўлинган немис халқи бирлашиб, ягона давлат бўлиб шаклланди. Наполеоннинг Кодекси киритилган Италияда чорваларнинг бунгача сақланган кре-



Ватерлоо ҳудудидаги жанг. Робинсон картинасида лавҳа

постной ҳуқуқлари бутунлай йўқ қилиниб, ер эгаларининг қонунлари ўрнатилди. Наполеоннинг ички чегараларни бартараф этиб ягона ҳуқуқий тизимни ва бутунлай ҳарбий бўйсуннишни жорий қилиши Италиянинг ҳам ягона давлатга айлантириш имконини берди. Германияда, Бельгияда ва Италияда французларнинг ҳукмронлиги маҳаллий феодал зодагонларининг ҳокимиятини чеклаб қўйди. Испанияда феодал ташкилотлар тўхтатилиб, чорваларга юкланган бирқатор қарзлар олиб ташланди. Герцоглик Варшавада чорваларнинг қарамлиги барбод қилиниб, Наполеоннинг Кодекси киритилди.

Ёддатутинг


Наполеон қўлга киритган ҳудудларда феодаллик тартибнинг олиб ташланиши ижобий ўзгаришларга олиб келди, капитализм ривожланишига йўл очди, абсолют тизимнинг заифлашувига олиб келди.

Европада либерал жамият ғоясининг тарқалиши. Европада капитализм ривожланишига йўл очган Наполеоннинг босқинчилик ҳаракатлари Европа давлатларига оқсуяк буржуазия билан интеллигенцияга босимлик берган либерализм ғоясининг (лот. *Liberalis*-эркин) кенг тарқалишига таъсир кўрсатди. Либерализм давлатнинг барча чекловлари учун эркинлик шиорини сақлаб қолди. Бу чексиз ҳукмронлик эгаллаган монархлар ҳокимиятига ва католик черковнинг юқори тармоқларига қаршиликлардан келиб чиқди. Либерализм монархларнинг шафқатсиз кучига қарши эди ва дин ҳақиқатнинг ягона манбаи эканлиги ҳақидаги тамойилга қўшилмади. Бунинг ўрнига, либерализм ўз тамойилларини қўйидагича тақдим этди:

- Инсон томонидан берилган табиий ҳуқуқларни сақлаб қолиш (омон қолиш, мол-мулк ва эркинлик);
- Эркин бозор иқтисодиёти ;
- Аҳолининг фуқаролик ҳуқуқларига кафолатлик;
- Барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги;
- Парламентаризмни ривожлантириш;
- Давлат томонидан бажарилдиган вазифалар: ташқи хавф-хатардан чегарани ҳимоя қилиш, давлат ичидаги ижтимоий тартибни сақлаш ва хусусий мулкни ҳимоя қилиш;
- Давлат ҳокимиятини қонун чиқарувчи , ижро этувчи ва суд хизматида бўлиш;

Ҳукуматнинг халқ олдидаги маъсулияти.

XIX аср ўртасида либерализм жамиятда муҳим бир нуқтаи назарга эга ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ижтимоий назариянинг асоси бўлди. Либераллар инқилобий вазифаларни ислохотлар орқали ҳал



Дж. С. Милль
(1806—1873)

қилишга ҳаракат қилишди. Улар умумхалқ сайловлари, жамоатчилик билан алоқалар, маҳаллий ҳукумат эркинлиги, аёлларнинг тенглиги, суд, солиқни тенг тақсимланиши, сўз эркинлиги, орномус, эркин йиғилишлар учун кураш олиб борди.

Ғарбий Европадаги етакчи давлатларга тарқалган либерал ғоя саноат жамиятининг шаклланишига ва ривожланишига таъсир кўрсатди. Либераллар феодал тартибларнинг йўқ қилинишига, монархиянинг чекланишига ва парламент бошқарувининг киритилишига эришди. XIX асрнинг ўртасида либерализм назариясининг нуфузли вакилларида бири Джон Стюарт Милл бўлди. У фуқаролик жамияти ишлари

рига давлат аралашмаслиги керак деган либерал тамойилга суяниб, мана шунга оид ўз далилларини келтирди:

- Инсонлар ҳар доим ҳукуматдан кўра ўз ишларини яхшироқ қилишади;
- Эркин жамоалар орқали жисмоний шахсларга йирик миқдордаги ишлаб чиқаришни тақдим этиш жуда катта молия билан шахсларнинг онгини ривожлантириб, қобилиятини орттириб, кўп қиррали бўлишига ёрдам беради. Ҳукумат хизмати ҳар доим ва барчага бирдай бўлади.
- Агар ҳукумат жамиятнинг турли хил талабларини бажаришни зиммасига олса ва хизматга қобилиятли одамларни тортса, у ҳолда давлатда турли хил бюрократия шаклланиб, унга мамлакатдаги барча интеллигенция тўпланади... жамиятнинг қолган бўлаги... (бюрократиядан) қандай ва нима қилиш ҳақида маслаҳат ва йўл-йўриқлар кутади, — бу ҳолда жамиятдаги энг қобилиятли ва адолатли аъзолар бюрократия қаторига киришга интилади. Натижада жамият қобилиятли бюрократик корпорацияга айланади, шундай қилиб, жамиятнинг бир бўлаги бошқаларни бошқариб, ишлаган каби оддий одатга айланади.

Билмингизни текширинг

1. Наполеоннинг босқинчилик ҳаракатлари Европага қандай таъсир кўрсатди?
2. Европага тарқалган либерал жамият ғоясининг сабаларини атаңг.
3. Либерал ҳаракат иштирокчилари ўз олдига қандай мақсад қўйди?
4. Либераллар ўз курашларида қандай усуллардан фойдаланди?

Топшириқ

1. Наполеоннинг Фуқаролик ва Жиноий кодексларидан келтирилган намуналарга боғлиқ мана бу саволларга жавоб беринг.

- Кодекс мулкнинг қайси турини, қандай шаклини тасдиқлади?

- Кодекс хўжайин ва ишчи ўртасида қандай муносабат ўрнатди?
- Никоҳ шартномаси ҳақида боб қандай мақсадни кўзлади?
- Қонун чиқарувчининг иқтисодий ҳуқуқи учун курашган ишчига муносабати қандай?

1804 йилда қабул қилинган Фуқаролар кодексидан

Мулк муносабатлари ва уни эгалланувчилар ҳақида

538-модда. Давлат қарамоғига кирувчи кўчалар, йўллар, дарёлар ва сув ҳавзалари ёки қирғоқлар, денгиз портлари, гаванлар, рейдлар — француз ҳудудининг барча бўлаклари давлат мулки ҳисобланади, шахсий мулкка берилмайди.

539-модда. Ҳеч ким эгалланмаган, эгасиз қолган, мулкнинг тенг эгалари бўлиб оламдан ўтган, меросхўрсиз қолганларнинг барча мулклари давлат мулки ҳисобланади.

545-модда. Жамият заруратини ва адолат ўрнатишдан бошқа вазиятда ҳеч ким ўз мулкидан бош тортишга мажбурланмайди.

546-модда. Мулкнинг ҳар қандай турига эга бўлиш ҳуқуқи барчага берилади. (мулк ундириш, унинг сифатига табиий ва ясама равишда қатнашишга).

Никоҳ шартномаси ҳақида

1428-модда. Эри аёлининг барча шахсий мулкларини бошқариш ҳуқуқига эга. У аёлга тегишли барча мулкларни бир ўзи ҳам талаб қила олади. Эри аёлининг барча мулк ҳолатларига жавобгар, агар сақлашга берилган мулк ҳаракатсизликдан, эътиборсизликдан тўзиб кетса, жавобгар.

Иш ва хизматга ёлланиш ҳақида Хизматкор ва ишчи ёллаш ҳақида

1780-модда. Ўз хизматини тақдим этган бир ишнинг бажарилиши ва унинг муддати оралиғида ўзигагина жавобгарлик орталади.

1781-модда. Маош миқдори, яқунланган йилларга иш ҳаққи ва ҳақ тўлаш, ўтган йилларга ҳақ ундириш бўйича хўжайинга ишонч билдирилади.

1810 йилда қабул қилинган Жиноят кодексидан

415-модда. Ишчиларнинг иш жойида ишнинг бажарилиши ва унинг муддати оралиғида намоёнликлари, иш юритилмаслик, иш вақтидан олдин ёки кейин ишга ҳалақит қилиш, унинг баҳосини ошириш мақсаддида ҳаракат қилганлар бир ёки уч ойгача қамоққа қамалган. Уюштирувчилар ва қўллаб-қувватловчилар икки ёки беш йилгача жазоланди.

2. Тушунтиринг:

1. Феодал-абсолют Европани парчалаган Наполеон тарихий аҳамиятга эга прогрессивли из қолдирди... Наполеон феодализмга кучли зарба берди, ундан у қайта тикланмади, Наполеон урушининг тарихий-эпопеялик прогрессив аҳамияти ҳам мана шу (Е. В. Тарле).

3. Таҳлил қилинг:

1. Шахснинг ўй эркинлиги ва сўз эркинлигига, озод ҳаётига чек қўйилса, — у жамият бошқарувда бўлса ҳам озод ҳисобланмайди, умумий озодлик тушунчаси-шахснинг чексиз эркинлиги ва у жамиятнинг барча аъзоларига бирдай бўлиши (Ж. С. Миль).

50—51-§. ЖАҒОН УРУШЛАРИ ВА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ТИЗИМИ

А. Биринчи жаҳон уруши. Версаль-Вашингтон тизими

Ушбу дарсда:

- Биринчи жаҳон урушининг сабаблари;
- 1914-1918 йилларда уруш ҳаракатларининг бориши;
- Версаль-Вашингтон тизими ҳақида ўрганамиз.

Калит сўзлар:

Қарама-қаршилик, иттифоқ, мобилизация, уруш ҳаракатларининг кўриниши, майдон, позициялик уруш, стратегик бошлов, жаҳон конференцияси, демилитаризацияланган ҳудуд, репарация, мандатлик тизим, халқаро муносабатлар тизими.

Урушнинг пайдо бўлишига монополистик буюк державалик гуруҳларнинг қарама-қаршилиги, Европадаги ҳудудий ва мустамлака талаблари, босқинчилик сиёсатлари сабаб бўлди. Икки ҳарбий-сиёсий блокка бўлинган державаларнинг ўзаро қарма-қаршилиги: бир томонда Буюк Британия, Франция, Россия ва унинг иттифоқдошлари, иккинчи томонда Германия, Австро-Венгрия ва уларнинг иттифоқдошлари ўртасидаги Биринчи жаҳон урушига олиб келди.

1914 йил 28 июнда Сараево шаҳрида Австро-Венгрия тахтининг меросхўри Франц Фердинанд ўлдирилди. Бу воқеа Австро-Венгрия ва Сербиянинг муносабатларини мураккаблаштириб, Болқон инқирозига олиб келди. 1914 йилнинг 28 июнида Германиянинг қўллаб-қувватлаши билан Австро-Венгрия Сербияга қарши уруш очди. Бу воқеа Россияни ҳам урушда иштирок этишга мажбурлади. Унга жавоб сифатида 1 августда Германия Россияга, 3 август куни эса Францияга қарши уруш очишини маълум қилди. 4 августда Германия Бельгиянинг бартарафлигини бузди. Бу Буюк Британиянинг Германияга қарши уруш очишига сабаб бўлди. Шундай қилиб, Биринчи жаҳон

уруши бошланди, унга миллиард аҳолиси бор (дунё юзи халқларининг 83%) 38 давлат иштирок этди.

1914 йилдаги уруш. Генерал фон Шлиффеннинг режасига кўра, Германия тез орада Бельгия орқали француз аскарларининг фронт ортидан чиқиши керак бўлди. Бироқ Марна дарёсида бўлган кураш бу режанинг амалга ошишига ҳалақит қилди. Натижада қаттиқ қишнинг олдида Ғарбий майдон қуршовида уруш тизими шаклланди. Ўз навбатида рус аскарлари урушга тўлиқ тайёрланиб улгурмасдан, ҳужумга чиқди. Улар Шарқий Пруссия ва Галицияга қарши майдон очди. 1914 йилнинг 20 августидан курашда руснинг 1-аскарининг қўмондони генерал П. К. Ренненкампф ғалабага эришди. Бироқ 26-30 августда Мазурск



Сараевода Австриянинг тахт меросхўри
Франц-Фердинанднинг ўлдирилиши

ботқоғида бўлган урушда мағлубиятга учради. 2-рус аскарининг раҳбари генерал А. В. Самсонов штаби билан бирга қуршовда қолади. Кавказ атрофида турк аскарлари ва рус аскарлари орасида уруш бошланиб, Қора денгиздан Урми кўлигача чўзилган Кавказ майдони қурилди. Бу вақтда инглизлар Сувайш каналини ҳимоя қилиш учун ўз аскарларини Фалестинага йўналтиради. Бу ерда инглизлар ва турклар ўртасида қаршилик бошланиб, Месопотамия майдони қурилди. Шунингдек, Англия денгизда Германия ва Австро-Венгрияга қарши тўсиқ қўйиб, Африка ва Мухит оролларидаги немисларнинг барча мустамлакаларини қўлга киритади.

1915 йилдаги уруш. 1915 йилда Германия ва Австро-Венгрия Россияга кучли зарба беришга тайёргарлик кўрди. Ғарбий майдондаги тинчликни фойдаланган Германия ва Австро-Венгрия асосий кучлари рус аскарларига ҳужум қилиб, майдонни бузиб ўтади. Руслар Польшани, Галицияни ва Литвани ташлаб орқага чекинишга мажбур бўлди. Бироқ Шарқий майдонни тўлиқ йўқ қилишга немислар билан австрияликларнинг кучлари етмади. 1915 йилнинг апрель ойида Ипром тубида немислар инглиз француз аскарларига қарши заҳарли газ фойдаланди. Мана шу заҳардан 5 мингдан ортиқ одам вафот этди. Бироқ майдонни бузиб ўтишга барибир кучи етмади. 1915 йилнинг сентябрида Болгария ўзининг қадимдан рақиби Сербияга зарба беришга қарор қилиб, Германияни қўллаб майдонга киради. Сербияни австро-болгар аскарлари тўлиқ босиб олади. Урушга Болгариянинг қўшилишидан



Рус аскарларининг генерал А.Брусиллов раҳбарлигида ҳужуми 1916 й.

Тўртлик иттифоқ тузилди (Германия, Австро-Венгрия, Туркия ва Болгария). Италия бу урушда Болқондаги Адриат қирғоғини эгаллашни ўйлаб, Антантани қўллади. Бироқ италияликлар австрияликлар билан жангда мағлубиятга учради. 1915 йилдаги сафар Тўртлик иттифоққа стратегик босим олиб келди.

1916 йилдаги уруш. Россия фаол кураша олмайди деб ҳисоблаган Германия асосий кучини Ғарбий майдонга олиб келди. Февраль ойида немислар Париждан 330 чақирим ерда жойлашган французларнинг муҳим ҳимояларидан бири бўлган Верден қўрғонига ҳужум қилди. Мана шу курашда немислар 600 минг одамидан айрилиб, етти чақиримгагина силжиди. 1916 йилнинг 31 май ойида Ютландия тубидаги бўлган йирик денгиз урушида немислар инглизлардан мағлуб бўлди, улар қурган тўсиқни буза олмади. Ёз ойларида Антантанинг Ғарбий ва Шарқий майдонларида биров муддат ҳужум бошлаши Галициядаги майдоннинг парчаланишига олиб келди. Рус аскарлари генерал А.Брусилловнинг раҳбарлигида ҳужумга чиқиб, ўн бир куннинг ичида 70-75 км олға силжиди.

Бундай масофа Биринчи жаҳон урушида бўлмаган. Австро-Венгрия мамлақати қулаш олдида турди. Урушга Руминия ва Грекия ҳам аралашди, улар Антантани қўллади.

1917 йилдаги уруш. 1917 йилнинг бошидаги юришда Тўртлик иттифоқнинг стратегик босимлиги заифлашиб, олдингидай бўлмади. Антанта аъзолари 1917 йилда барча майдонга ҳужумга чиқиб, рақибларини бир йўла мағлуб қилишни кўзлади. Бироқ Россияда бошланган Февраль инқилоби вазиятни ўзгартирди. Инқилоб рус аскарла-

рининг урушга қаршиликларини пайдо қилди. Шарқий майдондаги ёз фаслига режаланган ҳужум бўлмайдиган бўлди. Россияда ҳукумат бошига большевиклар келишига кўра, октябрь охирида мурасага келиш битими тузилди. Шарқий майдон парчаланди. Кавказ атрофидаги уруш ҳаракатлари ҳам тўхтади. Бу вақтда Фалестина ва Месопотамиядаги майдонда инглизлар Рус аскарлари генерал А.Брусиллов раҳбарлигида фаол уруш юритди. Ғарбий майдондаги урушга АҚШнинг киришуви муҳим роль ўйнади, сабаби бу давлат одам сони томонидан ҳам, ишлаб чиқариш томонидан ҳам олдинда эди. Ҳарбий — денгиз урушларига АҚШ-нинг аралашуви денгиздаги урушнинг йўналишини ўзгартирди.

1918 йилдаги уруш. 1918 йил 3 мартда Брест-Литовскида Кенгаш Россияси Германия, Австро-Венгрия, Болгария ва Туркия билан тинчлик битимига қўл қўйди. Россия Литва, Курляндия, Лифляндия, Эстляндия ва Белоруссиянинг бир қисмидан айрилди. Туркия эгаллигига Кавказдаги Карс, Ардаган ва Батуми ўтди. Украина ва Финляндия мустақил бўлди. Шартномага кўра, Россия ўзининг бир миллион км ҳудудидан айрилди ва Кенгаш ҳукумати Қизил аскарнинг бир неча бўлагини тарқатиши керак бўлди. 1918 йилнинг 27 августда рус-герман шартномасига мувофиқ Россия Германияга контрибуция ҳисобида 6 миллиард марка тўлаши керак бўлди. Ушбу келишувлардан сўнг Германия ўзининг Шарқий майдондаги аскарини олиб кетишга имконият олди ва 1918 йил июль ойида Ғарбий майдонда кучли беш ҳужум уюштирди. Бироқ Марнада бўлган уруш кураш ҳаракатларининг тақдирини бир йўла ҳал қилди: шундан кейин немис аскарлари фақат чекинди. Кузда Антанта бутун майдон бўйича ҳужум бошлади. Биринчи бўлиб Болгария тизза букди, 29 сентябрда Антанта билан шартнома тузди. 30 октябрда мана шундай шартномани Туркия ҳам тузишга мажбур бўлди. 3 ноябрда Австро-Венгрия мағлуб бўлганини тан олди. Охирида 1918 йилнинг 11 ноябрида Ғарбий майдоннинг қўмондони француз маршали Ф. Фош Германиянинг мағлублигини англатувчи шартномага қўл қўйди. Биринчи Жаҳон уруши Антанта ғалабаси билан якунланди.

Ёддатутинг

1919 йил 28 апрелда Германия қўл қўйган Версаль тинчлик шартномаси 1914-1918 йилларда бўлган Биринчи жаҳон урушининг якунланганини кўрсатди.

Ушбу қирғин уруш давомида 10 миллионга яқин одам вафот этди. Уруш таъсирида бўлган очарчилик ва турли юқимли касалликлардан вафот этган одам сони 20 миллиондан кам эмас эди.

Версаль-Вашингтон тизими

Биринчи жаҳон урушининг ниҳоясига етиши урушдан кейинги дунё қандай тизимда бўлиши керак деган муаммоларни вужудга келтирди. Ғолиб давлатлар олдиға қўйидаги масалалар кўндаланг қўйилди: 1) ўзлари учун қулай бўлган халқаро алоқаларнинг янги тизимларини шакллантириш; 2) йирик салтанатлар таъсир доираси билан шуғулланадиган соҳаларни аниқлаш, уларни уруш шартларига мослаштириш; 3) Германия мустамлакалари ва Туркия бошқарувида бўлган ўлкалар тақдирини ҳал қилиш. Ушбу мақсадларда 1919 йилда Париж сулҳ конференцияси ўтказилиб, конференцияга 27 давлат вакиллари қатнашдилар. Бироқ бу борадаги муҳим муаммоларни ҳал қилиш ваколатларини фақат учта давлат — Буюк Британия, Франция ва АҚШ давлатлари қўлга киритдилар.

АҚШ янги дунё тартибини ўрнатишга интилди. АҚШ ўз олдиға Американинг нуфузини фақат айрим ҳудудларда эмас, дунё миқёсида етакчи давлат сифатида шакллантиришни мақсад қилиб қўйди. Бу ишда ўзлари томонидан таклиф қилинган халқаро ташкилот — Миллатлар лигасининг асосий қурол вазифасини бажариши илгари сурилди. Буюк Британия уруш пайтида қўлга киритилган ўлжаларни қонунлаштирган ҳолда, ўзининг дунё миқёсидаги нуфузининг асосий воситаси сифатида Британия империяси салоҳиятини оширишга интилди. Франция ўзининг асосий рақиби Германиянинг кучсизланганини инобатга олиб, Европада етакчи ўринга эга бўлиш мақсадида курашди ва янги мустамлака ўлкалардан кўп фойда топишга ҳаракат қилди.

Ёдда тутинг

Асосий халқаро алоқаларни шакллантирувчилар ичида муайян вақт оралиғида ўзаро муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари қарор топади. Бундай муносабатлар *халқаро алоқалар тизими ёки халқаро тизим* деб аталадиган тузилманинг ҳар бир шаклланиш босқичларида алоҳида аҳамият касб этади.

Конференция пайтида унда иштирок этувчилар ўртасида ўзларининг манфаатлари учун қизғин баҳс-мунозаралар авж олди. Мана шундай зиддиятли ёндошувларга қарамасдан, Буюк Британия, Франция, АҚШ ягона қарорга келишга муваффақ бўлди, шу тариқа тинчлик шартномаси тузилди. 1919—1920 йилларда Германия ва унинг тарафдорлари Австрия, Венгрия, Болгария ва Туркия билан тинчлик шартномасига имзо чекди.

Ғалаба қозонган давлатлар дунёни урушдан кейин тиклаш мақсадида Версаль тизимиға асос солди.

Германия билан тузилган Версаль тинчлик шартномаси урушдан кейинги халқаро муносабатлар учун дастуриламал бўлди. Мазкур шартномалар бўйича Германия ҳудудининг бир неча ерлари қўшни давлатларга берилди. Германия ўз ҳудудининг 1/8 қисмидан, аҳолисининг 1/12 қисмидан айрилди. Рейн дарёсининг чап соҳиллари 15



1919 йилда Париж яқинидаги собиқ қирол резиденциясида
бўлиб ўтган Версаль шартномаси

Йил муддатга иттифоқдошларнинг қўшинлари таркибига киритилди. Рейн дарёсининг ўнг соҳилларида эни 50—60 километргача чўзилган қуролсизлантириш ҳудуди барпо этилди, бу ерда герман ҳарбий базалари ва тузилмалари, барча ҳарбий муҳофаа объектларига таъмоман барҳам берилди. Германиянинг ҳарбий салоҳияти бирданига қисқартирилди: 100 минг кўнгилли аскарлар, ҳарбий-денгиз флоти қисман ўзгартиришлар билан иттифоқдошлар таркибига қўшилди. Германияга сув ости флоти, ҳарбий авиация ушлаш таъқиқланди, жуда катта кемалар ишлаб чиқаришга руҳсат берилмади. Улар жарима тўлашга мажбур бўлди, Германияга қарашли мустамлака ўлкаларни ғалаба қозонган давлатлар ўзаро бўлиб олдилар.

Германия тарафдорлари билан тузилган шартномалар туфайли Европа ва Осиё харитаси қисман ўзгартирилди. Европа харитасидан Австро-Венгрия бутунлай олиб ташланди: Австрия ва Венгрия ёнида янгидан хорватлар ва словенияликлар, серблар қироллиги — Чехословакия (1929 йилдан Югославия) пайдо бўлди. Австро-Венгрия ҳудудининг қолган қисми Италия, Польша, Руминияга бўлиб берилди. Ҳарбий флот ва унинг Дунай флотилияси ғолиб давлатлар ихтиёрига ўтказилди. Венгрия собиқ Австро-Венгрия монархияси ерларидан воз кечиб, ана шу ерда янги ташкил этилган Чехословакия ва Хорватия, Словения, серблар қироллигини тан олди. Венгрияга танк ва оғир артиллерияга эга кичик сонли армия ташкил этишга руҳсат берилди. Ҳарбий авиация ташкил этиш таъқиқланди. Венгрия флотидан айрилди, ўз ҳудудига қурол-яроғлар, ҳарбий материаллар ва қуроллар олиб киришига таъқиқ қўйилди. Болгария ҳудудига тегишли бир неча ерлар Руминия, Югославия, Юнонистон таркибига қўшилди. Болгария барча флотларидан маҳрум бўлиб, ҳарбийлари сони қисқартирилди.

1920 йилда тузилган Севр шартномасига кўра Туркия ўзининг мустақил давлат мақомини йўқотиб, буюк қудратли давлатларнинг ярим мустамлакасига айланди. Туркиянинг ҳудуди Кичик Осиёгача қисқариб, Истанбул Босфор денгизининг Европа соҳилларидаги кичик ҳудудлар билан чекланди. Туркиянинг Европа қисмида жойлашган ҳудудлари тўлалигича ҳамда Измир порти Юнонистонга берилди. Туркларнинг араблар ерининг шарқий қисмида жойлашган ерларини эса Буюк Британия ва Франция ўзаро бўлиб олдилар. Босфор бўғози ва Дарданел буюк салтанат вакилларида иборат янги ташкил топган халқаро комиссия назоратига ўтказилди. Туркия устидан молиявий назорат ўрнатилди. Туркия халқи Миллий-озодлик ҳаракатларини бошлаб, бунинг натижасида 1923 йилда Туркия мустақил республика дея эълон қилинди. Севр шартномаси ҳам тўла амалга ошмай қолди. Бунинг ўрнига Лозанна шартномаси тузилиб, мазкур шартномага кўра Туркиянинг мустақиллиги тан олинди.

Урушдан кейин Германия мустамлакалари ва Туркия бошқарувида бўлган араб ерларида рўй берган Миллий-озодлик ҳаракатлар конференция ташкилотчиларига мустамлакачиликка доир муаммоларда адолатли турда янги қарорлар қабул қилишга даъват қилди. Мана шундай заруратлардан келиб чиққан ҳолда бошқарув тизимига махсус усул — мандатли тизим таклиф этилди.

Янги шартномаларга кўра Германия ва Туркиянинг Яқин Шарқдаги мустамлакалари бундан кейин мустамлакачилик тизгинларидан озод этилганлиги эълон қилинди. Бироқ тараққиётдан орқада қолганлиги ва ривожланиш учун етарли тайёргарликлар йўқлиги сабабли бу ердаги давлатлар оёққа тургунларига қадар мустақил бўла олмасдан кучли ривожланган, суверен давлатлар ҳимояси остида бўлди. Мазкур ҳудудларга ҳомийлик қилишни ўз зиммаларига олган ҳомий-давлатлар, мустамлака давлатлар ўз мустақилликларини қўлга киритгунга қадар мандатли бошқарув тизимини тайёрлаш керак эди. Мандатли тизим Буюк Британия, Франция, Япония каби қудратли давлатларга мустамлака давлатларни ҳали ҳам узоқ вақт янги шаклларда бошқариб, ўз фаолиятларини олиб бориш учун имкониятлар берди. Париж конференциясида Миллатлар Лигаси ташкил этилганлиги муҳим ишлардан бири бўлди. Лига барча халқлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаб, тинчлик ва хавфсизлик кафолати вазифаларини адо этишни ўз зиммасига олди. Миллатлар Лигаси бош орган Ассамблея, Кенгаш ва доимий Котибиятда н иборат бўлди.

Ёддатутинг

Версаль тизими Биринчи жаҳон уруши натижаларига кўра халқаро ҳуқуқнинг шаклланишини ва урушдан кейин дунёда шаклланган янги кучларнинг ўзаро муносабатларини тавсифлайди.

Ушбу халқаро тизим туфайли янги элементлар вужудга келди: тинчликни сақлаш бўйича халқаро ташкилот — Миллатлар Лигасининг

ташкил этилиши, давлатлар алоқаларидаги тамойилларни тайёрлаш ва улар ўртасида бўладиган низоларни тартибга келтириш, Миллатлар Лигаси қошида махсус агентлик ташкил этиш, меҳнат ва капитал ўртасида келишилган сиёсат бўйича Халқаро меҳнат ташкилоти, мандат тизимини ташкил этиш. Версаль тизимининг қарама-қарши тавсифи уни ташкил этувчиларнинг Германияга муносабатларида акс этди. Версаль тизимига асос солувчи Германиянинг рақобатчилари уни кучсизлантиришга ҳаракат қилди. Шу билан бирга, улар давлатдаги инқилобларни енгиш учун немис буржуазиясига ёрдам беришга ҳам интилди. Бунинг учун герман монополистларининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва ҳарбий қўшинларини қўллаб-қувватлаш тақозо этилди, чунки қўшинлар Германиядаги, шунингдек, дунёдаги инқилоб ҳаракатларини бостириши керак эди.

Версаль тизимининг демократияга хилоф тавсифи кичик давлатлар аҳолиси билан алоқаларда акс этди. Дунёдаги ҳудудий бўлинишлар ана шу ҳудудларда яшайдиган халқларнинг эмас, қудратли давлатларнинг манфаатларига мос бўлинди.

Руминияга венгр ва болгар халқи яшайдиган ҳудуд қўшилди, Марказий ва Жанубий-Шарқий Европадаги ҳудудий бўлинишлар Болгария ва Югославия, Венгрия ва Чехословакия, Чехословакия ва Польша давлатлари ўртасида жиддий қарама-қаршиликларни вужудга келтирди.

Версаль тизимининг империалистик хусусияти конференция иштирокчиларининг қуйидагича таклифларини шакллантирди:

1) дунё бўйлаб инқилобий ҳаракатларнинг тарқалмаслиги учун Кенгаш Россиясини халқаро яккалашга эришиши.

2) мандат тизимини ташкил этган ҳолда, янгиликлар яратиш йўллари баҳона қилиб, мустамлакачилик тизимларини сақлаб қолиш.

Ёддатутинг

Дунёни бўлиб олиш Версаль тизимидаги қарама-қарши ва антогонистик хусусиятга эга кучлар орқали аниқланган тамойиллар бўйича амалга оширилди.

Янги тартиблар барча қудратли давлатларга бирдек маъқул бўлмади. Версаль тизими бўйича Буюк Британия ва Франция кўп имкониятларга эга бўлди. АҚШнинг дунёда илғор давлатга айланишга интилиши муваффақиятсиз яқун топди.

АҚШ Париж сулҳ конференциясида инобатга олинмаган ўз талабларини қайта қаноатлантириш учун 20-йилларнинг бошларида Версаль тизимига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги масалаларни илгари сурди. Америка ҳукумати Вашингтонда халқаро конференция ўтказиш учун таклиф билдириб, бошқа қудратли давлатлардан розилик олди. 1921—1922 йилда тўққизта давлат иштирок этган Вашингтон конференцияси жараёнида АҚШ халқаро муҳим муаммоларни ҳал қилишда ўзининг устунлигини аниқлашга ҳаракат қилди ҳамда бунга эришди.

«Тўққиз қудратли давлат шартномаси» бўйича АҚШ Хитойда ўз нуфузини бирданига оширди, Япония эса Хитойда нуфуздан маҳрум бўлди.

«Беш қудратли давлат шартномаси» (АҚШ, Буюк Британия, Франция, Италия, Япония) — денгиз қурол-яроғларини чеклаш, АҚШга ўз флоти тизимини британияликлар билан тенглаштиришга имкон берди, япон тармоқ флоти кўлами эса анча кам бўлган. АҚШ ўзига фойдали тоннада линкорларни шакллантиришга эришди.

«Тўрт қудратли давлат шартномаси» (АҚШ, Буюк Британия, Франция, Япония) — Тинч океани ҳавзаларига доир манфаатлар ва ҳуқуқларни биргаликда ҳимоя қилиш АҚШга қарши қаратилган 1902—1921 йиллардаги инглиз-япон иттифоқининг барҳам топишига олиб келади.

Эътиборберинг!

Вашингтон конференциясини ўтказиш ва унинг қарорлари Париж сулҳ конференциясининг давоми ва Версальтизимига киритилган қисман ўзгаришлар бўлди.

Вашингтон конференцияси ўзининг қарорлари билан урушдан кейинги дунё тизимидаги янги халқаро муносабатлар тизимидаги шаклланишларни ниҳоясига етказди, дунё сиёсатида АҚШнинг нуфузини ошириб, Версаль-Вашингтон тизими деган номга эга бўлди. Вашингтон конференциясининг ўтказилиши ва унинг қарорлари *Версаль тизими абадий* тизим эмаслигини, у фақат қудратли давлатлар ўртасидаги зиддиятларни вақтинча тартибга келтирадиган, бироқ уларни қаноатлантирмайдиганлигини намоён қилди. Вашингтон конференциясидан кейин бу зиддиятлар кенг тус олди.

Эътиборберинг!

Версаль-Вашингтон халқаро муносабатлар тизимининг заифлашиши унинг дунёдаги халқаро муносабатлартизимидagi адолаттамойилларини шакллантиришга мос келмаслигида эди. Бу қарама-қаршиликларнинг охири Иккинчи жаҳон урушига олиб келди.

Билмингизнитекширинг

1. Биринчи жаҳон урушининг сабаблари қандай бўлди?
2. Биринчи жаҳон урушидаги катта жанглар ҳақида айтиб беринг.
3. Биринчи жаҳон уруши қандай якун топди?
4. Версаль-Вашингтон тизими ҳақида гапириб беринг ва унинг камчиликларини тушунтиринг.

Топшириқлар

Миллатлар Лигаси низомининг парчаси билан танишинг, саволларга жавоб беринг.

1. Миллатлар Лигаси қандай мақсадларда ташкил этилган?
2. Тинчликни сақлашда Миллатлар Лигаси қандай таклифларни илгари сурган?

3. Германиянинг собиқ мустамлакалари ва олдин Туркия ихтиёрида бўлган ҳудудларда Миллатлар Лигаси жорий этган мандатлар тоифалари ҳақида гапириб беринг. Уларнинг мазмунини тушунтиринг.

Миллатлар Лигаси Низомидан (1919 йил 28 апрель)

Олий шартнома тузувчи томонлар халқлар ўртасидаги ҳамкорликларни ривожлантириш учун ва уларнинг хавфсизликлари ҳамда тинч ҳаётларини кафолатлаш учун бир неча мажбуриятларни — уруш очмаслик, адолат ва ор-номусга асосланган тўла ошкораликда халқаро муносабатларни қўллаб-қувватлаш, ҳукуматлар сиёсатининг расмий қоидалари сифатида қабул қилинаётган халқаро ҳуқуқлар талабларига жиддий амал қилиш, адолат устуворлигини қарор топтириш ва шартномлар орқали белгиланган барча мажбуриятларни уюшган халқларнинг ўзаро тенг муносабатлари шароитида сақлашни инобатга олган ҳолда, Миллатлар лигаси томонидан тасдиқланган ушбу Низомни қабул қилади.

8-модда

Лига аъзолари тинч ҳаётни сақлаш, миллий қуролланишни миллий хавфсизликни сақлашга мос даражагача чеклаш ҳамда ушбу йўналишлардаги халқаро мажбуриятларни бажаришни тақозо қилишини тан олади.

Кенгаш... ҳар хил ҳукуматлар билан мажбуриятларни қабул қилгандан кейин, тасдиқланган қуролланиш даражасини Кенгаш розилигисиз муҳокама қилиши мумкин эмас...

Лига аъзолари ўзларининг қуролланиш кўламига, ҳарбий, денгиз ва ҳаво дастурларига ҳамда уруш учун фойдаланиш учун яроқли саноат соҳаларининг аҳволига тегишли барча маълумотларни тақдим қилиб боришга мажбур.

10-модда

Лига аъзолари ташкилотга аъзо давлатларнинг ҳудудий яхлитлигини ва сиёсий мустақиллигини ҳурмат қилиш ҳамда асрашга мажбур. Ҳужум уюштирилган пайтда ёки ҳужум уюштириш хавфи содир бўлган пайтда Кенгаш ушбу мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш учун чора-тадбирлар кўради.

11-модда

Лигага аъзо ҳар қандай давлатларга уруш хавф солган ҳолатларда ана шу давлат илтимосига биноан Бош котиб тезкорлик билан Кенгаш ўтказди.

Лиганинг ҳар бир аъзоси дўстона шароитларда Ассамблея ёки Кенгаш эътиборини халқаро муносабатларга таъсир кўрсатадиган ҳолатда ёки тинчлик ҳукмронлик қилишига, тобе халқлар ўртасидаги дўстона шартномалар тузишга қарата олади деб эълон қилинади.

12-модда

Лига аъзолари ўзаро низолар пайдо бўлган ҳолларда ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун учунчи томонни жалб қила олади ёки ана шу йўл орқали муаммони ҳал қила олади, агар муаммо ҳал қилинмаса у ҳолда мазкур баҳслар Кенгаш томонидан муҳокама қилинади. Улар, шу билан бирга, ҳайъат судлари ёки суд ҳукми ёхуд Кенгаш баёноти қарорларидан кейинги уч ой муддат ичида урушга йўл қўймаслик ҳақида ўзаро келишадилар.

Ушбу моддада ўрганилган барча ҳолатларда судьялар кенгашининг қарори ёки суд ҳукми белгиланган муддат ичида чиқарилиши шарт, Кенгаш баёноти эса ўрганилаётган низолар муҳокама қилина бошланган кундан эътиборан олти ой ичида ўтказилиши керак.

13-модда

Агар Лига аъзолари ўзаро судьялар кенгаши ёки суд ҳукми орқали муаммони ҳал қила олмаса, баҳс-мунозаралар дипломатик йўллар орқали ҳал қилинмайдиган бўлса, у ҳолда муаммо тўлалигича судьялар кенгашида муҳокама қилинади ёки суд орқали ҳал қилинишига келишилади.

16-модда

Агар Лига аъзоси 12, 13 ва 15-моддаларда қабул қилинган мажбуриятларга қарамасдан уруш очишга тайёргарлик кўрса, унда улар Лигадаги бошқа барча аъзоларга қарши уруш очган ҳисобланади. Бунинг натижасида урушга тайёргарлик кўрган ушбу давлат билан барча савдо, молиявий алоқалар узилади, ўз фуқаролари ва ташкилот Низоми талабларини бузган давлат фуқаролари ўртасидаги молиявий, савдо ёки шахсий муносабатлар таъқиқланиши шарт.

Мазкур ҳолатларда Кенгаш манфаатдор ҳукуматларга Лига мажбуриятларига нисбатан ҳурмат сақлаш йўналишидаги ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш учун зарур ҳарбий, денгиз ёки ҳаво кучларининг сонли таркибини таклиф қилишга мажбур.

Лига аъзолари инқирозлар шароитида харажатлар ва қийинчиликларнинг олдини олиш учун молиявий ва иқтисодий чора-тадбирлар қўллаш жараёнида ўзаро ёрдам кўрсатиш бўйича келишадилар. Улар Низом талабларини бузган давлатга қарши чора-тадбирлар кўриш жараёнида тенг даражада ўзаро ёрдам кўрсатади. Ташкилотга аъзо давлатлар мана шундай операциялар вақтида ҳарбий қўшинларнинг ўз ҳудудлари орқали ўтишларини осонлаштиришни таъминлашга мажбур.

22-модда

Қуйидаги тамойиллар уруш натижасида собиқ ҳукмрон давлатлар назоратидан чиққан ва ҳалигача мана шундай мураккаб даврда ўзини-ўзи бошқара олмайдиган халқлар жойлашган мустамлакалар ва ҳудудларга нисбатан қўлланилади. Бу халқларнинг куч-қудрати ва тараққиётлари тамаддуннинг муқаддас миссиясини ташкил этади ва ушбу миссиянинг амалга ошишини аниқ мавқега мувофиқлаштиради.

Ушбу тамойилни амалга оширишнинг энг муҳим усули — ушбу халқларни етакчи миллатлар ҳомийлигига топшириш. Улар бу каби ҳомийликларни Лига номидан мандат тизими орқали амалга оширадилар.

Мандат тавсифи халқ фаровонлиги, ҳудудининг географик жайлашиши, унинг иқтисодий аҳволи ва бошқа ҳолатлар билан аниқланиши шарт.

Барча ҳолларда мандатларга эгалик қилувчи давлат Кенгашга ҳар йили ўз ихтиёридаги ҳудудга тегишли хабарлар юбориб туриши шарт.

Мандатнинг ўзига хос хусусияти аҳоли фаровонлиги даражасига, ҳудуднинг иқтисодий шароитига, унинг иқтисодий шартларига ва бошқа шароитларга боғлиқ ҳолда фарқ қилади.

Олдин Оттоман империяси таркибида бўлган бир неча ҳудудлар, муайян тараққиёт даражасига эришиб, мустақил миллат сифатида шаклланиши вақтинча тан олинishi мумкин, фақат бир неча шартлар асосида улар ўзларини-ўзлари бошқара оладиган даражага етганча, Мандат тизими ўз маслаҳати ва ёрдамларини бериб, уларни бошқаришни давом эттираверади.

Марказий Африкада жойлашган халқлар шаклланган тараққиёт даражасига мос ҳудудни Мандатли бошқаришга олиш пайтида бир неча шартлар қўяди, виждон эркинлиги ва диний эркинликларга кафолат берилсин дея талаб қилади.

Жануби-Ғарбий Африка ҳудудлари ва Тинч Океанининг Жанубий қисмидаги бир неча оролларда аҳолининг жойлашишига кўра, ташқи муҳит билан алоқаларнинг камлигига боғлиқ ҳолда тамаддун марказидан четда қолганлиги туфайли, уларни бошқаришда Мандат қонуни қулай бўлади ҳамда улар ана шу ҳудуд таркибида бўлади.

Б. Иккинчи жаҳон уруши. Ялта-Потсдам тизими

Сабаблари. Уруш Версаль-Вашингтон халқаро муносабатлар тизимидаги камчиликлар туфайли бошланди. Уруш коалиция асосини яратган фашистик иттифоқдош давлатлар — Германия, Италия ва Япония ташаббуси билан бошланди. Улар жаҳон сиёсий, иқтисодий ва геосиёсий маконни батамом қайта ўзгартириб, «янги дунё тартиби»ни ўрнатишни

ўз олдиларига мақсад қилиб қўйди. Германия Версаль тизимига ўзгартиришлар киритишга ва Марказий ҳамда Шарқий Европа устидан ўз таъсир доирасини оширишга ҳаракат қилди. Италия Болқон ва Шимолий-Шарқий Африкага қарши ҳарбий-сиёсий ҳукмронликларини шакллантирган ҳолда, иқтисодий таъсирини оширишга интилди. Япония Тинч океани ҳудуди ва Узоқ Шарқни қўлга киритишга тараддуд кўрди. Ўз олдиларига мана шундай қўшма мақсадлар қўйган Германия, Италия ва Япония, чегаралар чизигини ўзгартириш ва дунёга ҳукмронлик ўрнатиш учун Версаль-Вашингтон тизимига ўзгартиришлар киритишга шайландилар.

Босқинчи фашистлар иттифоқига Буюк Британия, Франция, АҚШ давлатлари қарши чиқиб, халқаро муносабатларда ўзлари ташкил этган статус-квога ўзгартиришлар киритишни ҳоқламади. Улар жаҳон харитасининг тубдан қайта ишлаб чиқарилишига қарши бўлди.

1939 йилда Германия жуда кучли ҳарбий-иқтисодий кучга эга бўлиб, саноат ва ишлаб чиқариш даражаси бўйича Ғарбий Европа давлатлари ичида олдинги ўринни эгаллади. Германия агрессиясига қарши Ғарб давлатларининг қаршиликлари «тинчлик» сиёсати орқасида кучсизлана бошлайди. Бунинг натижасида Германия Австрияга аншлюс (куч орқали ўз таркибига қўшиб олиш) эълон қилиб, 1938 йилда қабул қилинган Мюнхен шартномасига мувофиқ Чехословакиянинг Судет ҳудудини ўзига қўшиб олди. 1939 йилнинг март ойида эса Чехословакия Германия таркибига кирди. 1939 йилнинг май ойида Италия ва Германия ўртасида иттифоқлашишга доир шартнома имзоланди. 23 августда уруш очмаслик тўғрисида Кенгаш-герман пакти қабул қилинди. Шундай қилиб, Германия ўзини иккита майдонда бир хил урушишдан қутқариб қолди. 1939 йил 1 сентябрда Германия Польшага бостириб кириди. Бунга жавоб сифатида Буюк Британия ва Франция 3 сентябрда Германияга қарши уруш очди. Европада алангаланган уруш олови дунёга тарқалиб, уч босқични ўз ичига олди.

Ушбу дарсда:

- Иккинчи жаҳон урушининг бошланиш сабаблари ва босқичлари;
- халқаро муносабатларда Ялта-Потсдам тизимининг шаклланиши, унинг биполяр хусусияти ҳақида билиб оламиз.

Калит сўзлар:

аншлюс, агрессор, Учлар пакти, гитлерчиларга қарши коалиция, сўзсиз таслим, деколонизация, кўпполяр, биполяр, холис ҳаракат, ядровий омиллар.

Ёдда тутинг

Иккинчи жаҳон уруши Германиянинг 1939 йил 1 сентябрда Польшага бостириб кириши билан бошланди.



Лондоннинг таниқли ҳудудларидан бирининг немислар авиацияси томонидан уюштирилган ҳужумидан кейинги ҳолати. 1940 й.

Биринчи босқич: 1939 йил сентябрь — 1942 йил июнь. Бу босқичда босқинчилик ҳаракатлари яққол кузатилиб турса-да, урушдаги ҳаракатлар кўламини тез орада катталаштириш, урушувчи томонларнинг аниқ таркибларини аниқлаш асосий ўринга чиқарилди. Польшани босиб олгандан кейин, 1939 йил сентябрда Германия ва СССР Польша ҳудудини бўлиб олиб, умумий чегараларни белгилади. Финляндия билан ҳудудий келишмовчиликларга кўра Кенгаш-фин уруши бошланди. Бу уруш 1940 йил мартда тугади ва ўртада тинчлик сулҳи тузилди. Сулҳ натижасига кўра Финляндия СССРга ерининг катта қисмини берди. 1940 йилнинг май ойида Германия Дания ва Норвегияни босиб олиб, Атлантика океани учун бўладиган урушда ўзлари учун фойдали шароитлар яратди. 1940 йил 10 майда Германия Францияга ҳужум уюштириб, уларнинг ерларининг 2/3 қисмини босиб олди, бундан кейин Германия Бельгия, Нидерландия ва Люксембургни ўзига қаратиб олди. Бу вақтда Болтиқ бўйи давлатларининг янги Кенгаш ҳукумати раҳбарлари референдум ўтказиб, СССР таркибига қўшилди. СССР Руминиядан Бессарабияни қайтариб олишни ва ўзларининг таркибига Буковинани қўшиб беришни талаб қилади.

1940 йилнинг ўрталарида немислар авиацияси Буюк Британияга қарши кучли ҳужум қилади. Бу ҳужум инглиз учувчилари томонидан бостирилиб, қаршиликлар кўрсатади.

1940 йилнинг 27 сентябрида Берлинда Германия, Италия ва Япония ҳарбий иттифоқ тузиш ва ўз таъсир доираларини оширишга доир ўзаро шартнома тузадилар, шу тариқа Учлар пакти имзоланади. 1940 йил сентябрь ойида Италия жангчилари Африкада инглиз армиясига қарши уруш ҳаракатларини бошлайди. Шимолий Африка fronti бошланади.



Кенгаш армиясининг Москва остонасидаги қарши ҳужуми, 1941 й.

1940 йил декабрда Гитлер СССРга бостириб кириш тўғрисида қарор қабул қилиб, «Барбаросса» режасини тасдиқлайди.

1941 йилда инглиз мустамлакачи қўшинлари Эфиопиядаги италияликларни таслим бўлишга мажбур қилди. Уруш алангаси Шимолий Африка ва Болқон ярим оролида ҳам авж олди. Немис қўшинлари Югославия ва Юнонистонни босиб олиб, инглиз қўшинлари устидан галаба қозонди ҳамда Болқонни тамоман ўз назоратларига олди. Бундан кейин Германия ўз қўшинларини СССРнинг чегараларига тўплай бошлади.

Ёддатутинг

1941 йил 22 июнда Германия уруш эълон қилмасдан Кенгаш Иттифоқига бостириб кирди.

Иккинчи жаҳон урушининг тарқибий қисми ҳисобланадиган Улуғ Ватан уруши бошланди. 12 июлда Буюк Британия ва СССР Германияга қарши бирлашган ҳаракатлар олиб бориш тўғрисидаги шартномани имзоладилар, бу гитлерчиларга қарши коалиция ташкил топганидан далолат беради. 1941 йилнинг августида Буюк Британия ва АҚШ урушга оид ўз мақсадларини намоён қилиб, Атлантика хартиясини имзолашди. 1941 йил 5 декабрда Қизил армия Москва остонасида қарши ҳужумга чиқди, бу Кенгаш Иттифоқини тез орада босиб олиш режаларига барҳам берди.

1941 йил 7 декабрда Япония АҚШ ва Буюк Британияга қарши кенг кўламга эга уруш бошлади. 1941 йил 8 декабрда АҚШ Иккинчи жаҳон урушига қўшилди. 9 декабрда Германия ва Италия АҚШга қарши уруш очди. АҚШ ва Буюк Британия эса Японияга қарши уруш эълон қилди.



Сталинград жанги

1942 йил 1 январда Буюк Британия, Хитой, СССР, АҚШ ва 22 давлат фашистлар давлати (Учлар пакти)га қарши биргаликда кураш олиб бориш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Баёнотини имзоладилар. Январ ойида Шимолий Африкада Италия-герман қўшинларининг уруши бошланди, инглизлар Мисрдан сиқиб чиқарилди. Ёз ойларида немис қўшинлари Итил ва Кавказда ҳужумга ўтди.

Германия ва Италия жануби Ливиядан бошланиб, шимоли Баренц денгизигача, ғарбда Бискай қўлтиғидан шарқдаги Итилгача чўзилган кенг-бепоён ҳудудларни ўз назоратлари остига олди. Япония бундан кейин ҳам катта маконда: Янги Гвинеядан Алеут ороллари ва Ҳиндистондан Маршалл ороллари гача ҳукмронлик қилди. 1942 йилнинг охирида уларнинг ҳукмронликлари камая бошлади. Гитлерчиларга қарши коалиция эса ҳарбий куч ва инсон ресурслари жиҳатидан бир неча ҳисса устун бўлди. Бу ҳолатлар Учлар пакти давлатларининг устунлигини чеклаган ҳолда, урушда фаол ҳаракатларига тўсқинлик қилди.

Иккинчи босқич: 1942 йил июнь — 1943 йил декабрь. Энг биринчи бўлиб Япония Тинч океанидаги Мидуэй оролида мағлубиятга учради. 1942 йилнинг октябрь ойида Шимолий Африкада кескинлашган жанглар авж олди. Бу уруш 1943 йил май ойида Германия ва Италиянинг мағлубиятга учраши орқали ниҳоясига етди. Ёз ойига яқинлашганда Атлантика океанидаги уруш ҳаракатларида ҳам ўзгаришлар рўй берди.

Кенгаш-немис frontiда 1942 йилда Сталинград учун даҳшатли уруш бўлди, унга миллионга яқин одамлар иштирок этди. Ноябрь ойида Кенгаш жангчилари Сталинград остонасидаги немис-румун фронтини

бузиб ўтиб, фельдмаршал Паулюснинг 300 минг қўшинларини қамалга олди. 1943 йил 31 январда улар тамоман таслим бўлиб, қўлга тушди. Сталинград жанги урушда туб бурилишлар рўй беришига замин яратди. Июль ойида Германиянинг Шарқий фронтларидаги Курск остонасидаги қарши жангга чиқиш ҳаракатлари тамоман муваффақиятсизликларга учрайди. Курск жанги бундан кейин уруш тақдирига туб ўзгаришлар олиб кирди. Бу босқичда Буюк Британия, СССР, АҚШ раҳбарлари Техронда бўлиб ўтган олий даражадаги дастлабки учрашувларини ўтказди.

Учинчи босқич: 1944 йил январь — 1945 йил 2 сентябрь. 1944 йил 6 июнда иттифоқдошлар Нормандияга 3 миллион одам юбориб, Францияда фашистларга қарши Иккинчи фронт майдонини очди. Улар Жанубий Францияга ҳам қўшинларини олиб борди. Ғарбий Европа мавсуми жараёнида улар йил охирида Францияни озод қилишга эришди. Арденда немис қўшинларининг қарши ҳужумларини барта- раф этган иттифоқдошлар 1945 йилда Рейндан урушиб ўтиб, Кенгаш армияси билан алоқа ўрнатди. 1944 йилнинг июнь ойида Кенгаш армияси муҳим «Багратион» операциясини олиб борди, Белоруссияда немисларнинг 100 минг қўшинларини қамал остига олдилар. Кундан кунга кучайиб бораётган Қизил армия Польша ва Шарқий Пруссияга бостириб кирди. Бундан кейин Болқонга қараб йўлга отланди. Германия иттифоқдошлари гитлерчиларга қарши коалиция томонга ўта бошлай- ди. 1944 йилнинг августи ва 1945 йилнинг май ойида Кенгаш армияси Руминия, Болгария, Югославия, Венгрия, Польша, Чехословакияни озод этди. 1945 йилнинг январида Висло-Одер операцияси жараёнида кенгашлар fronti Германия ҳудудига бостириб кириб, Берлинга ўн километр қолганда тўхтади.

Кенгаш армияси жанубдан Вена ва Будапештга етиб, ушбу шаҳарларни ҳам душманлардан озод қилади. 29 апрелда Италияда немис қўшинлари таслим бўлди. Апрель ойида Қизил армия Берлинни қамалга олди. Германия остонасида жанг бошланди. 30 апрель куни Гитлер вафот этди. 1 майда учинчи рейхнинг пойтахти Берлин қўлга киритилди.

Ёддатутинг

1945 йил 8 майдан 9 майга ўтар кечаси фельдмаршал Кейтель Германиянинг сўзсиз таслим бўлганлиги тўғрисидаги ҳужжатга имзо чекди.

Уруш оғирликлари Шарққа етиб боради. Потсдам конференциясида Буюк Британия, Хитой ва АҚШ раҳбарлари Япониядан таслим бўлишни талаб қилади, бироқ Япония бу талабларга рози бўлмайди. Бунга жавоб сифатида АҚШ Японияга атом бомбасини ташлайди. 8

июлда СССР Японияга қарши уруш очади. 15 августда япон императори Япониянинг мағлуб бўлганлигини эълон қилади. 1945 йил 2 сентябрда таслим бўлганлиги тўғрисидаги ҳужжатни имзолади. Иккинчи жаҳон уруши ниҳоясига етади. Нацизм ва фашизм тамоман хонавайрон қилинди.

Ялта-Потсдам тизими

Ялта-Потсдам тизимининг биполярлиги. Иккинчи жаҳон урушидан кейин халқаро муносабатларда шаклланган йўналиш Ялта-Потсдам тизими деб атала бошлади. Бу атама шартли равишда: Ялтада (1945 й. 4-11 февралда) ва Потсдамда (1945 й. 17 июл — 2 август) “Катта учлик” конференцияси (СССР, АҚШ, Буюк Британия раҳбарлари) дунёнинг урушдан кейинги таркибининг умумий йўналишини аниқлади.

Ёддатутинг

Ялта-Потсдамхалқаро тизими Иккинчи жаҳон уруши натижасида шаклланган янги кучлар асосида ташкил топди.

Бу жиҳатдан АҚШ ва СССРнинг халқаро позициялари кучайиши алоҳида аҳамиятга эга бўлди. АҚШ штаб Қўмитаси раҳбарлари 1944 йил Давлат департаментига ёзган баёнотомасида «Япония хонавайрон қилингандан кейин, географик аҳволи ва катта ҳарбий салоҳияти орқасида фақат АҚШ ва СССР биринчи даражали ҳарбий қудратли давлатлар бўлиб қолади» деб алоҳида таъкидлаган.

Урушдан кейин Германия бутунлай хонавайронга айланиб, ҳатто бир оз вақтгача мустақил давлат сифатида яшашни тўхтатди. Япония босиб олинган ҳудудга айланди. Италия ўзининг халқаро таъсир доирасини йўқотди.

Франция иқтисодий ва сиёсий қийинчиликлар исканжасида қолди, ҳатто Иккинчи жаҳон урушгача бўлган ҳолатига ҳам ета олмади. Буюк Британия урушдан молиявий қийин аҳволда ҳамда иқтисодий жиҳатдан кучсиз ҳолатда чиқди, империяга хос қудратлилиги ва мустаҳкамлиги дарз кетди.

Эътиборберинг!

Иккинчи жаҳон урушидан кейин дунё сахнасида СССР ва АҚШнинг ҳарбий-сиёсий ҳукмронликка эга бўлиши халқаро муносабатлартузилмасидакўпполяр муносабатларбиполяр моделга ўтади. Бунинг натижасида таъсир кўрсатишнинг иккита геосиёсий ҳудуди шаклланади, улар СССРва АҚШ эди. Бу иккита қудратли давлатларянги халқаро муносабатларнинг қарор топиши учун кафолатбўлди.

Шу билан бирга Ялта-Потсдам тизимининг биполяр ҳусусияти мутлоқ ҳусусиятга эга бўла олмади. Икки қудратли давлатлар халқаро

муносабатлардаги барча субъектлар ва воқеликларни тўлалигича назорат қила олмади. 50-йилларда мустамлакачиликка қарши Холис ҳаракатлар пайдо бўлди. Холис ҳаракатларга аъзо давлатларнинг биринчи конференцияси 1961 йил Белградда бўлиб ўтди. Холис ҳаракат аъзолари ҳарбий блокларга қўшилмаслик, ўз ҳудудларига бошқа давлатларнинг қуролли ҳарбий базаларини жойлаштиришга рухсат бермаслик, мустамлакачиликка барҳам бериш, халқаро муносабатларга боғлиқ тинч битимларга риоя қилиш, тенг ҳуқуқли ҳамкорликлар ва тинч яшашни ўзларининг ташқи сиёсатларининг асосига айлантди. Бу ҳаракат халқаро майдондаги кучларнинг жойлашишига кўра биполяр вазият билан ҳисоблашишга мажбур бўлди, бироқ блок тизимидан воз кечишга интилди.

1960—1970 йилларда янги кучлар шаклланди (Ғарбий Европа ва Хитой). Улар СССР ва АҚШ билан рақобатлаша олмаса ҳам, бошқаларни ўзлари билан ҳисоблашишга мажбур қилди. Чунки мазкур давлатларнинг нуфузлари халқаро даражада вақт ўтган сари оша борди. Бироқ АҚШ ва СССР кучли қудратли давлатлар бўлганлиги туфайли, Ялта-Постдам тизимининг икки қутби бўлиб қолди. Тизим жараёнида уларнинг ҳал қилувчи позициялари ҳеч қачон баҳс-мунозараларни вужудга келтирмади, бироқ улар тенг йўналишларда эмас, асимметрик шаклда олиб борилди.

АҚШ иккинчи жаҳон урушидан кейинги босқичда иқтисодиёт ва молия йўналишида шубҳасиз устунликка эга бўлди.

Ҳарбий соҳаларда АҚШ кучли армия ва ниҳоятда такомиллашган ҳарбий ҳаво кучларига ҳамда ҳарбий-денгиз флотига эга бўлди. 1945 йил июнда АҚШ атом бомбасини энг биринчилардан бўлиб синовдан ўтказди ва бу синов муваффақиятли ниҳоясига етказилди. АҚШнинг ҳарбий кучлари Ғарбий Европада, айниқса, Германиянинг ғарбий ҳудудлари ва Австрияда кўп жойлаштирилди. Шу билан бирга, АҚШ Японияни босиб олди, Тинч океани ҳудудидаги бир неча ороллар ва Филиппинни ўзига қаратиб олди.

Хитой ва Корея ярим оролининг жанубига ўз қўшинларини жойлаштирди. Сиёсий-мафкуравий йўналишларда АҚШ «ғарб демократияси»нинг қўрғони, «эркин дунё»нинг ишончли ҳимоячиси ҳисобланди.

АҚШ ўзига хос халқаро таъсирга эга бўлди. Америка агрессорлар иттифоқига қарши бўлиб, уларни мағлубиятга учратишда катта ҳисса қўшди. Америка Буюк Британия билан мустаҳкам ҳарбий-сиёсий иттифоқ тузди. Улар БМТни ташкил этишда жонбозлик кўрсатди ва БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари ҳисобланиб, БМТ Бош Ассамблеяси сессияларида доим кўп овозларга эга бўлиб, устунликни қўлга киритди.



Ялтадаги «Катта учлик» конференцияси

Иккинчи жаҳон урушидан кейин халқаро дунёда СССРнинг таъсири бирданига ошиб кетди. СССР урушдан кейин ҳамкорлик ҳамда ўзаро ёрдам тўғрисида Буюк Британия, Франция, Чехословакия, Югославия, Польша, Хитой давлатлари билан иттифоқ (ёки дўстона алоқа) ташкил этиш бўйича шартнома тузиб, БМТга асос солганлардан бири ҳамда у ерда Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси бўлди. Урушнинг охиригидан босқичда Кенгаш армияси Польша, Чехословакия, Венгрия, Руминия ва Болгария ҳудудларида кўп жойлашди. Улар Югославия ва Албанияни, Норвегиянинг чегара ҳудудларини озод этиш ишларида иштирок этди. Қизил армия Германиянинг шарқий қисмларини ва Австрияни босиб олди. Кенгаш ваколатхоналари Финляндияда кузатув хизматларини олиб борди.

Совет армияси, шунингдек, Эроннинг шимолий ҳудудларида ҳам жойлашди, улар 1941 йилнинг август ойида ушбу давлатлардаги Германия гуруҳларининг фаолият юритишига қарши курашди. Узоқ Шарқда Сахалин ва Курил ороларининг жанубий қисмини ўз назоратларига олдилар, улар Шимолий-Шарқий Хитой ва Кореянинг шимолий қисмларига жойлашдилар.

Совет Иттифоқи таркибига Ғарбий Украина ва Ғарбий Белоруссия, Эстония, Латвия, Литва, Бессарабия ва Шимолий Буковиналар киритилди. 1939—1940 йилларда Финляндия билан бўлиб ўтган «қиска

уруш» натижасида шаклланган чегараларда ҳам ўзгаришлар рўй берди. СССР бундан бошқа янги ҳудудларни қўлга киритишга ҳам муваффақ бўлди: Кенигсберг (ҳозирги Калининград), Финляндия чегараларининг шимолида жойлашган Петсамо тумани, Карпатдаги Украина (СССР ва Чехословкиянинг 1945 йилда тузилган ўзаро шартномасига мувофиқ), Жанубий Сахалин ва Курил ороллари.

СССР Мўғул Халқ Республикаси (Ички Монголия) билан мустақил дўстона алоқаларни ўрнатиб, Маньжурия (Хитойнинг Чанчун темир йўли) темир йўл муносабатларидаги ўзларининг алоҳида ҳуқуқларини ҳамда Хитойнинг Порт-Артур ҳарбий-денгиз базаси ва Хитойнинг Дальянь (Узоқ) портини ижарага олиш ҳуқуқига эга бўлди. Ғарбда Кенгаш Иттифоқи билан дўстона муносабатларни қўллаб-қувватлайдиган Москванинг ташқи сиёсатига асосланган давлатларнинг Европа чегараларигача бўлган ҳудудлари СССРнинг «хавфсизлик ҳудуди» дея эътироф этилди.

Кенгаш ҳокимияти коммунистик ҳаракатларни ўзларининг халқаро муносабатларда асосий қуроли сифатида фойдаландилар. 1943 йилнинг май-июнь ойларида жаҳон коммунистик интернационал тарқалиб кетган бўлса ҳам, айрим давлатларда коммунистик партиялар ҳудди илгаригидек Москвага қараб, ўзларининг дастурли йўналишларини белгилаб бордилар.

Коммунистлар урушдан кейин катта сиёсий мавқега эга бўлдилар, улар фашизмга қарши бетиним курашувчилар, Қарши ҳаракатларнинг фаол аъзолари сифатида танилди. Бир неча Шарқ ва Жануби-Шарқий Европа давлатларида коммунистлар ҳукумати ташкил этилди, уларнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётида муҳим вазифаларни бажарди. Ҳатто Ғарбий Европадаги (Италия, Франция, Бельгия, Дания каби капиталистик давлатлар) ҳукумат таркибида ҳам коммунистлар бўлди.

Тизимнинг барқарорлиги ва ядровий омиллар. Ялта-Потсдам тизимининг биполярлиги унинг муайян даражада барқарор бўлишига таъсир кўрсатди. Бир-бирини тўлдирган иккита қутб — тизимлар кафолати уларнинг умумий тенглиklarини сақлади, иттифоқдошлар ҳаракатларини назоратга олди, юзага келган ҳар хил даражадаги низо-ларни тартибга келтириб борди. Иккита қудратли давлатлар юз берган ҳар қандай қарама-қаршилиқларга қарамасдан, тизимда шаклланган «ўйин қоидалари»нинг сақланишидан манфаатдор бўлди.

Эътиборберинг!

Ялта-Потсдамтизимининг халқаро муносабатлардаги ўзига хос хусусияти шундаки, кучли қудратли давлатларбир-бирларини том маънода тан олди.

Кенгашлар томони таъсир кўрсатадиган чегаралар доирасини аниқлаш бир неча халқаро инқирозлар орқали жуда мураккаб кескинлашган ҳолатларда ўтди. Бироқ Европанинг бўлиниши ниҳоясига етгандан кейин, Ғарбий Советлар иттифоқи «социалистик ҳамкорлик» йўналишида олиб борилган воқеаларга аралашмади. Улар, ҳатто Шарқий Европада (Венгрия — 1956 й., Чехословакия — 1968 й. ва бошқалар) мураккаб сиёсий инқирозлар этак ёзганда ҳам аралашмади. Бу орада жуда мураккаб вазиятлар ривожланган давлатларда ҳам алоҳида кузатилди.

Мустамлакачиликка қарши йўл тутганликда айблаган СССР ўз таъсир доирасини Осиё ва Африка ҳамда Лотин Америкасидаги айрим давлатларга қаратишга ҳаракат қилди, шу сабабли 1950 йилларда дунёда бир нечта халқаро низолар авж олди.

Ялта-Потсдам тизимидаги халқаро муносабатларда ядровий муаммолар алоҳида аҳамиятга эга бўлди. АҚШ 1945—1949 йиллар оралиғида атом монополиясига эга бўлди. Бироқ мана шундай даҳшатли қуролга, уни ташиш (стратегик етказиш) имкониятларига эга бўлса-да, янги дунё урушини вужудга келтириб, ғалаба қозонишга ҳаракат қилмади. Атом бомбаси Америка ташқи сиёсатида муҳим вазифаларни бажариб, қудратли давлатни дунёдаги энг қудратли ва кучли давлатга айлантиради. Атом салоҳиятини тан олган Сталин ҳукумати, Америка олдида ўз таъсирини камайтириб, улар билан ўзаро келишган ҳолда сиёсат олиб боришдан манфаатдор бўлди, кенгашларнинг ташқи сиёсатда тутган позициялари енгиллашиб, тинч ҳолатга ўтди. Атом қуроли АҚШ ва СССР ўртасидаги келишмовчиликларда муҳим роль ўйнади, халқаро муносабатларда биполяр тизимнинг қарор топишига таъсир кўрсатди.

Халқаро сиёсатдаги бундай ҳолатлар 1949 йилда СССР ядро қуролларига эга бўлгандан кейин бирдан ўзгарди. 1957 йилда СССР биринчи бўлиб сунъий ер йўлдошини учиргандан кейин, вазият янада мураккаблашди. СССР жон-жаҳди билан континентлараро баллистик ракеталар билан қуролланишга киришди, бу қуроллар АҚШ ҳудудларига хавф сола бошлади. Ядро қуроллари «ҳукмронлик» қуролига айланди. Бироқ иккита жуда қудратли давлатларнинг ҳеч қайси бири қирғин барот уруш йилларида бир-бирига кескин зарбалар бериб, ўрни тўлмас хатоликларга йўл қўймади. СССР ва АҚШ ўзаро мудофаага ўтиб, катта урушлар олиб боришга ҳаракат қилмади.

Ядровий қуролланишга интилиш халқаро муносабатларга туб ўзгаришлар олиб келди. Ундан фойдаланилса инсон тасаввур қилиб бўлмайдиган ҳалокатлар вужудга келади, одамлар оммавий тарзда йўқ бўлиб кетади ҳамда дунё хонавайрон бўлади. Шу билан бирга, ундан тарқалган зарарлар атмосферага ёйилиб, радиоактив хатарлар

атроф-муҳитга тарқалади, муайян ҳудудларнигина хонавайрон қилиб қолмасдан умуман ер куррасига, инсониятга ҳалокатлар олиб келади.

Бу сиёсий манфаатлар урушлари жуда оғир хасратларга олиб келиши туфайли амалга оширилмади.

Ядровий имкониятлар Ялта-Потсдам халқаро тизимининг доимий ҳолатда бўлишига таъсир қилди. Бу кўпгина низоларнинг олдини олиб, оқибати урушларга айланмаслигига замин яратди. Чунки ядровий хавфлардан қўрққан давлатлар худди илгаригидек бетайин урушларга аралашаверишдан воз кечди.

Бироқ мана шундай халқаро вазиятларга қарамасдан Ялта-Потсдам тизими мустаҳкам, доимий хусусиятга эга эмас. У хатарлар ва ваҳималарнинг тенглигига асосланди ва низолар, инқирозлар, ҳудудий урушлар, оммавий қирғинликларни келтириб чиқарадиган қуроллар билан қуролланиш орқали вақтинча барқарорликларга эришилди. Шунга қарамасдан Ялта-Потсдам тизими Версаль-Вашингтон тизимига қараганда барқарор бўлиб, катта урушларнинг олдини олишга самарали таъсир кўрсатди.

Билмингизнитекширинг

1. Иккинчи жаҳон урушининг келиб чиқиш сабаблари ҳақида гапириб беринг.
2. Иккинчи жаҳон уруши босқичларини тавсифланг.
3. Нима сабабдан АҚШ ва СССР Ялта-Потсдам тизимининг иккита қутби ҳисобланди?
4. Урушдан кейинги халқаро муносабатларда Холис ҳаракатлар қандай вазифаларни бажарган?
5. Халқаро муносабатларда Ялта-Потсдам тизимининг ядровий омиллари хизмати ўрнини баҳоланг.

Топшириқ

1. 1955 йилнинг апрелида Бандунг конференциясида қабул қилинган «Бутун дунёга ёрдам ва ҳамкорлик Декларацияси»ни диққат билан ўқиб чиқинг ва саволларга жавоб беринг.

Конференцияда иштирок этувчилар халқаро муносабатларда қандай тамойилларни тасдиқлашга даъват этади?

2. Бутун дунёга ёрдам ва ҳамкорлик Декларацияси

... Давлатлар сабр-бардошлик кўрсатиб, дунёда бир-бири билан яхши қўшнилар каби яшаб, қуйидаги тамойиллар асосида дўстона ҳамкорликларини оширишлари шарт.

1. Инсоннинг асосий ҳуқуқларини, шу билан бирга, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоми тамойиллари ва мақсадларини ҳурмат қилиш.

2. Барча давлатларнинг мустақиллига ва ҳудудий яхлитликларини ҳурмат қилиш.

3. Барча ирқларни ва барча кичик халқларни тенг даражада эъзозлаш.

4. Бошқа давлатларнинг ички ишларига даҳл қилиш орқали аралашидан эҳтиёт бўлиш.

5. Ҳар бир давлатнинг алоҳида ҳолда ҳам, жамоа ҳолда ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилотига мувофиқлаштирилган мудофаа ҳуқуқларини ҳурмат қилиш.

ИНҚИЛОБЛАР ЖАМИЯТДА ЎЗГАРИШ ОМИЛЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА



52—53-§. БУРЖУАЗИЯ ИНҚИЛОБИ — САНОАТЛАШГАН ЖАМИЯТ ШАКЛЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ САБАБИДИР

А. XVII асрда рўй берган Инглиз буржуазия инқилоби

Ушбу дарсда:

- XVII асрда рўй берган инглиз инқилоби;
- XVIII асрда рўй берган Шимолий Америка инқилоби;
- XVIII асрда рўй берган Буюк Француз инқилоби;
- XIX аср ўрталарида Европалар рўй берган инқилоблар билан танишамиз.

Калит сўзлар:

саноатлашган жамият, илк буржуазия инқилоби, миллий давлат, декларация, табиий ҳуқуқлар ва ижтимоий келишув (консенсус) назарияси, халқ озодлиги, конституция, буржуазия жамияти тамойиллари, инсон ва фуқаролар ҳуқуқлари, ҳуқуқий давлат, сиёсий тарқоқлик, миллий низолар.

Ёддатутинг

Саноатлашган жамият ишлаб чиқариш инқилоблари натижасида вужудга келган. Унга қуйидаги шартлар хос: 1) йирик машинасозлик (фабрика- заводлар) саноати; 2) йирик ишлаб чиқариш (фабрика- заводлар) саноатларида буржуазия ва ишчилар синфи (фабрика- заводлари ишчилари) каби иккита ижтимоий синфларнинг мавжуд бўлиши; 3) миллий давлатнинг мавжудлиги; 4) сиёсий эркинликлар ҳамда қонун олдида ҳаммининг тенглиги; 5) фуқаролик жамиятининг ривожланиши.

Саноатлашган жамиятнинг пайдо бўлишига XVII—XVIII асрларда Европа ва Америкада бошланган илк буржуазия инқилоблари туртки бўлди.

Мана шундай омиллар жараёнида анъанавий (аграр, саноатлашгунга қадар) жамиятдан саноатлашган жамиятга ўтиш, ишлаб чиқариш жабҳаларида ишлаб чиқаришдаги инқилоб шартлари шаклланиган. Қуйидагилар ишлаб чиқаришга доир инқилобнинг тарихий шартлари сирасига киради: 1) иқтисодий — молияларнинг алоҳида шахслар қўл остида тўпланиши; 2) ёлланма ишчилар гуруҳининг ижтимоий жиҳатдан шаклланиши; 3) марказлашган мануфактуранинг техник тараққиёти ва ихтисослаштирилган ишчи кадрларнинг пайдо бўлиши.

Инқилоблардан саноатлашган жамиятнинг қуйидаги муҳим йўналишларида фойдаланил-

ган: халқ ва миллий суверенитет, ҳокимиятни бўлиб олиш, ҳуқуқий давлат, инсон ҳуқуқлари ва фуқароларнинг демократик ҳуқуқлари, жисмоний шахслар ва жамиятнинг фаровонликлари.

Эсланг

Инглиз инқилобининг тадрижий тизими инқилобнинг бориши ва якуни.

XVII асрда рўй берган Инглиз инқилоби. Инқилоб арафасида Англия аграр давлат эди. Аҳолининг катта қисми қишлоқ хўжалиги соҳасида машғул бўлган. Қишлоқ хўжалиги соҳаларидан тушадиган даромадлар савдо-саноат хизматларидан тушадиган даромадларга нисбатан анча кўп бўлган. Ер бошқаришдаги феодал шаклларга кўра хусусий мулкдорлик билан шуғулланишнинг ҳокимият томонидан таъқиқланиши, янги задогонлар бошқаруви устунлиги қишлоқ хўжалигида капитализмнинг ривожланишига тўсқинлик қилди. Аграр ҳолатлар инқилобларнинг вужудга келиши ҳамда уларнинг юзага чиқишида асосий аҳамиятга эга бўлган.

Саноат ва савдо-сотик ишларида бошқарувда цехлар фаолияти тарғиб қилиниши мануфактурага таъқиқлар қўйилиши, патентларни сотиб, монополияга рухсат берилиши, ишлаб чиқарувчиларнинг эркинликларини чеклаш ва рақобатнинг барҳам топишига олиб келиб, капиталистик муносабатларнинг тараққиётига тўсқинлик қилди. Капиталистик жамиятнинг асосий синфи — ишчиларнинг шаклланишига, ҳокимиятнинг ерларни хусусий мулк сифатида бермасликлари ва ишлаб чиқаришнинг цех тизимини қўллаб-қувватлаши тўсқинлик қилди.

Ёддатутинг

Англияда рўй берган инқилобларнинг тарихий аҳамияти феодал муносабатларга барҳам бериб, капитализмнинг юксалишига йўл очди.



Ч.Каттермол. Инглиз буржуа инқилоби давридаги Престон атрофидаги жанг

Инқилобларнинг бундан кейинги тараққиёти учун феодал муносабатларни тугатиш тақозо этилди. Бу каби вазифалар Узоқ парламент томондан ҳал қилинди.

24 февраль 1646 йилда улар қирол фойдаси учун феодалларга тегишли ерлардан йиғиладиган федерал йиғимлар йиғиш палатаси ёки «Ҳомийлар ишлари бўйича палата»ни ёпиш тўғрисида махсус қарор чиқарди. Ушбу қарорга кўра, бунгача иш жараёнида ёки қиролга тегишли бўлган, барча феодал мулклар эндиликда буржуазия мулкига айланди. Феодаллар ўзларига тегишли ерларнинг қонуний эгаларига айланди. Уларнинг хусусий ерларида ишлаётган чорваларни қувиб чиқариб, кўп фойда келтирадиган капиталистик хўжаликлар ташкил қилишга боғлиқ шароитлар яратилди, тўсқинликлар олиб ташланди. Англияда хўжайинларига катта даромад олиб келадиган йирик капиталистик ер бошқарув тизими яратилди, бунинг натижасида катта ҳажмга эга капиталистик ишлаб чиқариш масканлари қурилиб, саноатлашган жамият пойдевори бунёд этилди.

Ерлар мулкдорларга берилиши, янги бошқарувчилар қўлига ўтиши натижасида ижарачи хўжаликлар ишсиз қолди, шу тариқа ёлланма ишчилар сони кўпайди. Бу эса йирик капиталистик ишлаб чиқаришнинг юксалишига замин яратган ҳолда саноатлашган жамиятга асос солди. Парламент ишлаб чиқариш ва савдо тараққиётига тўсқинлик қилаётган барча монополияларга барҳам берди.

Ёддатутинг

Инқилоблар инглиз халқининг шаклланиши ва миллий давлат ташкил этиш жараёнида асосий омил бўлган.

Феодал мулк шакли тугатилиб, буржуазиянинг тасдиқланиши, феодал тўсиқларнинг тўхтаб, давлатнинг иқтисодий бирлашиши ва миллий бозорнинг шаклланишига йўл очди. Бу, ўз навбатида, давлатнинг миллий жиҳатдан бирлашиши ва инглиз халқининг бирлашишини, миллий давлатнинг ташкил топишига замин яратди. Ғалабага эришган инглиз буржуазияси, кучли мустамлакачи империяга айланди. Босқинчилик ҳаракатларининг ошиши, денгизнинг нариги томонидаги бозор учун талашишлар, мустамлакачи империянинг ташкил топиши, беҳад бойиб кетган инглиз буржуазияси инглиз инқилобининг бевосита натижаси эди. Ўз навбатида, мустамлака давлатлардан молияларни ташиб олиб кетиш Англияда йирик молиялар тўплаган жисмоний шахсларнинг кўпайишига сабаб бўлди, бу эса йирик саноат ташкил этишда саноат жамияти пайдо бўлишига замин яратди.

Ёддатутинг

Инглиз инқилобининг асосий аҳамиятишундаки, у жаҳон тарихида янги капиталистик давр ташаббускорига айланди. Янги буржуазия жамияти тамойилларини эълон қилган ҳолда, у дунёга орқага қайтмас буржуазиявий ижтимоий-сиёсий тартиблар жараёнларини қарор топтирди.

Билмингизнитекширинг

1. Саноатлашган жамиятнинг асосий белгиларини айтиб беринг.
2. XVII асрда рўй берган Англия инқилоби учун нега аграр муаммолар муҳим бўлди?
3. Англияда саноат ва савдода капитализм тараққиётига нималар тўсқинлик қилди?
4. Британия парламентининг қандай қарори давлатда капиталистик муносабатлар ғалаба қозонишига замин яратди?
5. Англияда қишлоқ хўжалиги тараққиётига 1646 йил 24 февралда Британия парламенти томонидан эълон қилинган Ордонанс ҳужжати қандай таъсир қилди?

Топшириқ

1. Қуйида берилган ҳужжатлар билан танишинг ва улардан дарсда саволларга жавоб беришда фойдаланинг.

Буюк ремонстрация, 1641 йил, 1 декабрь (парча)

115. Халққа зарар етказган бир қатор монополиялардан бир нечаси тугатилди.

120. Бундан ҳам тўғрироғи ... ана шундай барча ёмонликларнинг бошланиши ...ўз қўл остидагилар ва улар мулкига буюк мартабали шахснинг парламент рухсатисиз чекланмаган бошқарув ишларини олиб боришга қарши бўлиш, икки палата қарори ва парламент ҳужжати бўйича бундай бошқарув тизим қонунга зид деб эълон қилинди.

139. Қиролнинг даромадлари аниқланиб, тартибга келтирилди, амалдорларнинг ҳаддидан ортишлари ҳамда ортиқча харажатларига барҳам берилди, қиролнинг шахсий ҳаётини ҳимоя қилиш, қиролликни бошқариш ва ҳимоя қилиш учун керакли бўлган харажатлар тўлалигича таъминланди.

140. Розилик судлари иши тартибга келтирилиб, суд ишларини олиб боришдаги харажатлар камайтирилди.

141. Олтин ва кумушни экспорт қилмаслик чора-тадбирлар, шунингдек, саноат ва ташқи савдода алоқаларнинг ўсиши учун халқаро алоқаларда молия курсининг самарасизликларини камайтиришга доир тўғри чора-тадбирлар белгиланди.


Британия парламентининг феодал ҳомийлар палатасини тугатиш бўйича Фармон, (1646 йил 24 февраль)

Феодал ҳомийлар палатаси ва феодал ҳомийликдаги барча мол-мулкларни бошқариш ва четга чиқариш... ҳамда бошқа, ҳомийликка доир вазифалар, барча мулкларни чиқариш ва унга тегишлилар шу кундан бошлаб тугатилади. Барча йиғилган, айниқса, оммажага (рицарлар омонати) мўлжалланган барча файнлар (қирол фойдасига мўлжалланган жарима пуллари)... ва шунга боғлиқ вазифалар тугатилади. Рикарь хизматлари ҳуқуқидаги биринчи қўлдаги барча квориумлар, шунингдек, сокеджа (омонат) ҳуқуқидаги омонатлар тожга бевосита боғлиқ бўлса ҳам сокеджнинг умумий қоидаларига (шахсий буржуазия мулкига) айланади.

2. XVII асрда рўй берган Инглиз инқилобининг биртомонлама тартиблар асосида феодал муносабатларга барҳам бериши сабабларини тушунтиринг.

Б. XVIII асрдаги Шимолий Америка инқилоби (мустақиллик учун кураш)

XVIII аср ўрталарида Атлантика соҳилларидаги Шимолий Америкада Англиянинг 13 та мустамлакаси бўлди. Мустамлака давлатларда капиталистик муносабатлар ривожланди, аҳолининг катта қисмини Англиядан келган иммигрантлар ташкил этди.



Томас Джефферсон
(1743—1826)

Бу вақтда Англияда феодал муносабатларга барҳам берилган эди. XVII асрда рўй берган инглиз инқилоби натижасида Океанни кесиб ўтиб келган мустамлакачилар, ўзлари билан бирга капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларини олиб келган эди. Табиий шароитларга кўра шимолий мустамлакаларда капиталистик фермер каби хўжалик тури ривожланган бўлса, жанубда тезкор суръатларда тамаки хўжалиги ва плантацияларда қулдорликнинг мавҳум буржуазия муносабатлари равнақ топди.

Эътиборберинг!

Мустамлака иқтисодиёти махсус ягона иқтисодий ҳудуд асосида олиб борилган.

Мустамлакада капиталистик ривожланишдан мустамлакачи давлатлар манфаатдор бўлмади. Мустамлака давлатларни инглизлар ишлаб чиқариш учун арзон хом ашё ишлаб чиқарувчи ҳамда Британия маҳсулотларини ўтказадиган кенг бозор ўрни деб ҳисоблади, Англия мустамлакани феодал шаклда бошқариб, у ерга буржуазия муносабатларини киритмасликка ҳаракат қилди. XVII аср охирида мустамлакачилар қабул қилган қонун XVIII аср бошларида мустамлака давлатнинг қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш ва савдо соҳаларида капиталистик муносабатларни жорий этишга тўсқинлик қилди ҳамда ривожланишига йўл бермади. Бироқ мустамлакачилар ҳар қанча тўсқинликлар қилса ҳам, мустамлака давлатни капиталистик йўллар орқали бошқариш иқтисодиётда ижобий натижаларга олиб келди. XVIII аср ўрталарида мустамлака давлатлар ўртасидаги иқтисодий алоқалар равнақ топиб, умумий бозор қарор топди. Америка миллати тезкор суръатларда шаклланди.

Эсланг

Шимолий Америкада инглиз мустамлакаларидаги мустақиллик учун курашнинг тадрижий тизими ва уларнинг муҳим воқеалари ҳамда яқунлари.

XVIII асрнинг икинчи ярмида мустамлакачилар ўртасида сиёсий фаолликлар ўсиб, улар ўз манфаатларини ҳимоя қилиб, Англия сиёсатига қаршилик қила бошладилар. 1775 йилда мустамлака халқ капиталистик тараққиётга тўсқинлик қилаётган Англияга қарши чиқди.

Эътиборберинг!

Мустамлакаларда буржуазия инқилоби бошланиб, у мустақиллик учун курашга айланди.

Уруш жараёнида мустамлака халқ Англиядан мустақилликка эришиб, ўзларининг миллий далаатларини ташкил этадилар. Миллий дав-

латлар қарор топиб, саноатлашган жамиятнинг муҳим белгисига айланган учта муҳим ҳужжат: Мустақиллик декларацияси ва 1777 йилги Конфедерация моддалари ҳамда 1787 йилда қабул қилинган ва ҳозирги кунгача амалиётда бўлиб келаётган Конституция қабул қилинди.

1776 йилда қабул қилинган Мустақиллик декларацияси. У 13 та Шимолий Америка мустамлакаларининг Англиядан мустақил бўлиб чиққанини билдириб, Америка Қўшма Штатлари деган янги давлат ташкил топганини эълон қилди. Декларацияга буюк америкалик маърифатпарвар Т. Жефферсоннинг янги замонга асосланган илғор ғояларга эга лойиҳалари танланди ва асос қилиб олинди: улар табиий ҳуқуқ назарияси ҳамда жамоат розилиги ва халқ озодлиги тамойиллари. Декларацияда халқ озодлиги, инқилобга доир ҳуқуқлар, қонун олдида барча фуқароларнинг тенглиги ва улар «ҳаёт, эркинлик ва бахтга интилиш» ҳуқуқларига эга эканликлари эълон қилинди.

Конфедерация моддалари. 1777 йилда Континенталь конгресда қабул қилинган АҚШнинг биринчи Конституцияси 1781 йилда кучга киритилди. Мустақиллик учун кечган уруш шароитида америкаликлар ягона давлат ташкил этиш масалаларига гумон ва шубҳа билан қараган пайтлари ҳам бўлган. Шунга кўра улар конфедерация шаклини танлаган: алоҳида давлатлар иттифоқи, яъни «штатлар», ўз мустақилликлари сақланган, ҳар қандай муаммоларни маҳаллий ёки умуммиллий шароитларда ҳал қиладиган иттифоқ. Ягона бошқарув органи Конгресснинг — фақат консультатив, қўшимча хизматларга эга, барча тўла бошқарув ҳуқуқлари эса маҳаллий ҳудудларга, штатларга берилди.

1787 йилда қабул қилинган Конституция. Мустақиллик учун кечган урушлардан кейин давлатнинг иқтисодий, ички, ташқи сиёсий шароитлари ниҳоятда оғир эди. Бу ҳолат давлат раҳбарларини хавотирга солиб, улар давлатни кучайтирадиган, уни юксалтирадиган йўл қидиришга ўтдилар. Конфедерация моддалари кучли давлат ташкил этиш йўлларида муҳим вазифаларни бажара олмадилар. Шу орада катта имкониятларга эга янги Конституция қабул қилиш эҳтиёжи вужудга келди. 1787 йилда янги Конституция қабул қилинди. Конституция бўйича давлатда бошқарув тизими қайта тақсимланди, давлатнинг давлатчилик тузилмаси ўзгартирилди. АҚШ федератив давлатга айланиб, барча ягона бошқарув Конгрессга, Президентга, Олий Судга берилди. Штатларда бошқарув ишларига чек қўйилди: штат бошқаруви қабул қилинган қарор, чиқарилган ҳукмлар, марказий бошқарув органи томонидан қабул қилинган қонун ва қарорларга зид келмаслиги шарт. Марказий бошқарув органининг мартабаси, маҳаллий ҳудудлардан устунлиги конституция даражасида аниқланди. Конституция АҚШни марказлашган қудратли давлатга айлантди.

Шимолий Америка мустамлакаларининг мустақиллик учун курашлари тарихда капитализм ва феодализмнинг бир-бирига қарама-қаршилиги сифатида қолди.

Ушбу воқеалар нашидаси туфайли Европада буржуазия инқилоби, айниқса, Буюк Француз инқилоби вужудга келди.

Билмингизнитекширинг

1. Шимолий Америкадаги инглиз мустамлакаларида капиталистик муносабатларнинг ривожланишига нималар тўсқинлик қилди?
2. Нима сабадан Шимолий Америкадаги инглиз мустамлакаларида буржуазия инқилоби мустақиллик учун кураш шаклини танлади?
3. 1776 йилда қабул қилинган Мустақиллик Декларациясининг тарихий аҳамияти қандай?
4. АҚШнинг иккинчи Конституцияни қабул қилишига нималар сабаб бўлди?

Топшириқ: АҚШнинг Мустақиллик Декларацияси парчалари билан танишинг ва уларнинг асосига айланган янги давр назариялари ҳақида гапириб беринг.

Биз қуйидаги ҳақиқатларни аниқ ҳақиқат деб ҳисоблаймиз: барча инсонлар тенг ва уларнинг барчасига Яратган бир неча ажралмас ҳаракатлар тақдим қилган, жумладан, яшаш ҳуқуқи, эркинлик ва бахтга интилиш ҳуқуқлари. Таъкидланган ушбу ҳуқуқларни таъминлаш учун инсонлар ўртасида ҳукуматлар ташкил этилган. Агар бундай ҳукуматларнинг шакллари ана шу мақсадлар учун ҳалокатли бўлган ҳолларда, халқ бундай ҳукуматларни ўзгартириш ёки тугатиш ҳамда ана шу халқ фикрича, унинг хавфсизликлари ва бахтга эришиш сари интилишларини имкон қадар таъминлай оладиган тамойиллар асосида янги ҳукумат ташкил этиш ҳуқуқларига эга..

В. XVIII асрдаги Француз инқилоби

Буюк француз инқилоби саноатлашган жамиятни шакллантиришга радикал шаклда таъсир қилди. Энг биринчи марта қабул қилинган қонун бўйича солиқлар билан бирга аслзодаларнинг ҳуқуқлари ва афзалликлари, табақалар ва мавқеларга барҳам берилиб, деҳқонларнинг қарамликлари бартараф этилди. 1789 йилда қабул қилинган Инсон ва фуқаролар ҳуқуқлари тўғрисидаги Декларация янги фуқаролик жамиятнинг пойдеворини яратди. Хужжат ғоялари АҚШнинг Мустақиллик Декларацияси, яъни жамиятнинг асоси ҳисобланадиган инсоннинг табиий ҳуқуқлари, қонун олдидаги тенгликлари, халқ озодлиги тамойиллари билан ҳамоҳанг бўлди. Декларациянинг 17-моддаси янги капиталистик жамиятнинг: «Хусусий мулк — дахлсиз, муқаддас ҳуқуқларга эга» деган асосий тамойилларини эълон қилди. Инқилоб қонунига кўра цех тизимлари ва ички божхоналарга барҳам берилди. Суд тизими суд раисини тайинлаш, сайлаш ва ҳакамлар ҳайъати иштирокига асосланди. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш тизими қайта шаклланди: Франция 83 департаментга бўлиниб, бошқарув сайлов органлари ихтиёрига берилган эди. 1792 йилда Франция республика деб эълон қилинди. 21 ёшга тўлган барча фуқароларга сайловда иштирок этиш ҳуқуқи берилди. 1793 йилда қабул қилинган Инсон ва фуқаролар ҳуқуқлари тўғрисидаги Якобинчилар Декларацияси: инсон эркинлиги, хавфсизлиги ва хусусий мулки унинг табиий ҳамда ажралмас ҳуқуқи дея эълон қилинди. Қонунда шахс эркинлиги ва диний эътиқодига,



Бастилиянинг ишғол қилиниши, 1789 й., 14 июль

қонуний фаоллигига, матбуотга, меҳнат тўғрисидаги ҳуқуқи, билим олиш ҳуқуқи, ҳимоясизларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, агар ҳукумат халқ манфаатларига қарши чиқса, ўз норозиликларини билдириб намоёнлар уюштиришгача эркинликлар берилган.

Эсланг

Француз инқилобининг тадрижий тизими ва унинг жараёни ҳамда яқунлари.

Инқилоб буржуазиянинг энг асосий муаммоларидан бири аграр шароитни радикал шаклда ҳал қилди. 1793 йил 17 июлда қабул қилинган Декретга мувофиқ қишлоқларда барча феодал ҳуқуқлар тамоман ўз кучини йўқотди. Дехқонларнинг феодаллар олдидаги қарзлари қайтарилмайдиган ҳолда, тўлалигича бартараф этилди. Дехқонларнинг асрлар мабойнида феодаллардан ҳақ тўлаб ижарага олиб келган ерлари шахсий мулкларига айланди.

Билмингизнитекширинг

1. 1793 йилда Якобинчилар Декларациясида эълон қилинган инсон ва фуқаролар ҳуқуқлари ҳақида гапириб беринг.
2. Нега «XVIII асрда рўй берган Буюк Француз инқилоби ўз мақсадларига эриша олди» деб ҳисобланади?

Топшириқ. 1789 йилда эълон қилинган Инсон ва фуқаролар ҳуқуқлари Декларациясидаги инқилобий тамойилларнинг мазмун-моҳияти нималарга асосланган?

1. Инсонлар тенг ҳуқуқларга эга ва эркин яратилган ва шундай қолади. Ижтимоий тафовутлар фақат умумий манфаатларга асосланиши мумкин.

2. Ҳар қандай давлат иттифоқининг мақсади — инсоннинг табиий ҳуқуқларини таъминлаш. Бу — эркинлик, мулк хавфсизлиги, таъқибларга қарши ҳуқуқлари.

3. Мустақиллик энг аввало, миллатга таянишга асосланади...

4. Қонун — омманинг ягона мақсадинининг намунаси. Қонун чиқариш ишларида барча фуқаролар шахсий ёки ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга. У барча инсонлар учун бир хил бўлиши керак. Қонун олдида тенг ҳуқуқларга эга бўлганликлари туфайли барча фуқароларга уларнинг алоҳида қобилиятларига кўра ҳар қандай жамоат ишлари учун йўл очиқ ҳамда уларнинг ўз қобилият хусусиятларидан ташқари ҳеч қандай тафовутлари инобатга олинмайди.

5. Қонунларга риоя қилган шахс қонунларда кўриб чиқилган шароитлардан ташқари ҳеч қандай ерларда жаримага тортилмайди, жазоланмайди...

Г. XIX аср ўртасида Европада бўлган инқилоб

Эсланг

1848—1849 йилларда рўй берган Франция, Германия, Италия ва Австрия империяларидаги инқилоблар: сабаблари, вазифалари, жараёни ва яқунлари.

1848—1849 йилларда содир бўлган инқилоб XVII—XVIII асрларда рўй берган инқилоблардан тарихий шароитларига кўра фарқ қилди: Францияда ишлаб чиқаришдаги инқилоблар ниҳоясига етди, Германия, Италия ва Австрия империясида ишлаб чиқариш тез суръатлар билан ривожланди. Агар Франция XVIII асрда рўй берган буюк Француз инқилоби натижасида саноатлашган жамият ташкил этиш йўлларида олдинга томон одимлаган бўлса, Германия, Италия ва Австрия империялари бу йўналишда бир неча тўсқинликларга дуч келди. Мазкур давлатларда капитализм тараққиёти билан бирга феодализм ҳам кенг қулоч ёзаётган эди. Деҳқонлар ўзларининг хўжайинларига тобе бўлиб, кўп ўлкаларда деҳқонлардан шахсий қул сифатида фойдаланиш сақланган эди: буржуазия сиёсий ҳокимиятдан четлаштирилиб, жилловлар қудратли шахслар қўлига ўтди. Ҳуқмрон синф вакилларида иборат суд тизими сақаланди, ҳамма жойда амалдорлар ва полициялар ҳуқмронлик қилди. Германия ва Италия халқи ўзларининг миллий давлатларига эга бўлмай, сиёсий тарқоқликда яшади. Бу вақтда Австрия империясининг кўп халқи ҳуқмрон миллат томонидан босимларга учрай бошлади.

Европада ўрин олган муаммолар ечими буржуазия инқилобига боғлиқ эди. Агар Францияда рўй берган инқилобларда бошқарув тизимига ишлаб чиқариш буржуазиясининг келиши асосий муаммога айланган бўлса, Германия, Италия, Австрия империяларида феодал муносабатларга барҳам бериб, миллий давлат ташкил этиш инқилобнинг асосий мақсадига айланган эди. Капитализм кенг қулоч ёзган Франция ва Германияда ишчилар синфи биринчи марта алоҳида сиёсий куч сифатида бирлашди.

Бу эса инқилобнинг давом этишига таъсир қилиб, унга демократик йўналиш берди.

Инқилоб мағлубиятга учради, демократик кучлар аниқ мақсадларига эриша олмадилар. Францияда республика ўрнига империя қарор топди. Германия ва Италия сиёсий жиҳатдан қолоқ ҳолда қолди, Австрия империясида эса миллий камситишларга барҳам берилмади. Ушбу давлатлардаги аграр масалалар радикал йўллар орқали ҳал қилинмади: феодализмга илдизи билан барҳам беришга имкон бўлмади.

Бироқ инқилоб натижасиз бўлмади. У Европада капитализм жараёнларини тезлаштирган ҳолда, саноатлашган жамиятни шакллантириш сари йўл очди. Ҳукумат раҳбарлигидагилар инқилобнинг тақрорланишидан ваҳимага тушиб, ўз ҳокимиятларини сақлаб қолиш учун мурасага келишга мажбур бўлди. Капитализмни шакллантириш аҳоли пунктларида ислохотлар йўналишида олиб борилди: Австрия империясида деҳқонларнинг қуллигига барҳам берилди, Пруссияда эса деҳқонларга феодаллардан ўз эркинликларини сотиб олишга рухсат берилди. Буржуазияни ҳокимият тепасига олиб келадиган конституциявий ва сайлов қонунлари қабул қилинди. Инқилоб ҳукмрон доира вакиллари зиммасига миллий муаммоларни ҳал қилиш, яъни миллий давлат барпо этиш йўлида курашларда бирлашган Германия ва Италияни бошқариш, Австрия империясини буржуазиявий ислохотларга тайёрлаш каби вазифаларни юкледи.

Ёдда тутинг

1848—1849 йилларда Европавари бўлган инқилоб Европахалқларидамиллатнинг ўзини ўзи англаш тафаккурини уйғотган ҳолда, уларнинг саноатлашган жамиятни шакллантириш йўлидаги ҳаракатларини шакллантириб, «халқ баҳори» номига эга бўлди.

Билмингизни текширинг

1. XIX аср ўрталарида инқилоблар қандай тарихий шароитларга боғлиқ ҳолда рўй берди?
2. Нега инқилоб мағлубиятга учради?
3. Ушбу инқилобнинг тараққийпарвар аҳамияти қандай бўлди?

Топшириқ. Қуйида берилган ҳужжатлар билан танишиб, улардан дарсда саволларга жавоб беришда фойдаланинг.

Париждаги 8-округ ишчилари мурожаатидан, (1848 йил, июнь)

Муваққат ҳукумат аъзолари ҳисобланган шахслар февраль баррикадаларида бизга демократик ва ижтимоий республика қарор топиши бўйича ваъдалар берган ... биз эса уларнинг сўзларига ишониб, баррикадаларни ташлаб чиқдик. Мана шу тўрт ойда улар нималар қилди? Улар қасамёдларига содиқ қолмасдан, берган ваъдаларини бажармади.

Биз демократик ва ижтимоий республикани; давлат ҳимоя қиладиган меҳнат жамоаларининг эркинликларини; халқ вакиллари ва вазирларнинг судга тортилишини; Ижро этувчи ҳокимият аъзоларининг тез орада ҳибсга олинишини, Париждан қўшинларнинг чиқарилишини талаб қиламиз.

Фуқаролар, Олий ҳокимият органлари сизга тегишли эканлигини ўйланг. Бизнинг озодлик, тенглик, қардошликка доир шиорларимизни эсланг.

**Берлин ишчиларининг талаблари (1848 йил, 23 март)
(парча)**

1. Тез орада умумий сайлов қонунларини тайёрлаш, мазкур қонунга кўра ҳар ким сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларига эга.

2. Тез орада халқ ваколатларига доир умумий сайлов тўғрисида буйруқ тайёрлаш.

3. 4 февраль кунига чақирилган Табақалар йиғилишига барҳам бериш.

Бизда — Франция ва Англияда буржуазия ва ишчилар синфи ўртасидаги бўлинишларга доир тафовутлар ҳозирданок амалга оширилган. Урушлар қироллик ва республика ўртасида эмас, бадавлатлар ва ишчилар кучи орқали ана шу давлатларга эга бўлишга интилганлар ўртасида бўлмоқда. Бизнинг буржуазия буни яхши тушунади, шунинг учун ҳам улар ҳозир, бизнинг инқилобларимизнинг дастлабки кунларидан, имкон қадар орқага чўзмоқда... Буржуазия синфи ишчилар синфи тинчланади деган умидларда ўзларини— ўзлари алдамасинлар. Ҳеч қачон тинчлик бўлмайди. Биз келажакда бирор нарсага эришмагунча ҳаракатларимизни тўхтатмаймиз.

Марказий ишчилар қўмиталари дастуридан парча (Берлин, 1848 йил)

III. Ишчилар учун

1. Энг паст меҳнат ҳақи ва иш вақтини ишчи ва ишлаб чиқариш корхона эгаси ёки иш берувчилар иштирок этган комиссия орқали аниқлаш.

2. Белгиланган иш ҳақининг сақланиши учун ишчилар иттифоқини ташкил этиш.

3. Қўшимча солиқларни тугатиш. Тараққийпарвар солиқ турларини жорий этган ҳолда ижтимоий аҳволи оғир кишиларни солиқлардан озод этиш.

4. Давлат ёшларни... бепул ўқитишни ўз зиммасига олиши керак...

5. Ишсизларга давлат ташкилотларидан иш таклиф қилиш керак, уларнинг инсон каби яшашларини таъминлаш лозим.

6. Давлат барча ёрдамга эҳтиёжмандлар ва меҳнат ногиронларига ғамхўрлик қилиши шарт.

7. Давлат амалдорларнинг ишчиларга нисбатан шафқатсизларча муносабатда бўлишини таъқиқлаши шарт. Ишчилар ўзларининг ишларидан фақат комиссия қарорига кўра озод этилиши керак.

**Матбуот эркинлиги ва бошқа чора-тадбирлар тўғрисидаги Декретдан
(Вена, 1848 йил 15 март)**

Биз Худо марҳаматига кўра Австрия императори Фердинанд Биринчи ва бошқа... буйруқларини зарур деб тан олган ҳолда, бизга ишонган халқларнинг истакларини таъминлаш учун фармон қилдик.

Цензурани тугатиш, матбуот эркинлигини кафолатлаш тўғрисидаги бизнинг хабарларимиз мана шундай кафолатларга эга барча давлатлардаги каби амалга оширилади.

Амалиётга жорий этилган ҳудудий конституцияни сақлаган ҳолда, бизнинг ватанимиз учун қабул қилинажак конституцияни таҳлил қилиш учун, барча ҳудудий табақалардан депутатлар ва марказий конгрегация Ломбард-Венециан қироллигининг кучайтирилган фуқаролик табақаларидан ... таклиф учун барча чора-тадбирлар қабул қилинди.

**Венгриянинг мустақилликка эришишига боғлиқ. Л. Кошута нутқидан
(1849 йил, 17 апрель)**

Шу ойнинг 14-кунидан бошлаб Венгрия вакиллари бир овоздан ва тантанали турда эълон қилади: Австрия подшоҳлиги уйи ... Венгрия тахти ва муқаддас Стефан тожининг барча қонуний умидларидан маҳрум бўлади ва Ватандан узоқлаштирилган ҳолда, чет элларга доимий вақтга ҳайдалади... Биз ватанимизнинг бахтли келажакига, тантана қилишига, нуфузи ва миллий буюклигига тааллуқли ушбу қарорлар ...бунгача ҳар бир шахс зарар кўрган ушбу йўқотишлардан устун турибди деб ўйлаймиз.

54—56-§. СОЦИАЛИСТИК ИНҚИЛОБЛАР ИЖТИМОЙ ТЕНГЛИК ҒОЯЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ РАДИКАЛ УСУЛИ СИФАТИДА

А. 1917 йил Россиядаги октябрь инқилоби

Мамлакатнинг иқтисодий аҳволи кундан-кунга ёмонлаша бошлади. 1917 йилнинг март ойидан ноябрь ойигача 800 дан ортиқ ишлаб чиқариш масканлари ёпилиб, 170 мингдан кўп ишчилар ишсиз қолди. 1917 йилда ишчиларнинг иш ҳақи 1913 йил билан таққосланганда икки ҳиссага камайди. Халқ истеъмол маҳсулотларининг нархи май ва август ойлари оралиғида икки ҳисса қимматлашди. Шаҳарларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш тўхтаб қолди. Очарчилик ҳар бир ишчилар уйига кириб борди. Аҳоли пунктларида нафратланган хўжаликларнинг ҳаракатлари бошланди.

Ўзларининг хўжайинлари ва маҳаллий ҳокимиятга қарши қаратилган деҳқонлар ҳаракати, кўзғолонларга уланиб, Муваққат ҳукуматга қарши кучга айланди. Хўжалик аҳли ўз талабларини 1917 йилнинг май ойида бўлиб ўтган Бутунроссия I деҳқонлар Кенгаши съезди делегатларининг олдига кўндаланг қўйишди. Бундай талаблар орасида ер эгаларининг ерларини мусодара қилиш, ерга хусусий мулк муносабатини олиб ташлаш, ерларни киши бошига ёки иш қобилиятига кўра тенг тақсимлаш каби талаблар бўлди. Кескин ҳаракатлар аскарлар ва матрослар ўртасида ҳам бошланди. Аскарлар томонидан ўтказилган митингларда Муваққат ҳукуматга ишончсизлик билдириш қарорлари қабул қилинди, барча бошқарув тизимларини Кенгашлар қўлига топшириш тўғрисидаги талаблар қўйилди. Кузда аскарлар ва матросларнинг катта қисми большевиклар томонга ўтди.

Россия таркибидаги босимга учраган халқлар миллий тенглик учун курашга отландилар.

Кузда барча миллий ҳудудларда ишчилар ва деҳқонлар, маҳаллий буржуазия ва рус ҳукмдорларига, ер эгаларига қарши курашлар янада кучайди. Синфлар ўртасидаги курашлар қуролли кўзғолонларга уланди.

Ушбу дарсда:

- 1917 йил Россиядаги октябрь инқилоби;
- 1946—1949 йилларда бўлиб ўтган фуқаролар уруши ва Хитойда рўй берган инқилобий ўзгаришлар;
- 1959 йилда рўй берган Куба инқилоби;
- Ижтимоий инқилоблар натижасида ижтимоий тузумнинг ўзгаришлари тўғрисида биламиз.

Калит сўзлар:

Кенгашлар, большевиклар, кўзғолон, социализм, декрет, фуқаролар уруши, коммунистлар, Гоминьдан, инқилобий демократия, санкция аграр ислоҳат, партизан уруши, ижтимоий жамиятнинг ижтимоий тизими.



В.И.Ленин Қизил майдонда

Эътиборберинг!

Давлатда умумсиёсий инқироз бошланди. Ишчилар, аҳоли пунктларидаги камбағаллар, аскарлар ва матросларнинг катта қисми большевиклар партияси атрофига тўпланди, ҳамда социалистик тенглик ғоялари учун капитализмни ағдаришга тайёр эдилар.

1917 йил 1 октябрда большевиклар партияси дохийси В.И.Ленин партиянинг марказий Қўмитасида ёзган хатида Петроград ва Москва большевиклари-

ни тезкорлик билан қўзғолонлар ташкиллаштиришга даъват этди. Қўзғолон юксак суръатда бошланди. 24 ноябрдан 25 ноябрга ўтар кечаси ишчилар отряди, аскарлар ва матрослар Нева кўприги орқали вокзал, телеграф, почта, электростанция, Давлат банки ва кўп ҳукумат ташкилотлари каби жуда муҳим ерларни босиб олди.

25 ноябрь куни ҳукумат Петроград Кенгашидаги Ҳарбий инқилоб қўмитаси қўлига ўтиб, Лениннинг «Россия фуқароларига» деб ёзилган мурожаатини эълон қилди. Унда Муваққат Ҳукуматнинг ҳокимиятдан четлаштирилиб, ҳокимият Петроград Кенгашидаги Ҳарбий инқилоб қўмитаси қўлига ўтгани тўғрисида хабар берилди.

25 ноябрь кундуз куни Петроград ишчи ва аскарлар депутатлари кенгаши бўлиб ўтди, унда Ленин нутқ сўзлади. У «Россия тарихида янги давр бошланди ва бу учинчи инқилоб бўлиб, алал-оқибат социализм ғалаба қозониши шарт», — деб алоҳида таъкидлади.

26 ноябрда Муваққат Ҳукумат жойлашган Қишки Сарой қамал ичида қолди ва ҳукумат аъзолари ҳибсга олиниши натижасида қуролли қўзғолон ғалаба қозонди. Ҳукумат ҳарбий кенгаш қўлидан Бутунроссия II Кенгашлар съезидига ўтди.

Съездда «Ишчилар, аскарлар ва деҳқонларга» деган Мурожаат қабул қилинди. Унда Россияни ишчилар, аскарлар ва деҳқонлар депутатларининг Кенгашлар Республикаси деб эълон қилиб, Кенгаш ҳокимиятининг вазифалари тўғрисида дастур қабул қилинди. «Тинчлик тўғрисида»ги, «Ер тўғрисида»ги декретлар қабул қилиниб, биринчи Кенгаш ҳукумати — Халқ Комиссарлари Кенгаши ташкил этилди.

1917 йил 2 ноябрда «Россия халқларининг ҳуқуқлари Декларацияси» эълон қилиниб, миллатлар ўртасидаги тенгсизлик сиёсатига барҳам берилиб, «Россия халқларининг эркин ва ошкора иттифоқи» тузилди. Декларацияда Кенгаш ҳокимиятининг миллий сиёсати бўйича тамайиллари кўрсатилди — унда Россия халқларининг тенглиги ва эркинликлари, уларнинг мустақил ҳолда қарорлар қабул қилиши ҳамда

алоҳида давлат сифатида ташкил этилиши сақланади деб ифодаланган. Бунгача мавжуд бўлган миллий ва миллий-диний имтиёзлар ҳамда таъқиқлар олиб ташланди.

Кенгаш ҳокимиятининг биринчи қарорини Россия меҳнаткашлари қизғин тарзда қўллаб-қувватлашди.

Билмингизнитекширинг

1. 1917 йилнинг кузида Россияда умуммиллий инқилобий инқирозлар авж олганликларини нималарда кўриш мумкин?
2. Россиядаги халқлар кенгашининг II съезди қарорлари қандай аҳамиятларга эга бўлди?

Топшириқ

1. Қўшимча манбалардан фойдаланган ҳолда, «Кенгаш ҳокимиятининг Декрети ва Декларацияси» деб номланган жадвални тўлдиринг (1917 й. октябрь — 1918 й. июнь).

Вақти	Номи	Мазмуни

2. Ҳужжатлар билан танишиб, Кенгаш ҳукуматининг диний, миллий ва ташқи сиёсатларини тавсифланг.

Кенгаш ҳукуматининг мурожаатидан «Россия ва Шарқдаги барча мусулмон меҳнаткашларига» (29 ноябрь, 1917 йил)

Россия мусулмонлари, Поволжье ва Қрим татарлари, Сибир ва Туркистон қирғизлари ҳамда сартлари, Кавказ ҳудудида яшовчи турклар ва татарлар, Кавказ чеченлари ва тоғликлар бунгача подшо ва Россияни эзувчилар сизларнинг масжидларингиз ва ибодатхоналарингизни хонавайрон қилиб, ишонч ва анъаналарингизни яқсон қилиб келди. Эндиликда сизларнинг ишонч ва анъаналарингиз, сизларнинг миллий ва маданий масканларингиз эркин бўлади, энди ҳеч ким раҳна солмайди. Ўзларингизнинг миллий ҳаётларингиз ҳар қандай тўсқинликлардан ҳоли бўлади.

Сиз бундай ҳуқуқларга эгасизлар. Билиб қўйинг, сизларнинг ҳуқуқларингиз, Россиянинг барча халқлари каби инқилоб кучлари, унинг органлари, Ишчилар Кенгаши ва Деҳқонлар Депутатлари орқали муҳофаза қилинади.

Шарқ мусулмонлари, форслар ва турклар, араблар ва ҳиндлар, сизларнинг мулкларингизни, эркинликларингиз ва ватанингизни Европадаги очофат ёввойилар юзлаб йиллардан бери талон-тарож қилиб келмоқда, мана шундай босқинчиларга қарши ҳаддан зиёд кўп урушларни қўллаб-қувватловчи давлатлар...

Биз лавозимини бўшатган Керенский исботлаганидек, тахтдан туширилган подшоҳнинг Константинополни босиб олиш тўғрисидаги махфий шартномалари йиртилиб, бекор қилинганлигини эълон қиламиз.

Россия Республикаси ва унинг ҳукумати, Халқ Комиссарлар Кенгаши бошқаларнинг ерларини босиб олишга қарши эканлигини билдирамиз...

Биз Форсни бўлиш тўғрисидаги шартнома йиртилиб, бекор қилинганлигини ошкоралаймиз. Уруш ҳаракатлари тўхтаган заҳотиёқ Форслар ҳудудидан қўшинлар чиқарилади, форс халқи ўз тақдирларини ўзлари эркин турда аниқлаш ҳуқуқларига эга бўладилар.

Биз Туркияни бўлиш ва унинг таркибидан Арманистонни олиш тўғрисидаги шартнома йиртилиб, бекор қилинганлигини ошкоралаймиз. Уруш ҳаракатлари

тўхтаган заҳоти арманлар ўз тақдирларини ўзлари эркин турда аниқлаш ҳуқуқларига эга бўладилар...

Россия ҳукумати ва унинг инқилобий ҳукумати томонидан босқинчилик ҳаракатлари олиб борилмайди, бундай ҳаракатлар сизларнинг ватанингизни талон-тарож қилган ва ўзларининг «мустамлакаси»га айлантирган Европадаги империализм ёввойилари томонидан содир этилади.

Б. Хитойдаги 1946—1949 йиллардаги Фуқаролар уруши ҳамда инқилобий ўзгаришлар



Мао Цзэдун
(1893—1976)

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Хитойнинг сиёсий жиҳатдан бирлашишга доир муаммолари яна кун тартибидан ўрин эгаллади. Давлатдаги иккита сиёсий кучлар — Хитой Коммунистик партияси Марказий Қўмитаси раиси Мао Цзэдун ва Гомиьдан «Миллий партияси» Чан Кайши етакчилигидаги партиялар ўртасида давлатни алоҳида бошқаришга оид тортишувлар кечди. 1946 йилда Гомиьдан қўшини Хитой коммунистик партияси томонидан бошқариладиган туманларга ўзларининг қўшинларини киритдилар. Фуқаролар уруши алангаланди. 1947 йилнинг ўрталаригача чўзилган урушнинг дастлабки пайтларида АҚШ мададига таянган, ҳарбий жиҳатдан яхши тайёр-

гарликларга ўтган Чан Кайши ғалаба қозонди. У рақибларини бутунлай сиқиб чиқариб, шимолий Янцзи туманларигача назорат ўрнатган Гомиьданликлар 1946 йилнинг куз фаслида ички Мўғулистоннинг маъмурий марказини босиб олди. Уларнинг энг асосий ютуғи 1947 йил баҳорда Яньань шаҳрида жойлашган коммунистлар қароргоҳини қўлга олишдан иборат эди. СССР мададига таянган коммунистлар қуроли кучларини қайта такомиллаштириб, 1947 йилда Гомиьданликлардан Маньчжуриянинг бир қисмини ва Марказий текисликларни тўлалигича қайтариб олди.

Уруш давомида коммунистлар томонидан қўлланилган партизанлар уруши яхши натижа берди. Улар Гомиьданликлар назоратида бўлган ҳудудларда кенг кўламга эга чора-тадбирлар ўтказган ҳолда, рақиб томоннинг аскарлари ва техникаларини йўқ қилди.

АҚШ Чан Кайши режимини мунтазам равишда қўллаб-қувватлаб турди: улар такомиллашган қурол-яроғлар етказиб турди, 1947 йилда Хитойда АҚШнинг 100 минг ҳарбий хизматчилари бўлди.

Ҳал қилувчи жанглар 1948 йилнинг охири ва 1949 йилнинг бошларида бўлиб ўтди. Уруш натижасига кўра коммунистлар шимолий-шарқий Хитойга назорат ўрнатди. Чорасиз қолган Чан Кайши 1949 йилнинг январь ойида рақибларини енгил мақсадида АҚШ, Буюк Британия, СССР раҳбарларидан ёрдам сўрайди. Бироқ СССР раҳбарлари бу қўзғолонларнинг барчаси Хитойнинг «ички ишлари» деб ёрдам

беришдан воз кечди. 1949 йил 21 январда Чан Кайши Хитой Республикаси президентлигидан кетганлигини эълон қилди. Бу вақтда кучга кирган коммунистлар муҳим стратегик ҳудуд Пекин-Тяньцзинни босиб олди ва Шимолий Хитой устидан тўлалигича назорат ўрнатди. Пекиннинг жанубида рўй берган жангларда ҳам улар ғалаба қозониб, Шанхай, Нанкин ва Уханни қайтариб олдилар. 1949 йилнинг кузида коммунистлар Тайвань ва Тибетдан бошқа барча ерларни босиб олиб, тўла ҳукмронлик қилди. Фуқаролар уруши коммунистларнинг ғалабаси билан якун топди.

Ёдда тутинг

1949 йилнинг 1 октябрида коммунистлар Хитой Халқ Республикаси (ХХР)ни ташкил этиб, социалистик йўлни танлади.

Янги ҳокимият тизими ўзини «халқ демократик диктатураси» сифатида номоён қилиб, давлатдаги барча синфларни деҳқонлардан бошлаб миллий буржуазиягача ўз ичига олган катта, ишчилар синфининг етакчи ўрни Хитой коммунистик партияси орқали амалга оширилди.

1949—1954 йилларда Хитой Халқ Республикасидаги энг олий ҳокимият Мао Цзэдун раҳбарлик қиладиган, коммунистлардан ташкил топган, коалицион марказ аҳоли ҳукумати қўлида бўлди. Давлат иқтисодий жиҳатдан оғир аҳволда эди. Давлатда ишлаб чиқариш соҳаларини модернизация қилган ҳолда, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш заруратлари пайдо бўлди.

1950 йилда аграр ислоҳот тўғрисидаги қонун кучга киритилди, ушбу қонунга кўра катта ерларга эгалик қилувчи ер эгалари олдинги ҳуқуқларидан маҳрум этилдилар. Ер деҳқонлар ихтиёрига берилди. 1953 йилда катта ерларга эгалик қилувчи ер эгаларининг фаолияти тўлалигича тугатилди. Шаҳарларда катта миллий буржуазия мулклари мусодара қилиниб, чет эл молиялари давлат мулкига айланди, иқтисодиётда давлат сектори қарор топди, фақат айрим соҳалардагина хусусий секторлар сақлаб қолинди. «Ўтиш даври»дан кейин 1952 йилда коммунистик партия томонидан иқтисодиётда янги йўл намунаси таклиф қилинди, шу тариқа, давлат социалистик йўл танлаш бўйича қарор қабул қилди.

Эътибор беринг!

Хитойда социализмни қарор топтириш саноатлашганишлаб чиқариш тизими ва қишлоқ хўжалиги кооперативларини қўшиш орқали бошланди. Бу кенгашларга хос модель эди.

1953 йилда ҳукумат халқдан ғалла, техник экинлар ва газлама сотиб олиш юзасидан давлат монополиясини жорий қилди. Аҳоли пунктларида кооперативлар ташкил этилди, ер деҳқонлар қўлига ўтди. Бундан кейин навбатдаги давр бошланди. Унда ер ва ишлаб чиқариш воситалари умумий мулк шаклига ўтган кооперативлар ташкил этилди.

Шаҳарларда миллий буржуазия савдо соҳасидан четлаштирилди, хусусий корхоналарнинг катта қисми эса давлат буюртмаларини ба-жаришга мажбур бўлди. Кейинчалик хусусий корхоналарнинг барчаси аралаш идораларга айланиб, тамоман давлат назоратига ўтказилди.

1956 йилнинг баҳорида деҳқонларни кооперативларга ўтказиш ва хусусий ишлаб чиқариш ва савдо-сотиқ ишларидаги ўзгаришлар ниҳоясига етказилди. 1954 йилда Хитой Халқ Республикасида Конституцияси қабул қилиниб, давлат социалистик йўналишни танлади.

Билмингизнитекширинг

1. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Хитойда бир-бирига қарама-қарши қандай сиёсий кучлар шаклланди?
2. Хитойдаги фуқаролар урушининг жараёни ва унинг яқунлари ҳақида гапириб беринг.
3. 50-йилларнинг биринчи ярмида Хитой иқтисодиётининг қайта ўзгариши хусусиятлари тўғрисида гапириб беринг.

Топшириқ. Қуйида берилган матн билан танишиб, Хитой Коммунистик Партияси Марказий Қўмитасининг Хитойда социализмни қарор топтириш тўғрисидаги дастурини тавсифланг.

1956 йилда ХКП МҚ социализмга ўтиш тўғрисида партия Бош тизимини яратади: «Узоқ вақт, босқичма-босқич социалистик саноатни шакллантириш ва қишлоқ хўжалиги ҳамда майда ишлаб чиқаришга, шунингдек, капиталистик ишлаб чиқариш ва савдо ишларига аста-секин социалистик ўзгаришлар киритиш».

ХКП 1953—1957 йилларда дастлабки беш йиллик режасининг топшириғи бўлиб, «мамлакатнинг социалистик саноатлашиши учун дастлабки асосларини шакллантириш, қишлоқ хўжалиги ва майда ишлаб чиқаришларга ўзгартиришлар киритиш учун дастлабки асосларни шакллантириш, хусусий ишлаб чиқариш ва савдо ишларига ўзгартиришлар киритиш учун дастлабки асосларни шакллантириш».

В. Куба инқилоби

Кубани 1952 йилдан диктатор Фульхенсио Батиста бошқарди, у ҳокимият тепасига ҳарбий тўнтаришлар орқали келган бўлиб, ички қатағонлик сиёсатини олиб борди. Давлатда АҚШ таъсирига ва Ф. Батистанинг диктаторлик тартибига қарши ишчилар, деҳқонлар, шаҳар майда буржуазияси, ходимлар, зиёлилар, талабалар ва миллий буржуазиянинг бир қатор вакилларида иборат мухолифона ҳаракатлар бошланди. 50-йилларда инқилобий курашни майда буржуазия ва ишчилар гуруҳига мансуб бўлмаган демократик инқилоб гуруҳининг вакиллари бошлади. Ф.Батистага қарши курашларда Фидель Кастро Рус алоҳида фаол ҳаракат қилди. 1953 йилда у Ф. Батистага қарши қўзғолон уюштиришга ҳаракат қилганлиги учун қамоққа олинди, бироқ амнистияга илиниб, чет элга эмигрант сифатида кетди. Дастлаб, АҚШга, сўнгра Мексикага боради. 1956 йилда Ф. Кастро ноқонуний равишда Кубага келиб, ўз қўшинлари билан тоғли туманларга яшириниб, Ф. Батистага

қарши партизанлар урушини бошлайди. Аста-секин партизанларга деҳқонлар ҳам қўшилади, талабалар, Куба Коммунистик Партияси ҳам партизанларни қўллаб қувватлайди. 1958 йилнинг ўрталарида партизанлар уруши инқилобий курашларга уланади.

1958 йилнинг охирларида Ф. Кастро қўшинлари Куба пойтахти Гаванага ҳужум уюштиради. Ф. Батиста мамлакатдан қочиб, Доминикан Республикасига боради. У мамлакатдан кетгач ўзи ташкил этган диктатура ҳам ағдарилади. 1959 йилнинг январиде пойтахтни ўз қўлига олган Ф. Кастро янги тартиб асосчисига айланади. Ҳокимиятга келган биринчи йилларда у коммунист эмас эди, Ф. Ка-



Фидель Кастро Рус
(1926—2016)

стро ўз олдига Латин Америкасидаги барча диктатура тартибларини қуролли инқилоб йўли билан ағдариб, минтақада озодлик ўрнатишни мақсад қилиб қўяди. Бироқ унинг атрофида аргентиналик марксист Эрнесто Че Гевара каби ҳақиқий сўлчилар ҳам бор эди. Ф. Кастро ҳукумати фақат ижро этиш билан чекланиб қолмай, муаммоларни қонуний йўллар билан ҳал қилиш ишлари билан машғул бўлдилар. Ойлик маошларни оширди, коммунал хизматлар нархини пасайтирди ва аграр муаммоларни ҳал қилишда жонбозлик кўрсатди. 1959 йилда тадбиқ этилган аграр ислохотлар боис йирик ер эгалигига барҳам берилди, эгалик қилинадиган ер майдони 400 гектардан ошмаслигига доир чекловлар жорий этди. Белгиланган миқдордан ортиқ ерга эга бўлган шахсларнинг ерлари давлат фойдасига мусодара қилиниб, ерлари йўқ, ерлари кам бўлган деҳқонларга, қишлоқ хўжалиги билан шуғулланадиган ишчи-ходимларга бўлиб берилди. Ерларга фақат Куба фуқароларигина эга бўла олди, чет элликлар қўлида бўлган барча монополиялар мусодара қилинди. Катта чорва хўжаликлари ва қанд этиштирадиган плантациялар давлат ихтиёрига ўтказилди, бунинг натижасида давлат хўжаликлари ва кооперативлар ташкил этилди.

1960 йилнинг кузида Куба ҳукумати маҳаллий йирик ва ўрта ишлаб чиқариш корхоналарини, савдо, банклар ва транспортларни давлат мулкига айлантирди.

Бошқарув жиловини қўлга олган Ф. Кастро сиқиб чиқарилган тартиб тарафкашларига ҳамда мухолифатга қарши қатағонликларни бошлайди. АҚШда Кубадан қочиб борган қочқинлар сони кўпаяди. Куба сиёсатига таъсир кўрсатиш учун қўшма штатлар санкция жорий этиш чора-тадбирларини қўллашга мажбур бўлади.

Қурол-яроғлар ташиш ишлари, савдо-сотик ишларига ҳамда Куба қандини сотиб олишга эмбарго қўйилади. Қанд ушбу давлатнинг энг асосий экспорти бўлганлиги боис бу каби таъқиқлар Куба иқтисодиёти

учун жуда оғир зарба бўлди. Америка компаниялари Кубага нефть ташишни камайтира бошлади.

Бунга жавоб сифатида 1960 йилда Куба ҳукумати СССРдан қурол-яроғлар сотиб олиб, улар билан Кубага энергия етказиб бериш бўйича шартнома тузади. Шу билан бирга, давлатдаги Америка компанияларига тегишли бўлган нефтни қайта ишлаш заводлари ва бошқа саноат масканлари давлат мулкига айлантирилди. Куба ва АҚШ ўртасида кескинликлар авж олиб кетди. Америка Қўшма Штатлари Кубага иқтисодий блокада қўйди, дипломатик алоқаларини узди, Кубани «Америкадаги давлатлар ташкилоти» сафидан чиқаришга эришди, Лотин Америка давлатларининг «Мексикадан бошқа» дипломатик муносабатларига барҳам берилди. 1960 йилда АҚШ Президенти Д. Эйзенхауер Куба эмигрантларини махсус тайёргарликлардан ўтказиб, эмигрантлар иштирокида Кубада ҳарбий ҳаракатлар бошлаш бўйича махфий фармон эълон қилди. Марказий разведка бошқармаси Кубага бостириб кирадиган режалар тайёрлашга киришди. 1961 йил апрелда Америка кемасига минган қўшинлар Куба ҳудудига етиб боради. Бироқ Куба қуролли кучлари бу десантларни тезкорлик билан тор-мор қилди. Ушбу операциялардан кейин Куба раҳбарияти социалистик тараққиёт моделини танлашга доир қарор қабул қилди.

Эътиборберинг!

1961 йил апрелда Ф. Кастро Куба инқилобининг социалистик йўналишда бўлганини ва мамлакатдасоциализм қарор топганлигини эълон қилади.

Майда ишлаб чиқариш корхоналари, савдо соҳаси ва хизмат кўрсатиш масканлари давлат ихтиёрига ўтказилди. 1963 йилда олиб борилган аграр ислохотларга мос ҳолда 67 га.дан ортиқ ерга эга хўжаликларнинг ерлари давлат ихтиёрига ўтказилиб, улар чорва маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган хўжаликларга берилди.

Куба иккита иқтисодий йўналиш — давлат ва майда маҳсулотли иқтисодий йўналишларга бўлинди.

Социализмга йўл олган давлатдаги йирик сиёсий ташкилотлар марксизм-ленинизм ғояларига асосланган мафкуравий тамойилларга риоя қилди. 1961 йилда бу ташкилот Инқилобий Бирлашган Ташкилот атрофида тўпланиб, 1963 йилда Ягона социалистик инқилоб партиясига айланди, 1965 йилда эса у ўз номини Куба Коммунистик партияси деб ўзгартирди. Партияга Ф. Кастро раҳбарлик қилди.

Билмингизнитекширинг

1. Кубада 50-йилларда мухолифат ҳаракатлари пайдо бўлиши сабабларини айтиб беринг ва уларда иштирок этувчилар таркибини кўрсатинг.
2. Кубада рўй берган инқилоблар қандай ижтимоий гуруҳлар томонидан бошқарилди?
3. Инқилоб ғалабага эришгандан кейин Кубада қандай ўзгаришлар юз берди? Уларнинг хусусиятларини аниқланг.

Топширик

Хужжат билан танишиб чиқинг. 50-йилларда Куба инқилобчилари таклиф қилган дастурлардаги ўзгаришлар ҳақида гапириб беринг ва таҳлил қилинг. Дастурнинг ўзига хос хусусиятларини аниқланг.

1953 йил 16 октябрда Сантьяго-де-Куба шаҳридаги Монкада казармасига ҳужум қилган иштирокчилар ишлари бўйича бўлаётган суд жараёнидаги Ф. Кастро нутқидан

Монкада қамали эгаллангандан кейин эълон қилинган бешта инқилоб қонуни...

Биринчи инқилоб қонуни халққа ўзларининг эркинликлари қайтарилди ва 1940 йилда давлатнинг олий қонуни Конституция қабул қилинди... Конституцияни жорий этиш учун бу топшириқларни бажарадиган халқ сайлаган органлар бўлмаганлиги туфайли халқнинг вақтинча эркинлиги тимсолига айланган ...инқилобий ҳаракатлар эркинликларга даҳлдор мана шундай барча ваколатларни ўз зиммаларига олади...

Иккинчи инқилоб қонуни ерларни яхлит ҳолатда, бошқаларга бериш ҳуқуқидан ҳоли ҳолда, барча ижарадорларга, субижарадорларга ва беш ёки ундан кам кабельерий ерларга эга ҳиссадорлар ихтиёрига берилди. Бу ерларнинг қийматини давлат собиқ ер эгаларидан рента ҳисобида олди, унга кўра улар бу ерлардан ўн йил давомида фойдалана оладилар.

Учинчи инқилоб қонуни ишчилар ва ходимларга барча йирик саноат, савдо ва кон масканларидан, жумладан, қанд заводидан тушган даромадлардан 30% даромад таклиф этади...

Тўртинчи инқилоб қонуни барча колоналарга шакарқамиш етиштиришдан тушадиган даромадларнинг 55% ва минтақаларда уч ва ундан кўп йил яшаётган барча майда колоналарга энг кам 40 минг арроб миқдорида кредитлар таклиф қилади.

Бешинчи инқилоб қонуни собиқ ҳукумат даврида фойда топиб, давлат хазиналарини талон-тарож қилган шахсларнинг барча мол-мулклари мусодара қилиниб, уларнинг оила аъзолари ва ворислари томонидан ноқонуний топилган... бойликлари мусодара қилиниб... Судларга акционерлик компаниялар ишларига аралаштириш ҳуқуқлари берилиши керак, агар уларда талон-тарож қилинган пуллар бўлса... Мусодара қилинган бойликларнинг тенг ярми ишчилар гуруҳининг пенсия жамғармаларига ўтказилиши шарт, қолган қисмидан эса, касалхоналар, қариялар уйлари қуриш учун фойдаланиш керак.

Бу қонунлар зудлик билан амалга оширилиши керак. Улардан кейин...бошқа қонунлар ва чора-тадбирлар навбат кутиб турибди, улар аграр ислохотлар ва умумтаълим ислохотлари ҳамда электр трестларини давлат мулкига айлантириш, трестларда ортиқча тарифлардан йиғилган, бунгача молия вазирлигидан яширилган барча ортиқча бойликларни хазиналарга ўтказиш, халққа қайтариш...

Ер, индустриализация, турар-жой, ишсизлик, таълим ва соғлиқни сақлаш — мана шу аниқ олтита йўналишга, бизнинг ижтимоий эркинлик ва сиёсий демократияни қарор топтиришга қаратилган куч-ғайратимиз сарф қилинади.

Социалистик инқилоб натижасида жамиятда ижтимоий тузилмаларнинг ўзгариши

Социалистик инқилоб жамиятда ижтимоий тузилмаларни таг-туғи билан ўзгартириб юборди.

Социологларнинг катта қисми социалистик жамиятнинг ижтимоий тузилмасини учта гуруҳга бўлган: ишчилар синфи, деҳқонлар синфи ва зиёлилар. Тадқиқотчилар бунга яна хизматчилар гуруҳини ҳам қўшадилар.

Сўнги пайтларда социологлар орасида социалистик жамиятнинг ижтимоий тузилмасини ўрганишда қуйидагича асосларга таянган, янги таснифлаш қарашлари пайдо бўла бошлади, улар: одамларнинг ишлаб чиқариш воситаларига нисбатан қарашлари, ижтимоий ишлаб чиқаришда уларнинг ўрни ва ижтимоий меҳнат ташкилотларидаги ўрни. Олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра тадқиқотчилар социалистик жамиятнинг ижтимоий тузилмаларида ишлайдиган меҳнаткашларнинг қуйидагича саккизта синфини аниқлайдилар.

1) Давлат ишлаб чиқариш жабҳалари ва идораларда бошқарув аппарати;

2) кооператив ишлаб чиқариш жабҳаларида бошқарув аппаратлари (бу синфга жамоат ташкилотларининг бошқа аппаратлари ҳам киритилади);

3) давлат идоралари ва ишлаб чиқариш соҳаларида фаолият юритадиган ходимлар;

4) кооператив ишлаб чиқариш ходимлари;

5) давлат идоралари ва ишлаб чиқариш соҳаларида фаолият юритадиган зиёлилар;

6) кооперативлар ишлаб чиқариш соҳаларида фаолият юритадиган зиёлилар;

7) кооператив ишлаб чиқариш соҳаларида фаолият юритадиган ишчилар;

8) давлат корхоналари ва идораларида фаолият юритадиган ишчилар.

Олимларнинг тадқиқотлари бўйича социалистик жамиятнинг саккизта ижтимоий гуруҳларидан биттаси олий гуруҳ ҳисобланади. Бу — бюрократия. Битта гуруҳ қуйи гуруҳ ҳисобланади. Бу давлат саноати ва идорадаги ишчилар. Қолган олти ижтимоий гуруҳлар ўртача гуруҳлар сирасига киради, чунки улар ўртача, ўртадаги вазиятларни ўз ичига олиб, жойлашган.

Халқ демократияси ҳисобланадиган давлатдаги жамиятда яна бир тўққизинчи синф — майда маҳсулот ишлаб чиқарувчилар синфи аниқланган.

57—58-§. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ИНҚИЛОБЛАРИ

А. 1989—1990 йиллар Шарқий Европадаги «Бахмал инқилоби»

Ушбу дарсда:

- 80-йиллар охири — 90-йиллар бошида Польша, Венгрия, ГДР, Чехословакия, Болгария, Руминия, Югославияда рўй берган инқилоблар билан танишамиз.

Шарқий Европа давлатлари раҳбарлари сўзда иқтисодий ва сиёсий ислохотларни тан олсалар-да, амалда аввалги сиёсатни ўзгартиришга интилмадилар.

Ҳукумат тепасидаги сиёсатчилар дадил қадам ташлай олмаганликлари туфайли уларнинг сиёсий рақиблари кучайиб, шаклланган тизимга барҳам бера оладиган «социализмни янгилаш» ҳаракатини ташкил этдилар.

Эътиборберинг!

80-йилларнинг иккинчи ярмида Марказий ва Жанубий-Шарқий Европа давлатларичуқур ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий инқирозларни бошидан ўтказди.

Қийин инқирозни бошдан кечирган Польша бирлашган ишчилар партияси (ПБИП) ҳукуматдаги монополиядан воз кечиб, иқтисодий ва сиёсий ислохотлар олиб бориш йўли орқали вазиятни тартибга солишга ҳаракат қилди. ПБИП раҳбарияти билан Войцех Ярузельский сиёсий аҳвол барқарорлашгандан кейин мухолифат билан ўртадаги диалогларни яхшилаш учун янги йўллар қидира бошладилар. Католик черкови билан алоқалар яхшиланди. 1985 йилда В. Ярузельский президент бўлиб сайланди.

1986 йилнинг кузида давлатда сиёсий амнистия эълон қилинди. Бу ҳолат «ҳамкорлик» касаба уюшмаларига ўз фаолиятини қайта тиклаш имконини берди. Мухолифат ўз номзодларини парламент сайловида таклиф қилиш ҳуқуқига эга бўлди. 1989 йил июнь ойида кўп партияли асос бўйича сейм (парламент)да танлов ўтказилди. «Ҳамкорлик» нокоммунистик партиялар билан иттифоқлашди ва 40 йилда биринчи марта компартия ўз овозига эга бўлди. Католик зиёлилар вакили Тадеуш Мазовецкий раҳбарлигидаги нокоммунистик ҳукумат ташкил этилди.

Калит сўзлар:

инқизор, бошқарувчи, партия, мухолифат, кўппартиявийлик, парламентар демократия, “ҳолсизлантириш терапияси”, сепаратизм, фуқаролар уруши

Эътиборберинг!

Ҳукуматга Мазовецкий келгандан кейин ва ПБИП монополия тамойилларининг бекор қилиниши янги сиёсий-иқтисодий тузилманинг шаклланиш жараёнини жадаллаштирди.

Давлат номи ўзгарди — жаҳон сиёсий харитасида Польша Халқ Республикаси ўрнини Польша Республикаси эгаллади.

Мазовецкий ҳукумати тубдан қайта қурши дастурини амалга ошириб, молия вазири Л.Бальцерович ташаббуси билан иқтисодиётни қайта дастурлашга киришди. Бу қайта дастурлаш — “ҳолсизлантириш терапияси” деган номга эга бўлди.

Ёдда тутиш

Бальцерович режали марказлаштирилган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига тез ўтиш йўлларини ўрганди. Нархларни назорат қилиш тамоман баратарафэтилди, бир муддатойлик маошлар кечиктирилди.

Бозор барқарорлашиб, инфляция тугатилди. Бироқ олиб борилган иқтисодий сиёсат нархларнинг тасодифан ўзгаришига, истеъмол ҳажмининг камайишига, аҳолининг турмуш тарзи даражасининг пасайишига ва ишсизлар сонининг ўсишига олиб келди. Мазовецкий

хукуматининг нуфузи тушиб кетиши натижасида 1990 йилда истеъфога чиқишига мажбур бўлди.

1990 йил январь ойида ПБИП Социал-демократик партияси сифатида қайта ташкил этилганлигини эълон қилди. 1990 йилнинг охирларида давлатда президент сайловлари бўлиб ўтди. «Хамкорлик» раҳбари Л. Валенса президент бўлди. Янги ҳукумат ислохотларни олиб боришни жадаллаштиришга тегишли ўз қарорларини илгари сурди.

80-йилларнинг охирларигача Венгрияда давлат раҳбарлари тубдан қайта янгиланиш бўйича дадил қадам ташлай олмади. 1988 йилда Венгрия социалистик ишчилар партияси (ВСИП) конференциясида давлат раҳбарлари ўзгарди. Я. Кадар ВСИП МҚ (Марказий Қўмита) бош котиби вазифасини ўзидан ёш раҳбар Карой Гросга топширди. Конференция иқтисодиётни барқарорлаштириш ва ташқи қарзни қисқартириш дастурини қабул қилди. Хорижий фирмалар билан бирлашган ҳолда, ишлаб чиқариш масканларини яратишга чоғланди. Иқтисодий ислохотларга сиёсий тузатишлар киритиш зарурлигини тан олди. 1989 йил февраль ойидан бошлаб давлатда кўп партияликка рухсат берилди. Венгриянинг парламент бошқарувидаги демократияга ўтишига боғлиқ ҳолда уч томонлама музокаралар олиб борилди. Унга ВСИП, мухолиф партиялар ва жамоат ташкилотлари иштирок этди. давлатда президент вазифаси тасдиқланди.

1989 йил октябрь ойида ВСИП қурултой ўтказди. Бозор иқтисодиётига ўтишга доир ислохотлар тарафдорлари ғалаба қозонди. Қурултойда партияни Венгрия социалистик партияси (ВСП) деб ўзгартириш бўйича қарор қабул қилинди. Бу партия пролетариат ва демократик марказлаштирилган диктатурадан воз кечган ҳолда, ўзини «янги социалистик партия» сифатида таништирди. ВСП социалистик бозор иқтисодиёти ва хусусий мулкнинг ҳар хил шакллариغا тегишли ўз фикрларини очиқ-ойдин билдирди.

1990 йилда давлатда Давлат ташкилотлари ўртасида сайлов бўлиб ўтди. 1987 йилнинг охирларида тузилган, бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш тарафдори бўлган Венгрия демократик форуми ғалаба қозонди. Форум раҳбари Йозеф Анталл ҳукуматни бошқарди. Иккита етакчи парламент фракциялари — Венгрия демократик форуми ва мухолифат таркибига киритилган мустақил демократлар Иттифоқи — президент вазифасига мустақил демократлар Иттифоқи вакили Арпад Генцни таклиф қилиш тўғрисидаги қарорга келди. 1990 йил август ойида у президент бўлди.

1989 йилнинг кузида Венгрия Австрия билан ўртадаги чегараларни очди. Венгриядаги ГДР фуқаролари ГФРга кўчиш учун ушбу фурсатдан фойдаландилар. ГДРдан ярим миллионга яқин немис фуқаролари қочиб кетди.

ГДР шаҳарларида «Биз кетишни хоҳламаймиз!» шиорлари билан оммавий намойишлар бошланди. Оммавий намойишларда иштирок

этувчилар тез орада сиёсий ва иқтисодий ислохотлар талаб қилди. Бироқ Германия социалистик бирлашган партияси (ГСБП) котиби Эрих Хонеккер ва унинг атрофидаги кишилар мазкур муаммоларни ҳал қилишга шошилмадилар.

Э. Хонеккер атрофида мухолифатдаги партиялар шакллана бошлади. ГСБП МҚ пленумида у раҳбар лавозимидан туширилди ўрнига МҚ Бош котиби Эгон Кренцни сайладилар. Бир неча ойдан кейин мазкур лавозимни либерал Грегор Гизи эгаллади. Г. Гизи пайтида ГСБП демократик социализм партияси (ДСП) деб номлана бошлади. Конституцияда ифодаланган жамиятдаги партияларнинг етакчилик вазифалари тўғрисидаги модда ўз кучини йўқотди. Шу билан бирга, ДСП социалистик сайлов ўтказиш бўйича фикрини ўзгартирмади. ГДР Халқ палатасининг сайловолди арафасида нокоммунистик партиялар аҳоли ўртасида илгари ҳеч қачон рўй бермаган антисоциалистик тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориб, халқни ГФРга тезроқ қўшилиш ва бозор муносабатларини шакллантиришга даъват этди.

1990 йил март ойида бўлиб ўтган сайловда ГДР аҳолисининг катта қисми бозор иқтисодиётига ўтишни қўллаб-қувватлашини билдирди. Сайловдан кейин ташкил топган ҳукумат таркибига Христиан-демократик, Либерал-демократик ва Социал-демократик партиялар кирди. Раҳбарлик лавозимиغا ХДО Лотар де Мэзьер вакили сайланди. Германияни бирлаштиришга тайёргарлик чора-тадбирлари бошланди.

Ёдда тутинг!

1989 йил 9 ноябрда Берлин девори қулатилиб, ГДР ва ГФР ўртасидаги чегаралар очилди.
1990 йил 1 июлда ГДР ва ГФР ўртасида валюта, иқтисодий ва ижтимоий иттифоқдошлик тўғрисидаги шартнома имзоланди. Ҳарбий Германия маркази ГДР валютаси ҳисобланади.
1990 йил 3 октябрда ГДР ГФР таркибига қўшилиб, фаолиятини тўхтатди.

1987 йилда Чехословакия раҳбарияти иқтисодий ислохотларни амалга ошира бошлади. Бироқ мухолифат радикал ўзгаришларни талаб қилди. 1989 йил 17 ноябрда Прагада талабаларнинг норозилик намоёнликлари бошланиб, полиция иширокида ниҳоясига етказилди. Эртаси куни «Фуқаролар форуми» деб номланадиган мухолиф ташкилот ташкил этилди. (Шу вақт ичида мазкур форумлар каби бирлашмалар «Зўравонликларга қарши жамоалар» номи билан Словакия давлатида ҳам пайдо бўлди). Мухолифат босими билан Компартия Конституциядаги ЧКП раҳбарлик роли тўғрисидаги моддани олиб ташлаш бўйича келишдилар. Давлатда Мариан Чалф раҳбарлигида коалицион ҳукумат ташкил этилди. Асосий ишларни собиқ диссидентлар бошқарди. Улар орасида энг таниқли шахс — драматург Вацлав Гавел — 1989 йил 29 декабрда Чехословакия президенти бўлиб сайланди. Прага баҳори пайтида Компартия раҳбари Александр Дубчек Федерал ташкилот вакили бўлди. 1990 йилда бўлиб ўтган парламент ва маҳаллий сайловларда

Компартия мағлубиятга учради. 1991 йил июлда Кенгаш аскарлари давлат ҳудудидан чиқарилди. Давлатга янги ном берилди. Чех ва Словакия Федератив Республикаси (ЧСФР) деб номлана бошланди.

Ёдда тутиш!

Чехословакияда сиёсий тартибларнинг ўзгариши тинч ва талафотсиз ўтганлиги сабабли «бахмалинқилоби» деган номга эга бўлди.

Шарқий Европа давлатларидаги сиёсий аҳвол демократик жиҳатдан қайта янгиланишга интилган Болгариядаги кучларнинг фаолликларини оширди. 1989 йил октябрь ойида БКП МҚ Сиёсий бюро аъзоси, ташқи ишлар вазири Петр Младенов бошқарув ишларида йўл қўйиш мумкин бўлмаган усуллардан фойдалангани учун Т. Жиковни айблаб, партия раҳбарларига очик хат юборди. Сиёсий бюро аъзолари П. Младенов томонидан илгари сурилган ташаббусни қўллаб-қувватлаган ҳолда, 1989 йил 10 ноябрда БКП МҚ Пленуми Т. Жиковни Бош котиб лавозимидан озод этди. Кўп ўтмасдан у Давлат кенгаши вакили лавозимидан ҳам озод этилди. Давлатда Президент лавозими жорий этилиб, унга П. Младенов сайланди.

Давлат ичида кўп сиёсий ташкилотлар пайдо бўла бошлади. Партиялар ва сиёсий ташкилотлардан бир нечтаси Демократик кучлар иттифоқи (ДКИ) атрофида жипслашдилар. Улар ўз мақсадларини давлатга кўп партияли тизимлар ва парламент бошқарувида бўлган демократияни жорий этишга қаратдилар.

1990 йил январь ойида ташкил топган БКП XIV қурултойида Болгарияда социалистик жамият қайта ташкил этилганлиги ва янгиланганлиги тўғрисида баёнот эълон қилинди. Шу билан бирга, давлатда демократик социализм ташкил этилишига доир хабар тарқатилди. Партия жамиятда бошқарувчи мавқеини йўқота борди. Живков ва унинг атрофидаги яқин ҳамкорларидан бири партия сафидан чиқарилди.

Партия номи Болгария социалистик партияси (БСП) деб ўзгартирилди. ДКИ атрофида тўпланган мухолиф кучлар 1990 йилнинг ёзида П. Младеновни вазифасидан кетказишга эришдилар. 1990 йил август ойида Буюк халқ йиғилиши давлат президенти лавозимига ДКИ раҳбари Желю Желевани танладилар. Шу йилнинг декабрь ойида коалицион ҳукумат таркиби тасдиқланди.

Марказий ва Жанубий-Шарқий Европадаги кўп давлатларга нисбатан Руминияда сиёсий тартиб қонли урушлар натижасида ўзгарди. 1987 йилнинг охирида Брашов саноат шаҳрида «Йўқолсин диктатор!» деган шиорлар остида аҳоли норозилик намойишларига чиқди. Намойишлар полиция иштирокида тўхтатилди. 1989 йил декабрь ойида Руминия ҳукумати протестант оқимида эътиқод қилувчи венгердин ходимини Тимошоара (Трансильвания) шаҳридан кўчиб кетишга мажбур қилди. Бу аҳвол жамиятда норозиликларни вужудга келти-

риб, полиция қурол ишлатиш орқали қўзғолонларни бостирди. Бу эса антикоммунисттик инқилобнинг бошланишига олиб келди.

22 декабрда ҳокимият кўрсатмасига кўра Бухарест марказий майдонига Н. Чаушеску сиёсатини ҳимоя қилиш учун ўн мингдан кўп одамлар йиғилди. Бироқ ҳукмрон доира вакиллари кутилмаганда митинг иштирокчиларининг «Йўқолсин Чаушеску» деган ҳайқириқларга дуч келди. Норозиларга қарши яна қурол ишлатилди. Юзлаб одамлар яраланди ва вафот этди. Аммо қўзғолончиларга ёрдам бериш учун қўшин етиб келди. Николае Чаушеску ва унинг рафиқаси давлатдан қочиб кетишга ҳаракат қилса-да, натижада қўлга тушди. Уларни «геноцид, порахўрлик ва иқтисодиётни хонавайрон қилганликлари» учун айбдор деб топиб, судсиз отишга ҳукм қилди. Миллий қутқарув fronti шаклланди. Унга Ион Илиеску — Чаушескуга қарши бўлган собиқ коммунист раҳбарлик қиларди. Шунга қарамасдан 1990 йилнинг май ойида И. Илиеску Руминия президенти лавозимига сайланди.

1980 йилнинг охири — 1990 йилнинг бошларида Югославияда иқтисодий ва сиёсий инқироз кучайди. Давлатни бошқаришда марказсизлаштириш жараёни бошланди. 1989 йил 27 сентябрда Словения Республикаси парламенти республиканинг РЮСФР таркибидан чиқиш ҳуқуқи тўғрисида эълон қилди. Бу ягона давлатни парчалашга қўйилган дастлабки қадам эди. Шу йили Сербия ҳудудида Косово ўлкасида яшовчи албан аҳолиси ҳудудга республика номини беришни талаб қилди. Бу ҳолат Сербия аҳолисини хавотирга туширди. Сербиянинг барча ҳудудларида албанларга қарши норозиликлар авж олди. Айни шу тўлқинлар таъсирида 1990 йил 9 январда Сербияда ўтказилган биринчи кўппартияли сайловда Сербия Социалистик партияси Президуми вакили Слободан Милошевич президент лавозимини эгаллади. У ягона давлатни сақлаб қолишни кўзлайди, бироқ ўртада пайдо бўлган жараёнлар кучайишда давом этди.

1990 йил январь ойида Словения ва Хорватия мустақиллик учун ўз фикрларини билдирди. Хорватияда янги Конституция қабул қилинди. Республика аҳолисининг 30% и серблар бўлишига қарамай давлат хорват халқи давлати дея эълон қилинди. Янги Конституция қабул қилингандан кейин камситишлар кучайиши мумкинлигидан хавотирга тушган Хорватиядаги серб аҳолиси ўзларини ҳимоя қиладиган Сербия ўлкаси республикасини ташкил этишга доир таклифларини илгари сурди. Уларнинг бирлашиш режаларини Сербия ҳукумати инобатга олмади. 1991 йил май ойида Словения ва Хорватия ЮСФР таркибидан чиқиб кетишларини маълум қилди. Бироқ Белград бу акцияларни қонуний деб ҳисобламади. Сербия Ўлкаси Республикасини парчалаш мақсадида Хорватия сепаратистларининг қуролли қўзғолонлари бошланди. Югославияда фуқаролар уруши бошланди.

1991 йил сентябрь ойида Македония Югославиядан ажралиб чиқди ва мустақиллигини эълон қилди. 1992 йил апрель ойида Югославия

таркибидан Босния ва Герцеговина ажралиб чиқди. Югославиянинг ягона давлат сифатидаги мақоми дарз кетди. Босния ва Герцеговинада серблар, хорватлар ва мусулмонлар (ислом динини қабул қилган славянлар) ўртасида қуролли қўзғолонлар авж олиб, натижада 1995 йил октябрь ойигача чўзилган фуқаролар урушининг бошланишига сабабчи бўлди.

Билмингизни текширинг

1. Европадаги халқ демократик давлатларида мухолифатнинг авж олишига нималар таъсир кўрсатди?
2. Нега 80-йилларнинг охири ва 90-йилларнинг бошларида Шарқий Европада рўй берган воқеалар «бахмал инқилоби» деб аталди?
3. Руминияда рўй берган инқилоблар бошқа халқ демократик давлатларида содир бўлган инқилоблардан қандай фарқ қилди?
4. Югославия Социалистик Федератив Республикасининг парчаланиш жараёнларини кузатиб, унинг сабабларини аниқланг.

Топшириқ

1. Қуйида берилган матн билан танишиб, ундан дарсда фойдаланинг.

Чехословакияда «бахмал инқилоби» рўй беришига сабаб бўлган 1989 йил 17 ноябрда Прага шаҳридаги талабалар намойишларининг ташкилотчиси ҳамда иштирокчиси Моника Пайеровойнинг хотираларидан:

Ўтган акцияларни биз бундан икки йил олдин уюштира бошладик, унда иштирок этиш учун ўнлаб одамлар тўпланди. Узоғи билан 200—300 одам. Биз бир-биримизни таний бошладик. Ҳокимият ҳам алоҳида иш юрита бошлади. Айрим одамларни уриб-тепди, айримларини қамаб, кўп ўтмай озод қилди, баъзиларини эса 48 соатли қамоқ жазосига маҳкум қилди.

17 ноябрда барчаси бошқача тус олди. Минглаб одамлар келди, улар бутун Прага ва унинг марказлари бўйлаб юришди, уларнинг ҳаммаси намойишларга юз тутди. Ҳокимият ҳам бошқача ҳаракат қилди, мен уларни Миллий шоҳкўчадан тумтарақай ҳайдашганларини назарда тутяпман. Намойиш рухсат асосида ўтаётган бўлса-да, намойишчиларни ҳайдаб тарқатмасликка доир ваъдалар берилган бўлса-да, ҳокимият барчасига жиддий тайёргарлик кўришди.

Улар ўзларига тегишли барча ишларни қилди, яъни ўта қатъий турда амалга оширди. Кейинчалик маълум бўлишича, улар нималар қилиш ва ўзларини қандай тутиш кераклигини ҳам билишмаган. Ҳар доим бир-бирига зид келадиган, ҳар хил буйруқлар берилган. Шу туфайли уларнинг ўзлари орасида ҳам тартибсизликлар бошланади. ...Бир томондан уларга бизни Вацлав майдонига юбормаслик бўйича буйруқ берилди, бу майдонга бориш бизнинг асосий мақсадимиз эди. Бир томондан уларга ҳеч кимни, ҳатто эҳтиётсизлик туфайли ўлдириб қўйиш ҳам мумкин эмаслиги билдирилди. ...Уларнинг ўз ораларида даҳшатли ваҳима пайдо бўлади. Улар қўрқишди. Тасаввур қилинг, сизга ўн минглаб одамлар қарши келмоқда. Биз, намойиш иштирокчилари, барчаси ниҳоясига етгандан кейин кечқурун учрашишга келишдик. Ташкилотчи ўнлаб одамлардан фақат олти нафари келишди. Қолганлари ҳибсга олинган ёки оғир яраланган. Биз даҳшатли зарба еган киши ҳолатига тушиб қолдик. ...Биз атрофимиздаги ҳамма жойларда қон изларини кўрдик, сочилган кийимлар, оёқ кийимлар ётарди, биз ҳайратда қолдик. Шунинг учун ҳам биз талабалар қўзғолонини бошлаш тўғрисидаги қарор ва унга тайёргарликлар кўришни тез орада қабул қилдик. Бу биз томондан биринчи марта энг тез қабул қилинган, овоз берилган «қарор» эди.

2. «Бахмал инқилоби» натижасида Шарқий Европа давлатларидаги социалистик тизимнинг инқирозга юз тутиши дунёнинг икки қисмга бўлинишига доир воқеаларнинг тугаши ва халқаро муносабатларда биполяр тизимнинг барҳам топишига олиб келди. Ушбу хулосани тушунтиринг.

Б. Яқин Шарқдаги 2010-2011 йиллардаги «Араб баҳори». Посткенгаш давлатлардаги «Ҳар хил инқилоблар»

«Араб баҳори»

1970—2010 йиллар оралиғида араб давлатлари аҳолиси сони 128 млн. кўрсаткичдан 359 млн. га ўсди. Уларнинг барчасини иш билан таъминлаш муаммолари вужудга келди. Ёшлар мактабларда таҳсил олиб, университетларни تامомагадан кейин ишсизлар сонига қўшилди.

Эътиборберинг!

1990 йилнинг иккинчи ярмида араб давлатларининг глобаллашиш ва янгиланиш жараёнларига оммавий тарзда ружу қўйиши халқ орасида глобализация ва ғарбона кайфиятларга қарши даъватлар ва ўзларининг раҳбарларига ишончсизлик билдириш ҳолатларини тезлаштира бошлади.

2000 йилнинг бошларида дунёнинг бошқа ҳудудларида рўй берган демократизация жараёнлари таъсирида араб ҳукумати бошқарув тизимини танлов асосида кучайтиришга ҳаракат қилди. Бироқ ХХІ асрнинг биринчи ўн йиллигида сайлов натижалари бўйича араб давлатлари ўртасида кучли ғарбга қарши ваколатларга эга сиёсий ислом ҳаракати ғалаба қозонди. Сиёсий қарорлар қабул қилиш ва қабул қилиш жараёнида суверен муҳолифат кучларининг таъсири қисқартирилди. Битта шахс партиясига айланган, бошқарувчи партиялар сиёсий рақобатга бардош бера олмас эди.

2007 йилда жаҳон молия инқирози бошланган пайтда Араб давлатларининг 41% аҳолиси қашшоқликда турмуш кечирган. Ёшлар орасида ишсизлар сони 30% га етган. Олий маълумотларга эга, доимий иш жойига эга бўлмаган ёшлар муҳолиф кучлар атрофида бирлашиб, 2010 йилда ҳукуматга қарши намоёнларга чиқдилар.

«Араб баҳори» номига эга бўлган ҳукуматга қарши оммавий норозиликлар 2010 йилнинг 18 декабрида Тунисда бошланиб, кўп ўтмай араб давлатларига тарқалди. Иш ташлашлар, норозилик намоёнлари ва митинглар каби қаршилик билдириш шакллари қўлланилди. Оммавий уюштирилган намоёнлар жума куни пешин намози пайтида бошланди. Ҳукумат тепасидагилар намоёнларга чиққанларни куч ишлатиш усулларидан фойдаланиш орқали бостиришга ҳаракат қилди.

Ушбу дарсда:

- 2010-2011 йилларда рўй берган Араб инқилоби;
- Грузия, Украина, Қирғизстондаги «ҳар хил инқилоблар»;
- Жамиятдаги муаммоларни ҳал қилишда инқилобий усулларнинг оқибатлари ҳақида биламиз.

Калит сўзлар:

муҳолифат, сиёсий ислом ҳаракатлари, ҳукуматга қарши қаршиликлар, кураш шакллари, давлат инқилоби, ислохотчилар, парламент сайлови, президент сайлови.



“Араб баҳори”

Эътиборберинг!

Араб инқилобларига қуйидаги хусусиятлар хос: асосий сабаблар — ижтимоий муаммолар (нарх-навонинг ўсиши, ишсизлик, паст ижтимоий ҳимоялар), давлат ва жамиятдаги парчаланишлар; иштирокчиларнинг Интернет орқали узвий алоқалари (Твиттер, ижтимоий тармоқлар, электрон почта ва ҳ.к.). Бу шаклларнинг намоишларда иштирок этувчиларга таъсири кучли бўлди; ғалаба қозонгунча курашиш — кўп ҳолларда қарши томон ҳукумат билан муроСага келишдан воз

кечган ҳолда ҳукуматнинг тамоман истеъфога кетишини талаб қилади (намоишчиларнинг асосий шиори: «Халқрасмий тартибнинг парчаланиши тарафдори»); аниқ ташкилотчиларнинг йўқлиги, халқнинг мустақил ташаббуслари.

2011 йилда Тунис, Миср, Яманда давлат инқилоблари; Ливия ва Сурияда фуқаролар уруши; Баҳрейнда фуқаролар қўғолони; Жазоир, Ироқ, Иордания, Марокаш, Уммонда оммавий норозиликлар; Қувайт, Ливан, Мавритания, Саудия Арабистони, Судан, Жибутида кичик намоишлар бўлиб ўтди.

2010-2011 йилларда инқилоб натижасида Миср, Ливия, Тунис, Иордания, Яман ҳукуматлари тарқатилди ёки вазифаларидан озод этилди. Қувайт, Уммон, Жазоир, Қатар давлатлари раҳбарлари инқилоблари ўтказишга киришдилар. Саудия Арабистони ва Баҳрейнда халқ қўзғолонлари ҳукумат томонидан куч ишлатиш йўллари орқали бостирилди. Сурияда фуқаролар уруши авж олади.

Араб инқилоблари фойдали томонлари билан бирга салбий оқибатларга ҳам олиб келди. Улар бирданига қаттиқ тартиблар ўрната олмаганликлари туфайли мафкуралардаги тартибсизликлар билан мажороларга олиб келган узок даврнинг бошланишига сабаб бўлди, Ливия ва Сурияда фуқаролар урушининг бошланишига олиб келди.

Халқнинг асосий ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий эҳтиёжларини ўз вақтидаги ислохотлар орқали таъминлаш учун давлатнинг кучли, бироқ авторитар бўлмаган ҳукумати бўлиши керак. Бошқарувчи гуруҳ ва аҳоли ўртасидаги масофаларни қисқартириш тақозо этилди.

Билмингизнитекширинг

1. Араб инқилоблари сабабларини айтиб беринг.
2. Араб инқилоблари иштирокчилари қандай кураш йўллари танлаган?
3. Араб инқилобларининг ўзига хос хусусиятлари нимада?

Топшириқ

1. 2011 йил 11 февралда Мисрда рўй берган инқилоб натижасида ҳукумат тепасига келган ҳарбийларнинг дастурлари билан танишиб, таҳлил қилинг.

**Миср Қуролли Кучлари Олий Кенгаши Мурожаатидан
(2011 йил, 12 февраль)**

Мисрни қамраб олган мураккаб вазиятлар ва давлатда рўй бераётган воқеалар биздан миллатнинг барқарорлиги ва аҳоли ютуқларини сақлаш вазифаларини тақозо қилмоқда... Шунинг учун ҳам Қуролли Кучлар Олий Кенгаши қонун устуворлиги фуқаролар эркинликлари учунгина эмас, шу билан бирга, Қуролли Кучлар Олий Кенгаши бошқарувининг легитим асосли эканлигини тан олиб, қўйидагиларни маълум қилади.

Биринчидан: Қуролли Кучларнинг Олий Кенгаши бундан олдинги мурожаати билан бирга, барча саволлар бўйича жавобгарликларни ўз зиммасига олади.

Иккинчидан: Қуроллик Кучлар Олий Кенгаши Миср халқи ва тегишли идораларнинг ушбу мураккаб вазиятни енгиш қобилиятига ишонади, шу мақсадларга кўра давлат идоралари ва хусусий секторлар иқтисодиётни юксалтириш пайтида ўзларининг эзгу ва ватанпарварлик мажбуриятларини адолатли адо этиши шарт, аҳоли эса ана шу мақсадлар учун ўз вазифаларини бажариши зарур.

Учинчидан: Ҳозирги ҳукумат ва бошқарувчилар янги ҳукумат ҳали ташкиллаштирилмаганлиги боис вақтинча бошқарув ишларини олиб бориши шарт.

Тўртинчидан: Қуролли Кучлар Олий Кенгаши давлатни бошқариш ва демократия ўрнатиш ҳамда эркин давлат бошқарувини шакллантириш учун фуқароларнинг сайлов органлари қабул қилган бошқарувнинг эркин демократик тизим билан берилишига кафолат бўлишга ҳаракат қилади.

Бешинчидан: Миср Араб республикаси ҳудудий ва халқаро барча битим ва мажбуриятларни сақлайди.

Олтинчидан: Қуролли Кучлар Олий Кенгаши буюк халқни ҳамкорликка чақиради ... фуқаровий полиция кучлари, шунингдек, барчаси билан ўзаро англашувчанлик ва ҳамжиҳатлик бўлиши керак, бу фуқаровий полиция кучларининг «полиция халқга хизмат қилади» деган тамойилларга мос эканлигини исботлайди.

2. Мисрдаги “Инқилобни ҳимоя қилишнинг умумий бирлашган комитетларининг” таркибини аниқланг ва уларнинг мақсадларини ифодаланг.

**“Инқилобни ҳимоя қилишнинг умумий бирлашган комитетларининг”
низомидан**

2011 й., 3 май.

Мисрнинг бутун ҳудудида адолат учун пайдо бўлган норозиликлар билан ишчиларни иш билан ички таъминлашдан иш билан доимий таъминлашни таклиф қилиш ҳар бир ташкилотдаги коррупцияга қарши уруш бўлиб ҳисобланади. Норозиликларга иштирокчи бўлган ишчилар, аёллар билан эркаклар, мусулмонлар билан христианлар, ёшлар билан қариялар ўзларининг шахсий талабларинигина қўймади, шу билан бирга давлатдан миллионларни ўғирлаган ва бизга бир бўлак нонни, тиббиёт ёки билим беришни таклиф қила олмаган коррупция вакиллари йиллар давомида бузган ҳуқуқларини ҳам талаб қилди. Инқилобни ҳимоя қилишнинг умумий бирлашган комитетлари-ишчилардан, ҳунармандлардан, студентлардан ва барча инқилобчилардан ташкил топган ва Миср ҳудудларининг тўлиб ётган туманларига тарқалган — Миср ишчиларини барча иш ўринларида инқилобни ҳимоя қилиш комитетларини қуришга ва эркинлик билан ижтимоий адолатликни инқилобий мақсадларига эришиш учун қўшни комитетлар билан бирлашишга чақиради. Комитетларни асослаш ҳақидаги декларация белгилагандек, бизнинг мақсадларимиз:

- Ойига 1,500 фунтдан кам эмас адолатли энг кам маош ва энг кам маошдан 15 фоиздан ошмайдиган энг юқори маош.
- Хусусийлаштириш дастурига оид, сотилган барча заводларни қайтариб олиш ва уларни ишсизлик даражасини пасайтириш учун ривожлантириш.
- Коррупция вакиллари босиб олган барча давлат ерларини қайтариб олиш ва бу ерларини ёшлар билан уйсиз аҳолини жойлаштириш учун фойдаланиш.

- Намойишларга чиқиш, йиғилишлар билан митинглар уюштириш эркинлигига кафолат, митингларни жиноят деб ҳисоблайдиган ва эркинликни чекловчи янги қонунларни йўқ қилиш бўлиб ҳисобланади.

3. «2010-2011 йилларда рўй берган Араб инқилоблари натжалари» мавзусида баёнот тайёрланг.

Посткенгаш ҳудудидаги «Ҳар хил инқилоблар». Шарқий Европадаги «Бахмал инқилоби» собиқ СССР таркибида бўлган давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига катта таъсир кўрсатди. Уларнинг тажрибалари Грузия, Украина ва Қирғизистон каби посткенгаш давлатларида ўрин эгаллаган «ҳар хил инқилоблар»га таъсир кўрсатди.

1991 йил январда Грузияда рўй берган давлат тўнтариши натижаларига кўра давлат президенти З. Гамсахурдия ҳокимиятдан четлаштирилди. 1992 йилдан бошлаб давлатни Э. А. Шеварднадзе бошқарган ҳолда, ўзининг авторитар сиёсий тартибларини кучайтира бошлади. Халқ порахўрликдан, паст турмуш тарзидан, сифатсиз тиббиётдан азият чекди. Иқтисодиёт таназзулга юз тутди. Фуқаролар орасида давлатнинг тараққиёт йўналишидан норозилар сафи кўпайди. Мухолифат кучайди. 2003 йилда Грузияда парламент сайлови бўлиб ўтган пайтда халқ норозиликлари авжига чиқди.

Парламент сайловида ҳукумат тарафдори бўлган «Янги Грузия учун» блогига ислохотчилар йўналишидаги ёш сиёсатчи Михаил Саакашвили етакчилигидаги «Миллий қайта тикланиш иттифоқи» блоги рақиб бўлади. Ўзининг сайловолди дастурида у: «Грузияга давлатнинг керак, бусиз давлат узоқ яшай олмайди», деб эълон қилди. Аҳолининг катта қисми ислохотчиларни қўллаб-қувватлаб, уларнинг орқасидан сайловга борди. Марказий сайлов қўмитаси (МСҚ) сайловда ҳукумат тарафдори бўлган блок ғалаба қозонганлигини эълон қилди.

Унга жавоб сифатида Саакашвили сайловда ноқонунийликларга йўл қўйилди, деб Шеварднадзени айблади ҳамда тарафдорларини қарши чиқишга даъват этди.

2003 йил 21 ноябрда кечки пайтда мамлакатнинг барча ҳудудларидан Тбилисига тўпланган ислохотчиларнинг тарафдорлари: «Шеварднадзе истеъфога чиқсин!» деган талабларни илгари сурдилар. Саакашвили ташаббуси билан митингга чиққан халқ янги парламент томонидан ўтказилаётган биринчи мажлисга бостириб кирди ҳамда Шеварднадзенинг баёнотини тўхтатиб қўйди. Одамларнинг қўлларида тинч ўзгаришларнинг рамзи сифатида атиргул бўлди (шу тариқа «атиргул инқилоби» атамаси вужудга келди). Эртаси куни Шеварднадзе истеъфога чиқди. Парламент «Миллий қайта тикланиш иттифоқи»ни тасдиқлади.

2004 йилнинг январида бўлиб ўтган навбатдан ташқари президент сайловида М. Саакашвили ғалаба қозонди. Грузия ҳукуматига ёш ислохотчилар авлоди келди. Улар давлат ва сиёсий институтларга тегишли ислохотлар ўтказиб, порахўрликка қарши кураш эълон қилди.

2004 йилнинг охирларида Украинада ҳам мана шу воқеага ўхшаш вазият шаклланди. Давлатда президент сайлови ўтказилиши керак

эди. Энг асосий бахслар асосий номзодлар В. Янукович (бош вазир) ва «мухолиф номзод» ҳисобланадиган В. Юшенко (собик бош вазир) ўртасида кечди.

22 ноябрда МСҚ Украина Президентлигига номзодлар эгаллаган иккинчи сайлов натижаларини эълон қилди: Сайловчилар Януковичга 49,42% овоз берса, В. Юшенко 46,7% овоз тўплади.

Бундан норози бўлган халқ Киевдаги Мустақиллик майдонига тўплана бошлади. Шаҳар марказида ҳукуматга қарши тўпланганлар учун махсус чодирли шаҳарчалар барпо этилди. Аҳолининг оммавий намойишлари бутун давлатни ўз ичига олди. Одамлар В. Юшенконинг сайлов белгиси бўлган тўқ сариқ рангли кийимларни кийиб, майдонларга тўпланди. Шу тариқа норозилик намойишлари «тўқ сариқ инқилоб» деган номга эга бўлди. 24 ноябрда аҳолининг оммавий қаршиликларига қарамай, МСҚ сайловда В. Януковичнинг ғалаба қозонганлигини эълон қилди.

Бунга жавоб сифатида В. Юшенконинг тарафдорлари Миллий қутқарув қўмитасини ташкил этиб, Бутунукраина сиёсий намойишларини эълон қилди, улар намойишчиларни ижтимоий иншоотлар, жумладан, Вазирлар Маҳкамаси ва президент маъмуриятини қамалга олишга даъват этди. Шу билан бирга, давлатда маҳаллий кенгашларнинг сессиялари ўтказилиб, сессияда сайлов натижалари тан олинмаслиги билдирилди. Бир неча кенгашларни маҳаллий ҳудудларда В. Юшенко бошқарди.

Шаклланган мураккаб шароитларга кўра Украина Олий Кенгаши 2004 йил 1 декабрда сайлов натижаларини бекор қилиб, Вазирлар Маҳкамасига ишончсизликлар билдириб, ҳукуматни тарқатди. Мухолифат давлатда ҳукумат тепасига келди. Украина парламент бошқарувидаги республикага айланди. Бироқ Украинада ҳам «тўқ сариқ инқилоб»дан кейин кенг кўламга эга ислохотлар олиб борилмади, давлатдаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий шароитлар яхши томонга ўзгармади, бу эса давлатда катта инқирозларни вужудга келтирди.

Посткенгаш ислохотлар навбатдаги «ҳар хил инқилоблар» Қирғизистонда рўй берди. 2005 йилнинг март ойида давлатнинг жанубида оммавий тартибсизликлар бошланиб, охири маъмурий иншоотларни босиб олиб, ёқиб юбориш билан ниҳоясига етди. Норозиликлар давлат пойтахти Бишкеккача етиб борди. Президент А.Ақаев ҳукуматни ташлаб, давлатдан чиқиб кетди, ҳукуматни мухолифат эгаллади. Бу халқ норозиликлари «лолақизғалдоқ инқилоби» деб аталди. Давлатга Қурманбек Бакиев янги президент бўлди. 2007 йилда янги Конституция лойиҳаси референдумга таклиф қилинди, унга кўра давлат парламент-президент бошқарувидаги республика бўлиши шарт эди. Бу референдумда ушбу лойиҳа қабул қилингандан кейин навбатдан ташқари парламент сайлови бўлиб ўтди. Сайловда президент аъзо бўлган «Оқ йўл» (Ақ жўл) партияси ғалаба қозонди.

Эътиборберинг!

Барча «ҳар хил инқилоблар»га хос хусусият шундаки, уларда умумхалқ сиёсий жиҳатдан фаоллашди ва бошқарувчи элитанинг ўзгариши рўй берди. Бироқ «ҳар хил инқилоблар» рўй берган давлатларнинг бундан кейинги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тараққиётида ижобий ўзгаришлар содир бўлмади.

Билмингизни текширинг

1. Грузиядағы «раушангүл революциясы» туралы айтыңдар.
2. Украинадағы «қызғылт сары революцияның» барысын баяндаңдар.
3. Посткеңестік кеңістіктегі «түрлі түсті революция» нәтижелері қалай болды?

Топшириқлар

1. Қирғизистондаги «Қизғалдоқ инқилоби», «Кенгаш давридан кейинги даврдаги ҳар хил инқилоблар ўртоқ воқеа мавзусида баёнотномалар таёрланг.

2. С.Г. Кара-Мурзанинг «Инқилоб экспорти. Ющенко, Саакашвили ...»: «Ҳар хил инқилоблар» — давлат ҳукмронлигини қулатиш учун мажбурий эмас ҳатти-ҳаракатлар қўллаш усули» китобидан олинган парчани муҳокама қилинг.

«Бахмал» инқилобларининг биринчи қонуний кўрсаткичи унинг куч ишлатмаслик хусусияти ёки ҳеч бўлмаганда воқеаларнинг куч ишлатмай хавфсиз ривожланганини кўрсатиш. У давлатнинг инқилобни бўлдирмасликка йўналтирилган асосий кучини — унинг қудратли тизимларини бартараф қилди.

Украина, Грузия билан Қирғизистондаги воқеаларни объектив таҳлил қилиш бу бахмал инқилобларининг ўтган кенгаш давридан кейинги даврда элитанинг алмашиши эканлигини исботлашга имконият беради.

Жамиятдаги муаммоларни инқилобий йўллар орқали ҳал қилишнинг оқибатлари. Тараққиёт сари юз тутган жамият тараққиётига дахлдор муаммоларни ҳал қилишда инқилобий усулларнинг муҳим афзалликлари ҳам, камчиликлари ҳам бўлди. Жамиятнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиши, янгича ривожланиш учун эски қарама-қаршиликларни бартараф этиши, жамиятдаги асосий гуруҳларнинг шаклланган ўзаро муносабатларига доир қоидаларнинг дарз кетишига олиб келди. Бу ўз навбатида ижтимоий ва иқтисодий муносабатларнинг барча соҳаларида беқарорликларни вужудга келтирди. Тадқиқотлар кўрсатганидек, ижтимоий инқилоблар натижасида хусусий мулкларнинг тубдан бошқача бўлиниши, жамиятдаги ижтимоий гуруҳларнинг ўзлари ўрганган шароитлардан бирдан маҳрум бўлиши, ҳар қандай йўллар орқали ғалаба қозонишга интилиш ёки ижтимоий қасд олиш ҳолатларини вужудга келтирди.


Бундай ҳолларда ўз рақибларини тиз чўктиришга мослашувчан жамиятга ўз қадриятларини сингдирадиган алоҳида маданий сиёсат тури шаклланди. Бу, ўз навбатида, жамиятда инқилоб натижаларига кўра пайдо бўлган мажоролар рўй бериш имконини вужудга келтириб, уни йириклаштириб, янги қўзғолонлар сари йўл очди.

Билмингизни текширинг

1. Қоғам мәселесін шешуде революциялық әдістер қандай зардаптарға ұрындыруы мүмкін?

IV БҰЛИМ

МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТ



ИНСОНИЯТНИНГ МАДАНИЙ МЕРОСЛАРИНИ АСРАШ ЙЎЛЛАРИ



59-§. ЮНЕСКОНИНГ ИНСОНИЯТНИНГ ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ МЕРОСЛАРИНИ АСРАШ БОРАСИДАГИ ФАОЛИЯТИ

Ушбу дарсда:

- Тарихий-маданий меросларни асрашнинг муҳимлиги;
- ЮНЕСКОнинг маданий меросларини асраш борасидаги фаолиятлари тўғрисида билиб оламиз.

Калит сўзлар:

ЮНЕСКО, Фармон, бутундунё мерослари, маданий ва табиий ёдгорликлар, тарихий-маданий, конвенция.



ЮНЕСКО — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти. Ташкилот 1945 йил ноябрда ташкил топган. Ташкилотнинг асосий мақсадлари умумқадриятларни эъзозлашга асосланган ва тамаддунлар, маданиятлар ҳамда миллатлар ўртасидаги алоқаларни шакллантириш учун шароитлар яратишдан иборатдир.

ЮНЕСКО таълим, фан ва маданият соҳаларининг сўнги ўнйилликларда ахборот ва коммуникация тараққиёти билан боғлиқ кенг кўламли муаммолар билан шуғулланади. Ташкилот ўз олдида қуйидагича мақсадларни қўйган:

— таълим, фан ва маданият соҳаларида давлатлар ва халқларнинг ҳамкорликларини ошириш ҳисобидан тинчлик ва хавфсизликларни кучайтиришга ёрдамлашиш;

— қонунларга риоя қилиниш, инсоннинг асосий эркинликлари ва ҳуқуқларини оммавий равишда ҳурмат қилишни таъминлаш.

Бугунги кунда ташкилотга 193 давлат аъзо, жумладан, мазкур ташкилотга 1992 йилнинг май ойида Қозоғистон ҳам аъзо бўлган.

Дунёдаги маданий хилма-хилликларни ҳимоя қилиш. ЮНЕСКОнинг маданият соҳасидаги устун йўналишларидан бири маданий хилма-хилликларни ҳимоя қилишдир. ЮНЕСКО маданиятларнинг бирлашиши ҳамда битта

изга туширилишига, бошқа қулай жаҳон маданияти пайдо бўлишига қарши. Шунинг учун ҳам ташкилот Ер юзининг чекка-чеккаларида мавжуд бўлган анъанавий ва этник маданиятларни ҳимоя қилади.

Бошқа маданиятларни ҳурмат қилиш, маданиятлар ва тамаддунлар суҳбатини, одамлар ва маданиятларнинг ўзаро маънавий жиҳатдан бойишини рағбатлантиради.

2001 йилда ЮНЕСКОга аъзо давлатлар Маданий хилма-хилликлар тўғрисида оммавий Маданий декларация қабул қилди ва унда «тирик табиат учун биологик хилма-хилликлар нечоғли зарур бўлса, инсоният учун ҳам маданий хилма-хилликлар шу қадар зарур» дейилган.

Жаҳон меросларини асраш. Жаҳонда умуминсониятнинг бойлиги ҳисобланадиган маданий ва табиий объектлар жуда кўп. Афсуски, инсоний ва табиий омиллар таъсирида кўпгина ёдгорликлар йўқолиб кетиш хавфи остида турибди. Инсоният олдида инсоният тарихининг бир қисми — ноёб ёдгорликларни асраш ва ҳимоя қилиш вазифалари турибди. Шунинг учун кўп давлатларда давлат ва халқаро даражада табиий ва маданий ёдгорликларни ҳимоя қилиш бўйича жамоат ва давлат ташкилотлари ташкил этилмоқда. ЮНЕСКО томонидан жаҳон маданий ёдгорликларини асраш ва ҳимоя қилиш бўйича эзгу ишлар амалга оширилмоқда. 1972 йилда қабул қилинган жаҳон маданий ва табиий меросларни асраш тўғрисидаги Конвенция айрим маданий ва табиий мерос қадриятлари дунё аҳли қизиқишларига асосланган, шунинг учун барча инсоният меросларининг бир қисми ҳисобланиши шарт. Ҳудудларида маданий ва табиий мерослар жойлашган давлатлар мустақиллигини тўла ҳурмат қилган ҳолда ва ушбу меросларга тегишли миллий қонунларда кўриб чиқилган мулкий ҳуқуқларга босимлар ўтказмасдан Конвенцияга иштирок этувчи давлатлар жаҳон меросларини ҳимоя қилиш бутун халқаро ҳамжамиятнинг вазифалари эканлигини тан оладилар.

Бугунги кунда жаҳон мерослари объектлари рўйхатига Ҳиндистондаги Тожмаҳалдан бошлаб Австралиядаги катта маржон ороллари каби табиат ажойиботларини қўшганда, Малидаги қадимги Тимбукту шаҳригача бўлган 700 га яқин табиий ва маданий объектлар киритилган. Конвенциянинг доимий котибияти жаҳон мерослари маркази ҳисобланади.

ЮНЕСКО Камбоджанинг қадимги пойтахти Ангкор ва Марокашдаги Фес шаҳри каби ягона маданий ёдгорликларни ҳимоя қилишда техник жиҳатдан ёрдам беради. Жаҳондаги энг бой мерослардан бири ҳисобланадиган Афғонистонда ҳам янги лойиҳалар амалга оширилади.

Жаҳон мерослари қўмитаси ҳар йили сессиялар ўтказади, унда



Ҳозирги кунда жаҳон мерослари рўйхатига 167 давлатдаги объектлар киритилган

алоҳида маданий, тарихий ёки экологик аҳамиятларига кўра ҳимоя қилиш ва тарғибот этиш тақозо қилинадиган, устунликка эга табиий ёки инсон қўли билан яратилган объектлар аниқланади.

Қозоғистон ушбу ҳужжатни 1994 йил 26 апрелда қабул қилган, бу жаҳон маданиятининг ажралмас қисми ҳисобланадиган Қозоғистон маданий ёдгорликларини ҳимоя қилиш ва тиклаш муаммоларини ўрганиш ишларига халқаро мутахассисларни жалб қилиш имконини беради.

ЮНЕСКОнинг маданий ва табиий объектлар рўйхатига киритиш учун қўйиладиган талаблар. Жаҳон мерослари дастурининг мақсадлари — ягона деб тан олинган объектларни эътироф этиш ва ҳимоя қилиш. 1978 йилда ЮНЕСКОнинг жаҳон мерослари рўйхатига қандай маданий ва табиий объектлар киритилишини белгилайдиган олти талаблар кўрсатилди. 2002 йилда мазкур талаблар рўйхати табиий объектларни қадрлаш талаблари билан такомиллаштирилди. Ҳозирги кунда бу борада 10 та талаблар мавжуд.

Маданий талаблар бўйича:

1. Объект — инсоният ижодкорлигининг фаол намунаси.
2. Объект вақтнинг муайян даврида ёки муайян маданий маконларда, меъморчилик санъатида ёки технологияларда, монумент санъатларда, шаҳарларни лойиҳалаштиришда ёки ландшафтлар тайёрлашда инсониятга тегишли қадриятларнинг ўзаро таъсирларини аниқлайди.
3. Объект шу вақтгача мавжуд бўлган ёки йўқолиб кетган маданий анъаналар ёки тамаддунлар учун ягона ва алоҳида бўлади.
4. Объект инсоният тарихининг муҳим даврларини тасвирайдиган тузилма, меъморчилик ёки технологик ансамбллар ёхуд ландшафтларнинг жуда машҳур намунаси сифатида ўрганилади.
5. Объект — инсонларнинг ер ёки денгизлардан фойдаланиши орқали маданият ва инсоннинг атроф-муҳит билан ўзаро муносабатлари намунаси эканлиги билан инсониятга хос анъанавий қурилишларнинг машҳур намуналари ҳисобланади.
6. Объектлар воқеа-ҳодисалар ёки ҳозирги анъаналар, ғоялар, ишонч-эътиқодлар, тасвирий бадиий асарлар билан бевосита ёки ашёвий жиҳатдан боғлиқ ва халқаро аҳамиятга эга.

Табиий талаблар бўйича:

1. Объектлар — табиий феномен ёки табиати бошқача кўркем ва эстетик жиҳатдан муҳим бўлган макон.
2. Объект — Ер тарихидаги асосий даврларнинг жуда яққол намуналари, жумладан, тарихий ёдгорликлар, рельеф ривожланишидаги жараёнларнинг ёки геоморфологик ва табиий-географик хусусиятларнинг объекти.
3. Объект ер, чучук сув, соҳиллар ва денгиз экологик тизимлари ҳамда ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳамжамияти эволюциялари ва тараққиётдаги экологик ёки биологик жараёнларнинг жуда машҳур намунаси ҳисобланади.



Хўжа Аҳмад Яссавий мақбараси ЮНЕСКОнинг бутундунё мерослари рўйхатига киритилган

4. Илмий қарашлар бўйича олиб қаралганда, объект биологик хилма-хилликлардаги, жумладан йўқолаётган жаҳон ноёб турларининг сақланиши учун анча муҳим ёки сезиларли табиий муҳитларни ўз ичига олади.

ЮНЕСКОнинг жаҳон мерослари объектларини ҳимоя қилиш бўйича фаолияти. Жаҳон мерослари рўйхатига вақтинча асосда zilzilалар, қуролли қўзғолонлар, назоратсиз туризм каби табиий ёки инсон омиллари таъсири туфайли йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган объектлар киритилган. Ташкилотнинг мақсадлари чора-тадбирлар дастурларини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш ҳамда тиклаш йўллари орқали йўқолиш хавфи рўйхатидан тезроқ чиқариш мақсадида объектларга мониторинг ўтказиш.

Ҳозирги кунда жаҳон мерослари рўйхатида 1092 объект бор. Улардан 845 таси маданий, 209 таси табиий ва 38 таси аралаш объектлар ҳисобланади. Улар Жаҳон маданий ва табиий меросларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенцияга аъзо 165 давлатларда жойлашган. Рўйхатга киритилган ҳар бир объектларда ўзларининг мувофиқ рақамларига эга ва улар ЮНЕСКО ҳимоясига олинган.

ЮНЕСКО рўйхатидан Қозоғистон Республикасидаги 5 та объект ўрин олган. Учта объект рўйхатга маданий талаблар бўйича киритилган, улардан биттаси инсоният ижодкорлигинининг бетакрор асари дея эътироф этилган, 2 та объект эса табиий талаблар бўйича киритилган. Бундан ташқари, 2017 йилдаги ҳолат бўйича Қозоғистон ҳудудидаги 13 та объект жаҳон мерослари рўйхатига номзодлар сифатида рўйхатга олинган.

Маданий мерослар — ўтган тарихдан қолган бойликлар. Биз уларни келгуси авлодлар учун асраб, етказишимиз шарт. ЮНЕСКОнинг жаҳон мерослари ғоялари ўзининг оммавийликларига боғлиқ ҳолда ягона ғоя ҳисобланади. Жаҳон мерослари объектларини ҳимоя қилиш — ўзлари

яшайдиган ҳудудларга қарамасдан, дунёдаги барча халқларнинг умумий бурчи. Шундай қилиб, ЮНЕСКОнинг мақсадлари жаҳондаги оммавий меросларни рўйхатга олиш, ҳимоя қилиш ва асрашдан иборатдир.

Билмингизни текширинг

1. ЮНЕСКОга нечта давлат аъзо?
2. Жаҳон мерослари дастурининг мақсадлари қандай?
3. Ҳимоя қилиш рўйхатига киритиш учун маданий ва табиий объектларни белгилайдиган талаблар тўғрисида нималарни биласиз?
4. «Тарихий ёдгорликлар» мавзусида реферат ёзинг.

Топшириқ.

1. Қўшимча манбалардан фойдаланган ҳолда, қуйидаги саволларга жавоб беринг. Қозоғистондаги қандай объектлар ЮНЕСКОнинг маданий мерослар рўйхатига киритилган? Қандай мерослар номзодлар сифатида рўйхатга олинган?

2. ЮНЕСКО (Фармони) талабларини ўқинг ва саволларга жавоб беринг:

1) ЮНЕСКОни ташкил топишига қандай шароитлар сабаб бўлган?

2) ЮНЕСКО Фармонининг кириш қисмида жаҳон урушининг келиб чиқиш сабаби сифатида нималар кўрсатилган?

3) ЮНЕСКОнинг фикрича, бутун дунёда тинчликни сақлашда маданиятнинг ўрни қандай?

4) «Инсониятнинг интеллектуал ва инсоний ҳамкорликлари» деган тушунчани қандай тушунасиз?

5) Нима сабабдан ЮНЕСКО томонидан таълимга алоҳида эътибор қаратилади?

«Фармонда иштирок этувчи Давлатлар ҳукуматлари ўз халқи номидан қуйидагича эълон қилади: инсонлар тафаккурида уруш тўғрисида фикрлар пайдо бўлади, шунинг учун одамлар онгига дунёни ҳимоя қилиш ғояларини сингдиришимиз керак; ўзаро тушунмовчиликлар инсоният тарихида халқлар ўртасида ўрин эгаллаган шубҳа ва ишончсизликларнинг вужудга келишига сабаб бўлади, бунинг натижасида вужудга келган келишмовчиликлар кўп ҳолларда урушга олиб келади. Кишилиқ жамияти бошдан ўтказган даҳшатли жаҳон урушлари демократик тамойилларга амал қилинмаслик натижалари, одамларнинг шахсий ҳуқуқларини ҳурмат қилмаслик натижалари, кишилар ўртасида ўзаро тенглик ва ҳурмат бўлмаганликлари туфайли, шунингдек, инсонлар ва ирқларнинг тенгсизлик доктриналаридаги хатоликлар ва ишончлар туфайли рўй берган.

Инсониятнинг нуфузини оширишни қўллаб-қувватлаш учун одамлар ўртасида адолат, эркинлик ва тинчлик асосидаги маданият ва таълимни кенг кўламда тарқатиш керак; шунинг учун ҳам барча халқлар ўзаро ҳамкорлик кайфиятларини сақлайдиган, ушбу муқаддас мажбуриятларни асрашга нисбатан ишонч кучаяди; ҳукумат вакилларининг фақат иқтисодий ва сиёсий битимларга асосланган дунёлари халқлар томонидан ягона, мустаҳкам ҳамда ҳаққоний ҳимояларга эга бўла олмайди; бу инсониятнинг интеллектуал ва инсоний бирдамликларига асосланиши керак; юқорида берилган изоҳларни инобатга олган ҳолда ва барча инсонларга билим эгаллаш учун, объектив ҳақиқатларни тан олиш ҳамда эркин фикр ва билимлар алмашилишининг тўлиқ ва тенг имкониятларни шакллантиришига ишонган ҳолда, ушбу ҳаққоний Фармонни имзолаган давлатлар ўз халқлари билан алоқаларини барқарор тарзда ривожлантириш ва оширишга ишонч билдиради, бу ўзаро ҳамкорликларни ошириб, бир-бирларининг ҳаётларига дахлдор аниқ ва пухта тушунчаларни шакллантиради. Натижада улар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таълим, фан ва маданий масалалар бўйича аниқ ҳужжатларини ташкил этади, уларнинг мақсади — бутун дунё аҳлини барча фуқаролар фаровонликлари учун таълим, фан ва маданий мақсадлар орқали ҳамкорликда фаолият юритишини шакллантириш.

60-§. МУЗЕЙ ИШИ. МУЗЕЙЛАРНИНГ ДУНЁ АҲЛИНИНГ ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ МЕРОСЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВА АСРАШДА ТУТГАН ЎРНИ

Дунёнинг постиндустриал даврга ўтиши, глобаллашиш, XXI аср бошларидаги технологик, ижтимоий ва маданий қайта қуришлар жамиятнинг тарихий-маданий меросларга нисбатан қарашларини ўзгартирди. Меросларни асраш бўйича ғамхўрликлар кўрсатадиган асосий ижтимоий-маданий институтлардан бири музейлар ҳисобланади. Кўп давлатларда музейлар табиат, тарих ва маданий ёдгорликларни аниқлаш, ўрганиш, асраш ва машҳурликларини ошириш марказларига айланди.

Музейлар тарих фани учун муҳим ахборот манбалари ҳисобланади. Бу жиҳатдан музей экспозициялари ва архив ҳужжатларининг мавзуга оид кўргазмалари тақдимот материаллари фойдаланувчиларга тавсия қилинган ҳолда, ахборотга оид ишларнинг фаол объектлари сифатида ҳам ўрганилиши мумкин. Музейлар — бу алоҳида коммуникатив тизим, у маданий маконнинг бир қисми бўлган ҳолда маданиятлар диалогига воситачи вазифаларини бажаради.

Эътиборберинг!

Музей — тарихий-илмий меросларни, манба сифатида ёдгорликларни, санъатасарларини, маданий қадриятларни асраган ҳолда тўплаб, илмий вазифаларни бажарадиган идорае.

Музейларнинг жамиятда тутган ўрни ва музей жамғармаларида сақланадиган тарихий-маданий мерослар тўғрисида таълимий жавобгарликлар — миллий ва халқаро ҳамжамиятларнинг маданий ва маънавий ҳаётида асосий ўрин эгаллайди.

Музей иши тарихи. Маданий ва табиий ашёларни тўплаш анъаналари қадимги юнон маданияти даврида пайдо бўлган. Антик ибодатхоналар ва музейларда (юнонча *museum* сўзидан олинган — «музейлар ибодатхонаси») коллекция-тўпламларнинг асосий қисмини худоларга мадҳ сифатида берилган махсус мукофотлар ва урушда қўлга киритилган топилмалар ташкил этади.

Ушбу дарсда:

- Музейларнинг тарихий-маданий меросларни ўрганиш ва асрашда тутган ўрни;
- Музей иши тарихи;
- Музейларнинг типологияси ва музейларнинг намуналарининг ўзига хос хусусиятлари;
- Музейлар соҳасидаги замонавий инновациялар тўғрисида билиб оламиз.

Калит сўзлар:

музей, ахборотлар, ёдгорликларни ҳимоя қилиш, маданий мерослар, табиий-илмий музейлар, бадиий музейлар, санъат, мультимедиа жиҳозлари, янгилаш.



Третьяков галереяси — тасвирий санъат музейи (Москва)

Бошқа давлатнинг маиший, маданий ашёлари музейларга келувчиларда бошқа тамаддунларга нисбатан қизиқиш пайдо қилади.

Кўп антик анъаналарнинг янгиланишга туртки берган Уйғониш даврида музей ишларининг анъаналари ҳам тикланди. Музейлар суверен ва диний ҳукмдорларнинг шахсий коллекциялари асосида пайдо бўла бошлади.

Аввало, улар артефактлар (маданий ашёлар) ва табиий ашёларни тўплаш билан шуғулландилар. Аста-секин музей коллекциялари илмий тадқиқот ва ўқув жараёнлари объектларига айланди.

Музейлар типологияси. Ижтимоий вазифаларига кўра музейларнинг учта: академик (илмий-тадқиқот), ўқув (университет) ва маърифатпарварлик гуруҳлари ажратилади.

Коллекциялар мавзуси ва таркибига кўра музейлар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- Йўқолиб кетган табиий объектлар билан бирга (масалан, палеонтологик музейларда) табиатнинг барча хилма-хилликларини кўрсатадиган, коллекциялар сақлайдиган ҳамда ёдгорликларни кўрсатадиган табиий-илмий музейлар иккита катта — биологик ва геологик гуруҳларга бўлинади.

- Санъат музейларида тасвирий ва декоратив ва амалий санъатнинг расм, ҳайкалтарошлик ва бошқа турлардаги коллекциялар мажмуаси намоиш қилинади.

Бундай намуналардаги музейларга замонавий ва бугунги кун санъатининг бадиий галереялари, йирик санъат музейлари (Эрмитаж, Лувр



М.О. Авезовнинг Алматыдаги музейи

ва бошқалар) қўшилади, улар одатда санъат ва тарихий музейлар намунасини бирлаштиради.

- Этнографик музейларда этник ҳамжамиятларнинг анъанавий моддий ва маънавий маданиятлари ҳамда маиший буюмлари (маиший, халқ касбий ва ҳунармандчилик буюмлари, этник кийим-кечаклар, халқ муסיқа асбоблари ва ҳ.к.) тўпланган.

- Тарихий музейларда тарихий ҳужжатлар, ёдгорликлар, моддий ва маънавий маданий ашёлар халқ эътиборига тақдим этилади. Тарихий музейлар ичидан археологик музейлар, шунингдек, ҳарбий тарихий музейлар ажратилади.

- Жуда машҳур тарихий воқеалар ёки тарих, фан, маданият арбобларига бағишланган хотиралар мемориал музейлари бор. Бундай музейларда эътиборга молик воқеалар ёки буюк шахслар яшаган даврлардаги ижодиёт шароити, ижтимоий-тарихий, маданий-бадиий ҳолатларни кўрсатадиган манбалар ва ҳужжатлар тақлиф қилинади:

- Соҳаларга тегишли музейларда муайян соҳалар (тиббиёт, транспорт, алоқа, машинасозлик ва ҳ.к.) нинг тараққиёти тўғрисида ҳикоя қиладиган ёдгорликлар сақланади;

Ўлкашунослик (мажмуий) музейлари — айрим шаҳарларда ёки вилоятларда ташкил этилади ва ана шу шаҳар ёки вилоят аҳолисининг турмуши ва тарихи, маданияти, табиатини ўрганиш имкониятини вужудга келтиради.



Нью-Йоркдаги Америка ўлкашунослик тарихий музейи

Табиий-илмий музейлар. Дастлабки табиий илмий музейлар XV аср охирлари — XVI асрнинг биринчи ярмида Францияда, Швейцария, Германия ва Италияда табиий ашёлар кабинетлари шаклида пайдо бўлган. Россияда табиий ашёлардан музей коллекцияси сифатида фойдаланиш 1720 йиллардан бошланади (Петр I қурган Кунсткамера учун). Табиий ашёлар ҳар қандай табиий-илмий музейларнинг асоси ҳисобланади. Антик даврдан бошлаб табиий ашёлар коллекцияларининг барчаси табиатнинг уч «подшоҳлигига»: ўсимлик, ҳайвонот ва минераллар турида урта гуруҳга бўлинган. Табиий ашёлар «табиат подшоҳлиги»да рўй бераётган жараёнлар ва ҳодисаларни англатади (зоология, ботаника, минералогия музейлари). Уларнинг ички тафовутлари география ва биология фанларининг бўлиниши билан боғлиқ. Табиий ашёлардан ташқари, музейларда уларнинг моделлари, нусхалари ва намуналари тез-тез учрайди. Табиий ашёларнинг моделлари палеонтология музейларида жуда кўп учрайди, бу ҳайвонотлар олами ва ўсимликлар дунёси қиёфаларини тиклашнинг асосий шакли.

Ҳар бир йўқолган ҳайвонларни экспозицияда кўрсатиш — илмий янгилаштириш ҳисобланади. Табиий-илмий музей экспозицияларида тасвирий материаллар, хариталар, схемалар, диаграммалардан фойдаланилади.

Музейлар иши ва музейларнинг вазифалари. Музейларнинг муҳим вазифалари табиат, тарих ва маданий мерос ёдгорликларини тўплаш, асрашдан иборат. Музейлар маданий қадриятлар маскани, санъат асар-

лари ёки тарихий ёдгорликлар коллекциялари, шунингдек, табиатнинг энг хилма-хил артефактлари, кам учрайдиган ашёлар сақланадиган жой ҳисобланади.

Музейлар иши тарихий ва маданий қадриятларга эга ашёларни аниқлаш; музей коллекцияларини шакллантириш ва музей ашёларини илмий жиҳатдан ҳужжатлаштириш (атрибутлаш)дан иборат.

Музей каталогларини яратиш: тарихий ва маданий ёдгорликларни тиклаш, коллекцияларни асраш ва сақлаш тартибларини яратиш, музей экспонатларини илмий рўйхатга олиш, экспозициялар ва кўргазмалар яратиш ҳамда такомиллаштириш, музейларнинг илмий-оммавий нашрларини, каталог, йўл харитаси, буклетлар ва ҳ.к. ишларни тайёрлаш ҳисобланади.

Ҳозирги кунда ушбу анъанавий хизмат турлари таркибига музей ишларини компьютерлаштириш ва ҳужжатларни электрон нусхаларга кўчириш, замон талабларига мос музейларни қайта жиҳозлаш ва техник томондан қайта янгилаш ишлари қўшилган.

Музей ишларига замонавий ёндашув. Музейларнинг кўплаб янги турлари пайдо бўлмоқда, бундай янги турлардан туризмни ривожлантиришда фойдаланилмоқда. Музейларда замонавий мультимедиа жиҳозлар пайдо бўлди. Музейлар ривожда келажаги порлоқ чора-тадбир — жаҳон виртуал экспозиция зали ёки онлайн тартибда услубий кабинетлар ва халқаро ўлкашунослик-илмий интернет-лойиҳаларнинг яратилиши ҳисобланади.

Музей ишларини масофадан ўқитиш — музей ишларининг зарурий долзарб таркиби, у фақат жаҳоннинг узоқ чеккаларида яшайдиганлар учун эмас, шу билан бирга имконияти чекланган одамлар учун ҳам долзарб ҳисобланади. Масофадан ўқитиш ҳар хил ҳудудлар ва давлатлардаги музей етакчи мутахассисларининг иштирокида онлайн дарслар ўтказиш учун имкон яратиб беради. Бу ресурс тарих соҳасидаги энг янги тадқиқотлар натижаларига осон эришишга замин яратади. Онлайн маслаҳатлар бериш ва видеоконференциялар ўтказиш имкони яратилади; миллий ва халқаро даражада музейлараро лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш имконини яратади; жаҳон музейлар иши тажрибалар орқали қўлга киритилган анча бебаҳо ютуқларни тўплаш, таҳлил қилиш ва эълон қилишни таъминлайди.

Эътиборбериңг!

Музей ишларига замонавий ёндошувлар деб музейларнинг ижтимоий ахборотларни тўплаб ва сақлабгина қолмасдан, шу билан бирга билиш ва англаш, анъаналар, тушунчалар, эмоцияларнинг бирлашишини кўрсатади деб англаш керак.

Музейлар майдонидаги билим аспекти иккита таркибга, яъни *ахборотшунослик* (музей коллекциялари орқали маълумотлар олиш) ва *билим олиш* (музей ашёларини ўрганиш) деб бўлиш мумкин.

Ижодий аспект фанни (хизматни) ўрганишда анча юқори интеллектуал даражада яратишга қаратилади.

Музей фаолиятининг коммуникатив аспекти музейларга ташриф буюрувчи ҳар бир шахснинг маданий шахсияти ва қадриятларига доир диалоглар орқали такомиллаштирилади.

Ёш авлодни тарбиялашда, миллий бирликни шакллантиришда, ҳар хил маданиятлар ўртасидаги диалогларни ташкиллаштиришда музей билимининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ошмоқда. Музейлар маданий-таълим фаолиятининг келгуси шакллари, уларни билимли, маданиятлараро суҳбатларни кенгайтиришга ижодий ёндошувига кенг имкониятлар таклиф қиладиган, ташриф буюрувчилар билан ишнинг инновацион моделларини ривожлантиришга интилади. Музей намуналарининг хилма-хиллиги фанларнинг ривожланиши учун кенг имкониятлар яратиш билан чекланиб қолмайди. Музей билимлари ва коллекциялар ҳар бир шахснинг ўз тарихи ва маданий мерослари билан алоқаларини кучайтиради.

Билмингизни текширинг

1. Музейлар нималар билан шуғулланади? Улар маданий меросларни асрашда қандай вазифаларни бажаради?
2. Музей ишларининг манбалари қандай даврларга мансуб?
3. Музейларнинг қандай намуналарини биласиз?
4. Музей ишлари ўз ичига нималарни олади?
5. Музей фаолиятига янгича ёндошувлар ва уларнинг аҳамияти тўғрисида гапириб беринг?

Топшириқ.

1. Замонавий музей лойиҳасини ўйланг.
2. Ўзингиз яшайдиган шаҳар (вилоят)да қандай музейлар бор? Сиз қандай музейларда бўлгансиз? Сизга қандай музейлар ёқади ва нима сабабдан? Ўз фикрингизни билдиринг, синфдошларингизнинг фикрига қулоқ тутинг?

61-§. ДУНЁДАГИ ЭНГ КАТТА МУЗЕЙЛАР

Эрмитаж давлат музейи — Санкт-Петербургда жойлашган Россияда ва жаҳондаги энг катта санъат ва маданий-тарихий музейлардан бири. Музей ўз тарихини император Екатерина II нинг ўзи шахсан сотиб олган санъат асарларининг шахсий коллекцияси сифатида 1764 йилдан эътиборан бошлаган. Улар орасида Рембрандт, Рубенс, Венн, Дейк, Франс Хальс каби усталарнинг асарлари бор. Булар, асосан, XVII асрнинг биринчи ярмидаги голланд-фламанд мактабининг асарлари эди. Дастлаб кўпчилик картиналар саройнинг алоҳида апартаментларида (ҳозир Кичик Эрмитаж) жойлашган эди. 1771—1787 йилларда меъмор Фельтен Катта Эрмитаж биносини қурди.

XIX асрнинг ўрталаригача музейга фақат танланган одамларгина кела олар эди. Эрмитаж омма учун император Николай I даврида, 1852 йилда махсус қурилган Янги Эрмитаж биносигина очик бўлган. У антик ва ўрта асрлар маданияти, Европа санъати ёдгорликлари, Осиё археология ва бадиий санъат, рус маданияти ёдгорликлари коллекцияларига бой музей ҳисобланган.

1917 йилда рўй берган инқилобдан кейин Эрмитаж сезиларли ўзгаришларга учрайди. У давлат ихтиёрига ўтказилган коллекциялар ва бадиий санъат академияси тўпламлари ҳисобидан янада бойитилди.

Бошқалар билан бир қаторда Боттичелли, Корред, Ван Дейк, Рембрандт, Энгр, Делакруаларнинг асарлари келиб тушди. Музей қишки саройнинг асосий тўпламидан кўпгина интерьер ашёларини, шунингдек, Нодиршоҳ соғға қилган Буюк мўғуллар хазинасини олган. Қишки саройнинг «Гавҳар хонаси» Москва Кремлига ўзгартирилиб, Олмос Жамғармасининг асосий ишларини бажарди. Эски усталарнинг ранг-тасвир тўпламининг бир қисми Москва тасвирий санъат музейига берилди. 1941—1945 йилларда Улуғ Ватан уруши даврида Эрмитаж коллекцияларининг асосий қисми Уралга кўчирилди. Уруш тугагандан кейин Эрмитажга Берлин музейидан ёдгорликлар олиб келинди.


Кенгаш иттифоқи парчалангандан кейин Эрмитаж XX аср санъати коллекцияларидаги камчиликлар ўрнини тўлдира бошлади. 1990 йил-

Ушбу дарсда:

- Давлат Эрмитажи, Лувр музейи, Британ музейи, Миср миллий музейи, Уффици галереяси, Қозоғистон Республикасининг миллий музейи ҳақида маълумот оламиз.

Калит сўзлар:

экспозиция, кўргазма, маданий, мерос, расм, Эрмитаж



Эрмитаж давлат музейи

ларнинг охирларида Утрилло Руо, Сутин ва бошқа муаллифларнинг олдин Россия музейларида кўрсатилмаган асарлари сотиб олинди. Эрмитаж дўстлари Халқаро жамғармаси ташкиллаштирилди.

Замонавий Эрмитаж мураккаб музей мажмуаси ҳисобланади. Музейнинг асосий экспозиция қисми Нева дарёси соҳиллари бўйлаб жойлашган бешта иморатдан иборат, улар орасида Қишки сарой, шунингдек, сарой майдонидаги штабнинг Шарқ қаноти асосий иморатлар ҳисобланади. Музей коллекцияси тош давридан бошлаб дунё маданиятининг уч миллионга яқин ёдгорликлари ва санъат асарларини ўз ичига олади.

Лувр музейи (Лувр) — жаҳондаги энг йирик ва энг машҳур санъат музейи. Музей Париж марказида жойлашган. Музей иншоати эски Қирол саройи. Лувр — Капетинглар сулоласидан бошлаб Франциянинг бадиий тасвир ва тарихий коллекциялари тўпламининг энг эски музейларидан биридир.

Бу музейни оммавий музей деб ҳам аташ мумкин. Унда антик, қадимги шарқ, ғарб ва шарқ санъатига мансуб коллекциялар тўпланган.

Лувр музейининг жамғармаси дастлабки пайтларда Франциск I («Жоконда» ва Леонардо да Винчининг бошқа картиналари) ҳамда Людовик XIV тўплаган Қирол коллекциялари ҳисобидан тўлдирилган. Музей эшиги омма учун биринчи марта 1793 йил 10 августда, инқилоб пайтида очилган. Музей ихтиёрига аста-секин қирол коллекциясининг ниҳоятда қимматли картиналари берилди. Кўп ҳайкаллар Франция ҳайкалтарошлик санъати музейидан ва инқилоб пайтида мол-мулкларни мусодара қилиш ҳисобидан келтирилди. Наполеон



Лувр

урушлари даврида Лувр коллекцияси уруш топилмалари билан Яқин Шарқдан топилган археологик ёдгорликлар билан тўлдирилди. XIX ва XX асрларда музей коллекцияси кўпгина сотиб олинган ва совғалар натижасида янада тўлди.

Музейдаги энг машҳур ҳайкаллар — 1820 йилда топилган ва шу пайтда Франция элчисининг турк ҳукуматидан олган Милослик Венера ва 1863 йилда Самотраки оролидан топилган «Самофракия Ника». Лувр коллекциялари ҳар хил тамаддунлар, маданиятлар ва даврларга мансуб санъат асраларининг энг илғор намуналарини сақлайди. Музейда 300 000 га яқин ёдгорликлар бор, улардан фақат 35 000 таси залларга қўйилган. Кўп ёдгорликлар омборларда сақланмоқда, чунки сақлаш талаблари бўйича музейга ташриф буюрувчиларга уч ойдан ортиқ кўрсатилмайди.

Лувр ёдгорликлари қуйидаги коллекцияларга бўлинган: Қадимги Шарқ, Қадимги Миср, Қадимги Юнонистон, Этрурия, Рим, ислом санъати, ҳайкалтарошлик санъати, санъат ашёлари, тасвирий санъат, ранг-тасвир санъати.

Британия музейи — Буюк Британиядаги асосий тарихий-археологик музей. Бу ташриф буюрувчилар сони бўйича Луврдан кейинги иккинчи музейдир. У Лондонда Блумсбери туманида жойлашган.

Британия музейи 1753 йилда учта коллекция — машҳур натуралист Хэнс Слоун, граф Роберт Харли, шунингдек, антиквар Роберт Коттонларнинг коллекциялари асосида ташкил этилган. Музей ташкил этиш Британия парламенти ҳужжати асосида тасдиқланган. Музей дастлаб Блумсберидаги Монтегю-Хаус аслзода саройида жойлаштирил-



Британия музейи

ди ва ташриф буюрувчилар учун 1759 йилда очилди. Тўплам шахсий коллекцияларни сотиб олиш ҳисобидан кенгайтирилган. Музейдаги кўп ёдгорликлар (масалан, Розетт тоши каби) Англияга тушунарсиз ҳолатларда етиб борган. Юнонистон ва Миср ҳукумати бир пайтларда олиб кетилган ёдгорликларни қайтариб беришларини талаб қилмоқда. Британия музейи XIX асрда жадал суръатларда ўсди. Тўпламлар бўлимларга бўлинди, нумизматика бўлимида: бу ерда ҳар хил давлатлар ва даврларга мансуб тангалар ва медаллар тўпланган. Виктория хоним пайтида зоология, ботаника, геология ва минералогия бўлимлари табиатшуносликнинг алоҳида Музейи тарзида бўлиниб, 1845 йилда Жанубий Кенсингтонга алмаштирилган. Монтегю-Хауснинг ўрнида 1823—1847 йилларда музейнинг ҳозирги, классицизм усулидаги иморати қурилди.

XX асрнинг биринчи ярмида Британия музейи ўз тўпламларини Британия археологларининг Месопотамияда олиб борган қазилма ишлари натижасида қўлга киритилган Яқин Шарқ санъат асарлари билан кенгайтди. Британия музейи 1926 йилдан бошлаб «British Museum Quarterly» деб номланган ҳар чоракда бир марта ўз журналинини чоп этиб келмоқда. Дастлабки пайтларда кутубхона музейнинг асосий хазиналаридан бири ҳисобланган, у Буюк Британиядаги энг йирик кутубхона эди. Британия музейининг ўқув зали 1850 йиллардан бошлаб алоҳида иморат ротондада жойлаштирилган. XX асрда кутубхонага қадимги замонда нашр қилинган китоблар ва кам учрайдиган қўлёзма асарлар келтирилди. 1972 йилда Британия парламенти кутубхонани музейдан ажратиб олиб, уни алоҳида бинога жойлаштирди. Британия музейи кутубхонаси шу тариқа пайдо бўлди.

Музейни дастлабки пайтларда Қадимги Юнонистон ва Қадимги Рим ёдгорликлари тўпланган маскан сифатида ташкиллаштириш мўлжалланди. Лондонга Британия империясининг барча чеккаларидан мустамлакачи агентлар ташиб келтирган археология ва санъат ашёлари билан бирга музей ҳар хил даврларга мансуб расмлар, гравюралар, медаллар, тангалар ва китоблар билан тўлдирилди.

Британия музейи ёдгорликлари: Қадимги Миср ва Нубия, Қадимги Шарқ, Шарқ ва Жанубий Африка, Африка, Месоамерика, Океания, Қадимги Юнонистон, Қадимги Рим, Буюк Британия ва Европа қитъаси, ранг-тасвир ва гравюра коллекцияларига бўлинган.

Метрополитен музейи — дунёдаги энг катта ва ташриф буюрувчилар сони бўйича тўртинчи ўринни эгаллаган санъат музейи. У Нью-Йоркда жойлашган. Музей ҳомийлар ва совға берувчилар харажати асосида ҳамда кам миқдорда давлат ёрдамида фаолият юритмоқда. Унга 1870 йилда америкалик тадбиркорлар ва санъатсеварлар гуруҳи томонидан асос солинган. Омма учун 1872 йилда очилган. Музей пойдеворини



Нью-Йорк музейидаги Миср санъати намуналари

учта хусусий коллекциялар — европа ранг-тасвир санъатига оид 174 та асарлар яратган. Улар орасида Хальс, Ван Дейклар, Тьеполо ва Пусселарнинг асарлари ҳам бор.

Бугунги кунда доимий коллекцияда икки миллиондан кўп санъат асарлари мавжуд. Метрополитен ўзининг импрессионистлар ва постимпрессионистлар коллекциялари билан фахрлана олади. Дунё бўйича Миср санъатининг тўла коллекциялари ушбу музейда сақланаётганлиги эътироф этилди. Гравюралар тўплами кенг қамровли. Катта фотосуратлар коллекциялари мавжуд. 2013 йилда коллекционер Леонард Лаудер музейга таркибида кубизмга мансуб 78 та асарлар бўлган шахсий коллекциясини совға қилган, улар орасида Пикассонинг 33 та асари ҳам бор. Ҳар йили музей «Йиллик ҳисобот» эълон қилади, унда музейга келган янги асарлар ҳисоби тингланади. 2017 йил февралда музей ўз коллекцияларида бадиий тасвирга мансуб 375 000 рақамланган тасвирларни омма томошаси ҳукмига топширган.

Ҳозирги кунда Метрополитенда Америка мода, ранг-тасвир санъати ва ҳайкалтарошлик санъати, Қадимги Яқин Шарқ санъати, қурол-яроғлар ва асбоб-ускуналар, Африка санъати, Океания ва Америка санъати, Осиё санъати, расмлар ва метографиялар, Европа ранг-тасвир, Европа ҳайкалтарошлик ва мода санъати, ислом санъати, Ўрта асрлар санъати, ҳозирги замон санъати, муסיқий асбоблар, фотосуратлар, кутубхона, Ўрта асрлар галереяси бўлимлари ишламоқда. Ушбу доимий экспозициялардан ташқари, вақтинча кўргазмалар ўтказишга мўлжалланган бир неча заллар бор.

Токио миллий музейи — Япониядаги энг қадимий ва энг катта музей. Токио шаҳридаги Уэно боғи ҳудудида жойлашган. Тахминан 100



Токио миллий музейи

минг квадрат метр майдонда бешта корпус — Бош, Шарқ, Тантаналар, Хэйсэй ва Хорю-дзи Храмлар хазинаси корпуслари жойлашган.

Миллий музейнинг асосий кўргазмалар галереяси — Бош бино 1938 йилда очилган.

Бу ерда япон маданиятининг қадимги замонлардан ҳозирги вақтгача бўлган тараққиёт йўлларини ўрганишга имкон берадиган тасвирий ва амалий санъат намуналари, тарихий ва этнографик материаллар тўпланган. Тантаналар корпуси 1909 йилда очилган. Ушбу бинода Мэйдзи давридаги (1868—1912) ғарб услубидаги меъморчилик санъатининг ниҳоятда ажойиб ёдгорликлари сақланмоқда (меъмор Токума Катаяма) ва ўз навбатида музейлар маориф маркази ҳисобланади. У ерда илмий жамоалар фаолият юритишади ҳамда семинарлар ўтказилади.

Шарқ корпусига Шарқ тасвирий ва мода санъати асарлари, шунингдек, археологик ёдгорликлар қўйилган.

Музей тарихи 1872 йилда олти юздан кўп ёдгорликлардан иборат кўргазмалардан бошланади. Улар орасида сарой хазинасидаги император сулоласи вакилларининг шахсий буюмларидан бошлаб мамлакатнинг табиий бойликлари ифодаланган ҳайвонлар терилари, фойдали қазилмалар намуналари ҳамда табиий ашёларгача бўлган хилма-хил маданий мерос ёдгорликлари бор. Кўргазма катта муваффақиятларга эга бўлган ва давлат ҳаётида ибратли воқеага айланган. Бу давлат табиатини давлат тарихида янгича талқин қилиш имконини яратди, бир хил табиий бойликларни ҳимоя қилиш, маданий анъаналар ва меросларни асраш зарурлиги тўғрисидаги масалаларни илгари сурди. Кўргазмани тайёрлаш ва ўтказиш учун Токио миллий музейи асосига айланган махсус идора ташкил этилди. Ҳозирги кунда музей коллекцияларида бир юз йигирма мингга яқин экспонатлар сақланмоқда.



Миср миллий музейи

Миср миллий музейи — дунёдаги Қадимги Миср санъатига тааллуқли буюмлар сақланаётган энг катта музей. Қоҳирадиги Тахрир майдонида жойлашган. Музей коллекциясида Қадимги Мисрнинг барча тарихий даврларига мансуб бир юз олтмиш мингга яқин ёдгорликлар бор. Унга 1858 йилда асос солинган. Музейнинг янги биноси 1902 йилда очилган.

1835 йилда Муҳаммад Али подшоҳ қадимги дунё департаментини қуриш тўғрисида фармон эълон қилди. 1848 йилда Қадимги Миср бойликларини сақлаш учун биринчи омборхона қурилди. Бундан кейин Булоқ ва Гизада музейлар қурилди. 1859 йилда француз мисршуноси Огюст Мариет Қадимги Миср бойликлари ва артефактларнинг талон-тарож қилинишини тугатиш мақсадида «Қадимги Мисрга хизмат қилиш» идорасини бошқарди. 1900 йилда Қоҳира марказидаги Исмоил Европа даҳасида икки қаватли Миср музейи қурилиши якунланди. 1950 йилларгача музей чет эллик мутахассислар томонидан бошқарилди.

Музейда бир нечта бўлимлар бор: Тутанхамон хазинаси, ҳар хил даврларга мансуб заргарлик буюмлари ва Танис ёдгорликлари, сулоларгача бўлган давр ва қадимги подшоҳлик; ўрта асрлар подшоҳлиги Амарн даври билан бирга янги подшоҳлик; кейинги ва Эллин даврлари; Папируслар ва тангалар; саркофаглар ва бошқалар.

Уффици галереяси — Флоренцияда жойлашган Европадаги эски музейлардан бири. Галерея эрцгерцог Козимо де Медичи I (1519—1574) нинг ташаббуси асосида пайдо бўлган. У бир пайтларда амалиётга музей атамаси (антик юнонлар бу сўз орқали музаларга мўлжалланган ерларни ифодалаганлар) жорий этилган шаҳарда бунёд этилди.

Бадий тасвир галереяси жойлашган Уффици саройи Арно дарёси жанубида ва шимол томондаги Синьорин майдони ўртасида қад ростлаган.



Уффици галереяси заллари

Бугунги кунда Уффици дунёда ташриф буюрувчилар сони кўп музейлардан бири ҳисобланади. Айни пайтда музейда ўрта асрлардан бошлаб ҳозирги замонгача бўлган минглаб ранг-тасвир асарлари, антик ҳайкаллар, миниатюралар, гобеленлар бор. Галереяда дунёдаги ягона автопортретлар тўплами мавжуд. У замонавий рассомлар томонидан тақдим қилинган совғалар ва доимий харидорлар, шунингдек, расмлар ва Эстамплар кабинети (анъанага кўра «расм примати» яшайдиган шаҳарда) алоҳида коллекциялар билан мунтазам равишда тўлдирилиб борилади. Галерея коллекцияларидан ўрин олган Боттичеллининг («Баҳор», «Венеранинг туғиши») Леонардо да Винчининг («Шаманлар ибодати», «Яхши хабар», «Христнинг чўқиниши»), Тицианнинг («Урбалик Венера») каби машҳур асарлар музей фахри ҳисобланади.

Қозоғистон Республикасининг Миллий музейи — Марказий Осиёдаги энг ёш ва энг катта музейлардан бири. «Маданий мерос» давлат дастури доирасида 2013 йил 2 июлда Қозоғистон Республикаси Ҳукуматининг «Қозоғистон Республикаси Маданият вазирлиги «Қозоғистон Республикаси Миллий музейи» республика давлат идорасини ташкил этиш тўғрисидаги қарори эълон қилинган.

Миллий музей Нур-Султон шаҳридаги Мустақиллик майдоида жойлашган. «Маданий мерос» давлат дастури доирасида аниқланган кўп бойликлар Миллий музей жамғармасини ташкил этади.

Музей мажмуаси майдони 74 000 квадрат метр ва тўққиз қаватли бинода жойлашган еттита блокдан иборат. Экспозиция майдоида Астана зали, Мустақил Қозоғистон зали, Олтин зал, Қадимги ва ўрта



Қозоғистон Республикасининг Миллий музейи

асрлар тарихи зали, Этнография ва замонавий санъат зали ҳамда бошқа заллар жойлашган. Музей таркибида тадқиқот институти бор. Шунингдек, болалар музейи, болалар ижодиёт маркази, иккита кўрғазмалар зали, реставрация устахоналари, лабораториялар, касбий жамғармалар захиралари, ўқувчилар зали мавжуд кутубхона, конференц-зал, сувенирлар зали учун махсус жой ажратилган. Музей жаҳон стандартларига мос келадиган замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Музейда умумий шарҳ ва мавзуга оид, интерфаол дарслар ва ўйин шаклидаги экскурсиялар ўтказилади. Миллий музей замонавий маданият маскани, Қозоғистоннинг тарихий ва маданий меросларини таҳлил қилиш, таққослаш, англаш, муҳокама қилиш, фикрлар билдириш ва баҳолашга мўлжалланган маскан ҳисобланади.

Билмингизнитекширинг

1. Эрмитаж давлат музейи тўғрисида нималарни биласиз?
2. Лувр музейи қандай хусусиятлари туфайли машҳур?
3. Уффици галереяси ҳақида гапириб бера оласизми?
4. Қозоғистон Республикаси Миллий музейининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гапириб бера оласизми?

Топшириқ.

1. Қўшимча манбалардан фойдаланган ҳолда, Британия музейи, Метрополитен, Исамония Миллий музейи, Миср музейи бўйича қисқача ахборот тайёрланг.

САНЪАТ — ЖАМИЯТНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ТИМСОЛИ



62-§. ТАРИХИЙ ЖАРАЁНЛАР КОНТЕКСТИДА САНЪАТНИНГ ЙЎНАЛИШИ ВА УСЛУБИ

Ушбу дарсда:

- Санъатдаги асосий оқимлар тўғрисида билиб оламиз.

Калит сўзлар:

модернизм, импрессионизм, авангардизм, кубизм, экспрессионизм, конструктивизм, сюрреализм, футуризм, ар-деко, супрематизм, пуризм

Эътибор беринг!

Модернизм — XIX аср ва XX аср охирларида маданият соҳасида кенг тарқалган йўналиш. У ҳақиқат ва адолатга яқин қоидаларни тараннум қиладиган баддий йўналишлар ва янги ижодкорлик турларини ўз ичига олади. *Модернизмнинг асосий хусусиятлари* — эркин ёндошув ҳамда устанинг дунёни ўзига хос дунёқарашларига, таассуротларига, ғоялари ёки сир-синаотли тасвирларига кўра ўзгартириш ҳуқуқларининг мавжуд бўлиши.

Модернизм атамаси таъкидлангандек, янгиланиш ҳамда жамият ва санъатда ривожланиш, олдинга томон интилиш билан тавсифланади. Модернистик йўналиш дабдурустдан бўлган баддий анъаналарни инобатга олишга қаратилди. Модернистлар ҳар доим янгиликларга интилдди ва рамзий ҳамда шартли шаклларга мослашиб борди. Янги баддий йўналиш ўзини оқимига мослашган, «замонга яраша» санъат тури дея эълон қилиб, ҳар доим омма эътиборида бўлишга ҳаракат қилди. Модернизм қарама-қарши мафкуравий тамойилларга эга. Саноатлашган

жамият барча «техника тамаддуни» вужудга келтирган танқидларга, яъни ижтимоий тузилмалар тараққиётига сезиларли даражада таъсир кўрсатган; турмуш тарзига тўла ўзгаришлар олиб келган, XIX аср охирларидаги техник ютуқлар, табиий фанлардаги янги очилган кашфиётлар, келгуси дунёнинг қайта шаклланиши тўғрисидаги файласуфлар ва иқтисодчиларнинг назариялари — бу каби омилларнинг барчаси дунёда олдинги тизим хонавайрон бўлиб, ўрнига янги тизим пайдо бўлади деган фикрларни вужудга келтирди. Шунинг учун ҳам, бир томондан модернистлар ўртасида жамиятни қабул қилмаслик, ишончсизлик ва атеизм, «умидсизлик», орқага кетиш — нигилизм¹ тарқалди. Бунга инқилоблар арафасида Европа жамиятида рўй берган инқирозлар таъсир кўрсатди. Иккинчи томондан, дунёни янгилаш, конструктив, ижодкорлик, янгиликларга интилиш ғоялари пайдо бўлди.

Ёдда тутинг!

Импрессионизм, модерн ва экспрессионизмдаги авангард оқим, сюрреализм, абстракционизм йўналишлари модернизмнинг асосий йўналишлари ҳисобланади.

Бир марталик замонавийликларни тасвирлаш айниқса, импрессионизм йўналишида алоҳида кўзга ташланди, ушбу йўналишга риоя қилувчилар ҳаққоний ҳаёт битта жойда қотиб турмаслигини ҳамда ўзгарувчан хусусиятларга эга эканлигини тасвирлашни хоҳлади. Импрессионизм Францияда 1860 йилларда Э. Мане, О. Ренуара ва Э. Дега асарларида пайдо бўлган. Бу рассомлар санъатга илгари ҳеч қачон бўлмаган нозик чегирмалар ва ҳаётни тўғридан-тўғри қабул қилиш омилларини олиб келди, бир марталик тимсоллар ва тасодифий ҳодисаларни, шароитларни шакллантирди, шунингдек ёндошувлар ҳамда юз ўгиришлар йўналишларини шакллантирди. Импрессионистларнинг ташқи ҳақиқат тимсоллари сақланган бўлса-да, улар ўзгаришларга юз тутган. Кейинги ўнйилликларда К. Моне, К. Писсарро ва А. СислеЙ илгаригидек анъанавий шаклларда фақат устахоналардагина фаолият юритиб қолмасдан, рассомларни кўчаларга пленерларга² олиб чиқди. Очиқ осмон тагида фаолият юритган импрессионистлар нур таратган қуёшларнинг кўринишларини, ҳар хил бўёқ турларини, ҳар хил шакллар ҳамда



К. Моне. Аржантеядаги гулзор
(импрессионизм)

¹ Жамиятни шаклланган қадриятлар ва ғояларга шубҳа уйғотадиган ёки инкор қиладиган фалсафа.

² Очиқ осмон тагидаги санъат.



Винсент Ван Гог. Юлдузли тун
(постимпрессионизм)

ёруғлик ва ҳаво таъсирларини шакллантирди. Импрессионистларнинг ҳар хил мураккаб бўёқлардан фойдаланиши орқали ранг-тасвир санъати очиқ, нозик ҳамда оптимистик хусусиятларга эга бўла бошлади. Француз импрессионистларининг ушбу янгиликлари бошқа давлатларга ҳам тарқалди. Импрессионизмдаги бир марталик ҳаракатларга О. Роден каби машҳур ҳайкалтарошлар ҳам қизиқдилар.

XIX аср охирлари ва XX аср бошларидаги (П. Сезанн, В. Ван Гог,

П. Гоген, А. де Тулуз-Лотрек каби) моҳир француз усталари постимпрессионистлар деб аталди. Улар импрессионистлардан очиқ ва соф ранглари ҳамда «бир марталик» санъатни осон тасвирлаш қобилиятларини ўзлаштирди, шу билан бирга, улар бир томондан суратларнинг фалсафий моҳиятини чуқур англашга, иккинчи томондан эса, рамзий шаклларга эга элементларни ўзлаштиришга ҳаракат қилдилар. Символизм фалсафаси А. Шопенгауэр ва Ф. Ницше каби файласуфлар томонидан кенг ёйилди. Символистлар рамзлар ёрдами орқали ғоя ва туйғу ҳамда кўринишларни тасвирлашга ҳаракат қилдилар. Улар ҳаёт онларидан кўп ҳолларда очиқ ҳолда «абдий мавзулар»ни танлаб олди, ўтган кунлар ва бугунги кунларни ҳамда келажакни бир-бири билан боғладилар. Борлиқ ва онг-тафаккур ғояларига чуқур разм солган ҳолда, идеал дунёнинг ҳақиқий мазмунини тан олишга интилган символистлар, ўз замонларига хос буржуазиявий дунёни қабул қилмадилар, маънавий эркинликларни хоҳладилар. Символистларга айниқса, дунёда рўй берётган ижтимоий-тарихий ўзгаришлар (урушлар ва инқилобларни)га доир фожеали ҳис-туйғуларни англаш хос бўлган. Адабиётда П. Верлен, А. Рембо, С. Малларме, М. Метерлинк, А. Блок, А. Белийлар, тасвирий санъатда эса Г. Моро, М. Чюрленис, М. Врубеллар символизмнинг асосий вакиллари ҳисобланди.

Модерн услуби (ар-нуво) XIX аср охирлари ва XX аср бошларидаги (Биринчи жаҳон урушигача) меъморчилик, декоратив-амалий ва театр санъатида кенг тарқалиб, амалиётга жорий этилди. Модерн усулига симметрия, бевосита тармоқ ва бурчаклардан, шаклларнинг бир-бирига ўтишидан, енгил нақшлар, ноаниқ бўёқлардан воз кечиш усуллари хос. Меъморчилик модернида (бетон, темир-бетон, металл, марказий иситиш) янги технологияларга қизиқишлар кучайди. Модерн усулига хос энг машҳур меъморчилик обидаси сифатида Париждаги Эйфель минорасини тилга олиш мумкин. Шунингдек, барокка (эгилган тармоқлар, ўймакор расмлар), шу билан бирга, готиканинг ҳам (витраж, мозаика, эмаль, олтин кўринишлар) декоратив хусусиятлари ҳам бирга

қўлланилди. Ички кўринишлар учун эгилган тармоқлар, безаш учун эса мозаика, эмаль, олтин кўринишлардан фойдаланилди. Ар-нуво йўналишининг юксалиши натижасида замонавий амалий санъат ва дизайн санъати вужудга келди. Модерн усулида иккита алоҳида: конструктив (Австрия, Шотландия) ва декоратив (Бельгия, Франция, Германия) йўналишлари шаклланди. Шунингдек, уларга Италия ва Россия миллий урф-одатлари ҳам алоҳида таъсир кўрсатди. Париж ва Санкт-Петербургда ҳамда Европадаги кўпгина шаҳарларда модерн услубида қурилган кўпгина уйлар, ҳатто туманлар ҳам учрайди. Ушбу йўналишнинг таниқли вакиллари сирасига рассомлар Г.Климт, А.Муха, Л.Бакстларни киритиш мумкин. Классик услуб билан таққослаганда, импрессионизм ва символизм ҳамда ар-нуво ўзларига хос барча хусусиятлари бўйича эски санъатга қарама-қарши ҳолда жиддий радикал йўналишда бўлмаган. Масалан, импрессионистлар асл ҳақиқат шакллари, шоир-символистлар эса парчалар ва ритмларни, модерн услубидаги меъморлар эса ҳар хил элементларни ўз ичига олган олдинги меъморчилик йўналишидаги, эклектик услубларни сақлаган. Бироқ XX аср бошларида санъатда авангард услуби деб номланадиган, радикал, инқилобий оқим пайдо бўлди.



А. Муха. Аёл тимсоли
(Модерн)

Эътиборберинг!

Авангардизм атамасидастурий, баҳс-мунозарали шаклларни тасвирлайдиган, ўзини анъаналар ва атрофдаги жимой тасодифий ёндошувлар тоифасига қарши қўядиган бадиий йўналишларни бирлаштиради.

Авангард — олдинги қоидаларни ўзгартирган, модернизмдаги исёнкор ҳодиса бўлди. У инсоният тафаккурини санъат воситалари орқали радикал шаклда қайта шакллантирган ҳолда, эстетик тўнтаришлар содир этишни, шу орқали яшаётган жамиятнинг орқада қолган маънавиятида ўзгаришлар яратишни мақсад қилди, Авангард услуби ўз тимсолларини «кўча поэтикаси», замонавий шаҳарларнинг хаос ритми каби жиддий материалларга киритди. Улар олдинги услубларнигина эмас, умумий яхлит санъатга тегишли эскирган тушунчаларни инқор қилиб, «санъатга қарши» тамойилларини эълон қилди. Авангард услубида иккита йўналишга бирга риоя қилинди, у фан ва техникани тан олган ҳолда, ундан рамзлар ва усулларни қабул қилди, шу билан бирга, Африкага хос (бошқа «қорадурсин») санъат ва фольклорни ҳам инқор этмади. Энг биринчи авангард услубига хос оқимлардан бири П. Сезанга тааллуқли кубизм эди, у шартли танқидларга мосла-



Пабло Пикассо. Аёл портрети
(Кубизм)

шувчан: оддий геометрик шаклларнинг пайдо бўлиши ва мураккаб шаклларнинг оддий шаклларга ўтиши — куб, конус, цилиндрга, сўнгра улардан маконнинг кенг шаклига ўзгариши бўлди. Бу расомга объектни бир вақтнинг ўзида ҳар хил рангларда тасвирлаш ва ўзига хос хусусиятларини шакллантириш имконини беради, объектларни классик жиҳатдан тасвирлашда бу каби имкониятлар учрамайди. Испания-Франция рассоми Пабло Пикассо кубизм услубининг энг машҳур вакили ҳисобланади. Авангард услубига мансуб яна бир оқим — экспрессионизм — ҳақиқатни янгилашга интилиш билан чекланиб қолмасдан, муаллифларнинг руҳиятини тасвирлаш-

га ҳам ҳаракат қилди. Эспрессионистик руҳий туйғуларни англатиш норвег рассоми Эдвард Мунка ва постимпрессионист Винсент Ван Гог асарларида учрайди. Экспрессионизм оқим сифатида 1905 йилда Э.Л. Кирхнер ва унинг шериклари томонидан «Мост» гуруҳи ташкил этилганда шаклланган, улар реализм, импрессионизм ва модерн услубларини инкор этиш тамойилларига амал қилди. Экспрессионистлар инсоннинг ички дунёсинигина асл ҳақиқиат, унинг кескин қарашларини эса санъатнинг асосий мақсади деб эълон қилди. Кирхнер асарлари ҳам очик ранглар ва бурчакли контуралар ҳамда драматик кескинликлар билан алоҳида ажралиб туради. «Экспрессия»га интилиш, руҳий кескинликлар, тимсолларнинг ҳаддан ташқари кенгайтирилган ҳолатлари Германия ва Австрия маданиятларида алоҳида кўзга ташланди. Экспрессионизм доирасида қадимги абстракт санъат (В. Кандинский) намуналарида ҳам яққол кузатилди. Айрим немис рассомларида (Э. Барлах, Ж. Грос, О. Дикс) экспрессионизм урушга қарши қурол вазифасини ўтайди. Иккита жаҳон уруши оралиқларида экспрессионизм расм, адабиёт, театр, меъморчилик, мусиқа ва рақс каби кўпгина санъат шаклларида пайдо бўлган. Бу кинематография соҳасида яққол юзага чиққан биринчи санъат оқими эди.

Футуризм XX аср бошларида Италияда (Ж. Балла, Ж. Северини) пайдо бўлган. Футуризм ўзини келажак санъати дея эълон қилган ҳолда, маданий тасодифий ёндошувлардан воз кечиб, анъанавий қадриятларни (В. Маяковскийнинг «Пушкинни замонимиз кемасидан отиб юборайлик» деган шиори каби) тўлалигича бекор қилиш ғояларини таклиф қилди, мегаполис культи ва техникалашган урбанизация тамаддунини таклиф қилиб, уларни келажак тамаддунлари сифатида тавсифлади. Футуристларнинг муҳим бадиий ғоялари тезкорликнинг

нозик кўринишлари ва ҳозирги замон ҳаёти ҳаракатларини қидиришдан иборат. Шунингдек, футуризм экспрессионизм билан ҳам қариндошлик алоқаларига эга. Ўзгаришлар ва интилишлардан ҳамда тўла қамраб олиш шаклларидан фойдаланган ҳолда, рассомлар бугунги кишиларнинг ҳар хил онларини тасвирлади.



Д. Балла. Абстракт тезлик
(Футуризм)

Тасвирий санъатда авангардизм услубининг фовизм каби оқими ҳам оз вақт ичида амалда бўлган. Фовистлар иши, айниқса, Анри Матисса, гулларни ажойиб тамғалаш суръати ва макондаги қарама-қаршиликларни таққослаш орқали фарқ қилди. Фовистик асарлар шаклига ёруғлик ва сояларни мувофиқлаштириш ва тармоқ кўринишларидан тамоман воз кечиш орқали оддий тасвирлаш хос. Матисс ва унинг шериклари постимпрессионистларнинг ўрта асрлардаги витраж техник ғоялари ва япон гравюралари услубларини боғладилар. Матиснинг картиналари декоратив ва ажойиб гиламларга ўхшар эди.

1910 йилнинг охири ва 1920 йилларда адабиёт ва амалий санъатда авангард оқимнинг яна бир дадаизм йўналиши (Т. Тцар, Р. Хаусман, М. Дюшан ва бошқалар) пайдо бўлди.

Эътиборберинг!

Дадаистларда иррационал ва тизимсизлик тамойили энг асосий тамойил бўлиб, энг асосий бадиий шакли эса тасодифий ашёлар комбинацияси, коллажи ҳисобланади.

Немис дадаистлари биринчилардан бўлиб фотомонтаждан самарали бадиий усул сифатида фойдаланди. 1920 йилда Францияда дадаизм сюрреализмга, Германияда эса экспрессионизмга сингишиб кетди. Рассом-дадаист Марсель Дюшан шахсий ғояларининг хусусиятларига кўра (масалан, тайёр ашёлардан санъат объекти сифатида фойдаланиш) XX аср санъатидаги энг таъсирли шахслардан бири ҳисобланди. Унинг ижодий фаолияти XX асрнинг иккинчи ярмида поп-арт, минимализм, концепцион санъат сифатидаги йўналишларнинг шаклланишига таъсир қилди. Дадаизм постмодернизмнинг асоси ҳисобланди.

Сюрреализмга риоя қилувчилар санъат асоси сифатида тафаккурни (англаш, туш кўриш, гавдалантириш), унинг услублари сифатида эса мантиқий алоқалар узилишларини, уларнинг эркин жамоалар билан ўзгартирилишини ҳисоблайдилар. Сюрреализм 1920 йилларда шаклланди. Бу йўналишнинг мафкурачиси сифатида «Сюрреализм манифести»нинг биринчи муаллифи, (1924) ёзувчи Андре Бретон эътироф этилади.

Уларнинг дунёқарашларига Зигмунд Фрейднинг психоанализ тўғрисидаги назарияси алоҳида таъсир кўрсатди. Сюрреалистлар табиат билан биргаликда уйғунлашган, ўзларининг ишлаб чиқариш мажмуаларини яратган. 1930 йилдан бошлаб ашёларнинг мантиққа мос келмайдиган қарама-қаршиликлари сюрреализмнинг асосий ўзаги сифатида юзага чиқди, унга усталикнинг нозик ишончи берилди.

Сюрреализм ҳар хил санъат шакллариغا, жумладан, кинематографияга ҳам кенг тарқалди. Бир гуруҳ рассомлар, жумладан, Сальвадор Дали, Пабло Пикассо, Рене Магритт ва Макс Эрнстлар, сюрреализмни XX асрнинг биринчи ярмига мансуб тасвирий санъат йўналишидаги жуда таъсирли оқимга айлантирди. Сюрреализм ҳозирги замон расомлари орасида ҳам кенг тарқалган.

Конструктивизм — амалий санъатда, меъморчилик ва дизайнда илмий-техник имкониятлар ўзлаштирилган йўналиш. 1910 йилда кубизм ва футуризмлар асосида шаклланган. Кейинчалик иккита оқимга бўлинган: «ижтимоий инженерия» (бу тизим СССРда 1920 ва 1930 йилларда ривожланган) топшириқлари билан чамбарчас боғлиқ «ижтимоий конструктивизм» ва манбаларсиз йўналишлардаги янгиланишларни мақсад қилган, геометрик абстракцион «фалсафий конструктивизм».

Пуризм — 1910—1920 йиллар охирида француз санъатида мавжуд бўлган оқим. Асосий вакиллари — рассом А. Озанфан ва ҳайкалтарош Ш. Э. Жаннере (Ле Корбюзье). 1910 йилларда авангард оқимлардаги декоратив ғояларни инкор қилган пуристлар, аниқ геометрик шакллардан фойдаланишга интилдилар. Пуристлар ишларига хос хусусиятлар сирасига дой, суст ритм тасвири ва бир хил ашёлар (қозон, стакан ва бошқалар)нинг бичимларини киритиш мумкин. Пуризмга хос бадиий жараёнлар замонавий меъморчилик санъатида ҳам яққол кузатилади, бу Ле Корбюзье объектларида аниқ тасвирланган.

Абстракционизм — 1910 йилда авангард тасвирий санъатда пайдо бўлган йўналиш.



Ле Корбюзье. Уй-жой. (Пуризм)

Эътиборберинг!


Санъатдаги анъанавий шакллардан воз кечиб, шакл ва ҳаққонийликдан бутунлай юз ўгирган абстракционизм — тизимдаги бўёқ, шакл, рангли муҳрлардан фойдаланишда эркинлик тамойиларини тақлиф қилган.

Абстракт санъат пойдевори рус рассомлари В. В. Кандинский, К. С. Малевич, нидерландиялик П. Мондриан, Т. Ванн Дусбюрглар яратган. Казимир Малевич, шунингдек, авангардизмдаги суперматизм деб номланган ўзининг шахсий йўналишлари назариясини яратувчиси ҳамда амалга оширувчиси эди. 1930 йилларда Францияда рассом абстракционистларни бирлаштирган «Аниқ санъат», «Доира ва квадрат», «Абстракция ва ижодиёт» деган гуруҳлар пайдо бўлди.

Ар-деко — XX асрнинг иккинчи ярмининг сўнгги чоракларидаги санъатдаги ёрқин услубга эга оқим, унга монументаль салмоқли шаклнинг тантаналар билан мувофиқлашиши, модерн (ар-нуво) услуби элементларининг кубизм ва экспрессионизм билан мувофиқлашиши, техник дизайннинг таниқли шаклларида фойдаланиш каби хусусиятлар хос. Ушбу йўналишга мазкур атама Халқаро декоратив санъат ва саноат кўргазмасида (Париж, 1925) берилган, ар-деко ушбу кўргазмадан кейин кенг тарқалди ва ривожланди. Ар-деко услубидан машиналарнинг дизайнлари, жиҳозлар, идишлар, фарфорлар, текстил, заргарлик буюмлари, соатлар, шунингдек, техник ускуналар — радио, телефон ва муסיқа автоматларида фойдаланилган. Ар-деко архитектурага, интерьер дизайнга, ишлаб чиқариш дизайнига, модалар соҳасига, графика ва кинематографияга алоҳида таъсир кўрсатган.

1930 йилларда ар-деко вокзалларни, океан лайнерлари ва кўнгилочар боғларни лойиҳалаштиришда кенг қўлланилди.

Адабиётдаги модернизм. Адабиётда модернизм классик роман ва классик поэзия ўрнини эгаллайди. Ҳаётни ва турмушни тасвирлаш ўрнини фалсафий ва психологик хулосага эга бадиий тушунтиришлар эгаллайди.



В. Кандинский. Импровизация.
(Абстракционизм)



К. Малевич. Қора квадрат.
(Супрематизм)

Эътиборберинг!

Модернистик прозада «тафаккуроқими» услуби, яъни фикрлар оқими ва ҳис-туйғуларни адолатли, ўйлаб қабул қилиш ҳамда бош қаҳрамонларнинг руҳияти ўзгаришини баён қилиш усуллари пайдо бўлди (М. Пруст, Ж. Жойс).

Адабиётда модернизм йўналишлари қаторига урушларни тушуниш мавзулари ҳам бор. Модернизм адабиётида Э. Хемингуэй, Э.М. Ремарка ва бошқа ёзувчилар асарлари «йўқолган насл» авлоди сифатида муҳим ўринларни эгаллайди. Модернчилар тоифасига мансуб таниқли ёзувчилар сафида Ф.С. Фитцджеральд, Ж.Г. Лоуренс, А. Деблин, Т. Манн, Ф. Кафка, У. Фолкнер, рус адабиётида — А. Платоновлар бор. Модерн адабиёти чўққиси сифатида М. Прустинг «Йўқолган вақтни излаш» романлари ва Ф. Кафканинг «Жараён» ва «Қулф», Т. Маннинг «Мустаҳкам тоғ», Жеймс Жойсинг «Улисс», У. Фолкнернинг «Шовқин ва нафрат» романлари эътироф этилади. Модернчи ёзувчилар адабиёт қиёфасини тубдан ўзгартириб юбордилар. Бироқ XX асрнинг иккинчи ярмида модернизмнинг ўрнини постмодернизм эгаллади.

Билмингизни текширинг

1. Қандай тарихий даврда «модернизм» тушунчаси билан бирлашган оқим пайдо бўлган?
2. Модернизмнинг асосий хусусиятлари нимада?
3. Барокко, модерн (ар-нуво) ва ар-деко каби услубларни ўзаро нимлар боғлайди?
4. Санъатда қайси оқим авангард оқимига киради?
5. Қандай авангард оқимлар меъморчилик санъатида алоҳида юзага чиққан?
6. Қандай авангард оқимлар урушга қарши йўналишларни юзага чиқарган? Нима сабабдан?
7. Сюрреализм асосида қандай илмий назариялар мужассам топган?
8. XX асрнинг биринчи ярмида санъатдаги қайси оқимлар XX асрнинг иккинчи ярми ва замонавий санъатга алоҳида таъсир кўрсатган?

63-§. ОММАВИЙ МАДАНИЯТ ВА УНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТГА ТАЪСИРИ

Оммавий маданият — дастлаб радио, кейинчалик кино пайдо бўлиши билан вужудга келган, илгари мавжуд бўлмаган оммавий хусусиятга эга, XX аср ҳодисаси. Мана шундай техник воситалар пайдо бўлмаган давргача маданият элитар маданият ва халқ маданияти деб икки тоифага бўлинган.

Санъат — элитар маданият, анъана, фольклор, уй хўжалиги касби-корлари ва ҳунармандчилик халқ маданияти ҳисобланади. XX аср бошларида биринчи оммавий коммуникациялар пайдо бўлганда, «санъат оммага томон одимлади», оммавий маданият ва унга амал қилувчилар — «оммавий тингловчилар», «оммавий томошабинлар» пайдо бўлди. Омма орасида таълимнинг кенг тарқалиши ва саводхонликнинг янгиланган жамиятнинг барча соҳаларида ошиши (ҳар хил сенсациялар ва элиталар

ўртасида низоли воқеаларни, уларнинг ўзаро жанжалларини «эълон қиладиган» «бадийлиги паст» ёки «сарик нашр» ҳисобланадиган) газета ва журналлар таблоидларининг ададини жиддий равишда ошириб юборди.

Шу билан бирга, кўнгилочар адабиётлар (детективлар, қизиқарли воқеалар, комикслар, ишқ-муҳаббат ҳикоялари, ҳар хил «эзотериклар» ва «мистикалар» ҳамда ошхона таомлари тўғрисидаги китоблар ва тиббий фойдали маслаҳатлар ва болалар тарбиясига бағишланган китоблар) халқ орасида алоҳида талабларга эга бўлди. Жамиятдаги барча соҳа вакиллари — мана шундай матбуотлар истеъмолчиларига айланди, шу тариқа «оммавий ўқувчи» атамаси шаклланди.

1930 йилларда АҚШда, кейинчалик бошқа давлатларда ойнаи жаҳон соҳаси ривожлана бошлади, ойнаи жаҳоннинг ҳар бир хонадонга кириб бориши ана шу замон жамиятига катта таъсир кўрсатди. Оммавий ахборотнинг юксалиши натижасида ҳокимият ва ишбилармон аслзодалар кенг халқ оммасига доимий ва ёппасига таъсир кўрсатиш имкониятига ва уларнинг сиёсий қизиқишлари ҳамда истеъмол дидларини шакллантиришга эришдилар. Умуман олганда, оммавий маданият — бу шакллана бошлаган ўрта синфлар маданиятидир.

Оммавий маданият ўз олдида одамларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, чарчоқларини чиқариш мақсадларини қўймайди, балки томошабин, тингловчи ёки ўқувчиларнинг истеъмол тафаккурини рағбатлантиради. Бу ана шу маданиятни танқидсиз қабул қиладиган алоҳида шаклларни қарор топтиради. Бошқача айтганда, инсоннинг руҳиятини босиб олиб, унинг эмоциялари ва ҳиссиётларидан фойдаланади.

Ёддатутинг!

Оммавий ахборот — бу одамларнинг катта қисми дидига мослаштирилган, ҳар хил намуналар орқали кўпаядиган ва замонавий технологиялар ёрдамида тарқаладиган маданият. Оммавий маданият олий дид ва маънавий изланишлар кўзгуси ҳисобланмайди.

Оммавий ахборот воситалари. Оммавий маданиятни оммавий ахборот воситалари шакллантиради, улар:

— оммавий ахборот воситалари (ОАВ): газета-журналлар, радио, ойнаи жаҳон, интернет;

Ушбу дарсда:

- Оммавий маданият;
- Оммавий ахборот воситаларининг таъсир кўрсатиш механизмлари;
- Кино ва ойнаи жаҳоннинг ҳозирги жамиятга таъсири;
- Истеъмол тизимини шакллантиришда реклама ва декорацияларнинг ўрни;
- Оммавий маданият ва элитар маданият тўғрисида билиб оламиз.

Калит сўзлар:

оммавий маданият, оммавий ахборот воситалари, кинематография, ойнаи жаҳон, реклама, Интернет, элитар маданият.

— оммавий таъсир кўрсатувчи воситалар: кино, реклама, мода намуналари, оммавий адабиёт;

— техник ахборот воситалари: телефон, интернет ҳисобланади.

Оммавий ахборот воситалари ва оммавий маданият ташаббускори ва тарғиботчиси сифатида ойнаи жаҳоннинг аҳамияти ҳар ўн йилда бетиним ўсмоқда, фақат интернетнинг пайдо бўлиши ушбу жараёни секинлаштирди. Қандайдир сабабларга кўра интернет тармоғи ривожланган давлатлар ва жамиятда ойнаи жаҳон ҳозирги кунгача муҳим аҳамиятга эга. Томошабинларнинг катта қисми янгиликлар, спорт трансляцияларини, реалити шоулар ҳар хил кўнгилочар хабарларни томоша қилиб, экран олдида бир неча соатлаб ўтирадилар.

Нашр маҳсулотлари билан таққослаганда, ойнаи жаҳон одамларнинг тафаккури ва руҳиятига кўпроқ таъсир кўрсатади. Айрим одамлар ойнаи жаҳонга боғланиб қолади, унинг ҳар доим ёниқ туришини хоҳлайди. Мана шундай қулай имкониятлардан реклама тарқатувчилар унумли фойдаланиб, экранларни рекламаларга тўлдирди, айниқса, барча одамлар ойнаи жаҳон олдида энг кўп тўпланадиган кечки «прайм тайм» вақтдан ўз манфаатлари учун самарали фойдаланадилар. Албатта, ҳар доим томошабинлар дидига мос келмайдиган, омманинг дидини «ўтмаслаштиришни» мақсад қилмайдиган дастурлар ҳатто ойнаи жаҳонларда ҳам бор, улар илмий-маърифий ва ҳужжатли фильмлар ҳамда артхаус кинолар ёки классик муסיқаларга алоҳида эътибор қаратадилар. Бироқ улар бутун ойнаи жаҳонларга юз буриш ясаб, тўлиқ ўзгартиришларга учрата олмади. XX аср ўрталарида радио ахборот асоси сифатида муҳим ўрин эгаллаган, бугунги кунда бу кўрсаткич пасайган. У ҳозир асосан кенг халқ оммаси талабларига мос ҳолда машҳур муסיқаларни тарқатиш ишлари билан шуғулланишга ўтди. Газета ва журналларга келадиган бўлсак, интернет пайдо бўлган даврда уларнинг адади ҳам жиддий равишда камайди, фақат кенг халқ оммаси қизиқишларини вужудга келтирадиган «сарик нашрлар»гина узок вақт талабларга эга бўлди, кейинчалик Интернетдан ўзларига керакли нарсаларни топишга муваффақ бўлган ўқувчилар улардан ҳам қўл уза бошладилар. Ҳозирча фақат рангин журналлар рекламалар орқасида ҳамда замонавий мода намуналари ва «қизиқ ҳаёт»ни тарғибот қилиб, кўрсатувчи сифатида яшаб келмоқда.

Кинематограф узок вақт давомида оммавий кўнгилочар (асосий кино жанри комедия бўлган) ҳамда «ажойиб ҳаёт»ни тарғиб қиладиган восита бўлиб, санъат сифатида қабул қилинмаган. XX аср бошларидаги саноатлашган жамиятда — мана шундай санъат турларининг оммавий тингловчилари, томошабинлари ва ўқувчилари — ишчилар ва майда ходимлар (клерклар) бўлди, чунки ҳукмрон доирага уларни мана шундай тарзларда алдаб, сиёсий кураш ва ҳокимиятни танқид қилишдан узоклаштириш зарур бўлган. Иккита жаҳон уруши даврида ОАВ ва

кино муҳим тарғибот воситаси бўлган. Голливуд Америка ҳаёт тарзини мюзикллар ва романтик комедияларда ҳамда бошқа кино жанрларида бетиним тарғибот қилган бўлса, СССР Сталиннинг қотоғонлик йилларида кенгаш тузумини мадҳ қилган асарларни бирин-кетин экранларга чиқарди. Бу фильмлар халқ орасида машҳур бўлиб, «катта томошабинлар» эътиборига тушди, халқ эътиборини давлатда рўй бераётган воқеалардан бошқа томонга ўтказди. Иккинчи жаҳон уруши даврида кинематография соҳаси ватанпарварликни тарғибот қилиш ишларига алоҳида эътибор қаратади. Масалан, Сергей Эйзенштейннинг «Александр Невский» фильми бир неча марта томошабинлар ҳукмига ҳавола қилинди. Кино давлат назорати остида бўлган давлатларда кинематография кучли тарғибот воситасига айланди. Кинолар жисмоний шахслар (продюссерлар) томонидан олинган давлатларда бундай жараёнлар кенг тарқалмаган.

Реклама ва мода намунаси қайси даврда бўлмасин оммавий истеъмол тизимини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Саноатлашган жамиятнинг сўнгги даври кўп ҳолларда «оммавий истеъмол жамияти» деб аталади, чунки ҳозирги жамияттаги доимий истеъмол инсон ҳаётининг асосий мақсадига айланган. Реклама истеъмолчиларига қачонки янги нарсаларни истеъмол қилиш, уларни ўзлаштириш мажбурий тарзда амалга оширилса, модалар олами инсонни соат сайин янгиланаётган оқимдан, ҳар хил намуналар ва кўрсатилаётган хизматлардан ортда қолмасликка даъват этади, бу бозор иқтисодиёти қонунига оид қоидалар ҳисобланади. Реклама доимий истеъмол жараёнларини шакллантиради.

Интернет маданияти сўнгги ўн йилликларда ахборот воситалари тараққиёти натижасида пайдо бўлган. Олдин асосий ахборот манбалари китоб ва газеталар, радио ва ойнаи жаҳон бўлса, эндиликда уларнинг ўрнини компьютер экранлари, планшет ва смартфонлар эгаллаган. Замонавий компьютер ёки гаджетлар хоҳлаган ахборотингизни бир лаҳзада топиб бериб, видео ва аудиолар билан тўлдиради, манба яратиш ёрдамида ахборотнинг аҳамиятини оширади. Рақамли ахборотларнинг хилма хиллиги ва тасвирларнинг мавжудлиги одамни ўзига жалб қилади. Интернет илк бор пайдо бўлганда, у фақат зарур билимларни сақловчи, қулай ахборот манбаи бўлди, бунинг натижасида одамлар ўз билимларини тоблаган ҳолда, малакаларини оширади деган ишончлар бўлган. Аслида эса интернет яна бир оммавий ахборот манбаи ҳамда реклама ва бошқа таъсир кўрсатиш



Классик кинолар
рекламаси



Ойнаи жаҳон
маҳсулотларининг орасида
халқ онгини қамраб олувчи —
бирнечта юзлаган қисмдан
иборат телеҳикоялар

усуллари воситасига айланган. Ижтимоий тармоқлар ва мессенжерларнинг ривожланиши ҳар хил қитъаларда яшаётган одамларни бир-бири билан боғлабгина қолмай, шу билан бирга миллионлаб одамлар ўртасида тарғибот ва рекламани ўз ичига олади. «Сариқ матбуот»нинг ўрнини онлайн-реклама орқали фойда топишни кўзлаган кликбейт — веб-контентлар эгаллади, лекин вебконтентларнинг сифати ва ахборотларнинг ҳаққонийлиги паст (улар ижтимоий тармоқлардаги қораламалар ва материалларни тарқатиш учун сенсацион мавзулар қўяди ёки ҳар хил расмлардан фойдаланади). Бундай йўналишлардаги мавзулар кўп ҳолларда аниқ ахборот бермайди ва хабарлар сохта бўлади.

Эътиборберинг!

Юқорида таъкидланган оммавий ахборот воситалари таъсири натижасида ҳар бир давлатда ёки дунёда оммавий маданият шаклланди, улар мафкура ва иқтисодиётда муҳим вазифаларни бажармоқда. Оммавий маданият аҳолининг катта қисмини ўз ичига олган ҳолда, уларга муайян мобил маданият ютуқлари ва оддий тимсолларни таклиф қилмоқда. Шу билан бирга, у ижтимоий фикрни забт этиш механизмларини амалга оширган ҳолда, ўртача дидларнинг шаклланишига таъсир кўрсатмоқда.

Оммавий маданият ва элитар маданият. Оммавий кино — бу аниқ жанрларга (комедия, мелодрама, триллер ва ҳ.к.) бўлинган асарлар, уларнинг сценарийлари ҳам муайян қоидаларга асосан юксалиб боради, кинонинг яқуни шартли равишда яхши тугайди (бош қахрамон хўрлик, қийинчиликларни ортда қолдириб, ғалаба қозонади, севишганлар бир-бирига етади, қийинчиликларга учраганлар қутқарилади ва ҳ.к.), бу ерда асосий эътибор юлдуз-актёрларга қаратилади, улар кинонинг «муваффақиятли» чиқишида асосий кафолат ҳисобланади. Оммавий кино тижорат маҳсулоти ҳисобланади. Томошабинлар кинони кайфиятни кўтариш мақсадида томоша қилади, бундай кинолар уларга қизиқарли ҳордиқ ато қилади.

Элитар кино (артхаус) — бу «ҳамма учун мўлжалланган» кино эмас, у бошқача сценарийга эга, охири қандай тугиши номаълум, мураккаб ҳолатларда туширилган ва муайян фалсафий аҳамиятга эга асар. Бундай кинолар томошабинлардан интеллектуал салоҳият талаб қилади. Постмодерн даврида оммавий ва элитар кинематография фарқи борган сари камаймоқда. Биринчидан, оммавий кинолар иқтидорли режиссёрлар томонидан сифати ҳамда бошқача қарашлар нуқтаи на-

заридан суратга олинши мумкин ҳамда улар ажойиб бадиий асарлар асосида яратилиб, уларни миллионлаб томошабинлар томоша қилиши мумкин, иккинчидан, артхаус кинолар замон талабига мос ҳамда бир неча ютуқларга эришиши мумкин. Адабиёт ҳақида ҳам худди шундай дейиш мумкин. Ҳатто ҳозиргидек нашр китоблар ўрнини интернет, смартфон ва гаджет эгаллаган бир пайтда ҳам адабиётнинг ўрнини — фантастика, детектив, хотин-қизлар ҳикоялари каби юмшоқ муқовали бир марта ўқишга мўлжалланган журналлар эгалламоқда. Шу билан бирга, адабиётнинг «нон-фикшн» тоифасига мансуб (бадиий адабиёт эмас, ҳар хил йўналишлардаги изоҳлар, «қандай қилиб чиройли бўлиш мумкин?», «қандай қилиб бой бўлиш керак?» панд-насихатлар) ҳалигача талабларга эга. Шу билан бирга, «ҳақиқий» адабиётлар кам сонли китобсеварлар ва китобни қадрлайдиганлар учунгина чоп этилмоқда.

Ёдда тутиш

Элитар маданият субъекти сифатида мустақил, онгли ҳаракатларга мослашувчан ва оммавий ахборот воситалари таъсиридан ҳоли бўлган ижодкор шахслар эътироф этилади

Элитар маданият мураккаб ва танқидий, янгиликларга ҳамда бадиий танқидларга мослашувчан. У бир неча авлодларнинг маънавий, интеллектуал ва бадиий тажрибаларини вужудига сингдирган. Элитар маданиятга кенг фикрлаш ва қатъий қоидалар хос. Бу маданиятни қабул қилиш учун инсон махсус тайёргарликларга ва юксак маданий дунёқарашларга эга бўлиши керак ҳамда бадиий асарларни қадрлай ва англай оладиган даражага эга бўлиши лозим. Масалан, композициялар санъати томошабинлардан асар мазмун-моҳиятини англаб, фикр юритиш, хулоса чиқариш ва томоша қилган нарсасини такроран ақл элагидан ўтказишни тақозо этади. Элитар маданият мазмундорлиги ва функционаллиги, изчиллиги, алоҳидалиги билан фарқ қилган ҳолда, «зиёлилар маданияти» ҳисобланади. Ушбу «зиёлилар ўртасига» кириш учун ҳар доим дунёқарашларни кенгайтириб бориш керак, бунинг учун мумтоз ва ҳозирги замон адабиётини ўқиш, санъатни қадрлаб, мумтоз мусиқаларни тинглаб, ойнаи жаҳонни кам кўриш керак.

Билмингизни текширинг

1. Оммавий маданият деб нимага айтилади?
2. Оммавий маданиятга қандай ҳордиқ турлари хос?
3. Қайси адабий жанрлар оммавий адабиёт жанри қаторига киради?
4. Нима сабабдан Интернет бир вақтнинг ўзида ҳам оммавий ахборот воситаси, ҳам оммавий таъсир кўрсатувчи восита, ҳам техник ахборот воситаси ҳисобланади?
5. Реклама ва мода намуналари қандай ҳолатларда умумий истеъмолчи жамиятини шакллантиришга таъсир қилади?
6. Тарғибот ва рекламаларни танқидсиз қабул қилиш қандай оқибатларга олиб келади?

ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТНИНГ МАЪНАВИЙ ВА АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРИ



64-§. УМУМИНСОНИЙ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Ушбу дарсда:

- Қадриятлар ва тамойиллар;
 - Умуминсоний қадриятларнинг шаклланиши;
 - Тарихий воқеалар жараёнида қадриятларнинг ўзгариши;
- Анъанавий ва этник қадриятлар ҳақида билиб оламиз.

Калит сўзлар:

қадриятлар тизими, инсонпарварлик, трансформация, фалсафа, дин

Қадриятлар ва тамойиллар. Қадрият деб ашё ва ҳодисалар, мазмуни ва моҳият хусусиятларига айтилади. Айрим шахслар учун бир неча ашёлар ва ҳодисалар алоҳида қадрга эга (мазмуни ва моҳиятига боғлиқ ҳолда) ҳисобланади. Улар сафига севимли ўйинчоғи ёки кўйлағи, онасининг туғилган куни, университет дипломи, суюкли инсондан келган хат, никоҳ тўйи ва бошқалар кириши мумкин. Бироқ ижтимоий-маданий аҳамиятга эга, умуман олганда, жамият учун муҳим бўлган қадриятлар ҳам бор. Бундай қадриятлар маданий қадриятлар ҳисобланади. Улар ўз навбатида моддий ва маънавий қадриятларга бўлинади. Моддий қадриятларга ноёб, тарихий-маданий аҳамиятга эга моддий бойликлар ва технологиялар, маънавий қадриятларга эса ишонч-эътиқод (диний), тил, анъаналар ва урф-одатлар, фольклор, касибчилик ва ҳунармандчилик, санъат, илмий таълимлар киритилади.

Маънавий қадриятлар ичида инсоний қадриятлар энг муҳим қадрият ҳисобланади:

улар инсонпарварлик ва ахлоқий ғоялар, ҳаёт мазмуни ва бахти, раҳмдиллик, бурч, жавобгарлик, ахлоқ-одоб тамойиллари ва намуналаридир. Инсонийлик инсон шахси ғояси, шу билан бирга, ижтимоий тузилма мазмуни ҳам ҳисобланади. Одамлар табиатан тенг бўлганликлари туфайли улар ўртасида «табиий тенгликлар» шаклланган, шунга асосан инсонлар ижтимоий тенгликларга, адолат учун курашга интиладилар. Худди шундай инсоний қадриятлар туфайли олий мазмунга эга адолат ғоялари шаклланади.

«Қадрият» ва «тамойил» тушунчалари ҳар хил маъноларга эга. Қадрият — бу абстракт, умумий тушунча, тамойил эса — муайян ҳолатларга боғлиқ одоб-ахлоқнинг асосий қонунлари ёки қоидалари. Жамиятда шаклланган қадриятлар тизими муҳим аҳамиятга эга, улар қоидалар мазмунига таъсир қилади. Шу билан бирга, қоидалар қадриятларга ҳам таъсир қилади, шунинг учун ҳам қадриятлар тизими жамиятда шаклланган қоидалар бўйича баҳолаш мумкин.



Умуминсоний қадриятлар

Эътиборберинг!

Қадриятлар тизими — жамиятда кенг тарқалган тушунча, ушбу тушунча орқали нималарнинг яхши ва нималарнинг ёмон, тўғри ва зарур эканликлари аниқланади. Ҳар қандай жамиятда шаклланган қоидалар (ахлоқ-одоб қоидалари ва тамойиллари) қадриятлар тизими ифодаси ҳисобланади.

Умуминсоний қадриятлар. Умуминсоний қадриятлар деб, бевосита тарих ёки аниқ тарихий тараққиётлар билан боғлиқ бўлган ёхуд қайсидир этник анъаналар билан боғлиқ ҳолда шаклланган қандайдир маданий қадриятлар турига айтилади. Баъзан бу қадриятлар «абадий қадриятлар» ёки «оммавий қадриятлар» деб ҳам аталади. Қадриятлар ҳамма учун бир хил ёки кўпчилик одамлар учун муҳим бўлса, бундай қадриятлар умуминсоний қадриятларга айланади.

Умуминсоний қадриятлар ахлоқий, эстетик аҳамиятга эга, инсон табиатидан иборат. Умуминсоний қадриятлар ҳар хил тарихий даврлар ва ҳар хил ижтимоий-иқтисодий тизимларда яшаган умуминсоният манфаатларини ўз ичига олади.

Эътиборберинг!

Умуминсоний қадриятларнинг кўплиги ва барқарорлиги одамларнинг умумий табиатида акс этади, бунга уларнинг антропологик хусусиятлари, келиб чиқиши, сиёсий тамойиллари ва миллати, шунингдек, билим даражаси ва даромадларининг мутлақо алоқаси йўқ.

Инсониятнинг катта қисми учун ноёб бўлган бир неча умуминсоний қадриятлар инсоният тамаддунининг тараққиёт даврида ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Улардан бир нечаси 1948 йилда қабул қилинган БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Декларациясида акс этган. Умуминсоний қадриятлар сирасига қуйидаги омиллар киради. Улар: инсон ҳаёти (энг биринчи ва асосий қадрият), озодлик ва мустақиллик (қул сифатида сақлаш ва ҳибсда сақлаш, шафқатсиз ҳаракат сифатида эътироф этилади), маънавий эркинлик (барча маданиятларга, айниқса, динга қарши ҳужум қилиш қаттиқ жазоланади) тенглик ва биродар-

лик, ижтимоий адолат (албатта ҳар бир жамият ижтимоий адолат ва ижтимоий интизом бўйича ўз тамойилларига эга), тинчлик (оилада ва жамиятдаги тинчлик, бутун дунёдаги тинчлик), дўстлик ва ўзаро ҳамкорлик (ёлғизлик, қатағонлик, ижтимоий таъқиблар барча маданиятларда салбий ҳодиса сифатида эътироф этилади), севги-муҳаббат, оила, болалар ва турар-жойлар, фаровон ҳаёт (ҳеч қайси маданиятда қашшоқлик қадрият ҳисобланмайди), саломатлик («камбағал ва ногирон бўлгунча, соғлом ва бой бўлган яхши»), хавфсизлик (шахсий, оилавий ва оммавий, бизнинг давримизда миллий), яқинларига нисбатан меҳрибон бўлиш, ақл-фаросатлилиқ, ютуқ, ижодкорлик, ижтимоий англашувчанлик, фароғат, дилхушлиқ, ўзини-ўзи ҳурмат қилиш ва ички мувозанат (ўзи билан ўзи чегараланган одам, кўп ҳолларда жамиятдан четда қолади), ички интизом (ҳар қандай жамиятда ўзини тута оладиган одамлар ҳурматга сазовор бўла олади), адолат, хайрихоҳлик (ўз оиласига, жамоасига ва ҳ.к. адолатли бўлиш), маъсулиятлилиқ (бурч), гўзалликни ҳис қилиш, кечиримлилиқ.

Умуминсоний қадриятларнинг шаклланиши. Инсоният умуминсоний қадриятларни қадрлашга бирданига эришмаган. Чунки тамаддун, маданият ва миллатлар ўртасида ўзаро тафовутлар бор, улар ўртасидаги ушбу фарқлар қадриятлар тизими орқали аниқланади. Масалан, айрим жамиятларда оилавий қадриятлар, катталарни ҳурмат қилиш ва уларга қулоқ тутиш, меҳмондўстлик қонунлари шарт ҳисобланади, бошқа жамиятларда эса, бундай фазилатлар учрамайди ёки мажбурий инсоний талаблар (императив) ҳисобланмайди. Дунё аҳли келиб чиқиши ва табиатига кўра бир хил, шу билан бирга, қадриятлар ҳамма учун умумий эканини тушунтириш учун жуда катта куч-ғайрат ва матонат сарф қилинади.

Фалсафа ва дин, ҳуқуқ ва сиёсат, адабиёт ва санъат, иқтисодиёт ва дипломатия инсон жамиятининг уйғунлиги ва улар ўртасидаги тинч алоқаларни шакллантириш учун хизмат қилади. Йирик этник-фалсафий таълимотлар ва жаҳон динларининг пайдо бўлиши, ушбу таълимотлар ва динлар доирасида муайян инсоний қадриятлар тизими ва этник тамойилларнинг шаклланишига таъсир кўрсатган. Шунингдек, инсонларнинг бир-бири билан ўзаро яқинлашиши ва умуминсоний қадриятлар тизимининг шаклланиш жараёнларини жадаллаштирган.

«Инсонпарварликнинг олтин қондаси». Тарих олдинга томон одимлагани сари жамият ва маданият бир-бири билан чамбарчас алоқа ўрнатган ҳолда инсон табиати, онг-тафаккури ва эмпатияси (умумий ташвишлар) ҳамда умуминсоний идеалларидаги умумийликларни тегран англаб, ўзаро яқинлашаверади. Албатта, ҳар хил динлар ва таълимотлардаги гуманизм кодексларида ўзаро умумий хусусиятлар ҳам учрайди: бундай хусусиятлар сирасига ҳаётни, саломатликни, фақат ўзининг эмас, бошқаларнинг ҳам шахсиятини ҳамда ор-номусларини ҳурмат қилишни киритиш мумкин.

Кўп динларда, конфуций ва қадимги замон фалсафаси асосларида, «инсонпарварликнинг олтин қоидалари» мужассам этилган. «Одамларнинг ўзингизга нисбатан қандай муносабатда бўлишни хоҳласангиз, Сиз ҳам одамлар билан ҳам шундай муносабатда бўлинг».

Раҳмдилликка асосланган бундай ижобий концепция қоидаси «инсонийлик қоидалари» деб ҳам аталади. Инсонпарварликка хос олтин қоида гарчи жаҳон этикаси тамойиллари асосчиси ҳисобланса-да, бу ҳар хил маданиятларда ҳар хил баҳоланади. Олтин қоидаларнинг ўзаро алоқа жараёнлари табиий дунёда ҳам кенг тарқалган: масалан, ҳиндларнинг жайнизм таълимотига кўра, инсон ҳеч қандай ҳайвонлар, жонзотлар, ҳаёт эгаларини ўлдириши, қийнаши, азоблаши мумкин эмас. Француз файласуфи Ж.-П. Сартр инсонпарварлик тамойилини зиёли гуманитар шаклда қуйидагича талқин қилган: «Биз танлаган нарсаларнинг барчаси бойлик ҳисобланади. Бироқ кўпчилик томонидан бойликка айланмаган нарсалар, биз учун ҳам бойлик бўла олмайди».

Тарихий воқеалар тармоқларида қадриятлар трансформацияси. Умуминсоний қадриятлар инсон ва кишилик жамияти томонидан яратилди. Ҳатто ғорларда яшаган одамлар ҳам замонавий одамлар каби ёшлик ва саломатлик, роҳат-фароғат ва хавфсиз ҳаётни яхши кўрган. Ҳозирги айрим қадриятлар, қадим замонларда бундай мазмунларга эга эмас эди. Масалан, бугунги кунда энг олий қадрият ҳисобланадиган инсон ҳаёти, инсоният яралган ибтидоий даврларда ҳеч нарсага арзимайдиган, қадрсиз нарса бўлган.



Венгриядаги туркий халқларнинг фестивали. 2012 йил, август

Индуизм динида инсон вафот этгандан кейин унинг рухи бошқа жонзотлар ичига кириб боради, деган тушунча бўлган. Бошқа динларда ҳаёт Худонинг совғаси («Худо беради, Худо олади») деб, одамларни ҳаёт ва ўлимга жиддий қарашга даъват этган. Антик фалсафа вужудга келгунга қадар инсонийлик тушунчаси шаклланмаган эди. Антик фалсафа, христиан дини этикаси, Уйғониш Даври гуманизми ҳамда Янги замон рационализи, Кантнинг тоифали императив этикаси, саноатлашган жамиятнинг ривожланиб, жамоалар ўртасидаги чегараларга барҳам берилиб, индивидуал аҳамиятнинг ошиши, ҳаётга нисбатан кўзқарашларни ва қадим замонлардан бери келаётган умуминсоний қадриятларни ўзгаришларга учратди. Бунга эркинлик, тенглик ва биродорлик каби қадриятлар мисол бўла олади.

Тенгсизликлар, жамоавий, синфий ёки иерархик бўлинишлар — жамият ва маданиятга хос кўринишлар ҳисобланади. Масалан, ҳинд жамиятининг варна ва касталарга бўлиниши, унда одамларнинг туғилган пайтидан бошлаб тенгсизликларга учраши, бир хил ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлмасликлари, ана шу ижтимоий тузилмаларнинг илк асосларидан бошланган. Ёки анъанавий қозоқ жамиятида мавжуд бўлган «аслзодалар» ва «қора халқ» сифатидаги бўлинишлар ҳам бунга мисол бўла олади. Янги замонгача французлар жамияти ҳам бошқа аграр жамиятлар каби, жамоавий ва иерархик жамият сифатида бўлинган, бу ерда феодаллар ва деҳқонлар мутлақо тенг бўлмаган. Фақат Маърифатпарварлик ғоялари билан қаноат ҳосил қилган, Буюк Француз инқилобигина, «озодлик, тенглик, биродорлик» шиорларини ўзлари учун бош тамойилларга айлантирган. Янги буржуазия тартиблари инсонларни тенглаштиришга интилиб, барча «фуқаролар»нинг бошини қўшган ҳамда ягона фуқаролик жамиятини шакллантиришга эришган. Дунёда минглаб йиллар давомида қулдорлик тузуми ҳукмронлик қилган, деҳқонлар қарам ва тобе бўлган, одамларни шахсий эркинликларидан жудо қиладиган даҳшатли қулдорлик турлари пайдо бўлган.



Кавказ халқлари анъаналари



Славян халқлари анъаналари

АҚШ ва Лотин Америкасидаги давлатларда қулларга эгалик қилиш XIX асргача чўзилган. Россияда деҳқонларни қарамликдан озод этиш ва Америкадаги қулдорлик тузумига қарши курашлар инсониятнинг инсонийлик йўлидаги муҳим қадами бўлди. Мана шундай эзгу ҳаракатларга қарамасдан, ирқчилик ва камситишлар, миллий бўлинишлар, ўтган қулдорлик тузуми қолдиқлари сифатида узоқ вақтгача сақланиб қолди. Одамларни оммавий тарзда эркинликлардан жудо қилишнинг ҳар хил шакллари ва иқтисодиётдан ташқари зўравонликлар асосида ишга жалб қилиш XX асрда ҳам учрайди: масалан, Сталин ГУЛАГи, фашистлар концлагерлари, маоист ва полпот меҳнат лагерлари бунга далил бўла олади. Тарихий даврларда одамлар бир-бири билан ўзаро нифоқлашиб, урушлар олиб борган, улар фақат ҳимояланиб қолмасдан, ҳужумлар уюштирган, бир-бирини шафқатсизларча қирғинбарот қилган, ҳибсга олган, талон-тарож қилган, бир-бирига азоб-уқуқбатлар келтирган.

Яшаш учун курашиб, қонли жангларда ўзларини (оила аъзолари ва жамоаларини) ҳимоя қилиб, озодлик ва хавфсизлик учун урушган бўлсалар ҳам инсон барибир тинчлик ва адолат қарор топишини орзу қилган. Аслида уруш қандай бир бир эзгу ишлар, айниқса, ер учун бўларди. Ерга эгалик қилиш одамларни дарбадарликдан ва очарчиликдан ҳимоя қилди, бу оила ва жамоаларнинг хотиржамлиги, бежавотир яшаши учун кафолат бўлди. Тарихда умуминсоний қадриятларни инкор этиш ва ушбу қадриятларни айрим ижтимоий гуруҳларга, этносларга, миллатлар ва тамаддунларга (масалан, христиан) жорий этиш каби ҳаракатлар кўплаб учрайди. Саноатлашган жамият даврида миллий давлатларнинг шаклланиши миллий қадриятларга доир муаммоларни юзага чиқарди. Этномиллий асосдаги миллий давлатларнинг ташкил этилиши, у ерларда фуқароликни шакллантирган миллатларнинг катта қисмининг битта миллат вакиллари билан бўлиши, биринчи ўринда этник қадриятларни чиқарди.

XX асрнинг дастлабки даврларида рўй берган иккита жаҳон уруши инсоният тарихида жуда катта трагедия ҳисобланади, ушбу хасратлар умуминсоний қадриятларнинг аҳамияти нечоғли қадрли эканлигини яққол исботлайди. Оммавий қирғин қиладиган ядро қурол-яроғларининг пайдо бўлиши, биринчи навбатда, урушларнинг олдини олиш муаммоларини кўндаланг қўяди. Ғоявий сиёсий курашлар жараёнида бир неча анъанавий қадриятлар умуминсоний қадрият сифатида дунё миқёсига чиқди. Улар орасида, айниқса, тинч йўллар орқали қаршилиқ кўрсатиш (ёмонликка яхшилиқ билан жавоб бериш) концепциясини айтиш мумкин. Бу каби ҳаракатлардан ҳиндларнинг миллий озодлик ҳаракати раҳнамози Махатма Ганди ўз кураш усули сифатида қўлланган. Тинч қаршилиқлар бошқа ҳудудларга ҳам тарқалган, миллионлаб қалбларни забт этган, дунё инсонпарварлик иқлимига ижобий таъсир кўрсатган.

Бироқ дунёда ҳалигача худди илгаригидек ҳар хил халқларнинг қадриятлар тизими ва муҳим ахлоқий тузумлар ўртасида қарама-қаршилиқлар учрайди, уларнинг фуқароларни ажратишдан кўра бирлаштиришдаги аҳамияти катта. Ҳозирги кунда антик, христиан гуманистик ғоялари, Янги замон рационализи, XX ғасрнинг тинч парадигмаси ҳалигача долзарб муаммо ҳисобланади. Умумий қадриятларнинг шаклланиши, алоҳида этнослар ўзларининг мустақил қадриятлар тизимига эга бўлишни инкор этмайди.

Анъанавий ва этник қадриятлар. Умуминсоний қадриятлардан ташқари, анъанавий ва этник қадриятлар ҳам шаклланган.

Эътиборберинг!

Бошқалар билан таққослаганда унинг фарқи ва ўзига хос хусусиятини аниқлайдиган, алоҳида ўзига хос белгиларига кўра, алоҳида олганда этносларнинг маданий анъаналари йиғиндиси — этник қадрият ҳисобланади, улардан кўпчилиги анъанавий қадриятлар сирасига киради ва тамаддунлардаражасини шакллантиради.

Умуман айтганда, тамаддунларда умумий қадриятлар ҳам учрайди. Масалан, туркий халқларда қариндошлиқ, уларнинг келиб чиқишларига доир ўхшашликларга боғлиқ ҳамда кўчманчилар тамаддунига хос хусусиятлар туфайли шаклланган, ўзаро умумий белгилар кўп учрайди. Туркий халқлар билан умумий алоқаларга эга бўлмаган, эроний кўчманчиларда ҳам улар билан бир неча умумий қадриятлар учрайди (масалан, оилавий-қариндошлиқ жамоаларга адолатли бўлиш), бу тамаддунларга хос ўхшашликларга боғлиқ ҳолда вужудга келган. Ҳинд, ислом, христиан, будда халқларида дин билан боғлиқ умумий қадриятлар қарор топган. Конфуций динидаги ахлоқлар фақат хитойликлар орасида эмас, шу билан бирга, Узоқ Шарқда яшовчи бошқа халқлар орасида ҳам кенг тарқалган.

Этник қадриятлар ҳар бир этносларга хос ҳамда ўзларига ана шу этносларнинг урф-одатлари ва расм-русумлари, дини, мифологияси, фольклори, мусиқаси ва адабиёти, халқларнинг бадиий маданияти (оилавий касб-корлари, декоратив-амалий санъати), шу билан бирга, Ватан олдидаги бурчи, ўзининг оила аъзолари ва жамоасига муҳаббати, инсонпарварлик қоидалари, худди шу этносларнинг тушунчаларидаги маиший тенгликлар ва ижтимоий адолатни англаш, раҳбарларга анъанавий тарзда ҳурмат кўрсатиш ҳамда шаклланган ва доимий равишда ривожланиб, янгиланадиган, сақланган қоидалар ва ҳаётдаги мақсадли қадриятларни ўз вужудида тўплайди.

Айрим қадриятлар этник тафовутлар хусусияти ва этносларнинг бир хилликларини аниқлайдиган, субъект сифатида муҳим аҳамиятга эга. Бундай қадриятлар сирасига «миллий» тимсолга эга бир неча хусусиятлар киритилади, улар яшашнинг анъанавий шакллари, маиший одатлар ва этикет хусусиятлар, диний хусусиятлар, кундалик

дунёқараш элементлари, миллий мифология, халқнинг бадиий тимсоли каби қадриятлардир.

Бу этник қадриятлар этногенез жараёни даврида шаклланган. Кейинчалик улар сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ҳарбий, диний, бадиий маданият соҳаларида шаклланган маданий шакллар билан мукаммаллашди. Бу — миллий давлатчиликнинг, бошқарув тизими ва ижтимоий шаклнинг, конфессионал, бадиий-услубий хусусиятларнинг анъанаси ва объекти.

Эътиборберинг!

Этник қадриятлар этносларга доир маданий хусусиятларнинг рамзий тимсоли ҳисобланади, бу этник бир хилликларни шакллантириш ва сақлаш учун жуда муҳим вазифаларни бажаради.

Билмингизни текширинг

1. Қадриятлар тизими деб нимага айтилади?
2. Инсоний қадриятлар қандай қадриятлар гуруҳига мансуб?
3. Умуминсоний қадриятларни сананг.
4. Умуминсоний қадриятларнинг қарор топишига қандай омиллар таъсир қилган?
5. XX асрда рўй берган қандай воқеалар БМТнинг Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Декларацияси қабул қилинишига олиб келди?
6. Қандай қадриятлар этник қадриятлар сирасига киради, анъанавий қадриятлар сирасига-чи?

Топшириқ:

Қўшимча манбалардан фойдаланиб, БМТнинг 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари Декларацияси тўғрисидаги модда иловасидаги манбалар билан танишинг, саволларга жавоб беринг.

А. Декларацияда ифодаланган инсонга тегишли қандай ҳуқуқлар умуминсоний қадриятлар сирасига киради?

Б. Сизнингча, Декларацияда ифодаланган инсоннинг қандай ҳуқуқлари анъанавий ва этник қадриятларга зид келади?

65-§. ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ ЎЗГАРТИРИШ МУАММОЛАРИ

Саноатлашган жамиятда қадриятларнинг девальвацияланиши. Умуминсоний қадриятлар инсоннинг маънавий-ахлоқий қадриятлари асосини ташкил этади. Анъанавий ва этник қадриятлар билан такомиллашиб, шахсий ва ижтимоий фаровонликлар билан барқарор равишда ривожланишни, келажакка нисбатан ишончларни шакллантиради.

Эътиборберинг!

Ҳар бир жамият учун умуминсоний қадриятлар қиймати барҳам топмагани алоҳида аҳамиятга эга, чунки бу жамиятни ижтимоий инқирозга учратади, энг мураккаб шароитлар-

Ушбу дарсда:

- Қадриятлар ҳамда Умуминсоний ва анъанавий қадриятларнинг девальвацияси;
- Истеъмолчи жамиятида қадриятларнинг ўзгариши;
- Глобаллашувшароитида ғарб ва анъанавий қадриятлар тўқнашувлари ҳақида билиб оламиз.

Калит сўзлар:

либерал-демократик қадриятлар, қадриятларнинг девальвацияси, анъанавий қадриятлар, этник қадриятлар, прагматизм, рационализм, индивидуализм, истеъмолчи психологияси, истеъмолчи, конформизм, нигилизм, ижтимоий апатия, ёшлар субмаданияти, диний фанатизм, исломизм, исломофобия.

да эсаурушга олиб келади. Анъанавий ва этник қадриятлар, айниқса, маънавий-ахлоқий қадриятлар бошқа қадриятлар билан аралашиб, сиқиб чиқарилмаслиги жуда муҳим, чунки бу омил бир хилликларни ўзгартиришга олиб келади. Натижада этнослар салбий ҳаракатларга учраши мумкин.

Саноатлашган жамиятда умуминсоний, жумладан, ҳар хил қадриятларнинг девальвацияга (қадрсизланишга) учраши Европа ва Шимолий Америкадаги Янги Замондан бошланган ижтимоий жараёнлар таъсири ҳисобланади. Жамоатлар ва жамоавий алоқалар ўртасида алоқаларнинг узилиши, черковлар ва дин таъсирининг кучсизланиши, индивидуализм ва прагматизм, рационализмнинг ривожланиши бозор иқтисодиёти билан бирга қарор топди.

Ёддатутинг!

Прагматизм — ҳаётда ижобий натижаларга эришиш учун фаол ҳаракатларга интилиш ва тўғри қадам қўйиш ҳамда ижобий ёндошувлар, инсоннинг ўз ҳаракатлари самарали бўлишидан манфаатдорлиги. **Рационализм** — ҳаётнинг асоси ва инсонларнинг хулқ-атворларида онг-тафаккур мақсади тамойили мужассам деб ҳисоблайдиган дунёқараш ёндошуви.

Прагматизм ва рационализм уйғунлашган ҳолда, умуминсоний қадриятлар сифатида тан олинishi уларга ҳаёт, тенглик, ижтимоий адолат, адолатлилик, саломатлик, шу билан бирга анъанавий ҳамда этник қадриятлар, жамият ривожланишига олиб келади. Бироқ прагматизм ва рационализмнинг ҳамда индивидуализмнинг қаттиққўл шакллари умуминсоний қадриятларнинг барҳам топишига олиб келади.

Шахсий даромади ва фойда топиш йўлига тушган тадбиркорлар тенглик ва ижтимоий адолат, фаровонлик, умидсизлик, ҳалоллик каби қадриятларни ёддан чиқариши мумкин, шунингдек, ўзининг шахсий фаровонликлари ва фойдасини ҳалол йўллар билан эмас, бошқа одамлар орқасида, улардан шафқатсизларча фойдаланиш орқали топиши мумкин.

Ривожланган Америка жамияти фақат ҳар бир алоҳида одамларнинг уддабурронлиги, малакалилиги, шахсий меҳнатлари орқасидагина шаклланмаган, шу билан бирга, «эгасиз» ерларни босиб олиш ва маҳаллий аҳолини хонавайрон қилиш, жанубий штатларда қуллар меҳнатида

фойдаланиш ҳамда XIX аср охирларида — ишлаб чиқариш масканларидаги одам чидаб бўлмайдиган конвейерлар тизими ва кам ойлик оладиган ишчиларнинг ҳисобидан равнақ сари юз тутган. Бундай ҳоллар Британия империясида ҳам кузатилади, улар ишчилардан бепул фойдаланиш ва мустамлакачиларга хос эксплуатациядаги ҳуқуқларга эга бўлмаган халқлар ҳисобидан кучайди. Кучли прагматизм ва индивидуализмда шахсий фойда биринчи ўринга қўйилади, одамларни «мақсадга эриштирадиган барча пуллар яхши» деган тамойилларга риоя қилган ҳолда яшашга даъват этади. Кучли индивидуалист бошқа одамларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳеч қачон инобатга олмайди, уларни эътироф этмайди. Саноатлашган жамият тарихида «олтин ирмоқ»ни топиб, тасодифан бирданига бойиб кетган, миллиардлаб пул топган, обрў ва номусни ўйламасдан ижтимоий зинапоялардан тезда юқорига кўтарилган одамларни кўплаб мисол келтириш мумкин.

XX аср бошларидаги умуминсоний қадриятлардаги инқирозлар — бу шу пайтдаги ижтимоий инқирозларнинг энг асосий сабабларидан биридир. Бу вақтда бутун Осиёни қамраб олган инқилоблар алангаси бир неча ўзгаришлар содир бўлишига олиб келди, аграр жамият ўзларини эксплуатация қилаётган саноатлашган жамиятга қарши чиқди, шунингдек, аграр жамият учун ҳам ўзгаришлар яратиш мавриди келган эди. Биринчи жаҳон уруши, даврлар зиддиятининг аччиқ ҳақиқатларини аниқлаб, саноатлашган жамиятнинг тараққиёт йўлига доир хавф-хатарларни намоёни қилди. Россиядаги Февраль инқилоби ва ижтимоий адолатларни шакллантиришни мақсад қилган кенгашларча синовлар, фаровонликнинг асосий тамойилларига барҳам берган ҳолда, инсонларни маънавий эркинликларидан маҳрум қиладиган тоталитар тизимнинг шаклланишига олиб келди. 1930 йилларда АҚШда рўй берган инқироз шу вақтдаги капиталистик тузилма ҳалигача такомиллашмаганини яққол англатди. Италия ва Германиянинг асосий мафкурасига айланган фашизм ва миллатчилик, Иккинчи жаҳон уруши бошланишига сабаб бўлди, шу билан бирга, умуминсоний қадриятлар эътибордан четда қолдирилса дунёда қандай ҳасратлар қарор топишини, қандай глобал ҳалокатлар юз беришини ҳам намоёни қилди.

Умуман олганда, ижтимоий кескинликлар ва инқилобларнинг олдини олиш учун одамларнинг иқтисодий ва ижтимоий шароитларини тенглаштиришда бир неча муҳим вазифалар бажарилди.

Ушбу давлатларда кўплаб ўрта синфларнинг шаклланиши, уларнинг ижтимоий адолат ва тенг имкониятлар қарор топган жамиятга яқин бўлишига йўл очди. Ривожланган демократик давлатларда қонунларни бузмасдан ҳимоя қилишга мўлжалланган ҳуқуқий тизимлар шаклланди. Инсоннинг асосий ҳуқуқларини, айниқса, яшаш ҳуқуқлари ва эркинликларини бузиш, шахсий ҳаётига раҳна солиш, камситиш сифатида эътироф этилиб, қонун билан жазоланди. Жамиятдаги барча фуқароларнинг сиёсий ҳаётга аралашиб, давлатнинг муҳим муаммо-

ларини ҳал қилишда иштирок этадиган ҳамда инсон ҳуқуқларини бузилмаслигини назорат қиладиган фуқаролик жамияти шаклланади. Ирқчиликка қарши кураш, мультикультурализм, экологик «яшиллар» ҳаракати, таълим ва жисмоний шахслар эркинликларининг афзалликлари ҳар қандай ривожланган ғарб давлатлари учун нормал шароит ҳисобланади.

Саноатлашган иқтисодиётдаги тараққиёт ва Америка, Европа ҳамда Осиёдаги (Япония ва «Осиё йўлбарслари» — Жанубий Корея, Сингапур, Гонконг ва Тайван) ривожланган тамаддунлашган давлатларда ўрта синфларнинг даромадлари ва ҳаёт тарзининг ошиши, мазкур давлатларда истеъмолчилар жамияти шаклланишига олиб келди. Бу ривожланган саноталашган жамиятга хос кўринишлардан бирига айланди.

Мазкур давлатларда шаклланган моддий фаровонликларнинг яхши томонлари билан бирга салбий томонлари ҳам юзага чиқди. Эндиликда одамларнинг катта қисми (асосан, ривожланган давлатлар аҳолиси) яшаш учун жон-жаҳдлари билан курашмайди ва «бир парча нон» учун ишламайдиган ҳолатларга етиб борди, бундай ҳолатлар инсоният тарихида биринчи марта рўй бермоқда. Нидерландия, Норвегия, Швеция, Германия, Дания каби давлатларда иш ҳафтасига фақат 27—37 соатни ташкил этди, шунга қарамасдан меҳнатга тўланадиган ҳақ юқори даражада бўлди. Бундай ҳолатлар одамларга ўзларининг малакаларини ошириш ҳамда ижодий ишлар билан шуғулланиш, саёҳатларга бориш, оила аъзоларига эътибор қаратиш, дўстлари билан тез-тез алоқалар ўрнатиш, кўрғазмалар ва концертларга кўпроқ бориш имкониятларини яратди. Яшаш учун курашдан фориғ бўлган одамлар ижтимоий ёндашув нуқтаи назаридан қаралганда фаол ва ҳар хил йўналишлардаги ижтимоий ҳаракатларда тез-тез иштирок этди. Агар жамиятдаги одамларнинг билими ва умумий маданият даражаси паст бўлса, у ҳолда моддий фаровонлик, истеъмол психологияси ва конформизмнинг шаклланишига олиб келади.



Глобаллашувга қарши ҳаракатлар

Эътиборберинг!

Истеъмол психологияси асосига маркетинглар ўз маҳсулотларини қандай самарали ўтказишни (бу фан дунёда 1960 йиллардан эътиборан ривожлана бошлаган) ўрганиб келаётган психологик истеъмол эмас, аксинча, одамнинг сотиб олишга кучли боғлиқ бўлиши, яъни истеъмолчилик (консюмеризм) киради, бу кўп ҳоллардануфузли ижтимоий гуруҳларга яқин бўлиш мақсади орқали вужудга келадиган одатлар.

Истеъмол қилиш орқали ижтимоий афзалликларга интилиш ғоялари, харидор тафаккур қилган маҳсулотнинг ўзига эмас, уни сотиб олиш завқ бағишлайди деган ишончларни шакллантиради.

Бундай одамлар учун қимматбаҳо маҳсулотларни сотиб олиш ва хизматлардан фойдаланиш ҳаётининг мазмуни ва мақсадига айланди. Улар учун бахт тушунчаси истеъмол даражасига боғлиқ бўлди. Истеъмолчилик ташқи фаровонликлар аҳамиятини оширган ҳолда, ички қадриятларнинг камайишига олиб келди, инсонийликга хос тамойилларни бузди. Ривожланган бозор иқтисодиёти жамият ва инсонни пул култига таъзим қилдирди. Барча нарсалар маҳсулотларга айланди, хоҳлаган нарсани сотиш ва сотиб олиш мумкин бўлиб қолди, булар сирасига мутахассислик, таълим, даражалар ҳам киритилди. Бунинг натижасида инсон бахт ва жисмоний тинчликни ўйлашни эмас, аксинча, фойда ва даромад келтирадиган иқтисодий машиналарнинг бир қисмига айланди. Ривожланган жамиятга хос яна бир мураккаб муаммо шуки, бундай жамиятларда конформизм ёки мослашувчанликлар ўрин эгаллади. Ҳаётга истеъмолчи сифатида қарайдиган одамлар ўзларининг қулай ҳаётларини барча қадриятлардан устун қўяди, шунингдек, ушбу фаровонликларини сақлаб қолиш учун барча «ноқулай» шароитларни писанд қилмайди, улар «ўзим соғ-саломат бўлсам бас, бошқалар билан нима ишим бор» деган тамойилда яшайдилар. Бундай одамларда эмпатия туйғулари паст бўлади, яъни яқин қариндош уруғларига нисбатан меҳр бўлмайди. Конформизмнинг оммавий кўринишлари шакли сифатида «олтин миллиардлар»нинг кўп вакиллари (ривожланган индустриал ва постиндустриал жамиятдаги ўрта синфларнинг) ривожланаётган мустамлака давлатлардаги босқинчиликларга, Африка ва Осиёдаги очарчилик ва йўқчиликларга, шу билан бирга бутун дунёдаги инсон ҳуқуқлари бузилишига беписанд тарзда қарашларини айтсак бўлади.

Ривожланган саноатлашган жамиятларга ёшларнинг истеъмолчи жамиятга қаршилиги сифатида шаклланган субмаданиятлар ҳам хос. Кўп ҳолларда бундай субмаданиятларга (хиппи, панк, гот, эмо, экстремаллар, байкерлар, футбол ишқибозлари каби) нуфузли ижтимоий истеъмолчилар гуруҳига мансуб бўлмаган, ёшлар жалб қилинади. Бундай вояга етмаган ёшлар учун ёшларнинг субмаданиятлари жамиятшуносликнинг муҳим белгиси ҳисобланади. Ёшларнинг субмаданиятларидан айримлари салбий хусусиятларга эга, бундай муҳитга кириб қолиш ёшларнинг соғлигига зарар етказиб, уларнинг асабига тескари таъсир кўрсатади.

Тоталитар ва нодемократик жамиятларда қадриятлар инқирози. Инсон ҳуқуқлари тез-тез ва доимий равишда поймол бўлиб турадиган, тоталитар ва нодемократик давлатларда, одамлар келажакдан умидларини узиб, болаларнинг келгуси ҳаётига ишончсизлик билан қарайдилар. Улар жамиятда келажакда қарор топадиган ижобий ўзгаришлар имкониятларига, камбағаллик ва ижтимоий диспропорцияларга (бундай жамиятда камбағаллар ва чаласавод аҳоли сони кўп бўлади) ишонч бўлмайди, шунингдек ўзларига ҳам (даромад келтирадиган алоҳида йўлга), ҳатто бутун жамиятга нисбатан ишончсизлик билан қарайди.

Эътиборберинг!

Бундай жамиятга ижтимоий ҳаракатсизликлар — сиёсий ва ижтимоий ҳаётда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан беписандлик, оилавий ҳаёт босқичида қолиш, турмуш ташвишлари билан боғланиб, шахсий муаммоларидан ташқарига чиқа олмаслик каби унсурлар хос.

Ижтимоий ҳаракатсиз одамлар сайловларга бормади, чунки сайловнинг адолатли ўтишига ишонмайди, митинглар ва йиғилишларда иштирок этмайди, сабаби улардан тегишли натижа чиқишидан шубҳаланади. Айрим ҳолларда инсон нигилизм исканжасиги тушиб қолади — улар ўзлари яшаётган жамият ва унинг институтларини, шу билан бирга, жамиятда тан олинган қадриятларни, жумладан анъанавий (масалан, черков) ва этник (жумладан, оила ҳам бор) қадриятларни инкор этади, тан олмайди. Нигилистлар кўп ҳолларда жамиятга қарши позицияга эга бўлиб, ижтимоий тизимларни радикал усуллар билан ўзгартиришни кўзлайдиган, экстремистлар ва анархистларнинг ҳамда инқилобчиларнинг сафини тўлдирадилар.

Глобаллашув шароитида ҳар хил қадриятлар тизимининг тўқнашувлари. Глобаллашув шароитида — бутун дунё иқтисодий, сиёсий ва маданий интеграциялар ҳамда унификацияларда, сўнгги ўнлаб йилларда шаклланган жараёнлар — бошқа муҳим муаммоларни вужудга келтирмоқда. Ғарб¹ оммавий маданияти бошқа дунёларга бошқача таъсир кўрсатиб, ғарбнинг либерал демократик қадриятлар тизимига мансуб қадриятларни кенг кўламда тарқатмоқдалар. Албатта умуминсоний қадриятлар сирасига кирадиган айрим қадриятлар, анъанавий қадриятларга устунлик қиладиган, шарқ² давлатлари учун ҳам нормал ҳисобланади.

¹ Ғарб давлатлари деб индустриал ва постиндустриал жиҳатдан ривожланган жамият, асосан Европа христиан тамаддунига мансуб давлатлар ҳисобланади. Ғарб тамаддуни — (келиб чиқиши) Европа, христиан тамаддуни.

² Шарқ давлатлари дейилганда аграр (анъанавий) жамиятга мансуб Осиё ва Африкадаги давлатлар тушунилади. Дунёдаги давлатларнинг маълум бир қисми, масалан, Латин Америкаси давлатларининг, ижтимоий-иқтисодий йўналишлари Ғарб ва Шарқ давлатлари оралиқларидаги шароитларни ўз ичига олади.

Бироқ ғарб қадриятларининг бир неча қисми, айниқса, индивидуализм ва прагматизм устун бўлган саноатлашган жамиятларда шаклланган қадриятлар, шунингдек, суверен давлатлар, Африка ва Осиёдаги давлатларнинг анъанавий ва этник қадриятларига қарама-қарши бўлмоқда. Ҳатто Европанинг ўзида протестант Шимолий Европага хос барча қадриятлар католик давлатлар учун нормал ҳолат ҳисобланавермайди. Бунга жавоб сифатида XX асрнинг 90-йилларида глобаллашишга қарши ҳаракатлар бошланди.

Глобаллашишга қарши ҳаракатлар ҳатто Европа давлатларида ҳам тез-тез акс этмоқда, улар америкача маданиятларга бўйсунушга қаршилиқ қилмоқдалар, чунки Америка уларга фақат жинси ва «Мак-Дональдс»нигина таклиф қилаётгани йўқ, шу билан бирга, Голливуд асарлари орқали ўзларининг яшаш ва турмуш тарзларини ҳам тарғибот қилмоқдалар, онг-тафаккурларига сингдирмоқдалар. Шунингдек, Европа давлатларининг миллатчилари ҳам ўзларининг жамиятидаги анъанавий ва этник қадриятларни сақлаб қолишга интиломоқдалар. Осиё ва Африкадаги давлатлардаги миллатчилар ҳам ушбу йўналишларда фаол ҳаракат қилмоқдалар. Мукамал гендер тенглик, инсонпарварликнинг таназулга юз тутиши, атеизм, меритократия (иерархик нуфузига эмас, аниқ ишларига қараб ҳурмат қилиш) ва демократия (омма фикри нуфузли кишининг фикрига нисбатан муҳим ҳисобланадиган), ҳуқуқий жавобгарликларга устунлик бериш ва анъанавий ҳамда этник қоидаларни сақлаш, аграр ёки аграр-индустриал даражалардаги жамиятлар ва ҳукумат тепасида ҳанузгача анъаналарга риоя қиладиганлар учун ҳар қандай шароитларда бўлса ҳам қабул қилмайди.

Эътиборберинг!

Умуман олганда, ғарб қадриятлари дунёни ўзгартириш ва қайта шакллантириш («инсоният тараққиёти» сифатидатушунтирилади)га қаратилади, Шарқ қадриятлари эса дунё қандай бўлса, шундай ҳолатдасақлаш керак деган тушунчаларга асосланган. Ғарб қадриятлари табиатни ўзгартиришни, турлантиришни хоҳласа (илмий техника тараққиёти асосида), Шарқ қадриятлари эса табиат билан уйғун ҳолда яшашни асосий тамойил сифатида кўндаланг кўяди. Ғарб қадриятида ҳар бир жисмоний шахсларнинг шахсий, индивидуал мавқеи ва эркинликлари асосий ўринга қўйилса, шарқ қадриятларида эса яқин қариндошлар ва кўни-қўш нилар, диний жамоалар афзал ҳисобланади.

Албатта, ғарб жамиятининг бундай анъаналари ва этник маданий қадриятлари шарқ давлатларида «ахлоққа зид» деган танқидларга учраб, қаршилиқларга рўбаро келмоқда. Ғарб қадриятлари шарқ давлатларида глобаллашув, халқаро меҳнат бозори ва молия, ғарб университетлари, оммавий маданият ҳамда Интернет орқали кириб келмоқда. Танқидга учраган бегона қадриятлар кўп ҳолларда «маънавийга қарши» ва «ахлоққа зид» дея тавсифланади.

Маънавий-ахлоқий анъаналар маданий мерослар воситаси сифатида. Бегона маданиятларнинг қадриятлари инсоннинг ички дунёсига кириш орқали унинг онгига сингиш қобилиятига эга. Бироқ кўп

қолларди анъанавий ва этник қадриятлар (маънавий-ахлоқий анъаналар) асосан оилавий ахлоқий тарбиялар орқали берилади, бегона, ёт қадриятларнинг кириб келишига қарши ишончли ҳимоя бўлади. Глобаллашиш шароитида кўп ҳолларда ғарбдан бошқа давлатларда анъанавий динлар пайдо бўлди ва шаклланди, шунга кўра диний тарбиялар ҳам устунликка эга бўлди. Шу даврда анъаналар ва этник қадриятлар пайдо бўлиб, этносларнинг тўлиқ сақланиб қолишига муҳим таъсир кўрсатди.

Маънавий-ахлоқий анъаналар мерос маданиятларининг қиймати сифатида, яъни жамиятдаги маданий ҳамоҳанглик, одамлар ўртасидаги алоҳида маънавий алоқаларни қарор топтиради. Бу анъанавий жамиятда кенг тарқалаётган халқаро глобаллашиш жараёнларига қарши чиқадиган зарурий шартлар ҳисобланади.

Глобаллашиш даврида анъанавий жамиятнинг асосий қадриятлари сифатида ўз динига содиқлик, оила ва жамоа аҳлига содиқлик, жамоадошлик, ўзаро ёрдам, ватанга бўлган муҳаббат (ватанпарварлик), ахлоқ (ғарбда ҳамма учун мумкин деган тушунгчаларга қарши чиқа оладиган), катталар ҳурмати, анъаналар ва этник қадриятларнинг сақланиши киради. Ғарб маданиятида қоидалардан воз кечиш фалсафа тамойиллари ва постмодернизм ҳаракатларига айланган даврда, қоидаларнинг сақланиши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Диний фанатизм ғарб қадриятларини тан олмасликнинг жиддий шакли сифатида. Ғарбда кенг тарқалган ҳаддан ташқари либерал-демократик қадриятлар шаклларини қабул қилмаслик, мана шундай қадриятларни тарқатувчиларга қарши чиқиш (аниқ мисол — Эронда рўй берган ислом инқилоби, Ғарбнинг тарафдори бўлган шоҳ ҳукуматига қаратилган) реакцион миллатчиликка ва диний фанатизм ҳамда қуролли қўзғолонларга олиб келган.

Анъанавий мусулмонча қоидалар кўпгина постмустанлака давлатлардаги ғарб қонунлари таъсирида қабул қилинган замонавий қонун талабларига зид келади. Ривожланаётган давлатларда эса асосан суверен ва мусулмонча (шариат) ҳамда одатий (урф-одатлар) ҳуқуқлар ҳукмронлик қилади. Радикал ислом экстремистик усуллар орқали суверен ва ҳуқуқий жамиятга барҳам бериб, унинг ўрнига фақат шариат ҳукмронлик қиладиган давлат қарор топтириш мақсадида бўлди.

Либерал-демократик жамиятнинг диний фанатизмнинг тарқалишига қарши реакциялари. Мусулмон халқларнинг сони кўп бўлган постмустанлака давлатларда ислом динининг аҳамияти ошиши, ғарб олимларини «тамаддунлар тўқнашуви» (мусулмонлар ва ғарб ўртасида) тўғрисида фикр юритишга мажбур қилмоқда, бу олдинги капиталистик ва социалистик қарама-қарши тизимлар ўрнини эгаллаган, янги глобал қаршиликлар бўлмоқда. Бу каби қарама-қаршиликларнинг кучайиши кўп ҳолларда амалга ошмаган ғарб (капиталистик (либерал) шу билан бирга, социалистик) модернизация қоидалари натижалари туфайли вужудга келмоқда.

Радикал ислом ташкилотларининг террористик ҳаракатлари, Америка ва Европада исломофобия (ислом ва мусулмонларга нисбатан салбий қарашлар)нинг кучайишига олиб келди, бунга 2001 йил 11 сентябрдан (АҚШдаги йирик террорлик ҳаракатдан кейин) кейин НАТОнинг Афғонистондаги Толлибонлар ислом ҳаракатига қарши антитеррор операцияларига тайёргарликларнинг олиб борилганлигини мисол тариқасида келтириш мумкин. Радикал исломчиларнинг ҳаракатларидан хавфсираган ғарб дунёси НАТОнинг Афғонистонга ҳужумини бир овоздан қўллаб-қувватладилар, шу кунгача ушбу ташкилотга аъзо йигирма давлат Кенгаш Иттифоқининг Афғонистонга афғон «коммунистик» ҳукуматининг илтимосига кўра қўшинлар киритишини қоралаган эди. Кейинги йилларда исломофобиянинг кучайишига Яқин Шарқдаги маҳаллий урушлардан бош олиб Европага қочган қочқинлар сони ҳам ҳисса қўшмоқдалар. Агар бундан ўн йиллар олдин Европада ҳар хил маданий (диний ва этник) жамоаларнинг тинч ва осуда яшашини қўллаб-қувватлайдиган мультикултуризм сиёсати устун бўлса, эндиликда («тамаддунлар тўқнашуви» назариялари таъсиридан ҳоли ҳолда) мультикултуризм сиёсатининг «инқироз»га учраганлиги, мусулмонларнинг Европага бетиним кўчишидан Европа қиёфаси ўзгаришларга юз тутиб, ҳатто ғарб тамаддунига хавф солинаётганлиги айтилмоқда. Европада реакцион миллатчиликка риоя қиладиган, ҳатто ирқчилик тамойилларига амал қиладиган ўнг сиёсий партияларнинг сони ўсмоқда.

Билмингизнитекширинг

1. Саноатлашган жамиятнинг шаклланиши даврида умуминсоний ва анъанавий қадриятларнинг инқирозга учраши сабаби нималарда эди?
2. Ривожланган саноатлашган жамиятлардаги (истеъмомчилар жамиятида) қадриятларга ўзгартиришлар киритиш қандай шароитларда кечади? Мисоллар келтиринг.
3. Глобаллашиш шароитида анъанавий ва этник қадриятлар қандай хатарларга учрайди?
4. Диний фанатизм нимаси билан хавфли?

Топшириқ

1. 1960—2010 йиллардаги ёшларнинг субмаданиятларидан бири ҳақида тақдимот тайёрланг.

2. Ҳозирги замонда ғарбдаги постиндустриал жамият ва глобаллашиш жараёнларини қуйидагича ёндашувлар асосида тавсифланг:

- 1) истеъмомчи одам;
- 2) ҳаддан ташқари индивидуалист ва прагматик;
- 3) нигилист;
- 4) диний фанат;
- 5) глобаллашувчи;
- 6) глобаллашишга қарши чиқувчи;
- 7) исломофобия;
- 8) музокарачи;
- 9) миллатчи;
- 10) шахсан ўзиники.

АТАМАЛАР ЛУҒАТИ

Абстракционизм — шакл ва ҳақиқатдан тамоман воз кечиб, ранг ва тизим мувофиқликларини кўзлайдиган модерн санъат оқими. Бу оқим намунаси экспрессив абстракционизм ҳисобланади. XX асрнинг 1960 йилларигача тасвирий санъатда устувор йўналишга эга бўлган.

Авангардизм (авангард) — модерн бадиий оқим, бу оқимга анъаналар орқали шаклланган ёндошувларга қарши, полемик («исёнкор») шаклларда тасвирланадиган дастурий хусусиятлар хос.

Фуқаролар уруши — давлат ичидаги ижтимоий зиддиятларни ҳал қилишнинг мураккаб шакли, у уюшган гуруҳлар ёки илгари қайсидир давлат таркибида бўлган миллатлар ўртасида кенг кўламда қуролли қаршиликлар олиб бориш. Қарши томон мақсади, давлатдаги ёки айрим ҳудудлардаги ҳокимиятни босиб олиш.

Апартеид — ирқий камситишларнинг энг оғир шакли. Аҳолининг муайян гуруҳдан чиққан ирқларга боғлиқ сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум қилиб, ҳатто ҳудудий жиҳатдан алоҳида ажратишгача учраши.

Ар-деко — XX асрдаги экспрессионис усуллар ва техника ютуқларидан фойдаланган ҳолда ўзига хос хусусиятлари билан алоҳида ажралиб турадиган модерн санъатидаги услуб.

Ар-нуво (санъатда) — Модерн. (қаранг).

Барокко — Европа санъатида XVI аср охирлари ва XVIII аср бошларигача ҳукмрон бўлган ва абсолютизмнинг ривожланиши ҳамда Маърифатпарварлик даври билан бирга пайдо бўлган услуб. Байрамона, «тантанали» хусусиятларига кўра фарқ қилади. Меъморчилик, мусиқа ва тасвирий санъатда алоҳида акс этган.

Оммавий маданият — бу маданият одамларнинг катта қисми дидига мослаштирилган, кўпгина ҳар хил нусхалар орқали кўпайтириладиган ва замонавий техникалар ёрдамида тарқатиладиган маданият.

Барвар — римликлар ва юнонлар каби, чегарадан ташқаридаги номаълум халқлар шундай аталган. Улар Рим давлатидан бошқа ҳудудларда яшаган герман қабилалари, кельтлар (бритлар, скотлар, пиклар) славянлар бўлган.

Виртуал музей — рақамли шакллардан ҳаққоний турда ва уларнинг намуналарини яратиш, сақлаш ва экспонат қилиш (намойиш этиш) ишлари билан шуғулланадиган ташкилот.

Гиперреализм (суперреализм, фотореализм каби) — XX аср охирлари ва XXI аср бошларида мавжуд бўлган санъатдаги оқимлардан бири, у рассомлардан объектларни янгилашда имкон қадар фотосуратда аниқликлар мавжуд бўлишини талаб қилади.

Готика (готик усул) — ўрта асрлар охирларида санъатда пайдо бўлган Европадаги олий усул, «яратганни тан оладиган» ва диний йўналишлар билан фарқ қилади.

Суверенитет — давлатнинг ички ва ташқи ишлар муносабатларида бошқа давлатлардан мустақил бўлиши.

Диктатура — чекланмаган ҳокимият, давлат бошқарувини демократияга хилоф йўллар орқали бошқариш.

Умуминсоний (абадий, оммавий) қадриятлар — жамият тараққиётида аниқ тарихий даврлар ёки қандайдир этник анъаналар билан алоқадор бўлмаган ва қадрият сифатида барча маданий шаклларни янгилайдиган қадриятлар.

Ёшлар субмаданияти — ёшларнинг оммавий истеъмолчи психологиясига, жамият қоидалари ва қадриятларига нисбатан ўзига хос қаршиликлари белгиси сифатида тузган алоҳида маданияти.

Олий (бадиий) усул — вужудига барча санъат турларини тўплаган, жумладан, адабиётни ҳам ўз таркибига олган санъат йўналиши.

Импичмент — олий мартабали шахсларни жавобгарликка тортиш ҳамда хизматдан четлаштиришнинг алоҳида тартиби.

Импрессионизм (французча Impression — «таъсир») — реал ҳаёт ва унинг ўзгарувчанлиги ва ўзгартувчанлигини тасвирлашга интилиш орқали ажралиб турадиган, бир муддат таъсир кўрсатадиган тасвирий санъатнинг модерн усули.

Капитализм — 1) бозор иқтисодиёти; 2) (марксизмда) феодализмнинг ўрнига келадиган ва коммунизмни кутиб оладиган формация.

Капитуляция (нем. Kapitulation) — Қарши томонлар ўртасида қуроли курашларнинг тўхтатилиши тўғрисидаги халқаро ҳуқуқий битим — қуроли курашларнинг тўхтатилиши ва урушаётган томонлардан бирининг таслими. Мағлуб бўлган томон қонун бўйича бевосита бажариши шарт бўлган фойдали шартларни қўлга киритишга интилади.

Коалиция (лотин. coalitio — «иттифоқ») — ихтиёрий равишда бир неча шахсларнинг (шахслардан иборат гуруҳлар) (масалан: давлат, ташкилот, сиёсий партиялар) муайян мақсадларга эришиш йўлларида бирлашиши. Бошқа бирлашишларга қараганда, коалициянинг ҳар бир аъзоси коалицияга тааллуқли бўлмаган ишларда ўз мустақилликларини сақлаб қолади. Мақсадларига эришгандан кейин коалиция тарқалиб кетиши мумкин.

Коалиция ҳукумати — бир неча сиёсий партия вакилларидан иборат ҳукумат.

Колония (лотин. colōnia «жойлашиш») — алоҳида тартиблар асосида бошқариладиган, мустақил сиёсий ва иқтисодий ҳокимиятга эга бўлмаган, чет давлатлар бошқарувидаги (метрополия), мустамлака ҳудуд.

Конвенция — халқаро битимларнинг ҳар хиллиги; сулҳ.

Конгломерат — бир неча кичик ва ўрта, бир-бири билан ишлаб чиқаришга доир алоқа ўрнатмаган корхоналар бирлашмаси.

Китч (санъатда) — оммавий маданиятдаги тимсоллардан фойдаланиш, истеъмомчи дидига қаратилган ва ҳеч қандай ички мазмунларга эга бўлмаган, таъсир кўрсатишда афзалликларни шакллантириш орқали фарқ қиладиган йўналиш. У поп-артдан кескин фарқ қилади.

Классицизм — XVII—XIX асрлардаги фалсафий рационализм ғояси ва антика санъат меросларига асосланган Европа санъатидаги усул. Айниқса, меъморчилик санъатида, мусиқа ва адабиётда яққол кузатилади.

Каллиграфия — тасвирий санъат турларидан бири, муҳрларни ёрқин, уйғун ва моҳирона намунада тасвирлаш санъати. Айниқса, ислом, хитой, япон, христиан (ўрта асрлар) санъатида кенг тарқалган.

Кубизм — модерн санъатдаги авангард оқим, оддий геометрик формаларни аниқлашга мослашувчан ва улардан кенг текислик форма ҳажмини тузиш.

Қадрият — ашё ва ҳодисаларнинг муҳимлиги ва моҳиятини англатадиган тавсиф.

Қадриятлар тизими — жамиятда нималарнинг яхши, тўғри ёки муҳим эканлигини англатадиган тушунчалар устунлиги. Ҳар қандай тақдирда жамиятдаги қадриятлар тизими кўринишлари уларда шаклланган тамойилларга (қоидалар ва ҳаракатлар тамойилларига) мос келади.

Маданият — 1) ҳаёт акси, инсонлар ҳаракатининг акси ва ҳаракатларни қабул қилиш омиллари, қоидалари, ашёларда акс эттириладиган, моддий тарқатувчи ва келгуси авлодларга бериладиган, жамият ва инсоннинг тарихий тараққиётларини акс эттирадиган муайян даражалари, моддий ва маънавий қадриятлар мажмуи; 2) ўзига хос қиёфалар билан ажралиб турадиган барча жамият.

Модерн (ар-нуво) — янги технологияларга қизиқиши орқали ажралиб турадиган, симметрия ва декоратив хусусиятлардан воз кечган, модерн оқим усули. Архитектурада ва декоратив-амалий санъат ҳамда театр санъати соҳаларида алоҳида кўзга ташланади.

Модернизм — XIX аср охири ва XX аср бошларидаги бадиий оқимлар ва янги ижодиёт шакллари ўз ичига олган, ҳақиқатга яқин қоидалар ҳамда классицизм ва реализмни инкор этадиган, рассомнинг эркин қарашларини ҳамда янгиликларини қўллаб-қувватлайдиган Европа санъатидаги кенг кўламли йўналиши ва моҳир усул.

Монументал санъат — меъморчилик ёки табиий муҳит ҳамоҳанглигида тузилган, катта шаклли бадий асар: ёдгорликлар ва мемориал ҳайкал композициялар, ранг-тасвир ва мазоик паннолар, витражлар.

Мультикультурализм — Ғарбий Европадаги полиэтник давлатлардаги тенг ҳуқуқларни таъминлашга, тинч-осойишта яшашга ва барча маданиятларни бир хил ривожлантиришга (этнослар ва этник гуруҳлар) йўналтирилган сиёсат.

Музей — табиатшунослик тарихи ёдгорликлари билан, моддий ва маънавий маданият ёдгорликларини тўплаш, ўрганиш, асраш ва экспорт қилиш ишлари билан шуғулланадиган идора.

Санъат тўплами — бир неча санъат турларининг битта асарга ёки янги санъат турига (масалан, опера мусиқа, адабиёт, тасвирий санъат, вокал санъати ва театрларни бирлаштиради) бирлашиши.

Пацифизм — 1) зўравонликларга қарши, ижтимоий ҳамкорликларни қўллаб-қувватлайдиган, бутун дунёда тинчликни ҳимоя қиладиган ғояларга асосланган дунёқараш; 2) ташқи босқинчилик сиёсат ва милитаризмни ахлоқий-этноик жиҳатдан айблаб, қаршилиқ қилувчи ижтимоий-сиёсий ҳаракат.

Поп-арт — XX аср ўрталаридаги санъатда кенг халқ оммаси ва оммавий хусусиятларга эга умуммаданиятга мослаштирилган модернизм усули.

Постмодернизм — XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI аср бошларида фалсафа ва санъатда модернизмнинг ўрнига келган йўналиш. Постмодернизмнинг асосий ғояси — ар хил маданиятлар, усуллар ва йўналишларнинг аралашуви. Тасвирий санъатда постмодернистик оқим концептуал санъат (қаранг) ҳисобланади.

Прагматизм — фаол ҳаракатларга интилиш ва ҳаётдан олинган ижобий натижалар асосида қадамлар ва қарашларни шакллантириш, одамларни ўзларининг ҳаракатлари самарали эканлигига қизиқтириш.

Пуризм (санъатда) — декорацияларни камайтирган ҳолда, соф геометрик шакллардан фойдаланишга интиладиган модернизм оқими.

Ратификация — давлатнинг ваколатли вакили, шунингдек, халқаро конвенция имзолаган халқаро битимларни давлат ҳокимиятининг олий органи томонидан тасдиқланиши.

Репрессия — давлат органлари томонидан олиб бориладиган жазо чоралари, жазолаш.

Ислоҳотчилик (реформация) — ўрта асрлар Европасида аграр жамият инқирозга учрагандан кейин пайдо бўлган, католиклар черковлари устидан ислоҳотлар олиб боришга қаратилган, мана шу каби ҳаракатлар орқали протестант ва миллий давлатларнинг вужудга келишига олиб келган, натижада черковларнинг аҳамияти пасайган, диний ва ижтимоий ҳаракат.

Романтизм — XVIII аср охири ва XIX асрнинг биринчи ярмидаги идеалистик фалсафа ва ижодий культларга очиқ, исёнкор шахсни тасвирлашга асосланган, Европа санъатидаги усул. Адабиёт ва мусиқада ҳамда тасвирий санъатда алоҳида акс этган.

Маънавий қадриятлар — дин, тил, анъана, урф-одатлар ва йўл-йўриқлар, фольклор, косибчилик ва ҳунармандчилик, санъат, илмий таълим, маънавий-ахлоқий қадриятлар.

Маънавий-ахлоқий қадриятлар — ахлоқий ва эстетик идеаллар, ҳаёт мазмуни ва бахт-саодати, раҳмдиллик, бурч, жавобгарлик, қоидалар ва ҳаракатлар намуналари.

Санкция — халқаро ҳуқуқ — халқаро мажбуриятларни ёки халқаро қонун-қоидаларни бузган ҳолатларда давлатларга жорий этиладиган ҳаракат чора-тадбирлари.

Сегрегация — қора танли ва оқ танли халқларнинг бир жойда яшашини хоҳламайдиган, уларни мажбурий равишда ажратадиган, уларнинг битта транспорт воситасидан фойдаланишига, бўш пайтларида ёки дам олиш кунларида бирга ҳордиқ чиқаришларини таъқиқлаш, ирқий камситишлардан бир тури.

Секуляризация — (кейинги латин. *saecularis* — халқаро, суверен) — тарих фанида черковдан, диний идоралардан бирор нарсаларни ажратиб олиб, уни суверен, фуқаролар бошқарувига топшириш. Асосан давлатнинг черковлардан унинг ерлари ва бошқа мулкларини олишга боғлиқ ҳолда қўлланилади.

Сепаратизм — алоҳида ажралиб чиқишга, бўлиниб чиқишга интилиш.

Сепарат битим — давлатнинг ўз иттифоқдошлари ва ҳамкорларидан алоҳида ҳолда тузган битимлари.

Символизм (санъатда) — ғоялар ва ҳис-туйғуларни рамзлар (символлар) ёрдами орқали бадиий жиҳатдан тасвирлашга интиладиган, Европа санъатига мансуб модерн усул. Адабиёт ва тасвирий санъатда алоҳида акс этган.

Сюрреализм — санъат ғояси беъманилик (ҳиссиёт, туш кўриш, галлюцинация) деб ҳисоблайдиган модернизм оқими.

Тоталитаризм — давлат томонидан жамиятдаги барча соҳаларни мукамал (оммавий) равишда назоратга олишни англатадиган сиёсий тизим, амалда конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларга барҳам бериш, мухолифат ва бошқача фикр юритувчиларга қарши қотоғонлик.

Истеъмолчилар жамияти (оммавий истеъмол) — саноатлашган жамиятнинг юқори тараққиёт даври, бунга маҳсулотларнинг сероблиги, аҳолининг катта қисмини ташкил этадиган, ўртача синфнинг ҳаёт тарзи юқорилиги ва нормаллиги, оммавий маданиятнинг устунлиги ва аҳолининг истеъмол психологияси хос.

Истеъмолчилар психологияси (истеъмолчилик, консюмеризм) — инсоннинг бирор нарсаларни сотиб олишда ўзини қўлга ололмайдиган зарарли унсур, кўп ҳолларда бу каби харидлар эҳтиёжмандлик туфайли эмас, нуфузли ижтимоий гуруҳлар даражасига яқинлашиш мақсадида вужудга келади.

Фашизм — экстремистик этномиллатчиликка, ирқчиликка, ксенофобияга ва босқинчиликларга асосланган, мураккаб ўнгчил этномиллатчилик мафкураларининг, ҳаракатлар ва диктатуранинг умумий номи. Бугунги кунда неофашизм шаклида намоён бўлмоқда.

Федерация — давлат тузуми шакли, унга кўра давлат таркибига кирувчи федерал бирликлар (ерлар, штатлар, республикалар ва бошқалар) мустақил конституциялари, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органларига эга бўлади. Федерацияда ягона конституция, давлат бошқарув органларининг ягона иттифоқи (федерал) бўлади, ягона фуқаролик, умумий пул бирликлари ва бошқалар сақланади.

Фигурали санъат — реал ҳаёт ашёларини, айниқса, инсонлар ва ҳайвонларни тасвирлашга қаратилган, замонавий тасвирий санъат.

Хай-тек — дизайн ва архитектурадаги замонавий усул, техника, металл ва пластикдан фойдаланиш орқали фарқ қилади.

Халқ демократияси давлатлари — социализм намунасини шакллантирган, Марказий ва Жанубий-Шарқий Европа давлатлари, улар кенгаш намуналаридан фарқ қилади. Халқ демократияси собиқ ҳукмрон доира вакилларининг сайлов ҳуқуқларини, ерга мулкӣ ҳуқуқларини, миллий мулк сифатида ўтказилган мулкларга устама ҳақ тўлаш, расмий сиёсий плюрализм хусусиятларини аста-секин шакллантириш хос.

Хартия (латин. *charta*, юнон. *χάρτης* — қоғоз, грамота), Ўрта асрлар ва Янги Замон даврида ижтимоий гуруҳлар ва синфларнинг талаблари акс эттирилган, оммавий ҳуқуқ хусусиятга эга (конституция ва бошқа ҳужжатлар) бир неча ҳужжатларнинг номи. Янги замон даврида халқаро ҳуқуқий хартиялар — бу мажбурий кучга эга бўлмаган, маъносига кўра декларацияга яқин ва асосий мазмунни шакллантирадиган ҳамда қандайдир халқаро субъектларнинг сиёсий ва ҳуқуқий муносабатлари битимининг ҳуқуқий ҳужжати.

Экспрессионизм — рассом томондан эмоцияга алоҳида эътибор қаратиладиган модернизмдаги оқим.



Учебное издание

**Каирбекова Розалия Равильевна
Тимченко Сергей Васильевич
Джандосова Заринэ Алиевна**

ВСЕМИРНАЯ ИСТОРИЯ

Часть 2

Учебник для 10 классов
общественно-гуманитарного направления
общеобразовательных школ
(на узбекском языке)

Муҳаррир *Ю. Файзиева, Ш. Айходжаева*
Бадий муҳаррир *А. Ақил*
Техник муҳаррир *И. Тарапунец*
Компьютерда саҳифаловчи *Г. Алимшеева*

Нашриётга 2003 йил 7 июлда Қозоғистон Республикаси Таълим ва фан
министрлигининг № 0000001 сонли давлат лицензияси берилган

ИБ № 6066

Нашрга 03.09.19 имзо қўйилган. Ҳажми $70 \times 100^{1/16}$. Офсет қоғоз.
Ҳарф тури «SchoolBook Kza». Офсет нашр. Шартли босма табоғи 15,48.
Шартли рангли лавҳаси 62,57. Ҳисоб нашр табоғи 12,30. Адади 2500 дона.
Буюртма №

«Мектеп» нашриёти, 050009, Алматы шаҳри, Абай шоҳ кўчаси, 143-уй
Факс: 8(727) 394-37-58, 394-42-30
Тел.: 8(727) 394-41-76, 394-42-34
E-mail: mektep@mail.ru
Web-site: www.mektep.kz

